

ЖОН БИВЕР

БОЗОРГИР КИТОБЛАР МУАЛЛИФИ

**ХУДОНИНГ
ҚАРШИСИДА ТИТРАШ**

СОҒЛОМ ТАРЗДА ХУДОДАН
ҚЎРҚИШ ОРҚАЛИ ҲАЁТНИ ҚАЙТА
ЎЗГАРТИРИШНИНГ АЖОЙИБ ЙЎЛИ


Қадрдон дўстим!

Одатда титроқни, қўрқув ва ҳайрат билан қоришган эҳтиромли ҳурмат туйғуси сифатида таърифлашади. Бу ҳар бир хизматчи излаши керак бўлган, Худо қаршисидаги соғлом, эҳтиромли, муқаддас қўрқувдир, чунки Худонинг ҳар бир ваъдасининг асосида айнан Худонинг қаршисида титраш мужассам.

Бу қўрқувнинг фойдаси катта, у теран донолик, Худо билан яқинлик, узоқ умр кўриш, ифтихор, хавфсизлик ва абадий меросни яратишни ўз ичига олади. Ёзувда Худога итоаткорлик ва ҳақиқатда қатъият билан интилувчиларга, У қандай яқинлашиши ҳақида аниқ айтилган. Исо бу фазилатни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ қадрлаган ва биз ҳам шундай йўл тутишимиз оқилона бўлади.

Мен сизни, масиҳийлик динида бўлган кулранг зерикарли ҳаётни, бошқа қўрқув ва ташвишлардан холи бўлган, Худо билан яқин, узоқ муддатли, аҳамиятли, самарали ва мазмунга тўла муносабатларга алмашишга даъват этаман.

Масиҳдаги сизнинг биродарингиз



Жон
JohnBevere@ymail.com



MessengerX



Messenger
INTERNATIONAL

ХУДОНИНГ ҚАРШИ СИДА ТИТРАШ

СОҒЛОМ ТАРЗДА ХУДОДАН
ҚЎРҚИШ ОРҚАЛИ ҲАЁТНИ ҚАЙТА
ЎЗГАРТИРИШНИНГ АЖОЙИБ ЙЎЛИ

ЖОН БИВЕР

The Awe of God, Uzbek, by John P. Bevere

Copyright © 2024 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Originally published in English as *The Awe of God*

ISBN: 978–1–400–33670–8

Author photo © Meshalli Mitchell

Additional resources in Russian are available for free download and video streaming at **MessengerX.com** and on the **MessengerX** App

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is NOT FOR SALE

“Худонинг қаршисида титраш” Жон Бивер, ўзбек тилида

Copyright © 2024 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Дастлаб «Awe of God» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.

ISBN: 978–1–400–33670–8


Расм муаллифи © Meshalli Mitchell

Жон ва Лиза Бивернинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини

MessengerX.com ва **MessengerX** иловасида бепул юклаб олишингиз ва оқимли хабарларни кўришингиз мумкин.

Муаллифнинг электрон почта манзили: JohnBevere@ymail.com

Бу китоб – “Messenger International” хизматидан совға бўлиб, СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг савдо белгисидир.

Google Play ва Google Play логотипи Google LLC.нинг савдо белгиси ҳисобланади.

*Менинг ажойиб рафиқам, энг аъло дўстим ва
қимматбаҳо севгим –
Лиза Биверга.*

*“Раббийдан қўрқадиган хотин мақтовга лойиқдир”.
Ҳикматлар 31:30*

*Мен ушбу китобни бизнинг оилавий ҳаётимизнинг
қирқ йиллигида ёздим. Ҳар йилим, сен билан фақат
аъло бўлмоқда ва агар, менга яна имконият
берилганда, мен ўйламасдан қайта сенга ўланган
бўлар эдим. Сен менинг юрагимга туҳфа қилаётган
завқу-шавқ ва қувончни ифодалашга сўз етмайди.*

*Сенинг севгинг ва қўллаб-қувватлашингсиз
мен бугунгидек эркак бўлмаган бўлар эдим. Сен
доно, хушчақчақ, мафтункор, кучли, жасур ва
жозибаторсан.*

Мен сени умрбод севаман.

МУНДАРИЖА

Ушбу китоб бўйлаб қандай саёҳат қилиш мумкин.....	IX
Муқаддима	XIII

1-ҲАФТА. ҚУДРАТЛИ ХУДО

1. Худонинг хазинаси	3
2. Қутбий қўрқувлар	9
3. Худонинг муқаддас қўрқуви нима?	15
4. Худонинг сезиларли ҳузури	21
5. Унутилмас кечги хизмат	27
6. Худо ҳақида мушоҳада қилиш	33
7. Худонинг шуҳрати	39

2-ҲАФТА. ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

8. Сизнинг қадрингиз	47
9. Ўлим билан тўқнашув	53
10. Худо мен ҳақимда унутди	59
11. Қўрқув ва титроқ	65
12. Юқумли иккиюзламачилик	71
13. Учта қиёфа	77
14. Абадий қарорлар	83

3-ҲАФТА. ЕНГИЛМАС МУҚАДДАСЛИК

15. Инсондан қўрқиш	91
16. Ҳуқуқ	97
17. Ёвузликдан узоқлашинг	103
18. Узоқ умр кўриш	109
19. Ўзимизни тозалаймиз.....	115
20. Бизнинг мақсадимиз	121
21. Истак ва куч	127

4-ҲАФТА. ХУДОНИНГ СЎЗИГА БИЗНИНГ ЖАВОБИМИЗ

22. Худонинг Сўзи қаршисида титраш.....	135
23. Дарҳол	141
24. Бунда ҳеч қандай маъно йўқ	147
25. Ҳеч қандай ошкора манфаат йўқ.....	153
26. Хайрли оғриқ.....	159
27. Амалга ошди	165
28. Қандай қилиб виждоннинг овозини ўчириш	171

5-ҲАФТА. ХУДО БИЛАН ЯҚИНЛИК

29. Яқинлик қаерда бошланади	179
30. Бу бошқа Исо.....	185
31. Мен сизларни билмайман	191
32. Раббийнинг сири.....	197
33. Махфий маълумот	203
34. Юзма-юз	209
35. Сизлар менинг дўстларимсиз	215

6-ҲАФТА. ХАЗИНАДАН ФОЙДА

36. Унинг ваъдаларининг тасдиқланиши.....	223
37. Бошқа қўрқувларни бартараф қилувчи қўрқув	229
38. Мерос	235
39. Энг муҳими	241
40. Муваффақиятли ҳаёт	249
41. Яқуний босқич.....	255
42. Хазинани қўлга киритиш	261
<i>Илова. Худонинг улуғворлигига назар солиш.....</i>	<i>271</i>

УШБУ КИТОБ БЎЙЛАБ ҚАНДАЙ САЁҲАТ ҚИЛИШ МУМКИН

Қадрли китобхон!

Бу шунчаки навбатдаги мактуб эмас, аммо сиз ишонсангиз ва унга мувофиқ ҳаракат қилсангиз, сизни умрбод ўзгартирадиган ҳаётий муҳим мактубдир. Мен бунга аминман, чунки бу ҳақиқатлар менинг ҳаётимни ва кўплаб бошқа инсонларнинг ҳаётини ўзгартирган. Ҳар дафъа мендан маслаҳат беришимни сўрашганларида – хоҳ никоҳ, оила ёки хизмат масалалари бўлсин, мен дарҳол ушбу китобда ёзилганларга муурожаат қиламан.

Ушбу мактуб муҳим аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, уни сизларга етказиш учун мушоҳадали ибодатларда кўп вақт ўтказдим. Замонавий ҳаётнинг мароми ва суръатини – бизнинг жадвалимизга қўйиладиган талаблар ва ҳаракат қилаётган тез суръатни ҳисобга олган ҳолда, сиз ушбу қисқа матнлар юзасидан чуқур мулоҳаза қила олишингиз учун мослаш ва бу ҳақиқатларни кичик ҳажмларда етказиш зарурлигини ҳис қилдим.

Бир қарашда, бу ҳар кунлик қисқа Инжил мулоҳазалари китоби деб ўйлаш мумкин, лекин сизни ишонтираманки, бундай эмас. Тўшунтиришимга ижозат беринг. Инжил мулоҳазалари китоби, одатда ҳар бир кун учун турли мавзуларни таклиф қилиб, улар ихтиёрий тарзда қисқа тизимли хабар билан бирлаштирилган. Гарчи бу китоб қисқа Инжил мулоҳазалари китобига ўхшаш бўлсада, лекин ҳар бир кун олдинги кундаги бобга қурилиб, одатда тўлиқ бадиий бўлмаган китобда топиш

мумкин бўлган нарсани шакллантиради. Унинг афзаллиги шундан иборатки, уни қандай ўқишни ўзингиз ҳал қилишингиз мумкин. Албатта, агар истасангиз, уни бир ёки икки кунда ўқиб чиқиш мумкин. Лекин уни олти ҳафта (кунига бир бобдан) ёки уч ҳафта эрталаб бир боб ва кечқурун бир бобдан) ўқишни қатъий тавсия этаман.

Ҳар бир бобнинг охирида “Буни шахсий қилиб олинг” бўлимида сиз ўқишдан оладиган фойдангизни оширишга ёрдам берадиган бешта воситани топасиз. Унда қуйидаги бешта банд санаб ўтилган:

- 1. Инжил ояти.** Мен Муқаддас Ёзувдан, бир кундаги мактубнинг умумий мазмунида муҳим бўлган парчани келтираман. Эҳтимол, у бобнинг асосий матнида бўлмаслиги мумкин, лекин бу унинг мазмунини кучайтиради. Ушбу парчаларни ёдлашни қатъий тавсия этаман.
- 2. Маъноси.** Бу мазкур бобдаги асосий фикр бўлиб, унинг муҳимлигини етказиш учун ажратиб кўрсатилган. Такрорлаш унинг самарадорлигини кучайтиради ва сиз мазкур бобга қайта қараганингизда, бу сизга қисқача баённи беради.
- 3. Фикр юритиш.** Бу ниҳоятда муҳим. Саночи айтади: “Сенинг амрларинг ҳақида фикр юритаман, Сенинг йўлларингга диққат билан қарайман” (Сано 118:15). Биз Худонинг Сўзи ҳозирги ҳолатимизга қандай татбиқ этилиши ҳақида мулоҳаза қиламиз, миямизда айлантирамиз. Биз шундай йўл тутиб, гуллаб-яшнаймиз ва муваффақиятга эга бўламиз деб ёзилган (Иешуа Нун ўғли 1:8, Сано 1 ва Тимўтийга 4:15 га қаранг).
- 4. Ибодат.** Бундан ташқари, мазкур бобнинг таълимотини акс эттирувчи ибодат келтирилади. Худо бизнинг овозимизни эшитиши ва биз Унга Унинг Сўзига мувофиқ, бизни ўзгартишига рухсат беришимиз жуда муҳимдир.
- 5. Эътироф этиш.** Ҳаёт ва ўлим биз айтган сўзнинг ҳоқимиятидадир деб ёзилган (Ҳикматлар 18:21 га қаранг). У биз, бизнинг руҳ, жон ва танамиз ҳақида тасдиқлаган нарсани гапирганимизда, Унинг биз ҳақимиздаги иродаси билан рози бўламиз ва бу ҳаётнинг тўлиқлигини ҳис қилишнинг синалган усулидир.

Мен яна бир бор, сизни ушбу китобни ўқишга вақт ажратишга чорлайман, токи Худонинг Сўзидаги ҳақиқатлар сизнинг юрагингиз ва ақлингизга кириб борсин. Агар сиз келгуси ҳафталарда ушбу ҳақиқатлар устидан ҳар кунги фикр юритсангиз, улар сизнинг онгингизга кириб боради ва ҳаётингизда илдиз отади. Бу шунчаки маълумот эмас,

бу бизнинг Худойимизга яқинроқ бўлиш учун йўлдир. Шунингдек, сизга қўлингизда кундалик билан бобларни ўқишни ва “Буни шахсий қилиб олинг” бўлимидаги бешта бандларнинг ҳар биридан ўтишингизни тавсия қиламан. Кейинчалик, унга қайтиб, Муқаддас Руҳ сизнинг онгингизга очган нарсани эслай олишингиз учун ҳар куни ўз фикрларингиз ва ибодатларингизни кундаликка ёзиб боринг.

Қўшимча тавсиялар: биринчидан, уяли алоқа воситаси ёки қўл соатингиз ёрдамида бобларни ўқишга, “Буни шахсий қилиб олинг” бўлими ва кундалик билан ишлаш учун, сизга қанча вақт кераклигини қайд қилиб қўйинг. Шошманг, бу мусобақа эмас. Вақтни белгилашдан мақсад шундаки, бир неча бобдан сўнг, ўртача вақтингиздан келиб чиққан ҳолда, кейинги бобларни ўқишни оқилона режалаштира олинг.

Иккинчидан, буни одатга айлантиришга ҳаракат қилинг ва китоб билан ишлаш учун ҳар куни ажратилган вақтда, ҳеч бир нарса сизни чалғитишига йўл қўйманг. Худо менга охирги қирқ йил давомида берган барча инъомларни, сиз ушбу китобни мутолаа қилиш вақтида сизга бериши учун умид билан ибодат қиламан.

Учинчидан, хабар мен ундан дарс берганимда ёки дўстлар даврасида ўрганганимда, доимо янада кўпроқ натижалар беради. Бир нечта яқин дўстларингизни олиб, улар билан биргаликда ишланг. Ўзингиз ва Муқаддас Руҳ билан ёлғиз қолиб, бобларни мустақил ўрганганингиздан сўнг, У сизга нималарни кўрсатганини бўлишиш учун дўстларингиз билан тўпланинг. Буни мунтазам равишда қилинг.

Агар сиз гуруҳда ишлашни хоҳласангиз, биз сиз учун Инжилни ўрганиш бўйича видео дарслар ва услубий қўлланмали “Худонинг қаршисида титраш” номли курс яратдик, сиз уни ўз дўстларингиз билан ҳар куни ўрганишингиз мумкин. Сиз унда Худонинг Сўзини ўрганиш учун янада кўпроқ воситаларни топишингиз мумкин. Муқаддас Ёзувда ёзилган: “Лекин Худодан қўрқадиганлар бир-бирларига шундай дейишади: “Раббий бунга диққат қилади. Раббийдан қўрқадиганлар ҳақида ва Унинг номини ҳурмат қиладиганлар ҳақида Худонинг хузурида хотира китоби ёзилмоқда” (Малахи 3:16).

Охирги сўз: бизда ҳар бир бобдаги асосий ҳақиқатларни ёритувчи қирқ иккита қисқа видеолар бор. Уларга кира олиш учун А иловани очинг ва QR кодни сканерланг. Шунингдек, у ерда кичик гуруҳлар учун видео дарслар ва бошқа қўшимча манбалар ҳақидаги маълумотни топасиз.

Сиз “Худонинг қаршисида титраш” мавзуси бўйича саёхат қилганингиз сари Худо билан яқинликда ўсиб боришингиз учун

УШБУ КИТОБ БЎЙЛАБ ҚАНДАЙ САЁҲАТ ҚИЛИШ МУМКИН

ибодат қиламан. Китоб билан танишишни бирданига биринчи бобдан бошламасдан, балки муқаддимани ўқишингиз муҳим, чунки бу юрагингизни муҳокама қилиш мавзусига очади. Китобни ўқиб тугатганингизда, сизнинг имонингиз қандай мустаҳкамлангани ва Худонинг муқаддас қўрқуви тўғрисида қандай ўзгаришлар бўлгани ҳақидаги сизнинг ҳикояларингизни эшитишдан шод бўламан.

Самимият билан,
Жон Бивер

Яна бир бор эслатаман: муқаддимани ўтказиб юборманг! У сизда олов ёқиши ва сиз муқаддас титроққа тўлиб, тўғридан-тўғри ушбу хабарга шўнғишингиз учун ибодат қиламан.

МУҚАДДИМА

Қўрқув. Одамлар кўп йиллар давомида ундан халос бўлишга интилишган. Улар тадқиқотлар олиб боришган, у билан курашишган ва бизнинг ҳаётимиздан унинг таъсирини олиб ташлаш бўйича йиғинлар уюштиришган. Ҳатто, президент Франклин Д. Рузвельтнинг машҳур иқтибоси унга эътибор қаратади: “Биз қўрқишимиз керак бўлган ягона нарса – бу қўрқувнинг ўзидир”. Барча жабҳаларда биз қўрқувни енгиш усулини топишимиз шарт деган овозлар жаранглайди ва биз мана шу мақсад билан махсус ёзилган юзлаб, балки минглаб, ўз-ўзига ёрдам бериш бўйича китобларни топишимиз мумкин. 1980-йилларнинг охиридан бошлаб, одамлар ҳамма жойда “Қўрқув йўқ” деган жасоратли ёзувли кийимларни киядилар. Биз ҳаётимиздан барча қўрқувни олиб ташлаш истагимизда қатъий кўринамиз.

Бу муқаддас уруш асосли, оқилона ва олижаноб бўлиб кўринади ва гарчи унинг кўпгина соҳаларида бу шундай бўлсада, ҳақиқат шундан иборатки, *ҳамма қўрқув ҳам ёмон эмас*. Бу мияга ўрнашиб қолувчи ғоя, барча қўрқувлар “зарарли” деб номланган, катта бир тоифага қўшиш одат бўлиб қолганидан пайдо бўлади деб ўйлайман. Лекин бу тахмин, чиндан ҳам тўғрими?

Биринчидан, *бузғунчи* қўрқувлар гарчи асосли кўринсада, шубҳасиз, уларнинг мавжудлигини тан олиш муҳим. Агар ҳамма пулларимизни ва бутун мол-мулкимизни йўқотишдан қўрқсак, демак биз уларга муккамиздан кетганмиз ҳамда ўз пуллари ва мол-мулкига сажда қилувчи, ўта кетган хасис ва томса ялайдиган одамга айланишимиз мумкин. Агар биз эримиз ёки хотинимиздан қўрқсак, биз унга жуда кучли ёпишиб оламиз ёки унинг ҳар бир ҳаракатига шубҳа билан муносабатда бўламиз. Иккала ҳолатда ҳам, бу рад этилишликка олиб

ХУДОНИНГ ҚАРШИСИДА ТИТРАШ

боради ва оқибатда, муносабатларга зарар етказади. Агар бизда бирор нимани ўтказиб юборишдан қўрқиш чуқур ўрнашган бўлса, у бизни соғлом мулоқот, қалин алоқалар ва содиқлик билан бирга келадиган, ажойиб тинчликнинг эвазига, янги ҳислар ва янги кечинмаларни излашга мажбур қилиши мумкин. Агар биз фарзандларимизнинг хавфсизлигидан қўрқсак, уларни эзамиз ёки исрофгарчилик хулқини рағбатлантириб, уларнинг улғайишига тўсқинлик қиламиз. Бу рўйхат тугамайдиган кўринади.

Бошқа томондан, барпо қилувчи қўрқувлар бизга ҳушёр фикрлаш имкониятини беради. Баландлиги икки минг футлик қоядан йиқилишдан қўрқиш, бизга тойриниб кетиш мумкин бўлган қоя четига яқин бормаслик учун донолик беради. Гризли айиғининг панжасига тушиб қолишдан қўрқиш, болалари бор она айиққа хавф яратмаслик учун донолик беради. Учинчи даражали куйишдан қўрқиш, печдан қайноқ тунука товани чиқариш учун қўлга қўлқоп кийишга донолик беради.

Аммо барпо қилувчи қўрқув унинг барча фойдаларига қарамасдан, бузуқ бўлиши мумкин ва ҳаётимизни ёмонлаштира бошлайди. Шундай қилиб, қулашдан назоратсиз қўрқиш, самолётда саёҳат қилишдан тўхтатиб, бу билан бирга бизни ерга туширади. Гризли айиғининг қаршисида бошқариб бўлмайдиган қўрқув, ўрмон бўйлаб сайр қилиш завқидан маҳрум қилади, куйишдан қўрқиш эса, бизда печни ёқиб, мазали уй пишириғини тайёрлашдан қўрқишни ривожлантириши мумкин.

Биз беришимиз керак бўлган ҳақиқий савол қуйидагича: *биз кўпроқ нимадан қўрқамиз?* Бу бузғунчи қўрқувдан қандай халос бўлишга ёки барпо қилувчи қўрқувларни қандай енгишга эътибор қаратишдан кўра, анча муҳимроқдир. Бу оқилона савол ва унга зарур тарзда жавоб берилса, у бошқа барча қўрқувларни иккинчи даражали аҳамиятга суради ҳамда ҳаётимизнинг сифатини ҳозирги кунда ва абадийликда оширади. У яхши ва тўлақонли ҳаёт томон йўлни ёритади. Муқаддас Китобда қўрқув ҳақида кўп айтилади ва асосий хулоса шундай: “Раббийдан қўрқиш – билимнинг бошидир” (Ҳикматлар 1:7). Бу шунчаки донолик эмас, балки Худонинг донолигидир, бошлаш учун яхши жой.

Шундай қилиб, йўлаб кўринг: тўғри йўналтирилган қўрқув – *фазилат* бўлсачи? Худонинг қўрқуви – бу У билан ҳақиқий муносабатлар қуриш учун мантиққа мос келмайдиган йўл бўлсачи?

Айнан шу муқаддас қўрқув бизга Масиҳнинг издошлари, асрлар давомида олиб келаётган тўлақонли ҳаётни очиб берсачи? Айнан шу қўрқув бизни қолган барча қўрқувлардан – шахсий бизнесни бошлаш қўрқуви, ҳукумат ҳаракатлари олдида қўрқиш, фарзандларингиз билан нимадир содир бўлишидан қўрқиш, оғир касалли одам азоб чекаётган қўрқув, руҳият касаллигини ёки тушкунлик келтириб чиқарувчи қўрқувдан (рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин) халос қилсачи?

Саёҳатимизни бошлаш олдидан, мен сизга тўртта ҳақиқат баёнини келтиришимга ижозат беринг:

Биз одамлармиз ва биз қўрқувни бошдан кечираемиз.

6. Худонинг қаршисида қўрқиш ва титраш кўпчилик тасаввур қилишга журъат этганидан кўра анча чуқурроқ, ажойиб ва сирлироқдир.
7. Худодан қўрқиш барча бузғунчи қўрқувларни ютиб юборади.
8. Худодан қўрқиш – барча яхши нарсаларнинг бошидир.

Баъзи одамлар қоидага кўра Муқаддас Китоб тахминан 365 марта “қўрқма” деб айтишини бизга эслатади ва шу сабабли, кўпгина масиҳийлар Худо бизнинг қўрқишимизни хоҳламайди деган хулосага келадилар. Аммо бу оятлар бузғунчи қўрқувга тегишлидир. Боз устига, мен Муқаддас Китобда бизни “Худодан қўрқиш”га чорловчи деярли 200 та оятни келтиришим мумкин.

Ачинарли нарса мана нимада: ҳар қандай қўрқувни (шу жумладан, Худодан қўрқиш фазилатини) ҳаётимиздан йўқ қилишга интилиш ва уриниш, имонимизни шу соҳаси ўрганилмасдан, ноъмалум бўлиб қолади ва фойда келтирмайди дегани.

Худонинг қўрқуви улуғворроқдир, у биз тасаввур қила олишимиздан ҳам кўпроқ титроқни, ҳатто қувончни ўйғотади. Сўнгра мен сизга, тўғри йўналтирилган қўрқув – айнан Худодан қўрқиш фазилати – сиз тасаввур қилган барча нарсалардан афзал бўлган ҳаётга қандай қилиб йўл очишини кўрсатмоқчиман. Фақат ўшандагина ҳаёт бизга ташлаши мумкин бўлган ҳамма нарсага дадил жавоб беришга қодир бўламиз. Чарльз Сперженнинг сўзлари билан ифодалаганда: “Худонинг қўрқуви – бу бошқа ҳар қандай қўрқувнинг ўлишидир; у қудратли арслон каби таъқиб қилади ва бошқа барча қўрқувларни қувиб юборади”.

Умид қиламанки, сиз ушбу китобни ўқиётганингизда, бу фазилатга бошингиз билан шўнғиб кетасиз, фазилат бўлмаган нарсанинг диний кўринишини ечиб ташлайсиз ва фазилат бизнинг

ХУДОНИНГ ҚАРШИСИДА ТИТРАШ

оёқларимизни мустақкам ерга ўрнатиши яхши эканини, ўзингиз учун кашф этасиз. Ҳа, ёвузликдан қўрқманг, лекин Раббийнинг қаршисида қўрқишнинг, одатда нотўғри тушунилган фазилати, қандай қилиб сизнинг ҳаётингизни ҳайратланарли ажойиб нарса бўлиб юксалишини кашф этинг.

Келинг, бизнинг Худойимиз нақадар қудратли эканидан, У эҳтиромли қўрқув ўйғотишни ўрганишдан бошлаймиз.

Тадқиқотимизни “Худонинг қаршисида титраш” деб номлаймиз!

ҚУДРАТЛИ ХУДО

1-ҲАФТА

Раббийдан қўрқиш – бу фақат
... ғоят севимлиларга берилган
Унинг хазинаси, қимматбаҳо
тошидир.

– ЖОН БУНЬЯН

1 | ХУДОНИНГ ХАЗИНАСИ

Агар сизга моҳиятан бутун ҳаётнинг калити ҳисобланган яширин фазилат ҳақида айтиб берилганда нима бўларди? У сизнинг мавжудлигининг мақсадини очиб беради ва сизнинг Яратувчининг ҳузурини, ҳимояси ва илоҳий тақдирини ўзига тортади. Бу олижаноб феъл-атворнинг илдизи, бахтнинг асоси ва сиз дуч келишингиз мумкин бўлган барча ноқулай вазиятларда зарур ўзгаришларнинг кафолатидир. Ушбу фазилатни мустаҳкам эгаллаш сизнинг ҳаётингизни узайтириши, мустаҳкам соғлиқ тўхфа этиши, мувафаққият ва химоя билан таъминлаши, камчиликларни бартараф этиши ва муносиб меросни кафолатлаши мумкин.

Жуда эртакнамо жаранглаяптими? Эҳтимол, сиз қўлингизга насрий бадий услубдаги китоб тушиб қолди деб ўйлаётгандирсиз? Бундай эмас. Сизни ишонтириб айтаманки, мен мутлақ ҳақиқатни айтдим.

Бундай воқеликка дуч келган кўпчилик одамлар кулимсираб, кескин эътироз билдириб: “Бундай фазилат мавжуд эмас!” – дейишлари мумкин. Бироқ юқорида келтирилган ҳар бир ваъда шубҳасиз қачонлардир ер юзида яшаган барча доно одамлардан бири томонидан ёзилган, боз устига, бу ваъда Яратувчимизнинг илҳоми билан улар томонидан ёзилган, Унинг сўзлари эса бехатодир!

Шунга қарамай, Сулаймон ер юзидаги ҳаётни тарк этишидан олдин, ўзи ёзган бахтиёрликдан узоқлашди, чунки юраги унинг донолигининг Манбасини қолдирди ва у аста-секин, тўғри ҳаёт йўлидан оғди.

Унинг тарихини қисқача сўзлаб беришимга ижозат беринг.

Сулаймон ҳали болалигидаёқ бу фазилатга ўргатилган ва уни қабул қилган эди. У кучли олижаноб феъл-атвор ва ривожланган заковат билан улғайди. У тезда етакчилик маҳоратига эга бўлди ва натижада, миллионлаб одамларнинг ҳукмдорига айланди. У Худого юз тутгандан сўнг, ақл бовар қилмайдиган доноликка эга бўлиб, унинг тушуниши учун, деярли қийин нарса йўқ эди. У минглаб доно ҳикматли сўзларни ёзди ва юзлаб қўшиқлар яратди: “У Лебанондаги кедрдан, девордан ўсиб чиқадиган ҳиссопгача, дарахтлар ҳақида сўзлади; ҳайвонлар, қушлар, судралиб юрувчилар ва балиқлар ҳақида ҳам сўзлади” (3-Шоҳликлар 4:33).

Бу доно инсон муваффақият, бахт ва шарафнинг шундай даражасига етдики, унгача бўлган ва ундан кейин бўладиган, ҳеч ким у билан тенглашолмайди. Подшоҳлар ва маликалар, элчилар ва олий мартабали зотлар унинг ёнида бўлиш, унинг фикрларини эшитиш, унинг яқинларининг улуғворлиги ва бирлигига гувоҳ бўлиш ҳамда унинг халқига буюк куч ва бойлик ато этган ўша янгиликларнинг таъсирида бўлиш учун узоқ масофаларни босиб ўтдилар. У одамларда шунчалик таъсир қолдирганидан, ҳатто бир малика унинг олдига ташриф буюрмагунича, у ҳақида эшитган ҳикояларга ишонмади. Аммо, кейинроқ, у билан бироз вақт ўтказиб, у: “Бироқ мен келмагунимча ва менинг кўзларим буларни кўрмагунича бу сўзларга ишонмаган эдим. Мана, менга ярми ҳам айтилмаган экан, сизнинг донолигингиз ва бойлигингиз мен эшитганимдан ҳам кўпроқ экан. Сизнинг одамларингиз бахтли ва доим сизнинг қаршингизда туриб, донолигингизни тинглаётган сизнинг ушбу хизматкорларингиз бахтлидир” – дея ҳайқирди (3-Шоҳликлар 10:7, 8).

Биз ўқилган парчадан унинг ҳукмронлиги пайтидаги одамлар бахтли яшаганини ва ўз ташаббусларида самарали бўлганини тушунамиз. Қашшоқлик йўқ бўлган, у подшоҳ бўлган даврда ҳар бир оиланинг ўз уйи ва боғи бўлган. Тарих одамлар “еб-ичиб ва шодланганлар”идан хабар беради (3-Шоҳликлар 4:20). Улар тинчлик ва беҳатарликда яшашган.

Вақт ўтиб борар ва бу олижаноб ҳукмдор секин-аста унинг барча ютуқлари учун манба бўлиб хизмат қилган йўлдан узоқлашди. У ўз нигоҳида донога айланди ва бу фазилатнинг донолигига қўлоқ солишни энди зарур эмас деб ҳисоблади. У йўлдан адашди ва натижада, бахти қаро беадаб одамга айланди. Бу хатодан нафақат унинг бир ўзи, шунингдек, унинг ортидан эргашган одамлар ҳам азоб чекди.

У учун ҳаёт маъно-мазмунсиз бўлиб қолди. У “Ҳаммаси зерикарли, бутунлай зерикарли, ҳеч ким, унда ҳеч қандай маъно топа олмайди” ва

“Тарих шунчаки такрорланади, чунки қуёш остида ҳеч қандай янги нарса йўқ” каби менсимай билдирилган фикрларни ёзди. У янада фожиали фикрларни ҳам ёзган: “Туғилган кундан кўра ўлган кун яхшироқдир”, “Эгри тўғри бўла олмайди ва йўқ нарсани санаб бўлмайди”.

Аслида, у тирикликнинг тўлиқ маъносизлигини тасвирлаган бутун бир китоб ёзган. Унинг учун ҳамма нарса беҳудалик бўлди. Бу одам нисбатан қисқа вақт ичида муваффақият чўққисидан, даҳшатли умидсизликнинг энг тубига тушди. Бугун кўплаб руҳшунослар унга “васваса ва тушкунлик оқибатида келиб чиқадиган руҳий касалликнинг оғир шакли” деб ташхис қўйган бўлар эди. Қандай қилиб, бир одам ўзини бундай қарама-қарши томонларга уриши мумкин?

Яхши янгилик шундан иборатки, унинг ҳикояси умидсизлик тубида тугамайди. Кейинчалик у ҳаётдаги энг муҳим фазилатга қайтди. Биз у ушбу қайғули китобни ёзишга қанча ой ёки ҳатто, йил сарфлаганини билмаймиз, лекин ундаги охириги боб унинг шифо топишига умид бахш этади. У буни етти марта, у ёки бу шаклда: Яратганни ёдга ол” – деб ёзиш билан бошлайди ва қуйидаги сўзлар билан якунлайди:

“Энди ҳаммаси эшитилгандан сўнг, хулоса шуки: *Худодан қўрққин* ва Унинг амрларига амал қил, чунки инсон ҳақида [унинг яратилишининг тўлиқ илк мақсади, Худонинг илоҳий тақдирининг сабабчиси, феъл-атворнинг илдизи, ҳар қандай бахтнинг асоси, қуёш остидаги ҳар қандай ноқулай вазиятлар *ва* шароитлардаги ўзгариш] ҳамма нарса мана шундадир ва ҳар бир инсон учун ҳамма [мажбурият] мана шундадир” (Воиз 12:13, инглизча таржимадан).

Юқори баҳоланган фазилат – бу *Худодан қўрқишдан* бошқа нарса эмас. Муаллиф подшоҳ Сулаймон, бу тўкин-сочинликдаги тўлақонли қимматли ҳаёт учун замин эканини айтади. Муқаддас Ёзувда қуйидагини ўқиймиз: “Раббийдан *қўрқадиган* киши ким? Раббий унга танлаши лозим бўлган *йўлни* кўрсатади” (Сано 14:12). Бу йўл ноодатий, чунки афсуски, кўпчилик, подшоҳ Сулаймонга ўхшаб, унинг қайғули ҳаёт кунларида, уларнинг шахсий донолиги уларга муваффақият ва бахт келтиради деб ҳисоблашади. Муқаддас қўрқув бизнинг алоқамизни, Яратувчимиз – бизни нима кучайтиришини ва нима эзишини биладиган Ўша Ягона Зотнинг донолиги билан боғлаб туради.

Муқаддас қўрқувнинг аҳамияти, бошқа барча фазилатлардан шу қадар устунки, Ёзув уни Исонинг қувончи деб атайди ва худди шу сингари ҳайратланарли тарзда: “Раббийдан қўрқиш – [Худодаги] хазинадир” – деб айтади (Ишаъё 33:6, ЯРТ). Тўхтаб, ўйлаб кўринг: Худодан қўрқиш – бу Қудратли Худонинг *қувончи* ва *хазинаси*. Ажойиб!

Биз тез орада ушбу ажойиб воқеликка чуқурроқ шўнғиймиз, лекин, авваломбор, подшоҳ Сулаймонга қайтамыз.

Нима учун мен бу хабарни унинг муваффақияти, қулаши ва тўлиқ қайта тикланиши ҳақида мулоҳаза қилишдан бошламоқдаман? Хизматимнинг илк йилларида бир доно етакчининг сўзлари диққатимни тортган ва бу то абад мен билан қолган. У: “Мен бенуқсон ишбилармонлик обрўсига эга одамни, раҳбарлик лавозимига кўтаришдан тийилишни, ўзимга қоида қилиб олганман” – деди.

“Нима учун?” – деб сўраганимда, у: “Мен инсоннинг феъл-атвори ҳақида кўпроқ унинг муваффақиятсизликка бўлган муносабатидан билиб оламан. У масъулият олдими, тавба қилиб, шу тажриба туфайли ўсдими? Ёки у шунчаки ўз хатти-ҳаракатини оқлаб, айбни бошқага ағдардими? Муваффақиятсизликлар одамнинг масъулият олишга қодир ёки йўқлигини кўрсатади” – деб жавоб берди. Мен бу инсон ҳамма нарсадан кўра кўпроқ доноликни қадрлаши ёки қадрламаслигидан дарак беришини тушундим.

Сулаймон гарчи Муқаддас Рухнинг илҳоми билан қўрқувни ўргатган бўлсада, эҳтиромли қўрқувнинг қадрини буткул англаб етмаган! Шунинг учун шундай бўлдики, у бу қўрқувни қолдирди. У қулашигача, художўй қўрқув унинг хазинаси ва қувончи бўлмаган; бу унинг ният ва ҳаракатларининг тебранмас асоси бўлмаган. Сулаймон қоқилганида, жонида ақлсизликни бошдан кечирди ва ниҳоят, қайта тикланди, у бу қўрқув кучи буюклигининг кўламини янада тўлиқроқ англаб етди.

Ҳаворий Павлус қуйидагича ёзган:

“Йўқ, мен ўз танамни шуғуллантириб, уни ўзимга бўйсиндиряпман, зеро бошқаларга Хушxabарни ва у билан боғлиқ ҳамма нарсани эълон қилиб, ўзим нолойиқ бўлиб қолишдан [синовдан ўта олмаслик, қўллаб-қувватлай ололмаслик ва сохта хизматчи сифатида рад этилишдан] қўрқаман” (1-Коринфликларга 9:27), англизча таржимадан).

Павлус унга Муқаддас Рух томонидан ишонилган доноликни қадрлаш ва подшоҳ Сулаймон содир этган ўша фожеавий хатога йўл қўймаслик, нақадар муҳим эканини тушунган. Унга, кўплаб одамларга озодлик тўхфа қиладиган Худо аҳдининг яширин ҳақиқатлари очиқ эди, лекин у эҳтиромли қўрқувда бебаҳо хазина ва заруриятни кўрмаганида эди, у ҳам охир-оқибат, умидсиз беадаб одамга – нолойиқ, ярамас ва сохта хизматчи сифатида рад этилган одамга айланган бўлар эди.

Эҳтиромли қўрқувни энг қимматли хазина сифатида қабул қилиш, бизга ҳақиқатга бўйсунишда қолиш учун куч беради ва шу тарзда,

ҳайратланарли мукофотлар келтирадиган ҳаёт йўлида бизни асрайди.

Кўпчилик одамлар қўрқувни фойдасиз ва ҳатто, зарарли деб ҳисоблаган пайтда, *Раббийдан қўрқишни* манфаатли ва қадрли фазилат деб эътироф этиш учун асос йўқдек туюлиши мумкин. Шунга қарамасдан, Муқаддас Ёзувнинг нуфузига асосланиб, сизни ишонтириб айтаманки, биз уни қабул қилганимизда, ўзимизни ҳаёт йўлида сақлаш учун куч ва қобилиятга эга бўламиз. Шу тарзда, биз Худо билан ҳақиқий яқинликни бошдан кечирамиз ва у тўғайли ҳаётимизни ўзгартирадиган фойдага, шу жумладан, Исо Масиҳнинг тасвирига ўзгаришга эга бўламиз. Шунинг учун, келинг, саёҳатимизни Худонинг қаршисидаги эҳтиромли қўрқувни излашдан бошлаймиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Сенинг нажот, донолик ва билимга бой бехатар давринг келади. Раббийдан қўрқиш сенинг хазинанг бўлади” (Ишаъё 33:6).

Маъноси. Муқаддас қўрқув – бу Худонинг хазинасидир; у бизнинг ҳам хазинамиз бўлиши керак.

Фикр юритиш. Муқаддас қўрқувни хазинадек қадрлаш, амалий маънода нимани англатади? Мен унга қандай муносабатда бўлишим керак? У билан қандай муомала қилишим керак? Қандай қилиб, уни йўқотмаслигим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сендан сўрайман, ушбу саёҳатда Раббийдан қўрқишни қидиришда уни билишни, у билан яшашни ва ундан завқланишни бергин. У Сен учун бўлганидек, менинг ҳам хазинам бўлсин. У менга Сенинг нигоҳларингда маъқул бўладиган мазмунга бой ва муваффақиятли ҳаёт учун зарур донолик ва билимни берсин. Менинг барча қариндошларим ва яқинларим маърифатли бўлсин, мен билан ҳаракат қилаётганларнинг барчаси унинг қадрини билсин. Мен бу ҳақида менинг Раббим ва Нажоткорим Исо Масиҳ номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен муқаддас қўрқувни ҳаётдаги энг улкан хазина сифатида қадрлашни танлайман ва шундай йўл тутиб, ҳаёт йўлида қолиш учун кучга эга бўламан.

Худодан қўрқинг,
ҳа, лекин Ундан
даҳшатга тушманг.

– Ж.А.СПЕНДЕР

2 | ҚУТБИЙ ҚЎРҚУВЛАР

1994-йилнинг ёзида мени Қўшма Штатларнинг жанубий-шарқидаги бир жамоатда хизмат қилишга таклиф этишди. Бу катта жамоат бўлиб, жамоат аъзолари икки йиллар аввал, у ерга тўрт ҳафтага келган хушxabарчининг хизмати вақтида Худонинг қудратли тегинишини бошдан кечирган. Ўйғониш Худонинг инояти, севгиси ва қувончини ҳис қилишга имкон бериб, кўплаб одамларнинг ҳаётига мўъжизали тарзда таъсир кўрсатган. Лекин афсуски, жамоат ўйғониш даврида олинган кечинмаларда туриб қолди ва Худонинг юрагини таниб-билишни давом эттирмади. Аслида, одамлар шунда қотиб қолиб, мувозанатни йўқотишган.

Ўша пайтда мен муқаддас қўрқув мавзусини ўрганиш билан машғул эдим. Мен Раббийдан қўрқишнинг муҳимлигини тушунар, лекин ҳали бунинг нима эканини тўлиқ англамас эдим, шунинг учун бу ҳақида минбардан туриб, воизлик қилишга тайёр эмас эдим. Бунга қарамасдан, мен ўзимнинг барча хавотирларимни четга суриб, биринчи кечки йиғинда, Раббийдан қўрқиш ҳақида воизлик қилишим зарурлигини ҳис қилдим.

Мен саҳнага чиқдим ва бу мавзу ҳақидаги чекланган тушунчамдан келиб чиқиб, йиғинга мурожаат қила бошладим. Залдаги одамларнинг маъносиз боқишлари ва уларнинг бутунлай бефарқлиги менинг ишончимни оширмади. Менинг сўзларим эътиборсиз қолгандек кўринарди. Лекин мен ҳақ эдим ва тез орада сабабини билиб олдим.

Эртаси куни кечки пайт улўғлов тугагандан сўнг, катта чўпон йиғин маърузачисини таништириш учун саҳнага кўтарилди деб ўйладим, лекин мен адашган эдим. У ўн беш дақиқа давомида мен олдинги хизматда воизлик қилганларимни тузатди. Унинг танбеҳлари Раббийдан қўрқиш фақат эски аҳд даврига тегишли, масиҳийларга эса

Тимўтийга иккинчи мактубда ёзилганидек, “қўрқув руҳи” берилмаган деган гапга олиб борарди (1:7).

Мен биринчи қаторда ўтирар эдим ва ҳайратда қолдим. Мен ўзимни қўрқинчли тушдагидек ҳис қилдим. У қанча узоқ гапиргани сайин, мен ўзимни янада ноқулай ҳис қилардим. Кейин у: “Янги Аҳдда айтилганки: “Севгида қўрқув йўқ, лекин мукамал севги қўрқувни қувиб чиқаради” деди. [1-Юҳанно 4:18]. Шунинг учун кеча кечқурун Жоннинг ўргатганлари хатодир ва мен сизларни бундан огоҳлантирмоқчиман” – деди. Сўнгра у яна бир неча дақиқа менинг хабаримни тузатишда давом этди.

Мени ажаблантирган нарса шуки, у тугатгандан сўнг, мени таништирди ва саҳнага воизлик қилишга таклиф этди. Мен қандай кўтарилганимни ва ичимда: “У қилган ишдан сўнг, бу одамларга қандай хизмат қила оламан? Бу имконсиз” – деб ўйлаганимни ханузгача эслайман. Лекин бу содир бўлди ва мен ягона қилишни истаган нарса – қочиш бўлган бир пайтда, бутун кучимни йиғишимга тўғри келди. Менга нафақат фикрларимни тўплаш, боз устига, залда ўтирган одамларнинг ҳаётини ўзгартирадиган мактубни воизлик қилиш қийин бўлди.

Воизлик қилар эканман, онгим доим унинг тўғрилаган гапларига қайтар, унинг сўзларини ўзимдан ирғитиб ташлай олмас эдим. Ҳис-туйғулар даҳшатли ва бемаъни эди. Мактубнинг калавасини йўқотиб қўймаслик учун воизлик чоғида бир неча бор фикрларимни тўхтатишимга тўғри келди. Мен: “Буни унут, гапиришни бас қилиб, бу ердан жўнаб қол” – деган ҳис-туйғулар билан курашардим. Ўзимни ёмон ҳис қилардим. Қисқа хабардан сўнг, унга йиғинни топширдим ва дарҳол меҳмонхона хонасига қайтиб, бутунлай дилим оғриган ва ўзимни қувғин қилинган кишидек ҳис қилиб, тўшакка ётдим.

Эртаси куни тонгда меҳмонхонадан чиқиб, ходимлардан ҳеч бири бўлмаган холи жойни топдим ва Худонинг тўғрилашини кутиб, иштиёқ билан ибодат қилдим. Мен самимий сўрадим: “Раббий, наҳотки, мен Сенинг жамоатингни жароҳатлаган бўлсам? Наҳотки, мен нотўғри нарсани ўргатдим? Наҳотки, мен Сенинг халқингга занжир солаётган бўлсам?”

Мен ибодат қилишда давом этдим ва бироз вақтдан сўнг, ибодатимнинг сўзлари ўзгариб бораётганини пайқадим. Мен ўша кеча воизлик қилган ўз мактубимдан шубҳаланишни тўхтатдим ва юрагимнинг туб-тубидан, Худодан менга муқаддас қўрқув ҳақида кўпроқ тушунча беришини сўраётганимни сездим. Мен содир бўлган нарсадан ҳайрон қолдим. Мен Худонинг мендан норози эканини

ҳис этмадим, аксинча, қилган ишим Унга маъқул бўлганини билдим. У Янги Аҳддаги, Раббийдан қўрқиш ҳақидаги кўпгина парчаларни менга эслата бошлади. Мен аламни ортиқ ҳис қилмаётганимни, балки овозимни кўтариб, умидсизликда бор кучим билан: “Ота, Раббийдан қўрқиш нима эканини билишни ва унга эга бўлишни истайман!” – дея бақираётганимни пайқадим.

Янги Аҳднинг муаллифлари ҳақиқатан ҳам, чўпон иқтибос келтирган ўша сўзларни ёзганлар, лекин улар бошқа матнларни ҳам ёзганлар.

- Ҳаворий Павлус шундай деб ёзган: “*Қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар*” (Филиппиликларга 2:12).
- У бошқа жойда бундай насиҳат бермоқда: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, *Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик*” (2-Коринфликларга 7:1).
- Ибронийларга мактубнинг муаллифи қуйидагича ёзади: “Шунинг учун биз... иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан *эҳтиром ва қўрқувда* Худога маъқул хизмат қилайлик” (Ибронийларга 12:28).
- Ҳаворий Петрус ёзади: “Агарда ҳар бир кишини юз-хотир қилмасдан, қилмишига яраша ҳукм Қилувчини сизлар Ота деб атасангизлар, унда мусофирчилик даврингизда *қўрқув билан* яшанглар” (1-Петрус 1:17).
- Ҳаворий Яҳудо айтади: “қўрқитиб қутқаринглар” (23-оят).
- Исо бизни огоҳлантиради: “Танани ўлдириб, жонни ўлдира олмайдиганлардан қўрқманглар, лекин танани ҳам, жонни ҳам дўзахда ҳалок қила Оладигандан кўпроқ қўрқинглар” (Матто 10:28).

Мен давом эттиришим мумкин эди ва бунини китоб давомида ёзаман, лекин сиз моҳиятни: *муқаддас қўрқув* – бу Янги Аҳддаги ҳақиқат эканини англадингиз деган умиддаман. Бу фақатгина ибодат қилганимда Раббий юрагимга солган Муқаддас Ёзув оятларининг бир қисмидир.

Ўша тонгда мен чўпон “қўрқув руҳи”ни “Раббийдан қўрқиш” билан адаштирганини тушундим. Уларнинг орасида катта фарқ мавжуд ва бу Мусо бутун Исроил халқини Синай тоғига Худо билан учрашувга олиб борганда содир бўлган нарсада кўринади.

Бутун халқ тўплангани заҳоти Мусо, авваломбор, Худо билан шахсан учрашиш учун тоққа кўтарилди. Қудратли, Унинг буюк озодлиги ортида турган мақсадни очди:

“Ёқуб хонадонига айтгин, Исроил ўғилларига шундай деб хабар бергин: “Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай, Мен *сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар*” (Чиқиш 19:3, 4).

Қудратли Худо, озод этишининг бош мақсади *бутун халқни Ўзига йиғишдан иборат бўлган*. Улар Уни Мусо каби таниб-билишлари учун, У уларни кўришни қаттиқ истаган ва улар билан учрашишни хоҳлаган. Лекин уч кун ўтгач, Худо Ўзини намоён қилиш учун тоққа тушганида, халқ тезда тарқалиб кета бошладилар. Улар даҳшатдан Мусога: “Бизга ўзинг гапиргин, биз эшитайлик. Лекин Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик” – деб қичқирдилар (Чиқиш 20:19). Сардор уларни тинчлантиришга уриниб: “Кўрқманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун, Ундан кўрқиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди” – деб жавоб берди (Чиқиш 20:20).

Бир қарашда, ўзига зид гапирётгандек кўринади: “Кўрқманглар”, чунки Худо “Ундан кўрқиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун” келди. У ўзига зид гапирмаяптими? Асло. Мусо шунчаки, иккита тушунчани ажратяпти: “Худодан даҳшатга тушиш” ва “Раббийнинг кўрқуви”га эга бўлиш. Такрорлайман: бунда жуда катта фарқ мавжуд.

Худодан даҳшатга тушадиган одамнинг яширадиган нарсаси бор. Боғда Одам Ато гуноҳ қилганда, Одам Ато ва Момо Ҳаво Худонинг ҳузуридан яширинганини эсга олинг. Биз бундай муносабатни нафақат уларда кўрамиз; шунга ўхшаш хатти-ҳаракатни, зулматга чекинган Инжилнинг бошқа қаҳрамонларида ҳам кўришимиз мумкин.

Аммо Худодан кўрқадиган одамнинг яширадиган нарсаси йўқ. У Худодан узилиб қолишдан кўрқади. Бу Мусо билан бўлган ҳолатда кўринади, бутун халқ тоғдан узоқлашганда, у ўша пайтда Худого яқинлашди. Худодан кўрқадиган одам ичида: “Қанчалик мен гуноҳ чегарасига яқин келиб, унга қуламаслигим мумкин?” – деб айтмайди. Йўқ, у: “Мен шу қадар Худого яқин бўлишни ва бу чегарани ҳатто, кўрмаслик учун гуноҳдан, шу қадар узоқ бўлишни истайман” – дейди.

Шунинг учун муқаддас кўрқувга таъриф бериш ва бу мавзуну муҳокама қилишга ўтишдан аввал, келинг, унинг нима эмаслигини аниқлаб олсак. *Муқаддас кўрқув – бу Худодан кўрқиб, шу сабабли, Ундан узоқлашишни англатмайди*. Қандай қилиб, биз ўзимиз кўрқадиган киши билан яқинликдан завқланишимиз мумкин? Худо биз Ундан узоқлашишимизни истамайди, аксинча. Саноларда ёзилган: “Сен: “Менинг юзимни изланглар”, – деб айтганигда, менинг юрагим Сенга деди: “Сенинг юзингни излайман, ё, Раббий!” (Сано26:8). Сиз яқинликка чорловни эшитяпсизми? У сизни Ўзига жалб қилишни, сиз

билан гаплашишни, бирга кулишни, ҳаётни баҳам кўришни ва яшашни истайди. Бошқа жойда саночи шундай деб ёзади: “Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир” (Сано 24:14). Бир нарса аниқ: Худо биз билан алоқа ва яқинликни истайди. Шунинг учун муқаддас қўрқувни сўндирмасликка, аксинча, Худо билан ўзаро муносабатларимизни фақат кучайтиришига ишончингиз комил бўлсин.

Бунн шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Қўрқманглар! Худо сизларни синашга ва сизлар гуноҳ қилмасликларингиз учун, сизларга чуқур ва эҳтиромли қўрқув ҳамда титроқ солишга келди” (Чиқиш 20:20, инглизча таржимадан).

Маъноси. Муқаддас қўрқув – Худодан даҳшатга тушиб ва шу тариқа, Ундан узоқлашишни англамайди. Бироқ бу Худо билан алоқани йўқотишдан қўрқишни англади.

Фикр юритиш. Худо Исроилни Мисрдан қутқаришининг асосий мақсади нимадан иборат эди? Худо мени қулликдан ва ерлик дунёнинг занжирларидан озод қилишининг асосий мақсади нимадан иборат?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мени Раббим Исо Масих орқали қўрқув руҳидан қутқарганинг учун Сендан миннатдорман. Сендан сўрайман, мен Сенга қарши гуноҳ қилмаслигим учун менга муқаддас қўрқувингни солгин, чунки аксинча бўлса, Сен мен билан истаган ва мен Сен билан истаган, Сен билан яқин алоқамни йўқотаман. Мен Сендан Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Худо мени У билан яқин алоқага эга бўлишга даъват этган. Шунинг учун мен Худодан қўрқмайман, аммо гуноҳ қилмаслигим учун Раббийнинг қўрқувига эга бўлишни хоҳлайман.

Раббийнинг қўрқувига
эга бўлиш – Унинг онгли
мавжудотларининг биринчи
ва олий мажбуриятларидан
биридир.

– ЧАРЛЬЗ ИНГЛИС

3 | ХУДОНИНГ МУҚАДДАС ҚЎРҚУВИ НИМА?

Худонинг муқаддас қўрқувига бир жумлада, параграфда ёки бобда таъриф бериш имконсиздир. Бу Худо севгисининг тўлиқлигига мана шу доирада тушунтиришга уриниш билан баробардир. Бунинг учун кўп боблар зарур ва ҳатто, мазкур ҳолатда ҳам, уни охиригача тушуна олмаймиз. Қолаверса, биз абадийликда муқаддас севгининг ва муқаддас қўрқувнинг теранликларини очишда давом этамиз деб ўйлайман.

Юқорида айтилганлар билан бир қаторда сизга муқаддас қўрқувга умумий тарзда таърифни таклиф этишимга ижозат этинг. Болалигингизда бўяш китобчасидаги расмларни ранг-баранг қаламлар билан бўяганингни эсга олинг. Сиз албомни очиб, саҳифани танлагансиз ва олдингизда буёқлар билан тўлдириш керак бўлган шаклларни кўргансиз. Бу боб ҳам худди шундай, бизга буюмларнинг умумий чизмасини беради, лекин уларни ранг билан тўлдириш учун китобнинг қолган ҳамма қисмлари ҳам зарур бўлади. Агар сиз фақат биргина мана шу бобни ўқишга муваффақ бўлганингизда эди, сиз муқаддас қўрқув ҳақидаги умумий тасаввурни олган бўлар эдингиз, лекин унинг ўзгартирувчи ҳақиқатларини бой берган бўлар эдингиз.

Олдинги бобда, Раббийнинг қўрқуви бизни Худонинг ҳузуридан олиб кетмаслигини, балки аксинча бўлишини айтдик. Раббийнинг соғлом, ажойиб қўрқуви бизни Унга жалб қилади ва биз давом этишимиздан аввал, ушбу мустаҳкам пойдеворни қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Айрим одамлар Раббийдан қўрқиш, фақатгина Худого титроқда сажда қилишни англатади деб айтадилар. Ҳаммага таниқли хизматчилар буни минбарда туриб, сўхбатларда ва стол атрофида бошқа етакчиларга айтишаётганини эшитаман. Шунга қарамасдан, бу таъриф катта суратнинг бошланиши холос, лекин ҳаммаси эмас. Бу Худонинг севгисига “узоқ сабр-тоқат қиладиган ва меҳрибонлик қиладиган” (1-Коринфликларга 13:4) деб таъриф беришга ўхшайди. Агар биз бунда тўхтаб қолсак, биз ноҳақ бўламиз ва мақсадга эриша олмаймиз.

Лиза ва мен қирқ ёшдан биров ошганимизда, жуда муҳтарам етакчининг кўёви, унинг ширкатида сармоя киритиш имконияти ҳақида айтиб бериш учун бизнинг уйимизга келди. Биз чамаси икки соат сўхбатлашдик ва мен унинг бизга нисбатан самимийлиги ва сабр-тоқатини аниқ эслайман. Унинг хулқ-атворини кузатиб, сиз ҳам у ҳақида хайрихоҳ одам деб айтган бўлардингиз. Аммо бир неча кунлик ибодатдан сўнг, Лиза билан сармоя киритишимиз керакмаслигини ҳис қилдик. Энди, йиллар ўтиб, биз буни қилмаганимиздан хурсандман, чунки у катта молиявий пирамида ташкиллаштиргани учун кўп йилларни қамоқда ўтказди.

Бу одам сабрли ва меҳрибон одам эдими? Шубҳасиз. У севги кўрсатдимми? Аниқ, йўқ. Чунки Ёзув бизга шундай дейди: “Худони севиш – Унинг амрларига риоя қилиш демақдир” (1-Юҳанно 5:3). Ўғирлик, табиатига кўра худбинликдир, у Худонинг севги ҳақидаги амрини бузади (Эфесликларга 4:28 га қаранг). Ёш болаларнинг номусига тажовуз қилувчи одам, меҳрибон ва ҳатто, сабрли одам бўлиши мумкин, лекин бу билан бир вақтда, ёш болаларнинг ҳаётини барбод қилади. У бу болаларни яхши кўрадими? Албатта, йўқ!

Худди шу тарзда, Раббийнинг муқаддас қўрқувини фақатгина эҳтиромли сажда билан чеклаб, биз мақсаднинг ёнгинасидан ўтиб кетишимиз ва адашишимиз мумкин. Шунинг учун келинг, чизиқ тортамыз, кейинроқ эса таълимот, Муқаддас Ёзув наъмуналари ва кейинги боблардаги воқеалар ёрдамида ранг қўшамиз. Бошладан аввал, мен сизни муқаддас қўрқувни таърифлашда қўрқитиши мумкин бўлган сўзларни кўришингиз ҳақида огоҳлантирмоқчиман, лекин сизни ишонтириб айтаманки, қўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Бутун хабарни охиригача ўқиб чиқинг ва сиз Худонинг муқаддас қўрқуви – бу биз ҳақимизда чуқур ғамхўрлик қилувчи ва бизга ташна Яратувчи томонидан бизга тўхфа қилинган севги ва ҳимоя инъоми эканини билиб оласиз.

Янги Аҳдда улардан бошлаш мумкин бўлган кўп оятлар бор, лекин қуйидаги оят зарур йўналишни беришига ишонаман.

“Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шоҳликни қабул қилиб, иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан *эҳтиром*

ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик. Чунки бизнинг Худойимиз – еб ютадиган оловдир” (Ибронийларга 12:28-29).

Агар сиз диққат билан қарасангиз, ушбу парчада иккита атама: *эҳтиром ва қўрқув* ҳақида гап кетаётганини кўрасиз. Бу жумла бизда Худонинг қўрқувини, фақат эҳтиром билан чеклаш мумкин эмас деган фикрни туғдиради, акс ҳолда, муаллиф иккинчи сўзни қўшмаган бўлар эди. Нафақат инглиз тилида бу жойда иккита ҳар хил сўзлар ёзилган, балки юнон тилида ҳам улар фарқ қилади: “айдос” и “евлабея”.

Эҳтиром – биринчи юнонча сўзнинг ажойиб таржимаси. “Сўзларни ўрганиш бўйича тўлиқ луғат”га (Complete Word Study Dictionary) кўра “эҳтиром” – бу “алоҳида чуқур ҳурмат ва иззат, бутунлай сидқидилдан севиш” дир. Менга бу сўзларни бир қаторда кўриш ёқади. Уларнинг ҳар бири устидан алоҳида мулоҳаза юритиб, биз ўз тушунчамизда янги поғонага кўтариламиз!

Иккинчи сўз - “қўрқув” - муқаддас титроқ маъносини ўз ичига олади. “Муқаддас титроқ”нинг таърифини излаб, мен Ноа Уебстер луғатининг 1928-йилдаги асл нашрига назар солдим. Мана нимани топдим: “буюк ва даҳшатли нарса томонидан солинган қўрқув ва даҳшат; қўрқув ва титроқ билан шикастлаш. Қўрқув, ваҳима ва ҳурмат орқали таъсир ўтказиш”. Сизни “даҳшат” ва “ваҳима” сўzlари чўчитмасин. Гарчи юнонча луғатда ҳам бу сўзлардан фойдаланилаётган бўлсада, муқаддас қўрқув ўзидан итарувчи эмас, ўзига тортувчи таъсирга эга эканини ёдга олинг. Шундай қилиб, биз: бу сўзларда ижобий ва соғлом жиҳат борми? – деб сўрашимиз керак. Ёзув бунинг борлигини кўрсатишига ишонаман ва биз бўёқлар қўшганимизда, буни кейинроқ кўрамиз.

Келинг, бизнинг таърифларимизни инобатга олган ҳолда бошлаймиз. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – Худонинг қаршисида *эҳтиромда* ва муқаддас *титроқда* бўлиш демақдир.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – Худони *муқаддас тутиб иззатлаш* демақдир. Муқаддас тутиб иззатлаш – “улкан ҳурмат кўрсатиш” демақдир.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – қадрлаш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш, таъзим қилиш ва Худони ҳар қандай кишидан ёки ҳар қандай нарсадан кўра кўпроқ сидқидилдан севиш демақдир.

Биз Худодан қўрққанимизда, Унинг юрагини ҳис қиламиз. Биз У севадиган нарсани севамиз ва У нафратланадиган нарсадан нафратланамиз. (Эътибор қаратинг: У нафратланадиган нарсага нисбатан, биз “ёқтирмасликни ҳис қиламиз” деб ёзмайпман, балки У каби бундан “нафратланамиз”.) У учун муҳим бўлган нарса, биз учун ҳам муҳимга айланади. У учун муҳим бўлмаган нарса, биз учун ҳам муҳим бўлмаган

нарсага айланади. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу гуноҳдан нафратланишдир. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу адолатсизликдан нафратланишдир. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу ҳар қандай маънода: фикрларда, сўзларда ва ишларда ёвузликдан йироқлашишдир. Бу ёлғон сўзлардан тийилишни англатади. Бизнинг юрагимиз ва фикрларимизга зид нарсалар ҳақида гапирмаслик ва қабул қилмасликдир. Худонинг қўрқуви бизнинг ташқи хулқ-атворимизни, бизнинг ички мулоҳазаларимиз, ниятларимиз ва эътиқодларимиз билан уйғунлаштиради.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу Худо ва одамлар олдида чинакам камтарликда бўлишдир. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу У лойиқ бўлган шараф ва ҳурмат, миннатдорчилик ва саждани Унга беришдир.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу Унга тегишли ҳамма нарсани беришдир. Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу ҳайрат ва завқ-шавқда Унинг қаршисида титрашдир. Ўзининг бутун эътиборини Унинг Сўзига ва ҳузурига қаратишдир.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу Унга итоат қилишдир. Бу шунчаки истак эмас, балки бу бизга қанчага тушишдан қатъий назар, Унинг иродасини бажаришга йўналтирилган ички кучдир. Биз иштиёқ билан, бажонидил ва дарҳол итоат этамиз, ҳатто бу бизга фойда келтирмайдигандек ёки ҳеч қандай маъноси йўқдек туюлса ҳам, биз буни бажарамиз.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу ҳар қандай турдаги шикоятлар, нолишлар ва норозиликлардан тийилишдир.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш – бу Унинг тўғридан-тўғри ва берилган ҳокимиятини ҳурмат-иззат қилиш ва бўйсунушдир. Бу шунингдек, фақат битта истисно: ҳокимият бизга гуноҳ қилишни буюргандан ташқари ҳолатларда, ҳокимиятга бўйсунушдир.

Раббийдан қўрқиш, бизнинг ният, фикр, сўз ва ишларимизни шакллантиради.

Келинг, энди муқаддас қўрқувнинг имтиёзларини қисман санаб ўтамиз. Мана, унда юрадиганларга берилган кўпгина Инжил ваъдаларининг баъзилари.

Раббийдан қўрқиш – бу Худо билан яқин муносабатларнинг бошланғич нуқтасидир. Биз Унинг дўстларига айланамиз ва бизга Унинг сирлари очилади.

Раббийдан қўрқиш – бу донолик, тушуниш ва билимнинг бошидир. У бизга олдиндан кўришни ва аниқ илоҳий йўл-йўриқни беради.

Раббийдан қўрқиш – бу бизнинг нажотда ўсишимиз ва Исонинг таъсирига ўзгаришимизнинг гаровидир.

Раббийдан қўрқиш пок бўлиб, ҳаётимизда ҳақиқий муқаддасликни келтириб чиқаради.

Раббийнинг қўрқувида бўлиш – ўзимизга абадий меросни таъминлаш демақдир.

Раббийдан қўрқиш ишонч, қўрқмаслик ва хавфсизликни келтириб чиқаради. У бошқа барча қўрқувларни, жумладан, инсондан қўрқишни ютиб юборади. Раббийдан қўрқиш фаришталарнинг ҳимоясини ваъда қилади, бизнинг истакларимизни амалга оширади, бизга муваффақият, олижаноблик, таъсир, узоқ умр, мазмунга бой кунлар, ҳаётда завқ ва бахт, меҳнатдан ҳузур-ҳаловат, тана шифоланиши ва бошқа кўп нарсаларни беради.

Раббийдан қўрқиш абадий қолади – у ҳеч қачон йўқ бўлмайди. Раббийдан қўрқиш – бу бизнинг Самовий Отамиздан қимматбаҳо совғади.

Бунинг шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шоҳликни қабул қилиб, иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик. Чунки бизнинг Худойимиз – еб ютадиган оловдир” (Ибронийларга 12:28-29).

Маъноси. Раббийдан қўрқиш – бу Худо севадиган нарсани севиш ва У нафратланадиган нарсадан нафратланишдир. Унинг учун муҳим бўлган нарса биз учун муҳимга айланади. Унинг учун унчалик муҳим бўлмаган нарса, биз учун ҳам унчалик муҳим бўлмаган нарсага айланади.

Фикр юритиш. Мен учун Худони ҳаммадан ёки ҳар қандай нарсадан кўпроқ қадрлаш, ҳурмат-иззат қилиш, сажда қилиш ва сидқидилдан севиш амалий маънода нима англатади?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мени Сенингисминг, Сўзинг, ҳузуринг ва Сен бўлган барча нарса қаршисида қўрқишга ўргатишингни Сендан сўрайман. Менга муқаддас қўрқувни севишимга ва унда ҳузур-ҳаловат топишимга ёрдам бергин. Муқаддас Рўҳ, бу саёҳат давомида менга Худонинг йўлларини ўргатгин ва уларни менда очгин. Ушбу китобни ўқиш вақтида шунчаки маълумот қабул қилиш эмас, балки бу сўзлар менинг ҳаётимни Раббим Исо Масиҳнинг тасвирига ўзгартириши учун ёрдам бергин. Мен буларнинг барчасини Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Менинг сўзларим ва юрагимнинг мулоҳазалари Худонинг нигоҳларида маъқул бўлсин.

Унинг бутун феъл-атвори бизга
эҳтиромни сингдиради, чунки у
олий даражада муқаддасдир ва
биз учун – муқаддас титроқни
чорловчи сўз бўлиб, уни
ҳеч қачон юзаки тилга олиб
бўлмайди ва ҳеч қачон жиддий
ўйламасдан ва Унинг қаршисида
бўйсундирилмаган юраксиз
иқтибос келтирилмайди.

– Ч.Г.СПЕРЖЕН

4 | ХУДОНИНГ СЕЗИЛАРЛИ ҲУЗУРИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, Худодан қўрқиш мантиқий эмасдек кўринади. “Қўрқув” сўзи жаранлаганда бизнинг онгимизда ҳалокатли ёки зарар етказадиган нарса ҳақида тасаввур юзага келади. Лекин сизларни ишонтирманки, аслида Раббидан қўрқиш – Оламда ҳар бир инсон учун очиқ бўлган ишонч, юпанч ва ҳимоянинг қудратли кучидир. Биз бу ҳақиқатни саёҳатимизни давом эттирганимиз сайин очиб бораверамиз. Аммо биринчи навбатда, муқаддас қўрқувни икки асосий тоифага бўлиш мумкинлиги ҳақида гапирамиз:

1. Худонинг ҳузурида титраш.
2. Унинг Сўзи қаршисида титраш.

Биз иккаласини ҳам муҳокама қиламиз ва келинг, биринчисидан бошласак. Саночи айтади: “Худо муқаддасларнинг буюк йиғинида *ҳурматлидир*, У Унинг атрофидагиларининг барчаси учун *ҳайбатлидир* (Сано 88:8, ЯРТ). Эътибор беринг: бу ерда шунчаки Худо қўрқинчли деб эмас, балки “*ҳайбатли*” деб ёзилган. Асл ҳақиқат шундаки, сиз ҳеч қачон Худони ҳурмат қилмайдиган ва Унинг қаршисида эҳтиром кўрсатмайдиган муҳитда Худонинг ажойиб ҳузурини таниб-билмайсиз.

Мен учун бу 1997-йилнинг январ ойида ҳақиқатга айланди. Мени Бразилия пойтахтида, миллий анжуманда воизлик қилишга таклиф этишди. Мен у ерда илгари ҳеч қачон бўлмаганман ва мен завқ билан ушбу буюк мамлакатга йўл олдим.

Самолёт эрта тонгда Бразилияга қўнди ва менда ибодат қилиш,

тайёрланиш ва меҳмонхона хонасида дам олишим учун кун бўйи вақт бор эди. Ўша куни кечқурун стадионга яқинлашиб, биз келгунимизгача кўчаларни тўлдирган жуда кўп автомобилларни пайқамаслигим мумкин эмас эди. Кутилганидек, тўхташ жойида бўш жой йўқ эди, демак, анжуманда одамлар жуда кўп бўлади.

Мени стадионга кузатиб қўйишди ва бир нечта етакчилар билан кўришганимдан сўнг, дарҳол саҳнага кўтарилдим. Мен Худога ғоят чанқаган минглаб имонлилар билан Унга сажда қилишни бошлашим мумкинлигини интиқлик билан кутардим. Аммо мен муҳитда Худонинг ҳузури йўқлигини билганим заҳоти, менинг завқим шу заҳоти йўқолди. Мен саросимага тушиб қолгандим: ахир, анжуманга имонлилар келган, улуғлов жамоаси эса мамлакатдаги энг яхшиларидан бири эдику. Хўш, нима учун Худонинг ҳузури йўқ?

Мен давом этишдан аввал, менга Худонинг ҳузури тўғрисида бир оғиз сўз айтишимга рухсат этсангиз. Муқаддас Ёзув бунинг иккита турини кўрсатади. Биринчиси – Унинг ҳамма жойда борлигидир. Довуд мана, қандай гувоҳлик бермоқда: “Сенинг Рухингдан қаерга бораман, Сенинг юзингдан қаерга қочаман? Осмонга чиқсам – Сен ўша ердасан, ер остига тушсам, у ерда ҳам Сен борсан... зулмат ҳам Сендан тўса олмайди. Тун ҳам кундуздек ёруғдир; қоронғилик ҳам, ёруғлик ҳам бирдек” (Сано 138:7, 8, 12). Худонинг бу ҳузури: “Мен сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман” – деб ваъда беради (Ибронийларга 13:5).

Худо ҳузурининг иккинчи тури ҳақида Исо: “Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиламан” – деб айтган (Юҳанно 14:21). “Намоён қиламан” – бу юнонча “эмфаниз” сўзи бўлиб, “ўзини таништириш... ўзини яқиндан билишга ва тушунишга ижозат беришни” англатади. Бу Худо ўзини бизнинг онгимизга ва ҳис қилиш аъзоларимизга очганида содир бўлади. Исо: “Чунки қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен у ерда уларнинг орасида бўламан” – дейди (Матто 18:20). У Худонинг ҳар ерда бўладиган ҳузурини назарда тутмаётгани кўриниб турибди, акс ҳолда, У бунга урғу беришининг нима кераги бор эди? Аниқроғи, У Унинг намоён бўлган ҳузури ҳақида гапирмоқда. Бу ҳузур ўша куни кечқурун стадионда йўқ эди. Мен шубҳасиз буни билиб, кўзларимни юмдим ва Муқаддас Рухдан: “Сенинг рухинг қаерда?” – деб сўрадим.

Сўнг мен кўзларимни очдим ва бир сонияда бениҳоя, ўз-ўзидан кўриниб турган, лекин мен дарҳол кўрмаган нарсани пайқадим. Кўпчилик одамлар саждада иштирок этмаётган эдилар. Айримлар қўлларини чўнтагига солиб ёки қўлларини қовуштириб турардилар, атрофга бефарқ қарар ёки зериккан кўринардилар. Аёллар ўз

сумкачаларини ковлар, кўпчилик зал бўйлаб беҳуда кезар ёки бар пештахталаридан газак сотиб олиш учун чиқар эдилар. Баъзи меҳмонлар кулиб, бир-бирлари билан гаплашишарди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан томоша бошланишини кутаётган оломонни эслатарди. Мен: *бу албатта, тезда тугайди ва одамлар сажда қилишни бошлайдилар* – деб ўйладим. Лекин мен адашган эдим.

Мени жуда ҳайратлантирган нарса шуки, улўғлов қўшиқлари тугаб, ҳаракат етакчиларидан бири Муқаддас Ёзувдан парча ўқиш учун саҳнага кўтарилганида ҳам, ҳеч нарса ўзгармади, бундан ташқари, мусиқа овози тўхтади ва паст ғовур-ғувур овозлар янада аниқроқ эшитила бошлади. Мен содир бўлаётган нарсаларни кўриб, ўз кўзларимга ишонмасдим, ичимда ғазаб кучая бошлади.

Кейин мен Муқаддас Рўхнинг юрагимга: “Сен бунга қарши туришингни истайман” – дея шивирлаганини эшитдим.

Мени таништиргандан сўнг, мен ўз таржимоним билан саҳнага кўтарилдим. Мен ҳеч нима демасдан, шунчаки залга қараб туришга қарор қилдим. Мен одамларнинг эътиборини тортишнинг ягона йўли саҳнада, ҳар қандай ҳаракатларни тўхтатишдан иборат, деган хулосага келдим. Бу иш берди, бир дақиқалик сукут барчанинг диққатини ўзига тортди. Одамлар зал бўйлаб кезишни бас қилдилар, бошларини саҳна томон қаратдилар ва муҳитда сукут ҳукмронлик қилди. Мен энди залдаги ҳар бир киши менинг саҳнада турганимга ўз нигоҳини тикканини билардим.

Ўша оқшом мен: “Бразилияда бўлиш нақадар ёқимли” ёки “Мени таклиф қилганларингиз учун ташаккур” – деб айтиб ўтирмадим. Ўзим ҳақимда гапирмадим, аммо қўйидагича савол билан уларга жиддий мурожаат қилдим: “Сиз билан стол атрофида ўтирган ёки гаплашаётган одам, сизга эътибор қаратмасдан, худди унга қизиқмасдек, шифтга қараса ёки унинг ёнида ўтирган бошқа бир киши билан сўхбат қилса, наҳотки бу сизларга ёққан бўларди?”

Мен бироз жим бўлиб, саволимга ўзим жавоб бердим: “Бу сизга ёқмаган бўларди, тўғрими?”

Кейин қўшиб қўйдим: “Ҳар сафар сиз қўшнингизнинг уйига келганингизда, унинг бефарқ нигоҳини кўрсангиз ва у сизга бир хил оҳангда: “Эҳа, бу сенмидинг” – деб айтганини эшитсангиз, унинг олдига яна келган бўлармидингиз?”

Яна бироз сукут сақлаб, жавоб бердим: “Асло!”

Сўнгра: “Наҳотки, сиз Сарвари Коинот Шоҳи, Уни ҳурмат қилмайдиган ва шарафламайдиган жойда ўз ҳузурини намоён қилади ёки гапиради деб ўйлайсизлар?”

Бу сафар мен ушбу саволга қатъий жавоб бердим: “Ҳеч қачон!”

Сўнгра қўшиб: “Агар мамлакатингизнинг президенти шу саҳнага чиққанида эди, сиз унга тўлиқ эътибор ва ҳурмат кўрсатган бўлардингиз. Ёки сизнинг севимли футболчиларингиздан бири саҳнага чиққанида эди, сизларнинг кўпчилигингиз ўриндиқларингизнинг четида завқланиб ўтирган бўлардингиз ва ҳар бир сўзни илиб олардингиз. Бироқ бир дақиқа олдин бу ерда Худонинг Сўзини ўқишди ва сиз ҳеч қандай эътибор қаратмадингиз, сиз учун бу шунчаки шовқин бўлди!”

Кейин мен йиғилган одамларга яна бир ярим соат, Раббийдан қўрқиш ҳақида воизлик қилдим. Залда бирорта ҳам овоз эшитилмас эди. Улар танбеҳдан саросимага тушгандек туюлди, лекин барибир диққат билан тингладилар.

Мен воизликнинг сўнгида мурожаат қилдим: “Агар сиз имонли бўлсангиз-у, лекин сизга муқаддас қўрқув етишмаётган бўлса ва сиз тавба қилишга тайёр бўлсангиз, ўрнингиздан туринг!”

Залдаги етмиш беш фоиз одамлар ҳеч иккиланмай ўринларидан туришди. Ўша дамда, мен улар учун ибодат қилиб улгурмасимданоқ, Худонинг намоён бўлган ҳузурни стадионни тўлдирди. Худонинг ажойиб ҳузурни одамларнинг ҳаётига таъсир қилган пайтда, улар ҳиқиллаб йиғлай бошладилар. Муқаддас қўрқув уларни Худодан чўчитмади, аксинча, уларни Унга жалб қилди.

Шундан сўнг, мен қирқ йиллик хизматим давомида кўрган энг ажойиб воқеалардан бири содир бўлди. Аммо биз бу ҳикояга ўтишимиздан аввал, келинг, қуйидаги сўзлар билан якунлаймиз:

“Сўнгра мен унинг гапираётганини эшитдим ва уни эшитиб, юз тубан йиқилиб, чуқур ҳушимни йўқотдим. Лекин бир қўл менга тегиниб, мени *қалтираётган* тиззаларимга ва қўлларимга турғизиб қўйди. У менга: “Дониэл, сен *қаттиқ севилгансан*, мен сенга айтадиган сўзларимни уқиб олгин ва ўрнингдан тур, чунки мен ҳозир сенинг олдинга юборилганман”, – деди. У бу сўзларни менга айтганида, мен *титроқ билан* ўрнимдан турдим” (Дониэл 10:9-11, ЯРТ).

Дониэл Худо томонидан қаттиқ севилган эди, шундай бўлса-да, уни титроқ қамраб олди ва у ерга йиқилди. Ҳатто, унга тиззасига, кейин оёққа туришига ёрдам берган бўлсаларда, у тинмасдан қалтирар эди. Агар хабарчи – фариштанинг ҳузурда бундай нарса содир бўлса, Худонинг Ўзи келганида нима содир бўлади?

Буни шахсий қилиб олинг

Инжилояти. “Худо муқаддасларнинг буюк йиғинида ҳурматлидир, У Унинг атрофидагиларининг барчаси учун ҳайбатлидир (Сано 88:8, ЯРТ).

Маъноси. Биз Худонинг намоён бўлган ҳузурини, фақат Унга буюк ҳурмат билан муносабатда бўладиган муҳитда топамиз.

Фикр юритиш. Худонинг ҳузурини титраш нимани англатади? Мен ёлғиз бўлганимда ёки дўстларим билан жамоат жойларда ёки жамоат хизматида бўлганимда буни амалда қандай қилишим керак?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен сажда муҳитига совуққон, бефарқ муносабат билан кирган ҳолатлар учун мени кечиришингни сўрайман. Мен Сенинг ҳузуринга ўз-ўзидан маълум бирор нарсага нисбатан муносабатда бўлганим ва уни оддий деб қабул қилганим учун тавба қиламан. Исонинг қони мени покласин. Мен Сенинг қаршингда итоат қиламан ва ўзгаришим учун иноят сўрайман. Мен қаерда бўлмайин ва нима қилмайин Сенинг ҳузурингни англаб етиб, ҳурмат қилишни хоҳлайман. Мен ҳамма вақт Сенинг қаршингда эҳтиромли титроқда яшашни истайман. Мен Исо номи билан бу ҳақида сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен доимо ўз эътиборимни Худонинг Сўзига қаратаман ва Худонинг ҳузурини ўзимнинг барча сўзларим ва ишларимда иззат-ҳурмат қиламан.

Ибодат қилишдан олдин, Кимга
муружаат қилаётганингизни
эсга олиб, Кимга
яқинлашаётганингизни
ва Ким билан гаплашмоқчи
эканингизни англаб етишга
ҳаракат қилинг.

– ТЕРЕЗА АВИЛЬСКАЯ

5 | УНУТИЛМАС КЕЧГИ ХИЗМАТ

Марк Хушхабарида Исо мўъжизалар орқали сўзни тасдиқлаб, шогирдлари билан ҳаракат қилгани ёзилган (Марк 16:20). Ушбу биргаликдаги иш Исо самога кўтарилгани заҳоти бошланган ва Ёзувнинг ҳеч бир жойида бу иш Унинг қайтгунига қадар яқунланади деб ёзилмаган.

Шундай қилиб, келинг, Бразилиядаги ўша оқшомга қайтамыз. Мен одамларни ўзларининг бефарқликлари учун тавба қилишга чорлаганимда, тингловчиларнинг етмиш беш фоизи ўрнидан турди. Мен бошимни эгиб, баланд овозда ибодат қилдим: “Раббий, бугун воизлик қилинган Сўзингни тасдиқлагин”.

Дарҳол одамлар орасида йиғи овози эшитилди. Кейин бир неча дақиқа давомида Худо ҳузурининг тўлқини, ўша ерда бўлганларнинг юракларини тетиклаштириб ва поклаб, муҳитни тўлдирди. Ҳатто, у кета бошлаганида ҳам, ажойиб тинчлик ҳисси қолди.

Одамлар овоз чиқариб кечирим сўрамадилар ва ибодат қилмадилар, лекин Худонинг ҳузури уларнинг ўзгарган юраклари туйфайли келди. Кейин, мен бу ҳақида мулоҳаза юритарканман, адашган ўғилнинг отаси ўғли унинг олдига югуриб бориши учун отасидан кечирим сўрашини кутмаганини англадим. Ўғлининг юрак ҳолати ўзгариб, уйга қайтишга қарор қилганида, отаси унинг олдига югуриб чиқди ва уни қучоқлаб, ўпди. Худди шу нарса стадионда содир бўлгандек туюлди.

Биз муҳим лаҳзаларни кузатдик. Одамлар эҳтиромли сукунатда турар, уларнинг юраклари меҳрга тўла эди. Менга йиғинни ибодатда

тавбага етаклаш учун жуда қулай пайт келгандек кўринди ва уларнинг сўзлари самимий эканини ва пок юрак билан чиққанини пайқаш учун ўткир заковатли бўлишнинг кераги йўқ эди. Ибодатдан сўнг Худонинг намоён бўлган ҳузурининг янги тўлқини стадионни тўлдирди. Мен яна одамларнинг ҳўнграб йиғлаганини эшитдим, лекин бу сафар янада кучлироқ эди. Бу ҳузур ажойиб эди, лекин бир неча дақиқадан сўнг у ҳам кетди.

Худо бизга намоён қилган ажойиб ва тинчликка тўла ҳузурнинг икки тўлқинидан сўнг, барчамиз ҳис қилган софлик учун миннатдор эдим. Ҳаммамиз илоҳий тинчлик муҳитни тўлдиришини кутар эдик. Сукунат пайтида Худонинг Рўҳи юрагимга: “Мен Ўзимни яна бир бор намоён қилиш учун қайтаман” – дея шивирлаганини эшитдим.

Мен овоз чиқариб бу ҳақида айтдим. Аммо бизларнинг ҳеч биримиз бундан кейин нима бўлишини тасаввур қилмаган эдик – бутунлай янги ҳузур бизга ташриф буюрди. Тез орада нима содир бўлганини етказиш мушкул, чунки содир бўлган нарсани муносиб тарзда, сўзлар билан таърифлай олмайман. Мен ҳозир ёзадиган нарса бўрттириб кўрсатилган, ҳатто ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлиб кўриниши мумкин, лекин ҳозир йигирма йил ўтгандан сўнг ҳам, кўплаб одамлар содир бўлган нарсани тасдиқлайдилар.

Тасаввур қилинг, сиз ўрмонда турибсиз ва тўсатдан кучли шамол эсишни бошлади. Сиз дарахтларнинг орасида, юқорида унинг баланд шовқинини эшитасиз. Биз уни ҳис қилмадик, балки эшитдик. Деярли бу билан бир вақтда одамларнинг оғзидан йиғи аралаш қайноқ ибодат отилиб чиқди. Уларнинг овозлари бир овозга бирлашиб, момақалдироқ каби жарангларди, бироқ шамолнинг шовқини уларнинг барчасини босиб кетди. Мен Унинг ҳузурининг қаршисида ҳайратда, титроқда, қарийб даҳшатда турар эдим. Мен қимирлай ҳам, гапира ҳам олмасдим, бутун танам жимирларди. Муҳитда мен илгари ҳеч қачон учратмаган шундай бир ҳоқимият сезиларди. Мен: “*бу Абба Отанинг ҳузури эмас; бу бизнинг муқаддас, қудратли ҳаммадан кучли Подшоҳимиз!*” – деб ўйладим.

Шамолнинг ғувиллаши тўқсон сонияга яқин давом этди. У аста-секин сусайганда, у ўйғониш қолдирди – одамлар йиғладилар, баъзилари ҳўшларидан кетдилар, бошқалари олдиндаги ўриндиқнинг суюнчиғига йиқилдилар, лекин ҳаммамиз эҳтиромда титрар эдик. Биз ушбу муқаддас муҳитда яна ўн дақиқага яқин қолдик. Мен ҳеч нарса айта олмасдим: барчамиз тўлиқ сукунатда турардик. Сўнгра мен йиғинни етакчига топширдим ва хизматчилар ҳамроҳлигида жимгина машина томон келдим.

Улуғлов етакчиси ва унинг эри, мендан кейин кўп ўтмай, бизнинг машинамизга ўтирдилар. У дарҳол сўради:

– Сиз шамолни эшитдингизми?

Мен бунинг шамол бўлганини бирдан тан олишни истамадим. Мен содир бўлган воқеанинг тасдиғини бошқа одамнинг оғзидан эшитмоқчи эдим. Шунинг учун мен жавоб бердим:

– Эҳтимол бу бино устидан учиб ўтган реактив самолёт бўлгандир?

(Бу бинода ҳаво алмаштириш қурилмаси учун том ва шифт ўртасида катта масофа бор эди, шунинг учун кўчадаги товушлар ёпиқ бинодан кўра анча яхши эшитиларди.)

У олдинги ўриндикда ўтирарди ва орқага ўгирилиб, юзида ҳайрат билан қизғин эътироз билдирди:

– Йўқ, бу Худонинг Рухи эди!

Унинг эри анча ювош ва вазмин одам ҳам деди:

– Йўқ, жаноб, бу реактив самолёт эмас эди.

Мен сўрадим:

– Сиз қаердан биласиз?

У жавоб бериб деди:

– Бинонинг деворлари ташқарисида хавфсизлик бўлими ходимлари ва полициячилар туришган эди, уларнинг кўпчилиги – имонсиз одамлар. Улар шамолнинг овозини эшитишганда, ичкарига югуриб кириб, жамоамиз йигитларидан бино ичидан чиқаётган кучли шамолнинг баланд шовқини ҳақида сўрашган. Бундан ташқари, мен асосий овоз пулти ортида турган эдим (у хотини куйлаётганда, овозни яхши созлаш учун ўша ерда бўлган). Бирорта ҳам товуш овоз тизими орқали ўтмаган; овоз ўлчаш қурилмаси шамол эсан вақтда ҳеч нимани қайд этмаган.

Кейин яна унинг хотини гапира кетди, кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди.

– Оловли қуюн бинонинг устига қандай тушаётганини кўрдим ва ҳамма жойда фаришталарнинг ҳузурини ҳис қилдим.

Мени дарҳол меҳмонхонага олиб боришларини сўрадим. Биз бутун йўл давомида жим кетдик. Кейинроқ ўша оқшом хонамнинг балконида бир неча соат ўтирдим. Мен фақат Худога сажда қила олардим. Мен ўша оқшомда содир бўлган нарсадан ҳайратда эдим.

Эртаси кунни тонгда биз залга кирганимизда, муҳит бутунлай ўзгача эди. Йиғинда, ўтган оқшом бизга ташриф буюрган Худонинг намоён бўлган ҳузур аввалгидек сезиларли эди. Раббийдан қўрқиш одамларнинг юракларида қайта тикланган эди ва улар Худонинг ҳузурини

ва иноятини ажойиб тарзда ҳис этдилар.

Айтиб ўтилганидек, бир неча киши ўша оқшом содир бўлган ҳодисани тасдиқлашди ва мактублар, электрон почта орқали ва шахсан уларнинг ҳаётига бўлган таъсир ҳақида бўлишишди. Мен 2016-йилда Бразилиянинг Гояния шаҳрида, ўн икки минг нафар етакчилар қатнашган йиғинда воизлик қилиш учун бордим. Қабул қилаётган жамоатнинг чўпони қўл қўйиб хизматга дуо қилинаётган вақтида, унинг илк айтган сўзлари қуйидагилар бўлди: “Мен ўн икки йил аввал шамол эсганда Бразилиядаги йиғинда эдим. Менинг хотиним ўшандан буён бутунлай ўзгариб кетди”. У бор-йўғи ўн олти йил ичида уч юз минг кишига ўсган жамоатлар тармоғини бошқаради.

Хотиним 2019-йил Бразилиядаги анжуманда хизмат қилганида, бошқа хизматнинг етакчиларидан бири, йигирма йилдан қўпроқ вақт олдин шамол эсган ўша йиғинда бўлганини айтган. У ҳам унинг ҳаёти ўша кундан бошлаб, бутунлай ўзгарганини тасдиқлаган.

Худонинг ҳузурида бўлиш ҳар бир имонлининг руҳий соғлиги учун муҳимдир. Қачонлардир, менга ибодат чоғида Худонинг ҳузурига киришим жуда қийин бўлган. Лекин мен бир куни, бир нарсани қилишни деярли тасодифан бошладим. Мен ибодатни улўғлов ёки қандайдир сўзларни айтишдан бошламасликка қарор қилдим. Мен шунчаки Худойимизнинг улўғворлиги ва муқаддаслиги ҳақида фикр юритдим. Қарийб шу заҳоти, Унинг ҳузури мени қамраб олди. Эртаси куни мен худди шу нарсани қилишга қарор қилдим ва бир хил натижага эришдим. Бу учинчи кун ҳам такрорланди.

Мен ҳижолат тортиб, сўрадим: “Раббий, нима учун охириги уч кунда Сенинг ҳузурига шунчалик осон кирипман?”

Худонинг Рухи: “Исо Ўз шогирдларини ибодат қилишга қандай ўргатган” – деганини эшитдим.

Мен “Бизнинг Отамиз” ибодатини иқтибос келтира бошладим: “Бизнинг Отамиз, Сенинг исминг муқаддаслансин...” Мен қичқириб юбордим: “Тўппа-тўғри! Исо Ўз шогирдларини Худонинг ҳузурига муқаддас титроқ ва эҳтиром билан келишни ўргатган!” Энди мен учун ҳаммаси мутлақо тушунарли эди.

Довуд бу ҳақиқатни қуйидаги сўзлар билан тасдиқлайди: “*Сенинг қўрқувингда* Сенинг муқаддас маъбадингда сажда қиламан” (Сано 5:8). Худо – бизнинг Худойимиз, Исо – бизнинг Раббимиз ва Нажоткоримиз, Худонинг Рухи бизни қаттиқ севади. Аммо шу билан бирга, Янги Аҳдда Худо ҳақида У “еб ютадиган олов” деб ёзилганини ёдда сақланг (Ибронийларга 12:29). Исога ҳаммадан кўра яқинроқ бўлган, севимли ҳаворий Юҳанно ўлик каби Унинг оёқларига

йиқилди (Ваҳий 1:17) ва бутун шаҳарнинг эътиборини жалб этиш учун (Ҳаворийлар 2) Худонинг қудратини намоён қилувчи Зот бўлмиш, Худонинг Рухи бинони ларзага солди (Ҳаворийлар 4) ва кўплаб бошқа ажойиб нарсаларни қилди.

Мана асосий ҳақиқат: *Раббийнинг қаршисида эҳтиром кўрсатилган жойда, Унинг ҳузури намоён бўлади.*

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Мен орангизда... қўрқувда ва қаттиқ титроқда эдим. Менинг сўзим ҳамда воизлигим инсоний доноликнинг ишонтирарли сўзларидан эмас, балки руҳ ва куч-қудратнинг намоён бўлишидан иборат эди, токи имонингиз инсоннинг донолигига эмас, балки Худонинг куч-қудратига асосланган бўлсин” (1-Коринфликларга 2:3-5).

Маъноси. Раббидан қўрқиш муҳитни ўзгартиради. У Муқаддас Рухнинг кучи бизнинг ҳаётимизни ва бошқа одамларнинг ҳаётини ўзгартириши учун шароит яратади.

Фикр юритиш. Мен Худонинг ҳузури ёки кучи намоён бўлишини кутаманми ёки бунга ишонаманми? Мен Унинг олдига муқаддас титроқ билан келганимда, менинг ибодат ҳаётим қандай ўзгаради? Мен бу силжишни қандай амалга оширишим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, агар мен олдинги тажрибаларим сабабли Сенинг ҳузурингни чеклаган бўлсам, ёки бошқа одамларнинг чекловлари Сен қилишинг мумкин бўлган нарсага таъсир кўрсатган бўлса, илтимос, мени кечиргин. Мен Сенинг ҳузурингга муқаддас титроқ билан кираман ва Сенга ҳеч қандай чекловларни қўймайман. Сендан сўрайман, Ўз кучингни кўрсатиб мен сўрашим, ўйлашим ва умид қилишим мумкин бўлган нарсаларнинг барчасидан устун бўлгин. Менинг Раббим Исони улуғлаш учун ва менинг таъсир доирамдаги одамларга хизмат қилишим учун буни амалга оширишингни Сендан сўрайман. Мен Исо номи билан бу ҳақида сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Агар мен фақат ишонсамгина ва Худонинг олдига муқаддас қўрқув билан келсамгина, ҳамма нарса имконлидир.

Биз Унинг бутун улуғвор
муқаддаслиги ва порлоқ
шарафида Уни юзма-юз
кўрганимизда, қачонлардир
миямизга Унга нисбатан оддий
фикр келгани, биз учун ақлга
сиғмайдиган бўлиб кўринади.

– ЖОЙ ДОУСОН

6 | ХУДО ҲАҚИДА МУШОҲАДА ҚИЛИШ

Бизнинг муқаддас кўрқувимиз Худонинг буюклигини тушунишимизга мутаносиб равишда ўсиб боради. Лекин ҳақиқат шундан иборат: “Унинг буюклигини тўлиқ ўрганиб бўлмайди” (Сано 144:3), чунки Унинг шуҳрати ақлга таслим бўлмайди. Унинг шуҳратини тўлиқ ўрганиб бўлмайди, чексиз, қамраб бўлмайди ва ақлга сиғмайди. Шунга қарамасдан, биз ўз тушунчамизда ўсишга интилишимиз керак.

Подшоҳ Уззияҳ вафот этган йили тахминан милоддан олдинги 742-йилда, пайғамбар Ишаъё осмонга кўтарилган эди. У баланд ва юксалган тахтда ўтирган Раббийни, Унинг бутун шуҳратида кўрди. Унинг буюклиги улкан маъбадни – катта эҳтимол билан, миллиард тирик мавжудотни сиғдира оладиган бинони тўлдириб турарди.

Ишаъё Яратганнинг кўринишидан нафақат завққа тўлган ва ҳайратда қолган эди, балки Худонинг тахти устидан ўчиб юрган, серафим деб аталган қудратли фаришталарга маҳлиё бўлган эди. Ишаъё эътиромли титроқ ўйғотувчи ушбу мавжудотларнинг оғзидан қуйидагини эшитди:

“Муқаддас, муқаддас, қўшинлар Худованди муқаддас! Бутун ер юзи Унинг шуҳратига тўладир!” (Ишаъё 6:3).

Бизларнинг кўпчилигимизга 1800-йилда Жон Бахус Дайк томонидан, ушбу Инжил оятлари асосида ёзилган “Муқаддас, муқаддас, муқаддас” классик мадҳияси танишдир. Бу икки юз йилдан ортиқ вақт давомида жамоатнинг асосий мадҳияси бўлган, сўнгра у

сокин сажда қўшиғига айланган. Аммо бу Ишаъё кўрган нарсадан анча фарқ қилади.

Ушбу улкан мавжудотлар ажойиб қўшиқни Худого хурсандчилик бахш этиш учун куйламайдилар; улар аслида, кўрган нарчасига муносабат билдирадилар. Уларнинг қаршисида, Унинг тушуниб бўлмас буюклигининг янги ғайриоддий қирралари доимо очилиб бораверади, шу сабабли улар фақат: “Муқаддас, муқаддас, муқаддас...” – деб ҳайқира оладилар.

Серафимлар “муқаддас” деб уч марта такрорламайдилар. Ишаъё каби қадимги иброний муаллиф сўзга урғу бериш йўлини қидирган, у уни икки қарра ёзган. Биз буни Исонинг сўзларида кўрамыз: “Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди” (Матто 7:21). Агар сиз ўтириб, Исони тинглайдиган Матто бўлганингизда, У “Раббий” сўзини айтганида, Унинг овоз оҳанги сезиларли даражада кучайганини пайқаган бўлардингиз. Исонинг овозидаги кучайишга урғу бериш учун Матто бу сўзни икки марта ёзган. Биз инглиз тилида фикрни кучайтириш учун қалин ёзув ёки курсивдан фойдаланамиз.

Қадимги иброний муаллиф, камдан-кам ҳолларда сўзнинг маъносига урғу бериш учун уни уч марта ёзган. Аслини олганда, бу Муқаддас Ёзувда бор-йўғи икки ёки уч марта учрайди. Шу тарзда, биз сўз ёки иборанинг маъносини кучайтиришнинг олий даражасини кўрамыз. Дарҳақиқат, бу фаришталарнинг овози момақалди роқ каби, шу қадар кучли жарангладики, ўша улкан бинодаги эшикларнинг ёндорлари қимирлаб кетди.

Биз оиламиз билан Флоридага кўчиб келганимизда, сув сатҳи жуда ҳам баланд бўлгани учун уйларда ертўлалар қурмаганликларини кўрдик. Уйимизнинг қурувчиси менга: “Сизнинг ҳудудингизда бўрон хавфи юзага келган ҳолатда, уйнинг ички қисмининг эшик ўрни остига яширининг, чунки бу қурилишнинг энг ишончли қисмидир” – деди. Ишаъё бу улкан самовий майдонда эшикларнинг ёндорлари, қандай қимирлаганини алоҳида таъкидлагани ҳақидаги биргина фикрдан мия портлаб кетади. Агар шундай бўлса, демак, бутун тузилма фаришталарнинг қудратли садоларидан қимирлаган!

Ишаъё Худонинг шўхратини мушоҳада қилишга қандай муносабат билдирди? У: “Вой-бўй, Мана У” – демади.

Йўқ, у: “Менинг ҳолимга вой! Мен ҳалок бўлдим! Мен оғзи нопок одамман” – дея қичқирди (Ишаъё 6:5, ЯРТ). Бу воқеликни тасаввур қилинг: бу художўй одам, пайғамбар, ўз китобининг аввалги бобида: “Ёвузликни эзгулик деб, эзгуликни эса ёвузлик деб айтадиганларнинг,

мағрурлик қиладиганларнинг, спиртли ичимлик ичадиганларнинг ҳолига вой!” – деб ҳайқирган кишидир (Ишаъё 5:20-22, муаллиф ифодаси). Мана у бир бобдан сўнг, Худонинг буюклигини кўрди, лекин энди “гуноҳкорларнинг ҳолига вой!” деб қичқирмади, балки: “менинг ҳолимга вой, мен ҳалок бўлдим!” – деб қичқирди. У биламан деб ўйлаган, лекин энди у Қодир Худонинг кимлигини янада кўпроқ англамоқда. Шунингдек, у ушбу муқаддас Худонинг қаршисида, ўзининг ким эканини яхши тушунади. Бу учрашув унинг муқаддас кўрқуви сезиларли даражада кучайишига олиб келди!

Бутун Муқаддас Ёзувда Раббийни Унинг шўхратида мушоҳада қилган одамларнинг, шунга ўхшаш муносабатларини кўрамиз. Аюбни ёдга оламиз. Қодир Тангри у ҳақида шундай дейди: “Сен Менинг қўлим Аюбга эътибор бердингми? Зеро ер юзида у каби киши йўқдир” (Аюб 1:8). Худо сиз ҳақингизда ёки мен ҳақимда, шундай сўзларни айтганини тасаввур қила оласизми? Биз қувончдан сакраган бўлардик! Лекин бу одам Худонинг шўхратини кўрди ва ҳайқириб: “Мен Сен ҳақингда қўлоғимга чалинганларини эшитган эдим, энди эса менинг кўзларим Сени кўрмоқда. Шунинг учун мен ўзимни рад этаман ва тупроқда ҳамда қўлда тавба қиламан” – деди (Аюб 42:5, 6).

Эзекилни ёдга оламиз. У Раббийни кўриб, шундай деб ёзди: “Бу — Раббийнинг шарафига ўхшаш нарсанинг кўриниши эди. Мен бунга кўрганимда, юз тубан йиқилдим” (Эзекил 2:1).

Иброҳим ҳақида нима дейиш мумкин? Биз у Худони кўрганида: “Ибром ерга юз тубан йиқилди” – дейилганини ўқиймиз (Ибтидо 17:3).

Худо Синайда Ўзининг шўхратида намоён бўлганда, “бу ҳодисанинг кўриниши шундай даҳшатли эдики, ҳатто Мусо: “Мен жуда кўрқиб титраяпман!” – деган эди” (Ибронийларга 12:21).

Исо севган ўша ҳаворий Юҳанно, бизнинг шарафланган Исомиз билан ўз учрашуви ҳақида қуйидагича ёзади: “Мен Уни кўрганимда, Унинг оёқларига мурдадек йиқилдим” (Ваҳий 1:17).

Юқорида келтирилган мисоллар – бу тўлиқ рўйхат эмас. Ёзувда шунга ўхшаш кўпгина бошқа ҳолатлар ёзилган.

Бирмунча яқинда, жамоат тарихида тахминан 1266-йилдан 1237-йилгача бўлган даврда, Фома Аквинский ўзининг энг муҳим асари деб ҳисоблаган “Худошуносликнинг йиғиндиси” китобини ёзган. Аммо бир куни у Худо билан унинг қарашларини умрбод ўзгартириб юборган, ниҳоятда кучли учрашувни бошдан кечирди ва у дарҳол ёзишни тўхтатди. Унинг дўсти Режинальд уни ишлашни давом эттиришга ундаганида, Фома Аквинский: “Менинг ишларим ниҳоясига етди. Зеро менинг ёзганларим менга очилган нарса билан

солиштирилганда, менга сомондек кўриняпти” – деб жавоб берди.

Исроил тарихининг бир лаҳзасида, Худо Ўз халқи орасида муқаддас қўрқувни янгилашни истади ва У бир нечта аниқ саволларни берди. Раббийнинг шўхратини мушоҳада қилган Ишаъё сўрамоқда: “Ким Раббийнинг Рухини англабди ва Унинг маслаҳатчиси бўлиб, Унга насиҳат берибди? У ким билан маслаҳатлашади? Ким Унга ақл ўргатиб, адолат йўлини уқтиради? Ким Унга билим ўргатиб, Унга донолик йўлини кўрсатади? Шундай қилиб, сизлар Худони кимга ўхшатасизлар? Уни қандай тасвир билан солиштирасизлар?” (Ишаъё 40:13, 14, 18).

Сўнгра Худо тўғридан-тўғри сўрамоқда: “Сизлар Мени кимга ўхшатасизлар ва ким билан солиштирасизлар?” (Ишаъё 40:25). Агар тарихда бу масалалар билан шунчаки юзаки танишишнинг ўрнига, улар устидан чуқур фикрлаш керак вақти бўлган экан, ҳозир ҳам шундай бўлиши керак. Мана шу кунда ва мана шу соатда, кўпчилигимиз бизнинг онгимизни доим тўлдириб борадиган маълумотлар оқими билан шу қадар бандмизки, ушбу муҳим масалалар устидан фикрлаш учун бизда на жой, на вақтимиз қолмоқда. Нимадир қалбимизга муқаддас қўрқувни жойлаштиришга қаршилиқ қилади ва шунинг учун кўп имонлилар заиф бўлиб қолмоқдалар ва осонгина васваса, манфаат ҳамда инсоний ютуқлар мағрурлигининг дунёвий тизимига ўрнашиб бормоқдалар.

Шу йўсинда, биз доимо қобилиятли спортчилар, Голливуднинг ёрқин юлдузлари, истеъдодли мусиқа санъаткорлари, бизнес мутахассислари, эътибор тортувчи етакчилар ва бошқа муҳим шахсларга айтиладиган мадҳиялар ғалаёни остида қолаверамиз. Уларнинг довуғи ойнаижаҳон, ижтимоий тармоқлар, асосий оммавий ахборот воситалари ва бошқа кўплаб жамоат майдонларида кўкларга кўтарилади. Фожеали ҳақиқат шундан иборатки, ушбу зарарсиз бўлиб кўринган маълумот заррачалари ва инсон ютуқлари бизни чалғитади ёки ҳатто, Худога яқинлашиш ва Уни мушоҳада қилиш ҳақидаги сеҳрли таклифдан совутади.

Агар биз шунчаки тўхтаб, ичимизга назар солсак ва Унинг буюклигини завқ билан томоша қилсак эди, биз бойиб, мустаҳкам ва тинчликда бўлар эдик. Бизга ваъда берилган:

“Зеро қоронғилиқдан нур порлашига буюрган Худо бизнинг юракларимизда порлади, токи Исо Масих сиймосидаги Унинг шўхратини билиш учун бизларни ёритсин” (2-Коринфликларга 4:6).

Қалбимизнинг сукунатида Муқаддас Рух билан бирликда, биз Унинг Сўзи устидан фикр юритишда Исони мушоҳада қилишимиз мумкин.

Унинг юзини мушоҳада қилиш юракларимизда Худонинг шуҳратини ёритади ва шу тариқа, бизнинг муқаддас *титроғимизни* кучайтиради.

Биз У билан учрашган, У билан бирга юрган, Унга маъқул бўлган, аҳд ваъдасини қабул қилган ва ўз йўлини яхши тугатган, юқорида санаб ўтилган Ишаъё ва бошқа буюк инсонлар каби бўламиз. Энг муҳими, бизга шундай ваъда берилганки, биз Уни мушоҳада қилиб, “янада кўпроқ Унга ўхшаб ўзгармоқдамиз. Унинг шуҳрати бизда ўсиб бормоқда” (2-Коринфликларга 3:18).

Сиз кимнинг тасвирига мослашишга интилмоқдасиз – замонавий машҳурларнингми ёки борлиқни яратган Зотнинг тасвиригами? Оқилона танланг ҳамда эшитадиган нарсангизга ва нимага вақт ажратаётганингизга диққат қилинг.

Бунинг шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Муқаддас Маконнинг шуҳратида Раббийга сажда қилинлар. Эй, бор замин, Унинг юзи қаршисида титрагин!” (Сано 95:9).

Маъноси. Худонинг муқаддас қўрқуви бизда Худонинг буюклигини тушунишимизга мутаносиб равишда ўсиб боради.

Фикр юритиш. Агар кунига уч маҳал ўн дақиқа, ҳар қандай ташқи таъсирни ўчирсам ва Худонинг буюклиги ҳақида фикр юритсам, нима содир бўларди? Бунга вақт сарфлашга арзийдими? Оқибатда, мени донороқ қиладиган муқаддас қўрқувни кучайтириб, кундалик ҳаётда янада самаралироқ бўла оламанми?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сендан Исо ҳақида янги нуқтаи-назарни беришингни сўрайман. Сенинг Сўзинг ваъда берадики, мен Уни ўз юрагимда мушоҳада қилганимда, бир шуҳрат даражасидан, бошқа даражага Унинг тасвирига ўзгариб бораман. Унинг шуҳрати ҳақиқий бўлиб боргани сари менинг муқаддас қўрқувим кучайсин. Мен Сендан Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен шуҳратдан шуҳратга Исонинг тасвирига ўзгариб бораман.

Одамлар Худонинг олдида
эмас, балки бир-бирларининг
олдида эҳтиром кўрсатадилар.

– ГЕНРИ ДЭВИД ТОРО

7 | ХУДОНИНГ ШУҲРАТИ

Диққатни *Худонинг шуҳратига* қаратмасдан, муқаддас қўрқув ҳақида суҳбатлашишнинг имкони йўқ. Биз олдинги бобда бу мавзуга тўхталиб ўтдик, энди эса, давом эттирсак.

Ўлимга маҳкум тана Худо шуҳратининг ҳузурда тура олмайди. Пайғамбар Ҳабақуқ бу ҳақда қуйидаги сўзларни ёзган: “Унинг ялтираши – қуёшнинг ёруғлигидек; Унинг қўлидан нурлар чиқмоқда ва Унинг куч-қудрати шу ерда яшириндир” (3:4). Павлус, Исо “яқинлашиб бўлмайдиган нурда истиқомат қилади. Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди ҳам” – деб ёзади (1-Тимўтийга 6:16). Ушбу сатрлар билан бир қаторда, биз Ибронийларга мактубда, *Худо еб ютадиган олов* эканини ўқиймиз (12:29 га қаранг).

Бундай ифодаларни эшитиб, У ютиб юборса ҳам, лекин унга яқинлашишга имкон берадиган, гулхандаги ўтинни ёқиб юборувчи оловга ўхшайди деб ўйламанг. Аксинча, келинг, ҳамма нарсани еб ютадиган янада ёрқинроқ оловни, мисол учун, бизнинг еримизни ёритадиган қуёшни тасаввур қиламиз. У ҳамма нарсани еб ютади, лекин унинг ёнига йўллаб бўлмайди, лекин ҳатто бу мисол ҳам ҳақиқатни тўлиқ очиб бермайди, чунки ёзилганки: “Худо – нур ва Унда ҳеч қандай қоронғилик йўқдир” (1-Юҳанно 1:5). Қуёш қанчалик ёрқин бўлмасин, унда қора доғлар бор. Боз устига, Павлус: “мана, подшоҳим, куннинг қоқ ярмида мен йўлда осмондан қуёш ёғдусидан ҳам ёрқинроқ нурни кўрдим. Бу нур мени ёритди” – деб ёзади (Ҳаворийлар 26:13).

Павлус Исонинг юзини кўрмади, у фақатгина Ундан чиқаётган нурни кўрди, бу нур кўзни қамаштирувчи ёрқин яқин шарқ қуёшининг нуридан

ҳам кучли! Эрталабки ёки тушлиқдан кейинги эмас, балки тушлик қуёши.

Мен дунёнинг турли мамлакатларига тез-тез ташриф буюраман. Вақти-вақти билан қуёшдан ҳимоя қиладиган кўзойнакларни ўзим билан олишни унутаман. Кўпгина мамлакатларда усиз ҳам амаллашим мумкин, фақат Яқин Шарқда эмас. Менинг у ерга биринчи сафарим чоғида, менга қуёшдан ҳимоя қиладиган кўзойнаклар жуда ҳам зарурлигини тушундим, кўзойнаксиз мен доим қуёшдан кўзларимни қаттиқ қисиб туришимга тўғри келган. У ерда қуёш учта сабабга кўра анча ёрқинроқдир: қуруқ иқлим, очиқ ранглар, ўша ҳудуднинг табиий хусусиятлари (саҳро қумлари, тоғлар) ва экваторга яқин жойлашуви. Агар қуёш кундузгидан кўра, эрталаб ва кечқурун унчалик ёрқин бўлмаса, унда туш вақтида ҳимоя линзаларисиз кўчага чиқсангиз, у кўр қиладигандек туюлади.

Келинг, энди биз ҳозиргина ўқиганларимиз устидан мулоҳаза юритамиз. Павлус Исодан чиқаётган нур яқин шарқдаги, туш вақтидаги қуёшдан кўра ёрқинроқ деб ёзади! Унинг шўҳрати қуёшнинг ёрқинлигидан кўп марта кучлидир.

Бу нима учун Йозеф ва Ишаъё, Исо ерга қайтадиган кунда қуёш ва ой хиралашади ва юлдузлар порлашни тўхтатади деб айтишларини тушунтиради (Ишаъё 13:9, 10; Йозеф 2:31, 32). Изоҳлашимга ижозат беринг. Биз ойдин кечада сайр қилганимизда, нимани кўрамыз? Юлдузлар билан қопланган осмонни кўрамыз. Лекин эрталаб қуёш кўтарилганда, нима содир бўлади? Юлдузлар ғойиб бўлади. Биз барча юлдузлар, қуёш чиқиши билан наҳотки, тезда ғойиб бўлиб, у ботиши билан эса, тўсатдан, яна тунги осмонга қайтадимми, деб сўрашимиз керак. Шубҳасиз, бу саволнинг жавобига, “йўқ” деб жавоб берамиз. Нима содир бўлади? Юлдузларнинг шўҳрати – бу бир даражадир, лекин қуёшнинг шўҳрати – анчагина юқорироқ даражадир. Шунинг учун қуёш чиққач, юлдузлардан анча ёрқинроқ бўлгани сабабли уларни тўсиб қўяди.

Исо қайтиб келганида, Унинг шўҳрати қуёшдан кўра ёрқинроқ бўлади. Гарчи қуёш аввалгидек нур сочиб турса ҳам, Унинг шўҳрати уни тўсиб қўяди. Энди сиз Унинг шўҳрати нима эканини яхшироқ тасаввур қиляпсизми? Мен ўйлайманки, айнан шунинг учун ер юзидаги барча одамлар “тоғлару қояларга дедилар: “Устимизга қуланглар, бизни тахтада ўтирганнинг юзидан ва Қўзининг қаҳридан тўсинглар” – деб бақирдишлари ёзилган (Ваҳий 6:16).

Шундай қилиб, энди асосий савол юзага келади: Раббийнинг шўҳрати нима? Унга жавоб бериш учун, келинг, Мусонинг: “менга шўҳратингни кўрсатгин” – деган илтимосига мурожаат қиламиз (Чиқиш 33:18).

Иврит тилида шўҳрат – бу “кавод”. Стронгнинг Инжил луғатига

кўра у “оғирлик, вазн”ни англатади. У шунингдек, улуғворлик ва илтифот ҳақида ҳам гапиради. Шунинг учун Мусо: “Менга Ўзингнинг бутун улуғворлигингда Ўзингни кўрсатгин” – деб илтижо қилмоқда. Худо унга нима деб жавоб беришини диққат билан ўқинг:

“Мен *бутун шуҳратимни* (инглиз тилида “эзгулигимни”. – Таржимон изоҳи) сенинг олдиндан ўтказаман ва Йаҳвеҳ *исминни* сенинг олдингда *эълон қиламан*” (Чиқиш 33:19).

Мусонинг унга шуҳратни кўрсатиши ҳақидаги илтимосига, Худо Ўзининг бутун “эзгулигини” унга кўрсатишини айтади. Иврит тилида бу сўз “кенг маънода яхши” деганини англатади. Бошқача айтганда, тўлиқ, батамом маъносини англатади.

Худо давом этиб: “Мен Раббийнинг исмини сенинг олдингда эълон қиламан” – деди. Ер юзидаги подшоҳликларда, подшоҳ ўзининг тахти турган залга киришидан олдин, авваломбор, жарчи унинг исмини эълон қилади. Сўнгра карнай-сурнай садолари остида подшоҳ ўзининг бутун улуғворлигида тахт турган залга кириб келади. Унинг буюклигини ҳамма кўради, саройда бу ерда ким подшоҳ эканига шубҳа бўлмайди. Аммо роҳиб ўзининг катта мамлакатининг кўчаси бўйлаб, оддий кийимда, мулозимларнинг ҳамроҳлигисиз юрган бўлса эди, у эътиборсиз қолган бўлиши мумкин эди.

Ўтган бобда биз Раббийнинг шуҳрати, Исо Масиҳнинг юзи қаршида очилишини билиб олдик. Кўпгина одамлар, Исо уларнинг олдида ваҳийда келгани ҳақида гувоҳлик берадилар. Шундай бўлган бўлиши мумкин, аммо Унинг шуҳратининг тўлиқлигида эмас. Павлус бунни қуйидаги тарзда тасвирлайди: “Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўряпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўрамиз” (1-Коринфликларга 13:12). Унинг шуҳрати Эски Аҳддаги каби, худди қора булутлар ортида яширинган, чунки ҳеч қандай тирик жон Унинг ёпинғич билан ёпилмаган шуҳратини кўриб, тирик қола олмайди.

Исо қайта тирилганидан сўнг, биринчи бўлиб гаплашган одам мағдалалик Марям бўлди, лекин у Уни боғбон деб ўйлаган (Юҳанно 20:15, 16). Шогирдлар Исо билан бирга қўл қирғоғида балиқ билан нонушта қилдилар, лекин дастлаб, Уни танимадилар (Юҳанно 21:9, 10). Икки нафар шогирд Исо билан Эммаус йўлидан борар эдилар, лекин “уларнинг кўзлари тўсилган эди” (Луқо 24:16). Уларнинг барчаси Уни мушоҳада қилишди, чунки У Ўзининг бутун шуҳратини очмади.

Эски Аҳдда ҳам Раббийни кўрган одамлар бўлган, лекин У уларга Ўзининг бутун шуҳратини очмаган. Раббий Мамре эманзори ёнида Иброҳимга зоҳир бўлди, лекин Ўзининг бутун шуҳратида намоён бўл-

мади (Ибтидо 18:1, 2 га қаранг). Ёқуб Худо билан курашди, лекин Худо ўшанда, Ўзининг бутун шуҳратида эмас эди (Ибтидо 32:24 га қаранг).

Йешуа Нун ўғли Йерихон деворлари ёнида турганида, яланғоч қиличли Раббийни кўрди ва Ундан У Исроил томондами ёки йўқлигини, жавоб беришини талаб қилди. Бу Раббий эканини билиб, у юз тубан йиқилди ва Унга сажда қилди. Рўйхатни Гидеон, Самсоннинг ота-онаси ва кўпгина бошқа одамлар давом эттиради.

Уларнинг барчасидан фарқли равишда ҳаворий Юҳанно Раббийни Рухда, Патмос оролида, Унинг бутун шуҳратида кўрди. Юҳанно Унинг ташқи кўринишини бутун қудратидаги қуёш ёғдусига қиёслади ва мурдадек қулади. Юҳанно қандай қилиб Унга қарай олган? У танада бўлмаган, у Рухда бўлган. Мусо ва баъзи бир одамлар билан ҳам, худди шундай бўлган. Мусо эса, аксинча, Худонинг юзини кўра олмади, чунки у ўлимга маҳкум танасида эди.

Раббийнинг шуҳрати – Худони Худо қиладиган нарсадир. Унинг барча хусусиятлари, ҳокимияти, кучи ва донолиги – том маънода, Худонинг беқиёс вазни ва улуғворлигидир. Ҳеч нарса яширин эмас ва ушлаб турилмайди! У Ўзининг бармоқлари билан самодаги юлдузларни жойлаштирди ва ҳар бирига ном берди. У Коинотни Ўз қўлларининг бармоқлари – Ўзининг кафти билан ўлчади. У бутун Ерни қум зарраларидек олиши мумкин. У сувнинг ҳар бир томчисини Ўз кафтида ўлчади. У ер ва тоғларни Ўзининг тарозисида ўлчади. У биз юрагимизда мушоҳада қилишимиз ва аста-секин, шуҳратдан шуҳратга Унинг тасвирига ўзгаришимиз мумкин бўлган Зотдир!

У бизни ҳаддан ташқари қаттиқ севади, шунчалар кучлики, биз Унинг оиласининг бир қисми бўлишимиз учун ва бизнинг гуноҳларимиз учун даҳшатли нарх тўлашга қарор қилди. Сизларни қандай билмадим, лекин бу мени ғоят завқлантиради!

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Ягона муборак Парвардигор, подшоҳларнинг Подшоҳи ва эгаларнинг Эгаси ўз вақтида Масихни намоён қилади. Ёлғиз У ўлмасликка эгадир, У яқинлашиб бўлмайдиган нурда истиқомат қилади. Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди ҳам. Унга ҳурмат ва абадий салтанат бўлсин! Омин” (1-Тимўтийга 6:15, 16).

Маъноси. Шуҳрат – Худони Худо қиладиган нарсадир. Унинг барча хусусиятлари, ҳокимияти, кучи ва донолиги – том маънода, Худонинг беқиёс вазни ва улуғворлигидир. Ҳеч нарса яширин эмас ва ушлаб турилмайди!

Фикр юритиш. Кўзни қамаштирувчи ёрқин ва тоза нурни тасаввур қилинг, унинг ёнида зулмат ҳам, соя ҳам, парда ҳам, хиралик ҳам мавжуд бўла олмайди. Нима учун мен тўсатдан, Ундан ниманидир яширишим керак? Буни ҳатто хаёлга келтириш ҳам имконсиздир.

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, менга Сенинг шуҳратингни чуқур англаб етишни беришингни Сендан сўрайман. Мен унга одатдагидек ва ўртамиёна, мен фақат аҳён-аҳёнда эслаб турадиган нарсага қарагандек қарашни истамайман. Сенинг шуҳратингнинг ўлчами, мен учун атрофдаги дунёдан кўра аниқроқ ва ҳақиқийроқ бўлишини хоҳлайман. Сенинг шуҳратинг абадий, менинг юрагимда ва ақлимда бўлсин. Мен бу ҳақида Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен Масихда дунёга нурман, мен учратадиган барчага, Масихнинг шуҳратини акс эттираман.

**ҚАНДАЙ
БҰЛСА,
ШУНДАЙЛИГИЧА
ОЧИҚ**

2-ҰАФТА

Биз қўрққанимиз туфайли
Худони севишимиз керак эмас,
балки севганимиз туфайли
Ундан қўрқишимиз керак.

– АВЛИЁ ФРАНЦИСК САЛЬСКИЙ

8 | СИЗНИНГ ҚАДРИНГИЗ

Бу бўлим етарлича оғир ва эҳтимол, фош қилувчи мавзуларни ўз ичига олади. Шунинг учун давом этишдан олдин, келинг, тўхтаб, Худонинг бизга нисбатан ақлга сиғмас севгисини чуқурроқ ўрганамиз. Мен ушбу бўлимдаги бизнинг суҳбатимиздан, аҳамиятли ўринни эгалловчи Исонинг кескин, деярли қўрқитувчи сўзларидан бошлайман. Агар улар умумий матнсиз ўқилса, нотўғри тушунилиши ва эҳтимол, носоғлом қўрқувни келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун уларни Худойимизга итоат ва иззат-ҳурматга тўла юрак билан ўқишингизни сўрайман.

“Кимдан *қўрқиш* кераклигини сизларга айтайин: сизнинг танангизни нафақат ўлдиришга, балки жонингизни жаҳаннамга ташлаш ҳокимиятига эга бўлган *Худодан қўрқинглар*. Менга ишонинг, мана сиз *Кимдан қўрқишингиз* керак!” (Луқо 12:5, ЯРТ).

Исо бизга Худодан қўрқишимиз кераклигини айтди ва У буни бир неча бор такрорлади. У бу буйруқни такрорлаб, уни мустаҳкамламоқда. Энг кўп эътиборни тортадиган нарса Унинг “жонингизни жаҳаннамга ташлаш ҳокимиятига эга” деган ҳайратомуз сўзларидир. Бу кескин сўзлар! Бироқ У бундан кейин айтаётган иборага қаранг:

“Бешта чумчуқ икки ассарийга сотилмайдими? Худо ҳузурида буларнинг бирортаси ҳам унутилмаган. Сизларнинг эса бошингиздаги сочларингиз ҳам саналган. Шундай қилиб, *қўрқманглар*: сизлар кўпгина чумчуқлардан *қадрлироқсизлар*” (Луқо 12:6, 7).

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

Эътибор беринг, мен 5-оятдаги “Худодан қўрқинг” ва 7-оятдаги “қўрқманг” иборасига урғу бердим. Биз яна *муқаддас ва муқаддас бўлмаган қўрқув* ўртасидаги фарқни кўрамиз. Мен муқаддас қўрқув – Худодан даҳшатга тушишни ва шу тариқа, Ундан узоқлашишни англатмаслигини қайта ва қайта такрорламоқчиман, *муқаддас бўлмаган қўрқув* мана шундан иборатдир. Биз шунчаки бу фарқни билишимиз ва ушбу ҳақиқатда мустаҳкам бўлишимиз лозим.

Исо ҳаяжонли ва деярли қўрқинчли гапдан бошлайди, лекин У мана шу фикрни Худо учун бизнинг ақл бовар қилмас *қадримиз* ҳақида айтиб, давом эттиради. Аслида, У Худо бизни жуда қаттиқ кадрлашини очиб беради, шунинг учун У бизга муқаддас қўрқув инъомини берган. Бу инъом ҳаёт Берувчининг ёнида ушлаб туради ва бизни ҳалок қиладиган нарсалардан: муқаддас қўрқувнинг бутунлай акси – одамлардан қўрқишдан бизни асрайди. Кейинги мунозараларимизда қўрқувнинг ушбу икки тури ҳақида кўп гапирамиз, аммо давом этишдан олдин, авваломбор, бизнинг *қадримиз* ҳақида сўхбатлашамиз.

Исонинг сўзларига қараганда, Худо ақл бовар қилмас даражада бизни кучли кадрлайди, У ҳатто бошимиздаги сочларимизнинг сонини билади. Илмий маълумотларга кўра, кўпчилик одамларнинг бошида, ўртача юз минга яқин соч толаси бор. Агар ўн минг кишини битта залга олиб келса, нима деб ўйлайсиз, уларнинг қай бирида 99 569 та соч борлигини айта оласизми? Ҳатто сиз тўғри тахмин қилган тақдирда ҳам, дақиқаларда хато қиласиз, чунки одам бир кунда 50 дан 100 тагача соч толасини йўқотади. Худо ҳар биримизда ҳар қандай вақтда, аниқ соч миқдорини билади! Бу шундан дарак берадики, биз нақадар кадрли эканимиз учун, У доимо биз ҳақимизда ўйлайди. Довуд шундай деб ёзади:

“Ё, Худо! Сенинг фикрларинг мен учун нақадар қимматбаҳодир, уларнинг сони нақадар кўпдир. Уларни санаб чиқадиган бўлсам, улар қумдан ҳам кўпроқдир! Мен уйғонганимда, ҳануз Сен билан биргаман” (Сано 138:17, 18).

Ҳамма қум! Ердаги – барча чўмилиш жойлардаги, саҳролардаги ва гольф учун майдонлардаги ҳамма қумларни тасаввур қилинг. Бу жуда катта миқдор! Математика ва физика мутахассислари, бизга қумнинг ўлчами ва зичлигига қараб, чўмилиш жойининг бир куб футида, тахминан беш юз миллиондан, миллиардгача қум зарралари борлигини айтишади. Бизнинг онгимиз, биргина Флорида чўмилиш жойларида қанчалик катта миқдорда қум зарралари борлигини тасаввур қилишга қийналади. Лекин тасаввур қилинг-а, ҳатто сайёрадаги барча қум зарраларини тўплаганда ҳам, Худонинг биз

ҳақимиздаги фикрлари, барибир кўпроқ бўлади!

Ўзингизга савол беринг: сиз кўпинча нима ҳақида ўйлайсиз? Сиз қадрламайдиган нарсангиз ҳақида, камдан-кам ҳолларда ўйлайсиз. Лиза ва менда ҳар йили Милод байрами учун, нарса сақланадиган жавондаги маълум бир тортмага қараганимда топадиган нарсаларим бор. Мен: *топдим*, чунки улар бизда борлигини унутаман. Мен бутун йил давомида улар ҳақида ўйламайман, чунки улар мен учун қадр-қимматга эга эмас. Аммо бизнинг қирқ йиллик оилавий ҳаётимиз давомидаги, менинг Лиза ҳақидаги барча фикрларим ҳисоблаб чиқилса, менда пойафзал қутисининг ярмини тўлдириши мумкин бўлган қум миқдори бўларди. Бу тахминан икки юз миллионга фикр бўлиб, ҳар бир 6,3 сонияда битта фикрга тўғри келади. Ўз хотини ҳақида бунчалик тез-тез ўйлайдиган эр, хотинига ниҳоятда ошиқ бўлган ҳисобланади.

Худонинг сиз ҳақингиздаги фикрлари сайёрадаги барча қум зарраларининг миқдоридан ошиб кетади! Сиз бунга тушуняпсизми? Ажабланарлиси, Худо бўрттира олмайди! Бизни бўрттириб кўрсатадиган ва ҳақиқатдан йироқ нарса ҳақида гапирадиган одамлар қуршаб туради, аммо Худо миллиметрга ҳам, ҳақиқатдан узоқлаша олмайди. У ёлғон гапира олмайди. Шунинг учун У, Унинг сиз ҳақингиздаги фикрлари сайёрадаги қумданда кўпроқ деб айтганида, бу улар кўп сонли эканини англатади!

Келинг, давом этамиз ва бизнинг қадримиз аниқ нимада экани ҳақида гаплашамиз. Қийматни харидор белгилайди. Ўғлим спорт очиқ савдо-сида қатнашди, чунки унинг ширкати Билл Расселнинг либосини сотиб олишга қизикди, у 1960-йилларда чемпионлик ўйини вақтида, шу кийимда майдонга чиққан. Улар сотиб олишдан бош тортишди, чунки энг юқори таклиф бир миллион қирқ тўрт минг долларга етган! Билл Рассел қанчалик буюк ўйинчи бўлмасин, шахсан мен унинг либоси учун ёки NBA ўйинчиларидан исталганининг формаси учун бир неча юз доллардан ортиқ пул бермаган бўлардим. Бу шунчаки кийим-кечак буюмлари.

Гап биз одамлар учун қандай қийматга эга эканимизда эмас, чунки бу ўзгаришга мойилдир. Бундан ташқари, дунё одамларни қадр-қимматига кўра қадрлаш қобилияти билан ажралиб турмайди. Миллионлаб чақалоқлар, ўз онасининг қорнида ўлдирилган. Одамлар бу болаларнинг ҳаётини қадрлашдими? Жинсий савдо учун қулликка сотишадиган қизчалар ва аёллар ҳақида нима дейиш мумкин? Агар уларнинг қиймати, уларни ўша ерга юборган одамлар томонидан ўлчанилса, унда у бир неча юз долларга тўғри келади.

Одам эмас, балки Худо оламдаги қадрнинг ҳақиқий мезонини белгилайди. Ҳатто биз қадрлайдиган нарсалар ҳақида ҳам, Исо бизга

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

эслатиб ўтади: “Одамлар қадрлайдиган нарса – Худонинг назарида жирканчдир” (Луқо 16:15, ЯРТ). У яна бир аҳамиятли фикрни айтади: “Зеро агар одам бутун дунёни қўлга киритса-ю, аммо ўзининг жонини йўқотса, унга нима фойда? Ёки одам ўзининг жони учун қандай тўлов беради?” (Матто 16:26).

Дунёдаги барча бойликлар ҳақида бир сония ўйлаб кўринг. Нархи кўп миллион доллар турадиган данғиллама уйлар, ҳашаматли кўчмас мулк бинолари, қимматбаҳо тошлар ва металллар, қиммат машиналар, яхталар ва самолётларни тасаввур қилинг. Буни тасаввур қилиш деярли имконсиз. Сўнги тадқиқотлар натижасида, ялпи жаҳон маҳсулоти 84,97 триллион долларга тенг экани аниқланган. Бу тасаввур қилиб бўлмас пул миқдоридир. Бироқ Исо, сиз ўз ҳаётингизни буларнинг ҳаммасига алмаштиргангингизда ҳам, бефойда битим тузган бўлишингизни айтади!

Шундай қилиб, сизнинг қийматингиз қандай? Павлус ёзади: “Чунки сизлар қимматбаҳо нарх билан сотиб олингансизлар” (1-Коринфликларга 6:20). Худонинг сиз учун таклифи – У белгилаган нарх – қўйидаги сўзларда мужассамланган: “Чунки Худо дунёни шунчалик севдики, Ўзининг Ягона Ўғлини *берди*” (Юҳанно 3:16). Вой-бўй! Бу Билл Расселнинг либосидан анча кўпроқ. Худо бизнинг қийматимизни, Унда бўлган энг қимматли нарсага тенг кўрди. Ажойиб ҳақиқат шундан иборатки, агар Худо учун бизнинг қийматимиз Исонинг қийматидан бир пенга камроқ бўлганида эди, бу алмашув амалга ошмаган бўларди, чунки Худо бефойда битим тузиб ўтирмаган бўларди, У камроқ қадрли бўлган нарса учун, анча қимматлироқ нарсани бермаган бўларди. Сиз Худо учун қанчалар қимматбаҳо эканингизни тушунапсизми? Худонинг сизга бўлган севгиси нақадар буюклигиничи?

Исо Ўз ибодатида энг ҳайратомуз сўзларни айтди:

“Дунё Сен [Худо] Мени [Исо Масихни] юборганингни ҳамда Мени севганинг *каби* уларни ҳам севганингни билиб олсин” (Юҳанно 17:23).

Буни тушуниш деярли имконсиз! Худо сизни Исони қандай севса, худди шундай кучли севади! Сиз барибир, У фақат Ўз шогирдлари ҳақида гапиряпти деб ўйлашингиз мумкин. Бу нотўғри, чунки Исо қўйидагича аниқлик киритмоқда: “Нафақат улар учун, балки уларнинг сўзлари бўйича Менга ишонадиганлар учун ҳам ибодат қиламан” (Юҳанно 17:20). Агар сиз Исо Масихга ишонсангиз, сиз бевосита ёки шогирдларнинг гувоҳлиги орқали билвосита ишонасиз. Худонинг сизга бўлган севгисининг теранлиги ва сиз У учун нақадар қадрли эканингиз ақлга сиғмайди.

Энди, биз ушбу ҳақиқатга мустаҳкам ўрнашганимизда, келинг, нима учун муқаддас қўрқув инъоми, бизнинг У билан муносабатларимизда, шунчалик муҳимлигини ўрганишни давом эттираемиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Ҳеч ким биродарини қайта сотиб олиш ёки Худога унинг ҳаёти учун тўлов тўлаш учун қурби етмайди; ҳаёт учун тўлов жуда катта, бундай тўлов топилмайди” (Сано 48:7-9, ЯРТ).

Маъноси. Ҳеч бир ақли расо одам, бефойда битим тузмайди ва унчалик қадрли бўлмаган нарсанинг эвазига қадрлироқ нарсани бермайди. Худди шу тарзда, Худо ҳеч қачон бефойда алмашув қилмаган бўларди. Унинг ягона Ўғлининг ҳаёти, сиз учун Худо томонидан тўланган нарҳдир, бу эса, У Исони қандай қадрласа, сизни ҳам, худди шундай қадрлашини англатади. Бу шунингдек, У Исони қандай қадрласа, сизнинг атрофингиздаги одамларни ҳам, худди шундай чуқур қадрлашини билдиради.

Фикр юритиш. Исо ўрнатган ҳаётингизнинг буюк қадри ҳақида, энди биз ўзимизга қандай қарашимиз кераклигини ўйлаб кўринг. Бу менинг ўзимга бўлган қарашимга ва мен ҳар куни учратадиган одамларга бўлган муносабатимга қандай таъсир кўрсатади?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сен менинг ҳаётимни шунчалар кучли қадрлаганингдан, Исони менинг ўрнимга ўлимга топширишга тайёр бўлганинг учун раҳмат. Исо, Сен менинг ўрнимни эгаллаб ва менинг маҳкумлигимни олиб, мени ҳатто, Ўзингдан ҳам кўпроқ қадрлашингни кўрсатганинг учун раҳмат. Муқаддас Рух, мен Сендан мени қанчалар кучли севишингни ва қадрлашингни юрагимда ва онгимда чуқур англаб етишни беришингни сўрайман ва менга бошқаларни ҳам, худди шундай севишни бергин. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Худо мени севиб қадрлаганидек, мен ҳам худди шундай, бошқа одамларни севиб, қадрлайман.

Биз Худонинг севгисини воизлик
қилаётганимизда, Муқаддас
Китоб, авваломбор, Худонинг
севгисини эмас, балки Худонинг
чуқур ва ёрқин муқаддаслигини,
ушбу муқаддасликнинг
марказидаги Унинг севгиси
билан очиб беришини, унутиш
хавфи мавжуд.

– ОСВАЛЬД ЧЕМБЕРС

9 | ЎЛИМ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Биз биринчи бўлимда, Худонинг шуҳратини муҳокама қилдик ва бу мавзуга фақат юзаки тўхталиб ўтдик. Бу бобда Худо ҳузурининг турли кучларига эътибор қаратамиз. Келинг, Исроил халқи саҳрода яшаганида, Қодир Тангри, чодирда яшашни танлаган даврга мурожаат қилишдан бошлаймиз.

Кўп вақтни талаб қилувчи машаққатли сердиққат ишдан сўнг, ишчилар гуруҳи чодир қурилишини яқунладилар. Чодир Худо тоғда Мусога берган аниқ режага мувофиқ қурилган бўлиб, самовий чодирнинг қўпол намунаси эди (Ибронийларга 8:1-5). Иш тугатилган заҳоти, Худо Ўзини Унинг шуҳратли ҳузурида намоён қилди.

“Шунда йиғин чодирини булут қоплади ва Раббийнинг шуҳрати чодирни тўлдирди. Мусо чодирга кира олмади, чунки булут уни қоплади ва Раббийнинг шуҳрати чодирни тўлдирди” (Чиқиш 40:34, 35).

Худо яна булут билан Исроилни Унинг шуҳратидан тўсиб қўйди. У Ўзининг суюкли халқи билан улар кўтара оладиган йўсинда бирга бўлишга тайёр эди.

Фақат олий руҳонийга йилда бир марта ҳайвонларнинг қони орқали Муқаддаслар Муқаддасига киришга рухсат этиларди. Бу мансаб Худо томонидан белгиланган бўлиб, биринчи олий руҳоний Мусонинг акаси Ҳорун бўлди.

Маълум бир кун, руҳоний бўлган Ҳоруннинг икки ўғиллари чодирга кирдилар ва “Раббийнинг қаршисига, У буюрмаган *бегона* оловни

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

келтиришди” (Левит 10:1). Содир бўлган воқеа юзасидан турлича фикрлар мавжуд, ammo масаланинг моҳиятига кириб бориш учун, уларнинг ҳаракатларини четлаб ўтиб, сабабга эътибор қаратамиз. “Бегона” сўзининг таърифларидан бири – бу “муқаддас нарсага нисбатан ҳурматсизлик муносабати”дир. Бу муқаддас нарсага, қандайдир одатдагидек ва ўртамиёна нарса сифатида муносабатда бўлишни англатади. Аслида, Ҳоруннинг ўғиллари Худонинг шуҳратли ҳузурига беҳурматлик билан келишди. Кейинчалик содир бўлган нарса ҳушёр қилади ва ҳатто, қўрқитади.

“Шунда Раббийдан олов чиқиб, уларни ёндириб юборди ва улар Раббийнинг қаршисида ҳалок бўлишди” (Левит 10:2).

Худонинг ҳузурига кириш ҳуқуқи берилган ушбу икки киши ўзларининг журъати туфайли бир зумда ўлдилар. Худо дарғазаб бўлиб, уларга ташландими? Йўқ, улар ўз-ўзларини хавф остига қўйдилар. Тасаввур қилинг: ер қуёшдан 93 миллион мил узоқликда жойлашган. Кўпчилик одамлар учун чўмилиш жойида офтобда тобланиш – катта ҳузур-ҳаловатдир, лекин сиз худди ўша қуёшдан ўн минг мил узоқлик доирасида офтобда тобланишга қарор қилсангиз, сиз дарҳол ўлимга дучор бўласиз.

Улар Худонинг муқаддас ва шуҳратли ҳузурига бетакаллүф муносабатда бўлиб, хатога йўл қўйдилар ва шу тариқа, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзларига фалокат келтирдилар.

Мусо Ҳорунга унинг ўғилларининг ҳалокатидан кейин дарҳол нима деганига қулоқ тутинг:

“Раббий: “Менга яқинлашувчиларда муқаддасланаман ва бутун халқнинг олдида шарафланаман”,– деганида мана шуни назарда тутган эди”, – деди. Аҳарон жим турар эди” (Левит 10:3).

Мусо айтган нарса – бу ҳар ёқлама ва абадир фармондир. Ҳар ёқлама дегани – у ҳар бир ижодга: бу ҳоҳ одам ёки фаришта бўлсин, бир хил қўлланилишини англатади. Абадий дегани – у ҳар доим бўлишини, ўзгармаслигини англатади. Сиз Унинг ҳузурига фақат эҳтиром ва очиқ юрак билан келишингиз мумкин.

Келинг, менинг Бразилиядаги оқшомимга қайтсак. Шамол эсганда, Худонинг қудратли ҳузуридан мени муқаддас қўрқув қотириб қўйди. Менинг миямга айнан бир фикр ўрарди: “Жон Бивер, битта нотўғри ҳаракат қилсанг, битта нотўғри сўз айтсанг, ўласан!”

Бу ҳақиқатан ҳам содир бўладими ёки йўқми билмайман, лекин

бир нарсани аниқ айтишим мумкин: Янги Аҳдда бир эркак ва бир аёл шунга ўхшаш муҳитда, бир нотўғри ҳаракат қилдилар ва иккаласи ҳам ўликдай йиқилдилар. Ҳа, “ўликдай” шуни англатадики, улар ер остига олти фут чуқурликка дафн этилдилар (Ҳаворийлар 5:1-10). Бу жуфтлик ўз жамоатининг етакчилари ва бошқа имонлиларнинг олдига қурбонликни келтиришди. Бироқ улар бир зумда ҳалок бўлиб, ўша кунгидея дафн этилдилар. Бу содир бўлганда, бошқа имонлилар қандай муносабат билдиришди?

“Бутун жамоат ва бунини эшитганларнинг ҳаммасини буюк қўрқув босди” (Ҳаворийлар 5:11).

Бир нечта тафсилотларни эътиборга олиш жоиз. Бу ерда “бутун шаҳарни буюк қўрқув босди” деб эмас, “бутун жамоатни буюк қўрқув босди” деб айтилган. Иккинчидан, бу ерда шунчаки “қўрқув” эмас, балки “буюк қўрқув” деб ёзилганига эътибор беринг. Қадимги иброний муаллифлар, биз кўпинча ғарб маданиятида қилганимиздек, муболаға қилмадилар. Агар Ёзувда “буюк” деб айтилган бўлса, бу муқаддас қўрқувнинг жуда юқори даражасини билдиради.

Ҳаворийлар китобининг иккинчи бобида, Муқаддас Рух дастлаб Элликлик куни тушганида, ўша ерда турган баъзи бир одамлар, эрталабки соат тўққизда, шогирдларни шаробдан маст бўлган деган хулосага келишди. Бироз чалғиб, бир дақиқа ўйлаб кўринг, маст одам ўзини қандай тутари? Одатда у хотиржам ва вазмин бўлишга уринмайди, аксинча, кўпинча одамлар ичадиган жойда кулгу эшитилади ва қувонч сезилади. Ўша аҳамиятли куннинг муҳитини шундай таърифлаш мумкин. Бизнинг севувчи Худойимизнинг ҳузурини тетиклантирувчи ва ёқимли эди. Аммо Унинг ваҳимали ва ҳатто, даҳшатга солувчи ҳузурини ҳукм қилиш учун, айнан ўша одамларнинг орасида намоён бўлганда, буюк қўрқув ва титроқ бутун жамоатни қамраб олди. Бу ҳодиса Худонинг муқаддаслиги ҳақидаги уларнинг тушунчаларини сезиларли даражада оширди.

Кўпинча мендан: “Нима учун одамлар замонавий дунёда ўликдай йиқилмайдилар” – деб сўрашади. Яхши ва асосли савол. Бу жуфтлик Петрусга ва ниҳоят, Муқаддас Рухга ёлғон гапирди. XXI-асрда ёлғон гапирадиган кўпгина чўпонлар бор, ахир нима учун алдаётганларнинг бошига худди шу қисмат тушмайди? Келинг, ушбу жуфтликнинг ўлиmidан сўнг дарҳол нима содир бўлганини кўриб чиқамиз:

“...Петрус ўтиб кетаётганида, ҳеч бўлмаса, унинг сояси баъзиларнинг устига тушиши учун касалларни кўчаларга олиб келар ва кўрпа-ю

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

тўшакларда ётқизиб қўяр эдилар... ва ҳаммаси шифо топар эди”
(Ҳаворийлар 5:15, 16).

Бу ҳақида ўйлаш, мияга сиғмайди. Эътибор беринг, бу ерда “кўчалар” (кўплик сонда) деб ёзилган! Шунчаки айримлар эмас, бироқ “ҳамма” шифо топди! Келинг, бу манзарани замонавий дунёда тасаввур қиламиз. Бу худди ҳаворий Петрус бош шифохонага кириб, шунчаки йўлак бўйлаб юриб, ҳар бир қаватлардаги барча тўшакларни бўшатгандек. Бундай кучнинг ўлчамини фақатгина Худо шуҳратининг муҳитида топиш мумкин.

Буни тасдиқлаш учун Муқаддас Ёзувдан яна бир мисол келтирамиз. Ҳоруннинг икки ўғли билан содир бўлган бахтсиз ҳодисадан сўнг юз йиллар ўтгач, бошқа ўғиллар - Ҳофни ва Пинехес ҳам руҳонийлар бўлиб, ўша чодирнинг эшиги олдида тўпланган аёллар билан зино қилдилар. Бу Ҳоруннинг ўғиллари ўлган жойдан тўқсон футдан камроқ масофада содир бўлган бўлса керак! Аммо улар учун бу ҳам камлик қилди, улар яна маъбадга келувчиларнинг қурбонликларини куч билан тортиб олиб, уларни қўрқитар эдилар. Улар “ярамас одамлар эдилар. Улар Раббийни ва халқ олдидаги ўз руҳонийлик бурчларини билмас эдилар” (1-Шоҳликлар 2:11-13). Худо ушбу одамлар ҳақида шундай деди: “Мен Элийнинг хонадонининг устига қасам ичаманки, Элий хонадонининг айбини қурбонликлар билан ҳам, нон бағишловлари билан ҳам тоабад ювиб бўлмайди” (1-Шоҳликлар 3:14). Сиз бу сўзларни Қудратли Худонинг оғзидан, ҳеч қачон эшитишни хоҳламайсиз!

Уларнинг хатти-ҳаракатлари Худонинг қаршисида жуда ҳақоратомуз бўлиб, Ҳоруннинг ўғилларининг хатти-ҳаракатларидан бир неча баравар ҳурматсизроқ эди, шунга қарамай, бу одамлар худди ўша маъбадда, тўсатдан ўлдилар. Нима учун? Жавоб қуйидаги сўзларда мавжуддир: “Ўша кунлар Раббийнинг Сўзи кам келар, ваҳий ҳам кўп бўлмас эди” (1-Шоҳликлар 3:1). Худо Сўзининг очиқлиги ҳақидаги ваҳийнинг етишмаслиги Унинг ҳузурининг йўқлигидан дарак беради. У худди Бразилияда хизматдагидек, йўқ эди. Аммо Мусонинг кунларида у тўлиқ равишда мавжуд эди.

Биз ушбу мисоллардан қандай хулоса чиқаришимиз мумкин? Худонинг шуҳрати қанчалик кўп намоён бўлса, ҳурматсизлик учун ҳукм шунчалик кучлироқ ва тезроқ келади. Бинобарин, кечиктирилган ҳукм – бекор қилинган ҳукм эмасдир. Шу сабабли, Павлус шундай деб ёзади:

“Баъзи одамларнинг гуноҳлари ошкордир ва тўғридан-тўғри маҳкумликка олиб боради, баъзиларнинг гуноҳлари эса кейинроқ маълум бўлади (1-Тимўтийга 5:24).

Ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда, Худога нисбатан ҳурматсизлик, одатдаги ва бетакаллуф муносабатга йўл қўймаслик, доно йўл тутиш демақдир. Дарҳақиқат, Унинг шўҳрати намоён бўлмаслиги янада хавфлироқдир. Нима учун? Ҳукмнинг йўқлиги сабабли, қабул қилинганликка ишониш, ҳурматсизлик ҳолатига туширади. Агар бундай нарса содир бўлса, биз кейинги бобда кўрадиганимиздек, бизнинг беҳурматсизлигимиз билан Худонинг иши йўқ деб осонгина ўйлай бошлашимиз мумкин.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Менга яқинлашувчиларда муқаддасланаман ва бутун халқнинг олдида шарафланаман” (Левит 10:3).

Маъноси. Худонинг шўҳрати қанчалик кўп намоён бўлса, ҳурматсизлик учун ҳукм шунчалик кучлироқ ва тезроқ келади. Бинобарин, кечиктирилган ҳукм – бекор қилинган ҳукм эмасдир.

Фикр юритиш. Мен ибодатда, жамоатда, саждада, Худо Сўзи воизлик қилинаётган вақтда ёки кундалик ҳаётда Раббийнинг олдида қандай келишим керак? Мен Унга яқинлашаётганимда, ўртамиёна муносабатни ривожлантирмадимми? У нафақат менинг Отам, шунингдек, еб ютадиган олов Бўлган, муқаддас Худо эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни назардан қочирмадимми?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сенга ўртамиёна ва ҳурматсизлик билан яқинлашаётганим учун Сендан кечирим сўрайман. Мен Сенинг Кимлигингни назардан четда қолдирдим ва Сен билан ниҳоятда бетакаллуф бўлиб қолдим. Мен тавба қиламан ва энди Сенга “ошнам”га қарагандек қарамайман, балки муқаддас Худо эканинг учун Сени ҳурмат қиламан. Сен эзгу ва шафқатли эканинг ҳамда менинг ҳурматсизлигимни кечириётганинг учун раҳмат. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худони У Ўз ҳузурини кучли ёки кам намоён қилишидан қатъий назар, иззат-ҳурмат қиламан.

Зеро инсоннинг йўллари
Раббийга очиқдир ва унинг
барча йўлларини У
кузатиб туради.

– ҲИКМАТЛАР 5:21, ЯРТ

10 | ХУДО МЕН ҲАҚИМДА УНУТДИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, муқаддас қўрқув бизда, Худонинг буюклигини тушунишимизга мутаносиб равишда ўсиб боради. Бунинг акси ҳам тўғри: биз Худодан қанча кам қўрқсак, шунча кўп Уни ўзимизнинг инсоний қобилиятларимиз билан чеклаш даражасига қадар, Унинг улуғворлигини камситамиз.

Дунёнинг тузилиши катта куч билан кўтариладиган ва Худонинг шуҳратини тўсишга уриниб, инсон руҳиятига қаттиқ зарба берадиган дарё оқимига ўхшайди. Бу дарёнинг туб моҳияти сўзлар, фикрлар, тасвирлар, видео ролик ва бошқа ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан иборат бўлиб, уларнинг ёрдамида, бизнинг Яратувчимизнинг улуғворлигини камситиш ҳисобига, ўлимга маҳкум инсонни юксалтириш мумкин.

Муқаддас қўрқув етишмаётган одам осонгина бу кучга таслим бўлади ва Худо унга эътибор қаратмаяпти ва унинг қилаётганларини кўрмаяпти, деган фикрлар уммонига тушиб қолади. Унинг бошида шунга ўхшаш фикрлар шакллана бошлайди: *“Мен қоидадан истисноман, мен устаганимни эркин қиламан, мен бошқалардан фарқ қилмайман, Худо менинг ниятларим, сўзларим ва ҳаракатларимга аҳамият бермайди ва ниҳоят, дунёда шунча кўп нарсалар содир бўлаётганидан, У ҳаммасини кузатиб бориши қийин”.*

“Бадкирдор ўз юрагида: “Худо мен ҳақимда унутди, юз ўгирди, У буни ҳеч қачон кўрмайди”, – дейди” (Сано 9:32, ВТІ).

Бундай нотўғри ва хавфли фикрлаш турининг бир нечта вариантлари

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

мавжуд, лекин уларнинг барчаси Худонинг қобилиятларини, аслида бўлганидан кўра заифроқ деган фикрга олиб боради. Бундай фикр одамнинг ўз ота-онаси, раҳбари, ўқитувчиси, мураббийи ёки бизнинг хатти-ҳаракатимизни сезмаслиги ёки эътибор қаратмаслиги мумкин бўлган, ҳар қандай бошқа етакчи ҳақида қандай фикрлашига ўхшайди. Бу тузоққа тушган одамлар, ҳар бир тафсилотларни, улар ортиб боргани сари кузата олмайсан, деган фикрлар билан ўзларига таскин беришади.

Келинг, олдинга бир қадам ташлаймиз. Агар одам муқаддас қўрқувнинг танқислигида, боз устига, унга умуман эга бўлмасдан, ушбу қалтис йўлдан юришда давом этса, у ўзини шайтоннинг *“Худо менинг ниятларим, сўзларим ва ишларимни кўрмайди”* деган фикрининг хавфига қўяди. Худо унутди деб ўйлаш бошқа, У кўришга қодир эмас деб ўйлаш умуман бошқа нарсадир! Бу ҳурматсизликнинг умуман бошқа даражасидир.

Одамлардан сўзлар, хатти-ҳаракатлар ва ниятларни яшириш мумкин. Бошқалар пайқамаслиги учун ниманидир яширин қоронғуликда, ҳатто сояда қилиш мумкин. Лекин биз ўйларимизни ва йўлларимизни Қудратли Худодан яширишимиз мумкин деб ўйласак, биз ўзимизни ўзимиз алдаймиз. Бу нотўғри тахмин, у англаб етилган бўладими ёки йўқми, бу муқаддас қўрқувдан маҳрум қалбда бўлади. Муқаддас Ёзувда шундай деб ёзилган:

“Раббийдан ўз ниятларини чуқур яшираётганларнинг ва ўз ишларини қоронғиликда қилиб: “Бизни ким кўради ва буни ким билади?” – деб айтаётганларнинг ҳолига вой!” (Ишаъё 29:15).

Бир қарашда, Ишаъё бетавфиқ – жамоатга мансуб бўлмаган ва жамоат хизматларида йиғилмайдиган одамлар ҳақида гапиряпти деб ўйлаш мумкин. Шунга қарамай, пайғамбар Ишаъёнинг китобидаги ушбу сўзлар *ўзини имонли деб атайдиган аниқ одамлар* ҳақида ёзилган. Бу ҳақиқат, чунки бу сатрлардан бироз юқорида шундай деб ёзилган:

“Раббий деди: “Бу халқ Менга оғзи билан яқинлашиб, тили билан ҳурмат қилгани, лекин унинг юраги Мендан узоқ бўлгани учун ва уларнинг Менинг олдимдаги эътироми инсоний амрларни ўрганиш бўлгани учун...” (Ишаъё 29:13).

Замонавий тилга таржима қилишимга ижозат беринг. Бу одамлар Исо билан муносабатлари бор эканини, чунки Унинг иноятига кўра нажот топганини эътироф этадилар. Улар Уни тилда ҳурмат қилишади, масиҳий анжуманларда қатнашишади, ўзларининг смартфонларида

руҳий мусиқа эшитишади, аммо қалбларининг туб-тубида Раббий уларнинг нимани ўйлаётгани ёки қилаётганини кўришга ёки эшитишга қодир эмас деб ҳисоблашади. Уларнинг ақлий ҳолати Исога бутунлай эргашмайдиган, кўпгина одамларникидан ёмонроқдир. Улар ёлғонга ишонишади, бундан ҳам ёмони, улар ўзларининг бемуроҳаза эканликларини англаб етмайдилар.

Сиз: “Бундай бўлиши мумкин эмас!” – дея эътироз билдиришингиз мумкин. Келинг, биз олдинги бобда айтиб ўтган Янги Аҳддаги жуфтликка – Ҳананияҳ ва Сапфирага яна қайтамиз (Ҳаворийлар 5). Бу жуфтликнинг нотўғри хатти-ҳаракатини тушуниш учун уларнинг тарихини билиш муҳим. Уларнинг оилавий тарихи тўртинчи бобдан бошланади.

“Ҳаворийлар томонидан Барнабо, яъни “юпанч ўғли” деб аталган кипрлик Йошиях исмли бир левит ҳам ўз ерини сотиб, пулини ҳаворийларнинг оёқлари остига келтириб қўйди” (Ҳаворийлар 4:36, 37).

Ўша даврда Кипр бой орол бўлиб, у ерда қимматбаҳо тошлар, мис ва темир рудалари ва ёғочлар жуда кўп қазиб олинарди. У ўзининг гуллари, мева, шароб ва ёғи билан машҳур эди. Агар одам Кипрда шахсий ерига эга бўлса, унда у аниқ бадавлат киши бўлган.

Тасаввур қилинг, Кипр оролидан бадавлат левит ўзининг ер майдонининг сотувидан даромад қилган катта миқдордаги пулни олиб келди ва уни бутун жамоатнинг олдида очиқчасига берди. Кейин нима содир бўлади?

“Ҳананияҳ исмли бир киши ҳам ўз хотини Сапфира билан ер мулкини сотиб...” (Ҳаворийлар 5:1).

“Ҳам” боғловчисига эътибор қаратинг. У олдинги оятда ифодаланган фикрга алоқадорлиги ва унинг давомини кўрсатмоқда. Бу оят янги бобни очиб бераётгани учун биз осонгина ҳикоянинг умумий негизидан чалғишимиз мумкин.

Ушбу бадавлат жамоат аъзоси жамоатга келиб, ҳаммининг кўз олдида катта миқдордаги пулни қурбонлик қилади. Унинг инъоми бу жуфтликда маълум бир муносабатга сабаб бўлади. Улар шу заҳоти, ўз мулкини сотишди ва...

“...хотинининг розилиги билан ўша пулдан бир қисмини яширди, бир қисмини эса ҳаворийларнинг оёқлари олдида келтириб қўйди” (Ҳаворийлар 5:2).

Бундай муносабат нимага сабаб бўлди? Бу жуфтлик ўша вақтда жамо-

атдаги энг сахий қурбонлик келтирувчилар сифатида обрўга эга бўлган бўлиши мумкин эдимиз? Агар шундай бўлса, бу бошлиқлар ва жамоат аъзоларининг эътиборини тортмайдими? Биз қурбонлик қилиш – бу совға қилиш эканини ёдда тутишимиз керак ва шунга ўхшаб, кўпчилик хизмат, воизлик, меҳмондўстлик, ўқитувчилик, етакчилик ва бошқа турли инъомларни эътиборга олиб ва ҳатто, завқланганлари каби сахийлик ҳам бундан истисно эмас, бу инъом эътиборга лойиқдир (2-Коринфликларга 9:12, 13). Бу жуфтлик ҳурмат ва эътибордан ҳаддан зиёд завқ олганми? Янги одам ундан ўзиб кетиши мумкин деган хавфни ҳис қилдимиз? Бу одамларнинг барчаси унинг сахий қурбонлигига қойил қолишди, ахир унинг ёрдамида одамларни қўлга киритиш ва камбағаллар учун ғамхўрлик қилиш мумкин. Шу тарзда, Ҳананияҳ ва унинг хотини аввалгидек эътибор қозонмай қўйдилар.

Эҳтимол, бу жуфтлик йўқотилган эътиборни қайтаришни орзу қилгандир, шунинг учун улар ер майдонини, балки улар учун энг аҳамиятли мулкни сотишга қарор қилгандир. Улар: “Бу воз кечиш учун жуда катта миқдордаги пул. Лекин биз ҳаммасини сотгандек қилиб кўрсатмоқчимиз. Шунинг учун фақатгина бир қисмини берайлик, лекин ҳаммага бу сотувдан даромад қилган ҳамма пул деб эълон қиламиз” – деб ўйладилар. Эҳтимол, бу алдамчи фикрлар уларнинг совғаси бошқа одамларни катта миқдорда пул қурбонлик қилишга руҳлантириши мумкин деган баҳоналар билан асослангандир.

Ҳақиқатдан кўра кўпроқ сиртдан кўриниш муҳимроқ бўлган ва шунинг учун бу ёлғонга олиб келди. Бу жуфтлик қандай қилиб, Худо буни кўрмайди деб ўйлаши мумкин?

Улар пухта ўйлаб кўриб, ҳаммасини чуқур мулоҳаза қилдилар ва бу режани ўзаро келишиб олдилар. Улар ўз режасини Раббийдан яшира олишларига ишониб, ўзларининг ёвуз ишини зулматда амалга оширдилар! Улар қалбларининг туб-тубида *Раббий содир бўлаётган воқеа ҳақида* билмаслигига умид қилишди (Ишаъё 29:15дан бевосита иқтибос). Бу иккаласининг ҳам ҳаётига зомин бўлди, иккаласини ҳам ўша куннинг ўзида дафн қилишди!

Олдинги боблардаги – осмондан шамол эсиб, бутун шаҳарнинг эътиборини жалб қилгани, минглаб одамлар олдиндан эълон қилинмаган йиғинларда нажот топгани, чўлоқ одам мўъжизали тарзда юра бошлагани, бино Худонинг кучидан силкингани ва бошқалар каби аҳамиятли мўъжизаларнинг гувоҳига айланган икки имонли одам, қандай тарзда ўз ниятларини Қудратли Худодан яширишга ишониши мумкин?

Ёки боғда Худо билан сайр қилиб юрган Одам Ато ва Момо Ҳаво каби ўз гуноҳларидан сўнг, Ундан яширина оламиз деб ишонишлари мумкин (Ибтидо 3:8)?

Исроилликлар қандай қилиб: “Раббий кўрмайди!” – дея олишди (Эзекил 9:9)? Бу ҳайратланарли сўзлар ҳақида нима дейиш мумкин: “У менга деди: “Инсон ўғли, Исроил хонадонининг оқсоқоллари зулматда, ҳар бири ўзининг ўйиб чизилган хонасида нима қилаётганини кўряпсанми? Зеро улар: “Раббий бизни кўрмаяпти, Раббий ерни тарк этди”, – демоқдалар” (Эзекил 8:12).

Биз ўз совуқ юракларимизни Раббийдан яшира оламиз дея, қанчалик аҳмоқона ўйлаймиз?

Мухтасар қилиб айтганда, бу барча воқеаларнинг умумий илдизи бўлиб, бу қўпол хатони – муқаддас қўрқувнинг йўқлигини келтириб чиқаради. Биз ҳаёлимизда бизга Унинг қаршисида қўрқув етишмайдиган даражада Худонинг қобилиятларини камситамиз ва энг даҳшатлиси – биз ўз ҳолатимизни ҳаёлимизга келтирмаймиз, бизнинг заковатимиз ўтмаслашади.

Биз бу ҳолат тўғрисида кейинги бир нечта бобларда фикр юритамиз.

Бунини шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “...барча жамоатлар Мен юракларни ва одамларнинг ичини Синовчи эканимни билиб оладилар. Сизларнинг ҳар бирингизни қилган ўз ишларингизга яраша тақдирлайман” (Ваҳий 2:23).

Маъноси. Худо нафақат бизнинг ишларимизни, балки уларнинг ортида турган мақсад ва ниятларни ҳам билади.

Фикр юритиш. Мен ҳаётимда Худо менинг ички фикрларим, мақсад ва ниятларимни билишини англаб етаманми? Қандай қилиб мен ўзим учун бу ҳақиқатни кўпроқ очишим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сендан менинг мақсад ва ниятларим Исонинг мақсад ва ниятлари каби пок бўлишини сўрайман. Мен ўзимнинг барча фикрлар, истаклар, сўзлар ва ишларимни Сен ҳар доим менинг йўлларимни кузатишингни англаган ҳолда ўтказайин. Мен Сен ҳақингдаги бу ҳақиқатни шахсий тасаввуримда камситмайин. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худога менинг ниятларим, фикрларим, сўзларим ва ишларим ҳақида ҳамма нарса маълум эканини билган ҳолда яшайман.

НИМА УЧУН БУ ХАЛҚ
МЕНДАН ЮЗ ЎГИРДИ?

– ЙЕРМИЯҲ 8:5

11 | ҚЎРҚУВ ВА ТИТРОҚ

Титроққа солувчи Худонинг ҳузури ва унинг ортидан келган Ҳананияҳ ҳамда Сапфиранинг ҳукм қилиниши жамоатга “буюк қўрқув”ни олиб келди. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, гап *шаҳар* ҳақида эмас, балки *жамоат* – муқаддаслар йиғини ҳақида кетмоқда. Агар “буюк қўрқув” маъносидаги юнонча сўзни текширсак, бу фикр кучайтирилганини кўрамыз.

Биринчи сўз – *буюк* – бу юнонча “мега” сўзи бўлиб, “ўлчов асбобининг юқори кўрсаткичи... буюк даража, шиддатли, даҳшатли” деган маънони англатади. Мана шу ерда “мега” мураккаб сўзларнинг бир қисми келиб чиқади. Мазкур иборанинг маъноси шубҳа қолдирмайди, уни “ўлкан қўрқув” деб таржима қилиш мумкин. Муқаддас Ёзувнинг муаллифлари бўрттирмаслигини ёдда тутинг.

Иккинчи сўз – *қўрқув* – юнонча “фобос”, кўпинча бутун Янги Аҳдда муқаддас қўрқув маъносида ишлатилади. “Қўрқув, даҳшат, иззат, ҳурмат, обрў-эътибор”ни англатади. Бошқа манбага кўра, бу “чўқур ҳурматни ва илоҳ қаршисида титрашни – иззат, эҳтиромли титроқ”ни билдиради. Биз яна *титроқ* ва *даҳшат* сўзларини учратамыз, уларда қўрқувнинг сезиларли даражаси ифодаланади.

Павлус худди шу сўздан фойдаланиб, қуйидагича ёзади:

“Шундай қилиб, менинг севганларим, сизлар доимо итоаткор бўлганингиздек, энди нафақат мен сизларнинг ёнингизда бўлганимда, балки менинг йўқлигимда ҳам янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” (Филиппиликларга 2:12).

Бизнинг нажотимиз *севги* ва *эзгулик* билан эмас, балки *қўрқув* ва *титроқ* билан амалга ошади, биз бунни кейинроқ батафсил ўрганамиз.

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

Биз бу ерда жадалликнинг навбатдаги даражасини кўрамиз, у бу парчада янгича “*титроқ*” сўзи билан ифодаланган. Бу юнонча “*тросос*” сўзи бўлиб, “қўрқув, даҳшат, ваҳимадан... ёки чуқур иззат ва ҳурматдан қалтираш”ни англатади. Бу мазкур ибора қўлланилган ягона ҳолат эмас, Павлус Янги Аҳдда тўрт маротаба уларни биргаликда ишлатган.

Биз ҳали муқаддас қўрқувни охиригача ўрганиб чиқмадик, аммо Худо Сўзининг баъзи бир ўқитувчилари, уни қай тарзда “ҳурмат билан сажда қилиш” деб чеклашлари мумкинлиги ҳақида, аллақачон ўйлаб кўриш мумкин. Фақатгина ушбу бобда атиги бир нечта танланган оятларни ўрганиб чиқиб, биз таъсирчан-ҳиссий маъноли сўзларни аниқ кўрамиз. Уларни яна бир бор санаб ўтамиз: улкан қўрқув, эҳтиромли титроқ, даҳшат, чуқур ҳурмат, қалтираш, ваҳима.

Бу Масихдаги ҳаётимизнинг арзимас жиҳатини тасвирлаш учун хизмат қилувчи оддий сўзлар эмас. Улар аслида *бизнинг нажотимиз қандай амалга ошаётганини* акс эттиради. Бу бизнинг саъй-ҳаракатларимиз Муқаддас Руҳ билан ҳамкорликда ва Унинг кучи таъсирида Исо бизга бепул бераётган нарсаларни тўлиқ етукликка эришганда содир бўлади.

Биз шу ердан бошлаб ва давомида қуйидаги тарзда гапирамиз: *бизнинг нажотимиз қўрқув ва титроқ орқали тўлиқ етукликка эришади*. Ўзингизга савол беринг, нима учун жамоатларда, кичик гурӯҳларда ва Инжил мактабларида Худонинг муқаддас қўрқувни биринчи даражали ҳақиқатлардан бири сифатида ўқитилмайди? Айнан шу сабабли ғарб дунёсида самарасиз, илиқ масиҳийлар шу қадар кўп бўлиши мумкинми? Муқаддас Ёзув бизни охириги кунларда имондан буюк “қайтиш” ҳақида огоҳлантираётганининг сабаби мана шу бўлиши мумкинми? Павлус Масихнинг муҳолифи, “имондан қайтиш вақти келмагунича [яъни, буюк исён, масиҳий хизматчиларнинг имондан воз кечиши]” намоён бўлмаслигини ёзади (2-Фессалоникаликларга 2:3, Кенгайтирилган таржима). Биз ичимизда муқаддас қўрқувнинг овозини бўғиб қўйганимиз сабабли имондан воз кечиш содир бўлиши мумкинми? Мен Америка Қўшма Штатларида ва дунёнинг олтамишта давлатларида ибодатда, ўрганишда ва хизматда қирқ йилни ўтказдим ва буни шундай деб ҳисоблайман.

Келинг, олдинга яна бир қадам ташлаймиз. Жамоатнинг дастлабки ёки асосий таълимотларидан бири – бу Қўрқинчли ҳукм ёки абадий ҳукм ҳақидаги таълимотдир.

Қуйидаги сўзларни диққат билан ўқинг:

“Шунинг учун Масих таълимотининг *бошланғичларини* қолдириб, баркамолликка интилайлик. Шундай қилиб, яна... абадий ҳукм ҳақидаги таълимотнинг *асосини* солиб ўтирмайлик” (Ибронийларга 6:1, 2).

Гап шундаки, барчамиз қандай яшаганимиз ҳақида ҳисобот топшираемиз. Бу ҳукмда нимаики топилса, абадул-абад қолади ва абадий бўлади! Имонли одам учун бу жой “Масихнинг ҳукм курсиси” деб аталади.

Келинг, курсив билан ажратиб кўрсатилган икки сўзни муҳокама қиламиз. Биринчидан, *бошланғичлар* сўзи. Болаларга бошланғич мактабларда нималар ўргатилади? Ўқиш, ёзиш, қўшиш, айириш ва бошқа асосий кўникмалар ўргатилади. Аслида, биз кейинги таълимимиз учун зарур бўлган қурилиш блокларига эга бўламиз. Ахир сиз ўқиш, ёзиш маҳоратисиз, қўшиш ва айириш кўникмаларисиз мактабнинг юқори синфларида ва олийгоҳда кейинги ўқишни тасаввур қила олмайсиз!

Кўпгина имонлилар бир кун келиб, ҳукм курсиси қаршисида туришларини тушунмайди деган хулосага келаман. Наридан борса, улар бу ифода билан танишдирлар, лекин уни синчиклаб ўрганишмаган. Бу худди улар бошланғич мактабда олган асосий кўникмаларни шунчаки биладилар-у, лекин ўзлари уларни ҳеч қачон ўрганишмаганга ўхшайди. Жуда муҳим савол туғилади: имонлилар қандай қилиб, ушбу *бошланғич* ҳақиқатсиз ўз ҳаётини Масихда қурадилар?

Энди, курсив билан ажратилган иккинчи сўз – *асосга* ўтсак. Сиз пойдеворсиз қурилган бинони тасаввур қила оласизми? Ҳаво очиб бўлганда у туриши ва қуламаслиги мумкин. Лекин кучли бўронда парчаланиб кетади! Имондан қайтишни худди шундай тасвирлаш мумкин. The Varma Group ваколатхонаси тадқиқотларининг натижалари шунини кўрсатдики, 2000-йилдан 2020-йилгача бўлган даврда қирқ миллиондан ортиқ америкаликлар имондан қайтишган! Уларнинг ярими ўзини масихий деб атамайди – улар атеистлар ёки агностиклардир. Имон асослари ҳақидаги таълимотнинг етишмаслиги қўйидаги даҳшатли статистикани келтириб чиқаришга имкон туғдирган бўлиши мумкинми?

Келинг, бизнинг ҳукмимиз билан боғлиқ нарсани қисқача кўздан кечирамиз.

“Ҳа, биз дадил бўлиб, бу танадан йироқлашишни ва Раббийда жо бўлишни хоҳлаймиз” (2-Коринфликларга 5:8).

Павлус фақат имонли одамларга мурожаат қилаётганини аниқ

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

биламыз. Имонсиз танадан йироқлашганда, у Раббийнинг ҳузурида жо бўлмайди.

“Шунинг учун жо бўлибми, ёки ҳали жо бўлмасданми, Унга маъқул бўлиш учун жонбозлик қилмоқдамиз” (2-Коринфликларга 5:9).

Бизнинг ўғилларимиз ўсмир бўлган пайтида, биз Лиза билан уларга художўйликни ўргатиш имкониятларини қидирардик. Биз учун уларни тарбиялашда, уларда шаклланиши мумкин бўлган тантиқ муносабатлардан ҳимоя қилиш муҳим бўлган.

Бир куни оқшом мен уларга дедим:

– Йигитлар, биз онангиз билан сизни ҳозир яхши кўрганимиздан кўра кўпроқ ёки камроқ яхши кўришимиз учун сизлар ҳеч нарса қила олмайсизлар.

Бизнинг уларга бўлган севгимиз ўзгармасдан қолган. Лекин бир неча сониядан сўнг мен: “Аммо биз сиздан қанчалар мамнун бўлишимиз учун жавобгарсизлар” – деб қўшиб қўйдим.

Бу улар учун шок эди.

Мана ҳақиқат нимада. Худо бизни кўпроқ ёки камроқ севиши учун биз ҳеч нима қила олмаймиз, аммо биз У биздан қанчалик мамнунлиги учун масъулмиз. Мана нима учун Павлус унинг мақсади “рози қилиш”дан иборат эканини айтди. Нима учун?

“Чунки ҳаммамиз [имонлилар] танада яшаган пайтимизда қилган яхши ёки ёмон ишларга қараб қаримтамызни олиш учун Масихнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунинг учун Раббийнинг қўрқувини билган ҳолда, бизлар одамларни ишонтирмоқдамиз” (2-Коринфликларга 5:10, 11).

Ҳукмнинг бу жойида, биз тавба қилган гуноҳларимиз учун ҳукм қилинмаймиз, улар аллақачон Исонинг қони билан ювилган. “Шарқ ғарбдан нақадар йироқ бўлса, У [Худо] биздан қонунбузарликларимизни шу қадар йироқлаштирди” (Сано 102:12). Бошқа жойда У яна шундай дейди: “уларнинг гуноҳларию қонунбузарликларини бошқа эсга олмайман” (Ибронийларга 8:12).

Бизнинг устимиздан бўладиган ҳукм эса, биз имонли сифатида қилган барча *яхши* ва *ёмон* ишимиз ва қандай яшаганимиз текширилишдан иборат бўлади.

Бизнинг бугунги муҳокамамиз учун Павлус, Масихнинг ҳукм курсисини “Раббийдан қўрқиш”га тенглаштираётгани муҳимдир. Аллақачон юқорида айтиб ўтилганидек, юнон тилида “қўрқув” сўзи

“фобос” каби эшитилади, Ҳананияҳ ва Сапфира устидан ҳукмга жамоатнинг муносабати шу сўз билан ифодаланган. Шундай қилиб, биз муҳим саволга яқинлашяпмиз: ушбу бахтсиз жуфтлик билан содир бўлган ҳодиса бизга имонлилар устидан бўладиган ҳукм ҳақида дастлабки тасаввурни бериши мумкинми?

Ушбу эҳтимолликни кейинги бир нечта бобларда муҳокама қиламиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Токи сизлар Раббингизга муносиб яшаб, ҳамма нарсада Уни рози қилинглар ва ҳар қандай эзгу ишда ҳосилдор бўлиб, Худони таниб -билишда улғайинглар” (Колосаликларга 1:10).

Маъноси. Худо сизни ҳозир севганидан кўра кўпроқ ёки камроқ севиши учун сиз ҳеч нима қила олмайсиз. Аммо У сиздан қанчалик мамнунлиги учун масъулсиз.

Фикр юритиш. Менинг ҳаётим Худога маъқулми? Уни нима қувонтиришини, нима ранжитишини қандай билсам бўлади?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сенга нима маъқул ва нима маъқул эмаслигини Ўз Сўзинг ва Руҳинг орқали менга очишингни Сендан сўрайман. Менга ҳамма нарсадан кўра кўпроқ, Сенга нима қувонч ва завқ келтиришини билишга интилувчи юрак ва ақл бергин. Шу йўсинда, мен Сенинг юрагингни билиб олайин ва Сени бутун ҳаётим билан иззат-ҳурмат қилайин. Мен Сендан сўраётган нарсалар мени бир куни имонлилар устидан бўладиган ҳукм қаршисида туришга ва Сен менга беришни истайдиган абадий мукофотларни олишга тайёрласин. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Худони рози қилиш – бу ҳаётимдаги биринчи устуворлиқдир. У мен Худога лойиқ ҳаракат қилишни хоҳлашим ва ҳаракат қилишим ҳамда барча нарсада Уни рози қилишим учун менда ҳаракат қилади.

Худода ҳайратланарли нарса
шуки, агар сиз Ундан қўрқсангиз,
бошқа ҳеч нарсадан қўрқмайсиз,
агар сиз Худодан қўрқмасангиз,
ҳамма нарсадан қўрқасиз.

– ОСВАЛЬД ЧЕМБЕРС

12 | ЮҚУМЛИ ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК

Ҳаворийлар китобида ҳаётлари тўхтаган ўша бахтсиз жуфтликка тааллуқли муҳим бир тафсилотни таъкидлаш жоиз. Муаммо Ҳананияҳ ва Сапфиранинг ҳаракатларида эмас эди, улар шунчаки жамотдаги йиғинга қурбонлик келтиришди. Худонинг ишига молиявий инъом келтириш – бу художўйлик, муқаддас ҳаракат ва ажойибдир. Уларнинг мақсади – маълум бир жиҳатдан, ўзини кўрсатиш истаги гуноҳ эди.

Шу йўсинда, муҳим бир савол туғилади: ҳукм курсисиди фақатгина бизнинг сўзларимиз ва ишларимиз ҳисобга олинадими ёки улар билан бир қаторда, бизнинг мақсадларимиз ва фикрларимиз ҳам кўриб чиқиладими?

Келинг, Исо Ўз шогирдларига берган огоҳлантиришни ўқишдан бошлаймиз.

“Шу орада, саноксиз одамлар тўпланиб, бир-бирини сиқаётганида, Исо аввал Ўз шогирдларига гапира бошлади: – Фарзийларнинг ачитқисидан, яъни *риёкорлигидан* эҳтиёт бўлинглар! Очилмай қоладиган ҳеч бир яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч бир сирли нарса йўқ” (Луқо 12:1, 2).

Ушбу иккита оятда катта маъно мужассамлашган. Тасаввур қилинг, сиз Хушхабар хизматчисисиз ва сизни тинглаш учун катта оломон – бир неча “минг” киши тўпланди. Бу кўпгина воизхонларнинг орзусидир! Лекин Исо нима қиляпти? У Ўзининг жамоасига пичирлаб: “Йигитлар, қулоқ солинглар, Мен фақат улар учун бу ердман. Мен Ўз ишимни қилиб бўлгунимча, четга ўтиб турунглар!” – демади. Аксинча, бунинг

ҚАНДАЙ БҮЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

Ўрнига У учта нарсани қияпти.

Биринчидан, У имкониятдан фойдаланиб, уларга қандай қилиб ҳозирги лаҳзанинг ҳокимияти остига тушиб қолмаслик ҳақида кўргазмали ғоя беряпти. У бўлажак йўлбошчиларга шахсий намуна кўрсатиб ва иккиюзламачилик ҳақида сабоқ бериб, уларни огоҳлантирмоқда. Бу юнонча “хюпокритес” сўзи бўлиб, “аслида маълум бир мақсад ва ундовларга эга бўлган ҳолда, бошқа мақсад ва ундовлар ҳақида таассурот қолдириш” деган маънони англатади.

Фарзийлар иккиюзламачилик соҳасида ҳақиқий устаси фаранг бўлишган – улар кўп нарсани хўжа кўрсинга қилишиб, муғомбирлик қилишни уддасидан чиқишган. Исо ўз ниятларида пок бўлиб қолиб, ушбу тузоққа тушмаслик ҳақида огоҳлантиради. Аслини олганда, У машҳурлик ва одамларнинг эътирофи сизни ҳаракатга келтиришига йўл қўймасликка, балки ҳақиқатда, таълимотда ва ҳаётда барқарор туриб, Руҳ томонидан бошқарилишга чорламоқда.

Иккинчидан, Исо риёкорлик қандай тез ёйилиши мумкинлигига эътибор қаратмоқда. У уни хамирда эриб, уни кўтарилишга мажбур қиладиган ачитқи, яъни хамиртуруш билан таққосламоқда. Исо келтирган кўргазмали мисол иккиюзламачиликнинг юқумли эканини кўрсатади, аммо хамиртурушдан фарқли ўлароқ, бизнинг фаровонлигимизга жуда ҳалокатли равишда таъсир қилади.

Учинчидан, У иккиюзламачилик яширин қола олмаслигини таъкидлайди. Шубҳасиз, сўз ёки ишлар ортида турадиган ниятлар эртами-кечми маълум бўлади. Сўнгра У нопок мақсадлардан нима ҳимоя қилишини тушунтиради.

“Сизларга, Менинг дўстларимга айтаманки, танани ўлдириб, кейин бошқа ҳеч нарса қилишга қодир бўлмаганлардан қўрқманглар. Аммо кимдан қўрқишингиз кераклигини сизларга айтайин: одамни ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга қодир Бўлгандан қўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаманки, Ундан қўрқинглар!” (Луқо 12:4, 5).

Исо яна кучли ҳиссий тусга эга “қўрқинглар” сўзидан фойдаланмоқда. Бу олдинги бобда таъкидлаб ўтилган “фобос” сўзига ўхшаш “фобео” сўзидир. “Фобео” “қўрқувга солмоқ, қўрқитмоқ, даҳшатга солмоқ” деган маънони англатади. Исо жаҳаннамга ташланган бўлиш ҳақиқатини муқаддас қўрқувни оёқ ости қилиш билан боғлайди. Бу қўрқинчли фикр, унга юзаки қараб бўлмайди. Биз яна бир бор муқаддас қўрқув қанчалик муҳим эканини кўрмоқдамиз ва у шунчаки эҳтиромли сажда эмаслигининг тасдиғини кўрмоқдамиз.

Исо бизни одамлардан эмас, Худодан қўрқишга чақиради. Бошқача айтганда, *Худодан қўрқиш бизни одамлардан қўрқишдан озод қилади, одамлардан қўрқиш эса, биздан Худодан қўрқиш қобилиятимизни тортиб олиб, бизни қул қилади.* Хато қилманг, одамлардан қўрқиш, албатта, бизнинг истак-хоҳишларимизга таъсир кўрсатади. Худодан қўрқиш ҳақида қандай ўйласангиз, одамлардан қўрқиш ҳақида ҳам худди шундай ўйлаб кўринг. Одамлардан қўрқиш – одамлардан қочишни билдирмайди, аксинча, онг остида шахсий қониқиш, ҳимоя ёки фойдага эга бўлиб, одамларга маъқул бўлишга мойилликни англатади. Одамлардан қўрқиш бизни иккиюзламачилик ачитқисига тўлдиради ва одамларнинг маъқуллаши учун яшашга мажбур қилади.

Афтидан, Ҳананияҳ ва Сапфиранинг ҳаракатлари бенуқсон эди, уларни ишлари учун таъна қилиб бўлмади, аммо улар ўз жамоаларида маълум бир таассурот қолдириш истаги билан ёниб ҳалок бўлдилар.

Одамлар диёнатли ишлар қилишлари ва бир қарашда художўй сўзларни гапиришлари мумкин, лекин уларда муқаддас қўрқув бўлмаса, улар ўз ниятлари билан гуноҳ қиладилар.

Мен 1980-йилларда маҳаллий жамоатда хизмат қилганимда, одамлардан қўрқиш билан қаттиқ боғланган бўлиб, Муқаддас Рух менга, мен нима билан бошқарилаётганимни кўрсатмагунича, бунга англаб етмаган эдим. Ўша пайтда мен бизнинг улкан жамоатимизда маълум мавқега эга эдим ва мен ўзаро ҳаракат қилган, гарчи ҳар доим ҳам самимий бўлмасам, уларга сахийлик билан мақтовлар тортиқ қилган одамларга доимо меҳрибон эдим. Мен келишмовчиликлардан нафратланар ва улардан вабодан қочгандек қочардим. Тез орада, мен жамоатдаги энг севимли одамлардан бири эканим ҳақидаги миш-мишлар менга етиб кела бошлади. Бу менга қувонч ва қониқиш келтирар эди.

Бир куни мен ибодатда Раббийнинг: “Ўғлим, одамлар сени севувчи ва меҳрибон одам деб айтишмоқда” – деганини эшитдим. Мен У менинг юрагимга қандай гапирганини аниқ эслайман. Мен Унинг оҳангида ҳеч қандай маъқуллашни сезмадим ва эҳтиёткорлик билан жавоб бердим:

– Ҳа, шундай дейишмоқда.

Шунда У деди:

– Нима учун сен ҳатто, бу нотўғри бўлса ҳам, одамларга мақтовлар ва ёқимли сўзларни гапираётганингни биласанми?

– Нима учун?

– Чунки сен рад этилишдан қўрқасан. Ҳўш, ким сенинг севгингни

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

марказида – сенми ёки улар? Агар сен одамларни ҳақиқатдан ҳам севганингда эди, ҳатто рад этилиш хавфи остида қолиб ҳам, ёлғонни эмас, балки ҳақиқатни гапирган бўлар эдинг.

Мен қотиб қолдим. Ҳамма мени севувчи одам деб биларди, лекин асл ҳақиқат бутунлай бошқача эди. Худди шундай илк жамоат аъзолари, эҳтимол, Ҳананияҳ ва Сапфирани, асосан улар аҳамиятли совғани бутун йиғин кўз олдида ўз чўпонига олиб келиб, тўхфа қилганларида, диёнатли одамлар деб ҳисоблагандирлар. Менинг истак-хоҳишларим ҳам, худди ўша даражада ўзимни юқори кўтариш, ҳимоя қилиш ва мукофотлашга қаратилган эди. Аслида, менинг хатти-ҳаракатим иккиюзламачилик эди.

Ўзининг диёнатини кўз-кўз қилиш ва барча сизни кузатаётганларнинг олдида саховат иши билан шуғулланиб, шу билан бирга, худбин мақсадни яшириш осон. Эзгу хабар ҳақидаги буюк хабар билан одамларнинг кўнглига таъсир қилиб, лекин ичкарида худбин иззат-нафсдан адойи тамом бўлиш мумкин (Филиппиликларга 1:15, 16). Қашшоқлар учун катта қурбонликлар қилиб, лекин севгисиз бўлиш мумкин (1-Коринфликларга 13:3). Одамларни саждада бошқариб, лекин таниқли ва машҳур бўлиш яширин истакларига эга бўлиш мумкин. Одамлар билан мулоқотда меҳрибон бўлиб, аммо ичида улардан айб топиб, танқид қилиш мумкин. Ахлоқий бузуқлиги тўфайли хизматни тарк этишини сўраган чўпонга ҳамдардлик билдириб, аммо ичкарида қилмишига яраша олганига хурсанд бўлиш мумкин. Ўзини камтарин одам қилиб кўрсатиб: “Бутун шараф Исо Масихга бўлсин” деб айта туриб, ўша вақтда, биз эътироф ва мақтовни севамиз. Ҳаммасини санаб ўтишнинг иложи йўқ.

Аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, биринчидан, ҳеч бир мақсад ва ниятни Раббидан яширишнинг имкони йўқ, иккинчидан, бир кунги уларнинг ҳаммаси маълум бўлади. Муҳим бир савол туғилади: улар биздан яширинми? Раббидан қўрқиш бизга жуда муҳим бўлган қалбимизнинг истак-хоҳишларини йўқотмаслигимизга ёрдам беради, чунки уларнинг йўқлиги бизни ёлғон ва иккиюзламачилик учун заиф қилиб қўяди.

Жамоатдаги одамлар Ҳананияҳнинг ҳукм қилинишидан ҳайратда қолишди, аммо Ҳананияҳнинг ўзидан ҳам, кейин Сапфиранинг ҳукм қилинишидан кўпроқ ҳайратга тушишди. Ушбу жуфтликда муқаддас қўрқувнинг йўқлиги, уларнинг кўзларини кўр қилди ва улар истак-хоҳишларида нопокликни кўрмадилар. Биз яна бир бор шундай савол беришимиз керак: уларнинг ҳикояси Худонинг ҳукмининг муқаддимаси бўлиб хизмат қилмайдими? Бу ҳақида кейинги бобда билиб оламиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир... юракдаги ўйу ниятларни фош қилади” (Ибронийларга 4:12)

Маъноси. Раббийдан қўрқиш бизга жуда муҳим бўлган юрагимиздаги ниятларни очиб беради, чунки унинг йўқлиги бизни ёлғон ва риёкорлик ҳаёти учун заиф қилиб қўяди.

Фикр юритиш. Қандай қилиб мен шахсий қониқиш, ҳимоя ва мақтов олиш ички истагига эга бўлган ҳолда, одамларга маъқул бўлиш истагига таслим бўламан? Мен босим остида бўлиб, нимададир таслим бўламанми? Бу қайси соҳаларда мени виждоним билан муросалашишимга мажбур қилади?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сендан ўз фойдамни кўзлаб, одамларга маъқул бўлишга интилганим учун мени кечиришингни сўрайман. Муқаддас Рух, мен ҳаётимдаги осонгина бу босимга таслим бўладиган барча соҳаларни очиб ташлагин. Исони эмас, балки одамларни қувонч ва бахтимнинг манбаси қилаётганим учун тавба қиламан. Мен бошқаларни доимо ҳақиқатда севишим ва иккиюзламачиликка таслим бўлмаслигим учун юрагимни муқаддас қўрқувга тўлдиришингни Сендан сўрайман. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен ўзим мулоқот қиладиган одамларга ҳақиқатни гапириб, ўзим учун эмас, балки уларнинг фойдаси учун интилиб, уларни севаман.

Чунки ҳаммамиз Масиҳнинг
ҳукм курсиси олдида қандай
бўлсак, шундай ҳозир
бўлишимиз ва ошкор
бўлишимиз керак.

– 2-КОРИНФЛИКЛАРГА 5:10
(КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРЖИМА)

13 | УЧТА ҚИЁФА

Олдинги саҳифадаги Инжил оятининг “қандай бўлсак шундай ошкор бўлиш” иборасини диққат билан ўқинг. Ҳар бир инсонда учта қиёфа бор: *қабул қилинган, проекция қилинган ва асл*.

Қабул қилинган қиёфа – бу одамлар бизни қандай кўраётганидир. Проекция қилинган қиёфа – бу бошқалар бизни қандай кўришини хоҳлашимиздир. Асл қиёфа – бу аслида, бизнинг ким эканлигимиздир. Гарчи бу қиёфа бошқалар учун яширин ва сезилмас бўлсада, у Худо учун бутунлай кўринарлидир. Биз ҳукм курсисидида, айнан мана шундай кўринишда ҳамманинг олдида турамиз.

Энди Исони кўздан кечирамиз. Уни нотўғри тушундилар, ёлғон айбланди, Уни ичкиликбоз ва еб тўймас одам деб ҳисобладилар, бидъатчи деб атадилар ва ҳатто, жинга чалинганликда айбладилар. Диний воизхонлар ва бошқа одамлар Уни рад этишди. Исонинг қабул қилинган қиёфаси кўпчиликнинг, айниқса, зодагон одамларнинг назарида салбий эди.

Исонинг укалари ўша пайтда скептик бўлиб, Уни *проекция қилинган* қиёфада яшашга мажбурлаб, унга босим ўтказдилар. Улар ҳақида мана нима деб ёзилган: “Исонинг укалари Унга дедилар: “Бу ерда қолма, Яҳудияга боргин, токи Сен қилаётган мўъжизаларни шогирдларинг ҳам кўрсинлар. Зеро машҳурликка интилувчи ҳеч ким яширин ҳаракат қилмайди <...> Ўзингни дунёга намоён қилгин” (Юҳанно 7:3, 4, ЯРТ). Улар ўзгаларнинг тасаввури назорати остида бўлиб, Исони худди ўша қулликка – одамлардан кўрқишга ҳайдаб киргизишга уринардилар.

Бироқ Исонинг *асл* қиёфаси, кўпчилик Уни қандай *қабул қилганидан* фарқ қилади, зеро “У кўринмас Худонинг кўринарли қиёфасидир” (Колосаликларга 1:15, ЯРТ). Одамларнинг кўп қисми Уни рад этган бир вақтда, Қодир Худо ҳаммага эшиттириб эълон қилди: “Бу

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

Менинг сеvimли Ўғлимдир. Менинг илтифотим Ундадир” (Матто 3:17). Исонинг *қабул қилинган* қиёфаси эмас, балки Унинг *асл* қиёфаси вақт синовига бардош берди.

У ер юзида бўлганида Ўзининг оммалашишидан ва Ўзини шарафлашга ҳар қандай уринишдан эҳтиёт бўлган. У муҳтож одамни шифолаганда, кўпинча: “Қаранглар, бунни ҳеч ким билмасин” – деб айтарди (Матто 9:30). У машҳурлик, ошкоралик, мақтовлар ва одамларга маъқул бўлишдан қочарди. Уни подшоҳ қилмоқчи бўлганларида, У Ўзини четга олди. У Ўзига ташқи кўриниш яратиб олмади, ёлғон хом хаёлларга берилмади, Исо ёлғонга бегона эди. У Раббийдан қўрқишда тасалли топди ва шу тўфайли, Отага диққатини қаратган эди.

Биз ҳам Исонинг қиёфасини акс эттиришимиз керак. Ўзининг ичидаги ҳақиқатга мувофиқ яшаб, шу билан бирга ўз-ўзини тарғиб қилиш ва ўзини сақлаб қолишдан қочган одам эркиндир. Ўзига қаратилган хатти-ҳаракат Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошланади. Улар гуноҳга қулаган лаҳза ҳақида мана нима ёзилган: “Шунда иккаловларининг ҳам кўзлари очилиб, яланғоч эканликларини пайқадилар” (Ибтидо 3:7). Уларнинг нигоҳи Худодан ўзларига қаратилди ва энди улар ўзларида топилган нуқсонларни қандай яширишни изладилар. Аввалига, жуфтлик ўз яланғочлигини *бекитишга* уринишди. Биз бунни бошқача намоён қилишимиз мумкин, аммо муаммонинг илдизи ўша-ўша бўлиб қолаверади. Агар мен эътиборимни ўзимга қаратган бўлсам, ўзимнинг кўринарли камчиликларимни *бекитадиган* қиёфа яратишга ҳаракат қиламан. Исо бизни бу қўлликдан озод қилиш учун Ўз ҳаётини берди. Павлус шундай деб ёзади: “Биз баъзи ўзларини тавсия этаётганлар билан ўзимизни тенг тутушга ёки солиштиришга журъат этмаймиз. Улар ақлсизларча ўзларини ўзлари билан ўлчаб, ўзларини ўзлари билан солиштирадилар” (2-Коринфликларга 10:12).

Агар биз ўзимизни бошқа одамлар билан солиштириш босими остида эгилсак, унда ўз камчиликларимизни кўрсатамиз ва ўзимизни ўзимиз тарғиб қилиш, ҳимоя қилишга интиламиз, лекин ҳаммаси бизнинг мақсадларимиз ва ниятларимиздан бошланади. Замонавий дунёда *асл* қиёфага қараганда *қабул қилинган* қиёфа катта эътиборга эга. Бошқача қилиб айтганда, биз ўз обрўйимизни ҳимоя қиламиз, ўз кучимизни ташқи кўриниш, мақом, машҳурлик, қабул қилиниш, обрў ва бошқаларга қаратамиз, чунки буларнинг барчаси бизнинг камчиликларимизни *бекитади*. Ҳукмда бу нарсалар эмас, аксинча марказда бизнинг истак-хоҳишларимиз ва ниятларимиз бўлган, бизнинг *асл* қиёфамиз ошкор бўлади ва текширилади.

“Шунинг учун вақтдан олдин, яъни Раббий келмагунича, ҳеч қандай ҳукм қилманглар. У келиб, *зулматда яширин бўлган нарсаларни* ёритади ва одамларнинг юрагидаги ниятларини ошкор қилади. Ўшанда ҳар кимга *мақтов* Худодан бўлади” (1-Коринфликларга 4:5).

Кўпчилик одамлар бу парчани имонсизлар устидан бўладиган ҳукмга тегишли деб ўйлаб, Мўқаддас Ёзувнинг бу жойини беқадр қиладилар. Аслида, асло бундай эмас, чунки бирорта ҳам имонсиз ҳукмда мақтов олмайди. Бу жой фақат имонлилар ҳақида гапириши мумкин.

Сиз “зулматда яширин бўлган нарсалар” ва “юрақдаги ниятлар” бутун само йиғини олдида ошкор қилинади деган гапни эшитганингизда, шубҳасиз соғлом кўрқувни бошдан кечирасиз. Эҳтимол, бу Павлуснинг имонлилар устидан бўладиган ҳукми “Раббийдан кўрқиш” деб атаётганининг сабабларидан бири бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни англаб етишимиз мўқаддас кўрқувни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида бизни ушлаб туради ва бизга *асл* қиёфамизга мувофиқ тарзда яшашга имкон беради. Аммо бунинг акси ҳам тўғри: Раббийдан кўрқиш бизга қанчалик кўп етишмаса, биз *қабул қилинган* қиёфага шунчалик кўп таянамиз.

Ҳананияҳ ва Сапфира мана шу ҳалокатли тузоққа тушиб қолишди. Уларни кўпроқ ўзларининг рақиблари деб билган одамлар – дўстлари, жамоат аъзолари ва воизхонлар, уларни қандай *қабул қилиши* қизиқтирарди. Уларнинг воқеасини янада тушунарлироқ қилиш учун, уларни қулашга олиб келган йўл бу замонавий дунёда содир бўлган деб тасаввур қиламиз. Жамоат бир неча ойлардан буён мавжуд. Ҳаворийлар ва жамоат аъзолари турли хизматларга, имкониятли етакчиларни тайинлаш учун диққат билан ҳаммани кузатдилар.

Ушбу жутфлик учун бахтли кун улар Исони қабул қилиб, ўз гуноҳлари кечирилишини олган кун эди. Улар Худонинг севгиси ҳамда биродарлар ва опа-сингиллар йиғини билан қамраб олинган эдилар.

Аммо секин-аста уларнинг диққат маркази ўзгара бошлади. Қизиғи шундаки, аввалида Худо, албатта, улар орқали ҳаракат қилган – балки улар қурбонликлар келтиришган, насиҳатлар билан бўлишган, улўғлов гуруҳида кўйлашган – вариантлар жуда кўп. Улар хизматлари учун миннатдорчилик билдиришлардан, уларнинг тақдирлашга лойиқ ишлари эътироф этилишидан қониқиш олганлар. Эндорфин ишлаб чиқариши ошиб борди ва ҳаяжонли бахт ва қониқиш ҳиссини келтириб чиқарди. Уларнинг эътироф этилиши ўсиб борди. Бироқ улар яқинда шакланган обрўни сақлаб қолиш учун шубҳали хатти-ҳаракатларни ташқи беғараз сўзлар ва ишлар билан *бекитишлари* керак эди. Эҳтимол, улар шафқатсиз курашга олиб келадиган жиддий

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

ички келишмовчиликларни бошдан кечиргандирлар. Уларнинг ғазаб ва тортишувлари борган сари хунуклашиб, чўзилиб борар, аммо имонлилар билан йиғилиш вақти келганда, улар ўзларининг камчиликларини *бекитиш* учун ўз хатти-ҳаракатларини кескин ўзгартирардилар. Эр-хотин уларнинг *қабул қилинган* қиёфасига хавф туғдириши мумкин бўлган келишмовчилик ва жанжалларини атрофдагилар кўришларини хоҳламадилар, шунинг учун бир-бирларига нисбатан тўлиқ ғамхўрлик ва севги муносабатларини *тасвирлашди*.

Улар ижтимоий тармоқларда ва TikTokда қучоқлашган, кулиб, хурсандчилик билан бирга вақт ўтказаётгани акс этган суратлар ва видеороликларни жойлаштирардилар. Уларнинг суратлари у ёки бу мазмунда эди: “мен орзу қилган ҳаёт” ёки “ўзаро тушунишга эришиш” ёки “мен у билан бўлган ҳаётимни севаман!” Муваффақиятли ҳаётни (аслида, қийин ҳаётни), ривожланаётган бизнесни (аслида, таназзулга юз тутган бизнесни), ажойиб фарзандларни (аслида, уларнинг хулқ-атвори кишининг ғашига тегадиган, такаббур ва худбин эди) ва бошқа турдаги ютуқларни акс эттирувчи бошқа кўплаб нашрлар бор эди. Афтидан, бу иш берди, чунки уларнинг ижтимоий тармоқлардаги обуначиларининг сони тез ўсиб борди. Ҳананияҳ ва Сапфира кучли *проекция қилинган* қиёфани сақлаб қолиш тўрига ўралашиб қолишди. Барчаси беғараз бўлиб кўринар, лекин уларнинг художўй кўрқуви уларнинг ҳар бир янги риекорона ишларидан аста-секин сўниб борарди. Улар ўзларининг мунофиқлигида фош қилинмаган эди. Ҳаммаси яхши бўлиб кўринарди, бир ҳисобда улар жамоатдаги саҳий қурбонлик келтирувчилар бўлганликлари учун бенуқсон обрўга эга эдилар.

Шундай кун келдики, Барнабо ўз қурбонлигини жамоатга келтирди. Тўсатдан, уларга нисбатан биродар ва опа-сингилларининг эътибори, улардан ўзиб кетган бошқа одамга кўчди ҳамда уларнинг қабул қилинган қиёфаси хавф остида қолди. Бахтга қарши, бу вақтга келиб, уларнинг шахсий қиёфасига бўлган урғуси аллақачон яхшигина шаклланган эди. Қолганини ўзингиз биласиз.

Ҳаммаси беғараз ва бошқа одамлар учун руҳлантирувчи бўлгандек туюларди, лекин бу хавфли ҳалокатли йўлга олиб келди. Наҳотки, Муқаддас Руҳ бизни огоҳлантириб, Худо ҳукмининг бутунлай муҳимлигини ва муқаррарлигини кўрсатиш учун Муқаддас Ёзувда ушбу жуфтликнинг тақдири ҳақида бизга хабар берган бўлса? Павлус шундай деб ёзади:

“Баъзи одамларнинг гуноҳлари ошкордир (барча учун очиқдир) ва тўғридан-тўғри маҳкумлика (ҳукм жойига) олиб боради, баъзиларнинг гуноҳлари эса кейинроқ маълум бўлади [бузғунчининг

ортдан суд биносигача эргашиб боради ва ўша ерда ҳамманинг олдида очилади]” (1-Тимўтийга 5:24, Кенгайтирилган таржима).

Ҳананияҳ ва Сапфиранинг гуноҳи ўша унутилмас кунда ҳаммага очик намоён бўлган эди. Ҳукм олдинроқ чиқарилди. Аммо кўпчилик одамларнинг гуноҳлари кейинроқ очилиши кўпроқ ташвиш туғдириши керак. Қўйидагини эслаб қолишингизни сўрайман: Худонинг ҳукмномаси уларнинг ишига эмас, балки уларнинг яширин мақсадига тааллуқли эди.

Яхши янгилик шундан иборатки, биз ўзимизнинг қоронғу истак-хоҳишларимиз учун тавба қилишимиз мумкин ва Худо шунчаки кечирибгина қолмай, балки биз Унга муқаддас қўрқувда илтижо қилиб, ўз онгимизни Муқаддас Ёзув орқали янгиласак, биз пок истак-хоҳишлар билан дуо қилинишимиз мумкин.

═══════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════

Инжил ояти. “Чунки ошкора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, маълум ва аён бўлмайдиган ҳеч яширин нарса ҳам йўқ” (Луқо 8:17).

Маъноси. Ҳар бир киши учта: *қабул қилинган, проекция қилинган* ва *асл қиёфага* эгадир.

Фикр юритиш. Мен қайси қиёфага интиламан? Мен ҳақиқат нурида яшайманми ёки ўз обрўйимни ҳимоя қилиш учун алдаб, ёлғон хабарларни тарқатаманми? Мен мулоқот қиладиган одамлар билан рўйирост ва тўғридан-тўғри муомала қиламанми?

Ибодат. Мен ўзимнинг асл қиёфамга эмас, балки проекция ва қабул қилинган қиёфамга катта аҳамият берганим учун тавба қиламан. Мен ўзимнинг ҳалоллигим билан муросага бордим ва бунинг учун Сендан кечирим сўрайман. Менинг ўй-ниятларимни полагин. Менинг эътибор марказимда ўзим эмас, балки Исо ва одамлар бўлсин.

Эътироф этиш. Мен Худо Сўзининг дудама қиличига, юрагимдаги фикр ва ниятларни фош қилишига рухсат бераман.

Худонинг ҳақиқий қўрқуви
бизнинг ичимизга кирганида,
ўлим ва ҳукмдан қўрқиш биздан
чиқиб кетади ва бу қўрқув азоб
эмас, аксинча жонимиз учун
бизни ҳолдан тойдирмасдан,
бизга ором берадиган ёрқин ва
енгил бўйинтуруқдир.

– А. У. ТОЗЕР ВА
ГЭРРИ ВЕРПЛОЙ

14 | АБАДИЙ ҚАРОРЛАР

Абадийлик билан солиштирганда ердаги ҳаёт – бу бор-йўғи хом хаёлдир. Лекин янада аниқроғини айтадиган бўлсак, бизнинг ҳаётимиз ҳеч нарса эмас, чунки оддий математик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, чексизликка бўлинган ҳар қандай чекли сон нолга тенг. Шундай қилиб, (тахминан) тўқсон йил, абадийлик билан солиштирилганда нолга тенгдир. Ушбу қўрқинчли ҳақиқат нуқтаи назаридан, бизни абадийликда кутаётган нарсага тайёргарлик кўришимиз биз томондан оқилона бўлар эди.

Исо ҳар биримизга нисбатан ҳукм курсисида қабул қиладиган қарорлар абадий бўлади (Ибронийларга 6:1, 2). Бу улар энди қайта кўриб чиқилмаслигини, тузатиш ва ўзгаришлар киритилмаслигини англатади. Шундай қилиб, аслида бизнинг *қаерда* абадийликни ўтказишимиз, биз Исонинг хочига қандай муносабатда бўлганимиз билан белгиланади, аммо бизнинг имонлилар сифатида ҳаёт *тарзимиз*, абадийликда қандай яшашимизни белгилайди.

Ниҳоятда кўп одамлар осмонни фақат оғриқ ва азобларсиз, номоддий жисмсиз, севгида ва тинчликда бўлиш жойи сифатида тасаввур қиладилар. Улар у ерда муқаддаслар булутлар устида учиб юрадиган, арфа чаладиган ва узум билан озиқланадиган танасиз мавжудотлар бўлишини кутадилар. Бошқалар эса осмонни зерикарли туганмас сажда қилинадиган жой деб тасаввур қилишади. Бундай қарашлар билан, бу ҳамиша бир хил абадий мавжудликдан хурсанд бўлиш қийин.

Аммо булар Муқаддас Ёзувда тасдиғини топмайдиган афсоналардир. Бу ҳаётдаги барча энг яхши нарсалар абадийликдаги соя холос. У жойда ҳам ижтимоий режалаштириш билан шуғулланиш, шаҳарлар қуриш, халқларни бошқариш, коинотни ўрганиб,

ҚАНДАЙ БЎЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

ривожлантириш ҳамда яратилган ҳаёт билан боғлиқ чексиз кўпгина бошқа ишларни амалга оширишимиз керак бўлади. Раббийнинг боқий шаҳрида масъулиятли мавқелар бўлади. Шунинг учун ҳукм жойига, Унинг янги осмон ва янги ер пойтахтидаги абадий мавқеингизни белгилайдиган суҳбат ва баҳо сифатида қаранг.

Барча юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, келинг, бу ерда ва ҳозир содир бўладиган нарсалар, қандай қилиб ҳукмда ўрганилишини муҳокама қилишга қайтайлик.

“Чунки ҳаммамиз Масихнинг ҳукмида ҳозир бўлишимиз керак бўлади, ҳар бир кишига ерлик танасида бўлган пайтида у қилган яхши ёки ёмон ишлари учун, қилмишига яраша қаримтаси берилади” (2-Коринфликларга 5:10, ЯРТ).

Бизни дўзахда бўлишга ҳукм қилган гуноҳларимиз (имонли одамларнинг гуноҳлари), Исонинг қони билан ювилган ва абадий кечирилган (Ибронийларга 8:12). Лекин биз барибир имонлилар учун бўладиган судда ёвуз (ёки ёмон) ишлар учун ҳисоб беришимиз керак бўлади. Бу бизнинг эътиборимизни тортиши зарур.

“Ёвуз” (юнон тилида “какос”) сўзи “зарар ёки шикаст етказадиган ёмон ҳаракатлар”ни тасвирлайди, шунингдек, “йироқлашмоқ, ўзини четга олмоқ, жангда чекинмоқ” деган маъноларни англатади. Бу сўз нафақат бизнинг қилаётган ишларимиз оқибатида, шунингдек, бизнинг чекинишимиз ва ўзимизни четга олишимиз оқибатида, бошқача қилиб айтганда, *қилмайдиган* ишларимиз оқибатида ҳам зарар келтирувчи нарсаларни тасвирлайди. Шундай қилиб, у нафақат бизнинг ишларимизни, шунингдек, бой берилган имкониятларни ҳам ўз ичига олади. Муқаддас қўрқув бизни Осмон Шоҳлиги олдидаги масъулиятимизга эътиборли бўлишга, шунингдек, Худо севадиган одамларга зиён етказиши мумкин бўлган ёвуз мақсад ва ишларга йўл қўймасликка мажбур қилади.

Муқаддас Ёзув бизни кўпинча “қурувчилар” деб атайди. Қурувчиларни Худо абадий жо бўладиган Худонинг уйини, алоҳида буюртма бўйича барпо қилувчи асосий пудратчи сифатида тасаввур қилиш мумкин. Унинг уйининг номи *Сион* (Сано 131:13, 14 га қаранг) ва унинг таркибий ашъёси – тирик тошлар, Унинг барча муқаддаслари (1-Петрус 2:5 га қаранг), Исо эса асосий бурчак тошидир (Ишаъё 28:16 га қаранг).

Павлус бизнинг вазифамизни аниқ тасвирлаб беради: “Зеро биз Худо азалданоқ *тайёрлаган* яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масихда яратилган Унинг ижодимиз” (Эфесликларга 2:10). Эътибор беринг: Павлус, Худо азалданоқ тайёрлаган яхши ишларни

бажаришимиз учун деб ёзмоқда, демак, биз уларни қилишимиз керак. Агар биз вақтинчалик худбин фойдага таяниб яшашни афзал билиб, бизга азалдан тайёрланган мақсадлардан чекинсак, бу бадахлоқликнинг турларидан бири сифатида баҳоланади.

Бундан ташқари, Павлус шундай деб ёзади: “Лекин ҳар ким қандай қураётганига диққат билан қарасин” (1-Коринфликларга 3:10, ЯРТ). Бизнинг қандай қураётганимиз муҳим аҳамиятга эга экани, ўз-ўзидан кўриниб турибди. Биз Унинг абадий Сўзига кўра қураимизми ёки ушбу асрнинг руҳига қулоқ солаимизми? Унинг Руҳига кўра қураимизми ёки ўзимизнинг худбин истакларимизни қониқтираимизми? Павлус давом этади:

“Бу пойдевор устида одам олтидан, кумуш ва қимматли тошлардан, ёғочу хашак ёки сомондан қуриши мумкин, аммо кимнинг қандай қургани ошкор бўладиган кун келади. Ўша кунда ҳаммаси олов билан синалади ва олов ҳар кимнинг ишининг сифатини кўрсатади” (1-Коринфликларга 3:12, 13, ЯРТ).

Худо бизга берган вақтни ўтказишнинг турли хил йўлларини танлашимиз мумкин. Агар биз шахсий манфаатимиз учун вақтинчалик нимадир яратиш учун яшасак, бу осонгина ёниб кетадиган хомашъедир. Агар биз Унинг абадий Шоҳлигини қуриш учун беғараз яшасак, биз вайрон бўлмайдиган, балки тозаланадиган хомашъедан қураимиз. Бизнинг ҳаётимизни олов, яъни, Худонинг Сўзи синайди. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг мақсад, сўз ва хатти-ҳаракатларимиз, қай тарзда қурган уйимизга мувофиқ бўлади?

Павлус давом этиб, дейди: “Агар бино бардош берса, унда қурган одам ўз мукофотини олади” (4-оят, ЯРТ). Агар бизнинг хатти-ҳаракатимиз ва меҳнатимиз Унинг Сўзидан ва ҳаётимизга нисбатан Худонинг иродасидан келиб чиқса, бизнинг ютуқларимиз мангу туради. Бу ерда иккита нарсага эътибор қаратиш жоиз: биринчидан, бизнинг ютуқларимиз биз бошқа одамларнинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатганимизни, шунингдек, Худонинг Шоҳлигини барпо этиш учун У томонидан бизга берилган қобилиятлардан қандай фойдаланганимизни ўз ичига олади. Иккинчидан, бизнинг абадий мукофотимиз Унинг Шоҳлигидаги бизнинг абадий ўрнимизни белгилайди.

Павлуснинг қуйидаги сўзлари диққатни ўзига тартади:

“Агар қурилган бино ёниб кетса, унда қурган киши буюк зарар кўради. Бироқ ўзи *нажот топади*, лекин олов деворлари ичидан зўрға қутуладиган одамдек нажот топган бўлади” (1-Коринфликларга 3:15, инглизча таржимадан).

ҚАНДАЙ БҮЛСА, ШУНДАЙЛИГИЧА ОЧИҚ

Ушбу оятдан кўп нарсани хулоса қилиш мумкин. Биринчидан, қурган киши *нажот топади* дейилганига эътибор беринг. Гап жаҳаннамдаги мангу оловга маҳкум қилинган имонсиз одам ҳақида эмас, балки Худонинг Шоҳлигида абадий яшайдиган одам ҳақида кетмоқда.

Иккинчидан, йўқотиш каттадир. Бу ерда ишлатилаётган юнонча сўз жазо ёки зарарни англатиши мумкин. Олимларнинг кўпчилиги бунга жазо деб билмайдилар ва мен ҳам уларнинг қаторидаман. Бироқ ушбу сўзнинг маъноси чуқур йўқотиш ҳиссини назарда тутати. Ёдда тутинг, бу чуқур йўқотиш нафақат судда сезилади, балки абадийликда қандай яшашимизга ҳам таъсир кўрсатади.

Учинчидан, бу ерда келтирилган таққослаш ёнғиндан зўрға қутилган одам ҳақида гапиради. Ушбу манзарани замонавий дунёда тасаввур қилишга уриниб кўрамиз. Кўпинча ғарбдаги одамлар нафақага олдинроқ тайёргарлик кўришади. (Шахсан мен бундай ёндашувга қўшилмайман, чунки нафақага чиқиш ўз вазифаларидан бўйин товлашдан дарак беради деб ҳисоблайман, бу эса “ёвузлик” – какоҳс дир. Аммо нафақа мавзуси долзарб бўлгани учун мен уни мисол тариқасида келтираман.)

Одам нафақага чиққан кунда банк касодга учрашини тасаввур қилинг. Унинг барча жамғармалари йўқолади ва у ҳамёнида бир неча доллар билан қолади. Ўша куннинг ўзидаёқ, давлат нафақа фонди ва унинг шахсий нафақа ҳисоблари сақланган барча ширкатлар банкрот бўлди. Бундан ташқари, бу нафақахўрнинг уйи батамом ёниб кул бўлди ва у ёнғиндан битта куйлакда омон қолди. У ҳамма нарсасини йўқотди. Бу сценарийни фожеа деб баҳолаш мумкин. Бироқ Павлус айрим имонлилар абадийликка – йигирма беш йил (нафақа тўланишининг ўртача муддати) эмас, балки бутун абадийлик давом этадиган даврга киришларини айнан шундай тасвирламоқда.

Яна Павлус имонли нажот топишини айтади, аммо ҳаммаси ёниб кетади ва тоабат йўқолади. Бу абадий ҳукм – қарор эканини ёдда тутинг. Мени нотўғри тушунмаслигингизни илтимос қиламан: нажот топган бўлиш – бу қандайдир аҳамиятсиз нарса эмас, бу жаҳаннам оловидаги мангу азобларга чидашдан кўра бениҳоя яхшироқдир. Биз қандай хурсанд бўлишимиз тушунча доирасидан четдадир, лекин шунга қарамасдан, ҳаммаси бошқача бўлиши мумкинлиги ҳисси қолади.

Бундан кўп ўтмай, Павлус шундай сўзларни ёзиши ажабланарли эмас: “Шунинг учун *Худонинг қўрқувини* билган ҳолда, бизлар одамларни ишонтирмоқдамиз” (2-Коринфликларга 5:11). Юрагимнинг

фарёдини тинглашингизни сўрайман, умид қиламанки, Павлус айтаётган бу муқаддас қўрқув вақтингизни фойда келтирмайдиган нарсаларга ёки ўзингизнинг проекция ёки қабул қилинган қиёфаларингизни яратишга сарфламасликка ишонтиради. Яратганнинг қимматбаҳо тухфаси бўлган вақт Унинг Сўзига ва Рухнинг бошқарувиغا бағишланади деган умиддаман.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимизда қилган яхши ёки ёмон ишларга қараб қаримтамизни олиш учун Масихнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунинг учун Худонинг қўрқувини билган ҳолда, бизлар одамларни ишонтирмоқдамиз. Худого эса биз аёнмиз ва умид қиламанки, сизларнинг виждонингизга ҳам аёнмиз” (2-Коринфликларга 5:10, 11).

Маъноси. Ох, Исонинг хочи билан қандай йўл тутишимиз қаерда абадийликни ўтказишимизни белгилайди, аммо бизнинг имонлилар сифатида кечирган ҳаёт *тарзимиз* бизнинг абадийликда қандай яшашимизни белгилайди.

Фикр юритиш. Ҳаётимнинг ҳар бир куни абадият учун барпо қилишга – бошқа одамларнинг ҳаётини ҳақиқат ва севги билан барпо қилишга эътиборим қаратилганми ёки ўзимни барпо қилиш учун ўз кучим, қувватим ва вақтимни беряпманми?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен ўз эътиборимни, қувватим, кучим ва вақтимни вақтинчалик нарсалар қурилишига қаратганим учун мени кечиргин. Қандай қилиб, ҳар куни Исонинг Шоҳлигини қуриш кераклигини менга кўрсатишингни сўрайман, абадийлик ҳақи одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсатишим учун менга куч бергин. Исо номи билан Сендан миннатдорман. Омин.

Эътироф этиш. Мен фақатгина бу ҳаётда йўқ бўлиб кетадиган нарсаларни эмас, балки абадият учун муҳим бўлган имкониятларни қидираман ва доимо улардан фойдаланаман.

ЕНГИЛМАС МУҚАДДАСЛИК

3-ҲАФТА

Танавий одам Худодан эмас,
одамдан қўрқади. Кучли
масиҳий одамдан эмас, Худодан
қўрқади. Заиф масиҳий одамдан
жуда кучли қўрқади ва Худодан
жуда кам қўрқади.

– ЖОН ФЛАВЕЛ

15 | ИНСОНДАН ҚЎРҚИШ

Ҳақиқий муқаддаслик Худога бутунлай тегишли бўлишдан иборат. Муқаддасликнинг асосий таърифи – “Худо учун ажратилиш”дир. Унинг маъносининг кенглиги шу қадар каттаки, у ҳақида кўп жилдли китоб ёзиш мумкин. Биз бу ерда асосий жиҳатларни ёритамиз, чунки художўй қўрқув – бу муқаддасликнинг ажралмас қисмидир. Аммо йўлга отланишдан аввал, буни олдиндан тасдиқлаш муҳим: чинакам муқаддаслик – бу қуллик эмас, бу ҳақиқий эркинликдир.

Эҳтимол, Ҳананияҳ ва Сапфиранинг ҳукм қилиниши ҳар бир инсон кун келиб, ҳукм қаршисида туришининг дебочаси бўлгандир? Бу жуфтликка нима бўлди деган савол очиқ қолади. Улар самода “буюк зарарга” дуч келдиларми ёки дўзахга тушдиларми?

Бу жуфтлик абадий лаънатга маҳкум этилганини тушунтириш учун, одамлар кўпинча ишлатаган Исонинг сўзларини Хушxabарларда топамиз: “Бироқ кимки Муқаддас Рухга қарши куфр қилса, ҳеч қачон кечирилмайди” (Марк 3:29). Бу фикрнинг нотўғри экани, куфр сўзининг таърифида очилади, у “зиён етказиш мақсадида бирор киши ҳақида гапириш ёки бу одамнинг обрўсига путур етказиш”ни англатади. Бу жуфтлик Муқаддас Рухга ёлғон гапирдилар, лекин таърифига кўра, улар Унга куфр келтирмадилар. Шу тарзда, уларнинг тақдири ҳақидаги масала ноаниқдир. Нима бўлмасин, ҳеч биримиз уларнинг қисматига ҳасад қилишимиз керак эмас.

Шунга қарамасдан, Муқаддас Ёзувда бизга маълум бўлганидек, самога тушиб, лекин ҳукм жойида жиддий зарарга учраган одамнинг мисоли борми? Бор деб ҳисоблайман. Бу борада Павлуснинг сўзини келтиришимга ижозат беринг:

“Кимнинг маъқуллаши менга керак: одамларнингми ёки Худонингми? Балки сиз мени одамларга ёқишга уриняпти деб ўйлаётгандирсиз? Агар мен бунга интилганимда эди, унда Масихнинг қули бўлмаган бўлардим” (Галатияликларга 1:10, ЯРТ).

Қандай кучли сўзлар! Агар биз машҳурликка интилиш васвасасига таслим бўлсак, Раббийнинг қули бўлиш шарафидан маҳрум бўламиз. Биз шундай йўл тутиб, ижобий идрок этиш учун исталган қиёфани проекция қилишимиз мумкин. Павлус бу билан шуғулланмаган бўлар эди ва биз ҳам бундан мустасно бўлмаслигимиз керак.

У муқаддас қўрқувнинг юқори даражасида эди. Ёдингиздами, айнан у шундай деб ёзган: “қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” (Филиппиликларга 2:12). У проекция қилинган қиёфага эмас, балки ҳукмда ошкор бўладиган ўзининг асл қиёфасига эътиборини қаратди. У ҳатто умидсизлик, норозилик ёки бошқа одамлар томонидан рад этилишларга дуч келганда ҳам, бу уни ҳақиқий муқаддаслик ва Масихга итоаткорлик ўрнида ушлаб турди.

Биз ҳамма вақт бу ҳақиқатни кўз олдимизда сақлашимиз лозим: *сиз кимдан қўрқсангиз, ўша одамга хизмат қиласиз!* Агар сиз Худодан қўрқсангиз, Унга итоат қиласиз. Агар сиз одамдан қўрқсангиз, сиз тўлиқ одамнинг истакларига бўйсунасиз. Биз жисмонан кўрмайдиган Зотдан кўра, айниқса, одамнинг севгиси ёки дўстлигини хоҳласак, олдимизда турган одамни хафа қилиб қўймаслик учун кўпроқ қайғураемиз. Шу сабабли, Ҳикматлар китобида (29:25) шундай деб ёзилган: “Одамлардан қўрқиш қопқон қўяди” – мана шу қопқонга Ҳананияҳ ва Сапфира аниқ илиниб қолганлар.

Тасаввур қилишим мумкин, бошқа етакчилар билан учрашув Павлуснинг ғазабини қўзғатди ва кейинчалик уни худди шу мактубда қуйидаги қораловчи сатрларни ёзишга мажбур қилди:

“Петрус Антиохияга келган пайтида эса мен унга шахсан қарши турдим, чунки у яққол адашиб қолган эди. Мана гап нимада эди. Ёқубдан айрим одамлар келгунига қадар, Петрус яҳудий бўлмаганлар билан бирга мунтазам еб-ичди, аммо ўша мутаассиб гуруҳ Йерусалимга келгач, у эҳтиёткорлик билан четлашди ва ўзининг яҳудий бўлмаган дўстларидан масофа ушлайдиган бўлди. Мана, у эски хатна тизимини ёқловчи бир гуруҳ мутаассиб яҳудийлардан қанчалар қўрқар эди. Афсуски, у билан бирга Антиохия жамоатидаги бошқа яҳудийлар ҳам иккиюзламачилик қилдилар, ҳатто Барнабо ҳам уларнинг аҳмоқона дахмазасига берилиб кетган эди.

Лекин улар Хушхабар ҳақиқатидан оғиб кетганини кўрганимда, мен ҳамманинг олдида тўғридан-тўғри Петрусга: “Агар сен яҳудий бўла туриб, Йерусалимдаги қўриқчи итлар сени ортингдан кузатмаётган бир пайтда яҳудий эмасдек яшаётган бўлсанг, Йерусалимдаги эски дўстларингда ижойиб таассурот қолдириш учунгина яҳудийча анъаналарга риоя қилишни талаб қилишга нима ҳаққинг бор?” – дедим” (Галатияликларга 2:11-14, инглизча таржимадан).

Петрус, Барнабо ва яҳудийлардан бўлган бошқа имонлилар, ўзлари ҳурмат қилган одамларнинг танбеҳидан қўрқишар эди. Уларнинг қабул қилиниш истаги, аввал Петруснинг, сўнгра бошқаларнинг хатти-ҳаракатларида иккиюзламачиликка олиб келди. Уларнинг *проекция қилинган* қиёфаси ҳалолликдан устун келди, шу тарзда, муқаддасликдан маҳрум бўлган хатти-ҳаракатларга сабаб бўлди. Ҳикматлар 29:25 нинг бошқа таржимасида қуйидагича ёзилган: “Бошқалар сиз ҳақингизда нима деб ўйлашлари ҳақида қайғуриш хавфлидир” (инглизча таржимадан).

Ўзининг ҳалоллигини ҳимоя қилган Павлус Петрусга, шунингдек, биродарларининг босими таъсирига тушган Барнабо ва бошқаларга шахсан танбеҳ берди. Мутаассиб яҳудий етакчилар бўлмаганида эди, Петрус ва унинг шериклари ҳақиқат бўйича, ўзларининг асл қиёфасига кўра яшаган бўлишларини Павлус кечиктирмай таъкидлади. Уларда Исо Масихнинг чинакам вакиллари бўлиш – қабул қилиш, севиш ва мажусийлардан янги имонга келган имонлилар билан мулоқот қилиш учун куч бор эди. Аммо ҳаракат ўзгаргани заҳоти, Петрус ва дўстлари ўз ўртоқларига эрк бериш учун *проекция қилинган* қиёфага ўтиб олишди. Уларнинг хатти-ҳаракатларининг оқибатлари ибратли эмас эди, улар вайрон қилувчи эди.

Петрус муқаддас бўлиб, у самодадир. Аммо биз ҳукм жойида текшириладиган унинг ҳаётидаги ёвуз ва ҳалокатли мақсад, сўз ва хатти-ҳаракатларнинг мисолини кўрамиз. Агар биз Исога маъқул бўлиш мақсадига доимо интилиб яшасак, биз бошқа одамлар фикрининг таъсирига берилмаймиз, бунинг ўрнига ҳақиқатда яшаймиз. Бу ҳақиқий муқаддасликнинг муҳим жиҳатидир. Қуйидаги сўзларни диққат билан ўқинг:

“Зеро Худонинг сўзи яшайди ва таъсир қилади, у ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир ва бизнинг моҳиятимизнинг энг чуқурликларига, жон ҳамда руҳ орасидан ўтадиган чегарагача, бўғинлар ҳамда мия суюягача бўлган жойгача суқилиб киради. У фикрларни ва юракдаги ниятларни ҳукм қилади. Бутун ижоддаги

ҳеч бир нарса Ундан яширин эмас. Унинг қаршисида ҳамма нарса яланғочдир ва Унинг кўзлари ҳамма нарсани кўради. Биз Унга ҳисоб берамиз” (Ибронийларга 4:12, ЯРТ).

Бу сўзлар сизга суқилиб кирдимиз? Агар сиз улар шунчаки таниш бўлгани учун уларга кўз югуртириб ўтган бўлсангиз, уларни секин яна бир марта ўқинг ва ҳар бир сўз устидан фикр юритинг.

Худонинг Сўзи бизнинг яширин фикр ва истакларимизга чуқур кириб боришига эътибор қаратинг. У бизга ўзимизни ким қилиб кўрсатганимизни эмас, аслида ким эканлигимизни кўрсатади. Агар биз Худонинг Сўзига қулоқ солсак ва шунга мувофиқ ҳаракат қилсак, у бизни ўз-ўзимизни алдашдан, мисол учун Раббий бизни кўрмайди деган, илоҳий бўлмаган ва нопок хатти-ҳаракатга олиб борувчи фикрлардан ҳимоя қилади.

Худонинг Сўзига астойдил диққат қилинг ва Раббийнинг қўрқуви сизнинг юрагингизда ҳаракат қилади. Сиз қуйидаги ҳақиқатни бутунлай англаб етасиз: “Худонинг олдида яширин бўлган ҳеч бир жон йўқ. Унинг кўзи олдида ҳамма нарса очиқ ва аёндыр” (Ибронийларга 4:13). Энди биз нима учун Муқаддас Рух бизга таълим бераётганини яхшироқ тушунамиз:

“Ўғлим [ёки қизим], агар менинг сўзларимни қабул қилсанг ва амрларимни ўзингда сақласанг, агар доноликка қулоқ тутсанг ва юрагингни мулоҳаза қилишга йўналтирсанг, агар билимни чорласанг ва ақлни чақирсанг, агар уни кумушдек изласанг ва хазинадек қидирсанг, шунда Раббийдан қўрқишни англайсан ва Худо ҳақида билим топасан” (Ҳикматлар 2:1-5).

Энг катта донолик – бу Худонинг Сўзини ичимизда – бизнинг мақсад ва ниятларимизни бошқарадиган жойда сақлашдир. Худонинг Сўзига, биз топган энг катта хазина сифатида қарасак ва у бизга очадиган нарсага қулоқ тутсак, биз *хавфсизлик доирасига* кирамиз. Биз Унинг йўллари гўёки бундан ортиқ мукофот йўқдек таниб-билишга чин дилдан ҳаракат қилганимизда, Раббийдан қўрқишни билиб, тушунамиз ҳамда сохта қиёфани проекция қилиш васвасасидан қочамиз. Энди биз ҳалол ва ҳақиқатда яшаш учун куч олдик ҳамда муқаддаслик йўлига (ёки сўқмоғига) мустаҳкам оёқ қўйдик.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. Қудратлар Раббийси – Уни муқаддас ҳурмат қилинг, Ундан қўрқинг, Ундан ваҳимага тушинг” (Ишаъё 8:13, ЯРТ).

Маъноси. Сиз кимдан қўрқсангиз, ўшанга хизмат қиласиз. Агар сиз Худодан қўрқсангиз, Унга итоаткор бўласиз. Агар сиз одамдан қўрқсангиз, сиз одамнинг истакларига эрк бериб юборасиз. Агар сиз бошқаларнинг хоҳиш-истакларини қондиришга ҳаракат қилсангиз, сиз Исо Масиҳнинг ҳақиқий хизматкори бўла олмайсиз.

Фикр юритиш. Нимага мен жисмонан кўрмайдиган Зотдан кўра, олдимда турган одамни хафа қилиб қўймасликка кучлироқ ҳаракат қиламан? Нимага мен Худодан кўра кўпроқ, одамлардан севги, қабул қилиниш ва дўстликни олишни истайман? Буни қандай ўзгартиришим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сендан кўра кўпроқ одамларнинг маъқуллашини излаган пайтларим учун мени кечиришингни сўрайман. Исо, мен Сенинг маъқуллашингдан кўра кўпроқ, одамлар орасида машҳурликни қидирганим учун тавба қиламан. Мен Сен учун ажратиб олинган муқаддас бўлишни танлайман. Ҳозирги лаҳзадан бошлаб ва келгусида мен бутунлай маъқул бўлишга ҳаракат қилдиган ягона Зот Сенсан. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Масиҳнинг хизматкориман. Мен одамлардан кўра кўпроқ Худога маъқул бўлишга ҳаракат қиламан.

Худодан қўрқиш бор юрак
ҳукмронлик қиладиган ҳамма
жойда, у раҳм-шафқат ишларида
ҳам, художўйликда ҳам намоён
бўлади ва уларнинг ҳеч бири
бизни бошқасидан озод
қилмайди.

– МЭТЬЮ ГЕНРИ

16 | ҲУҚУҚ

Галатияликларга мактуб тахминан 49-йилда ёзилган, шунинг учун Павлус, Петрус ва бошқа яҳудий етакчиларга бунгача ҳам танбеҳ берган деган хулосага келишимиз мумкин. Қарийб ўн йил ўтгач, тахминан 63-йилда Петрус ўзининг биринчи мактубини ёзган. Ишончим комилки, у ушбу сўзларни ёзганида, бутун Галатия жамоатига маълум бўлган танбеҳ ҳали ҳам унинг хотирасида янги бўлган:

“Илгариги адабсизликда бўлганингизда, сизда яшаган истак-хоҳишлар сизни бошқаришига йўл қўйманглар... Агарда ҳар бир кишини қилмишига яраша холисона ҳукм Қилувчини сизлар Ота деб атасангизлар, унда ер юзидаги мусофирлар сифатида Унинг қаршисида *эҳтиромли қўрқувда* ҳаёт кечиринглар (1-Петрус 1:14, 17).

Шубҳасиз, Петрус, ўзини инкор этган, дунё учун хочга михланган ва ўзини Исога тўлиқ эргашишга бағишлаган имонлиларга ёзмоқда. Ушбу асосдан ташқари бўладиган ҳар қандай ўзгариш услублари ҳақиқий эмасдир (Матто 16:24; Марк 8:34; Луқо 9:23; Галатияликларга 6:14 га қаранг). Ўйғониш содир бўлгани заҳоти бизнинг ичимизда илоҳий табиат шаклланади. Биз бу табиатга бўйсуниб, хис-туйғулар бошқарувидан халос бўламиз ва бунинг учун Муқаддас Рухдан ҳамда Худонинг очиқ Сўзи орқали янгича ҳаракат қилишга куч оламиз (2-Петрус 1:4).

Ҳаворий бизни эски ҳаётга қайтмаслик ва ўзимизни, илгари бизни назорат қилган истак-хоҳишлар билан бошқарилишимизга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантиради. Биз рад этиб, хочга михлашимиз керак бўлган энг кучли майл-истаклардан бири – *ўз жонини сақлашдир*. Бу асосий мақсад бўлиб, бошқа одамлар томонидан ижобий қабул қилиниш учун бизни ўзимизни проекция қилишга

ундайди. Бошқача сўз билан айтганда, бу инсондан қўрқишдир. Бу нафақат Петруснинг, шунингдек, Ҳананияҳ, Сапфира, Барнабо ва бошқаларнинг ҳалокатли ҳаракатларига олиб келди.

Петрус агар биз ушбу интилишларга берилсак, бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам ёмон ҳукм қилинишимиз ҳақида огоҳлантиради. Бунинг акси ҳам тўғри: агар Худонинг истакларига қатъий риоя қилсак, биз мукофот оламиз. У ушбу насиҳатлар орасида қаттиқ огоҳлантириш беради: *Худо беғараздир*. Келинг, ушбу изоҳ ортида нима туриши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Исо бу ҳаворийга кучли хизматни берди. У илк Жамоатнинг асосий хизматчиларидан бири эди, аммо бундан бир неча йил олдин у ҳали Антиохияда бўлган пайтда, бошқа яҳудий хизматкорлари билан ғаразли тузоққа тушиб қолди. Эҳтимол, Павлуснинг ҳайратланарли танбеҳи уни ўзининг мақсад ва хатти-ҳаракатларини холисона баҳолашга ундагандир. Аслида, Петрус ўзининг иккиюзламачилигининг асосида ётган “нима учун”ни очиқча кўришига тўғри келди.

Эҳтимол, у ушбу очикликда Муқаддас Китобдаги бошқа ҳукмдорларнинг – масалан подшоҳ Шоул ва подшоҳ Довуднинг нотўғри хатти-ҳаракатлари устидан фикр юритгандир. Шоул ўз жангчиларининг хайрихоҳлиги учун осмондан келган аниқ буйруққа бўйсунмади – бу одамлардан қўрқишдир. Довуд бир аёл билан зино қилиб, сўнгра ўзининг обрўсини сақлаб қолиш учун унинг эрини ўлдирди – бу одамлардан қўрқишдир. Иккала ҳукмдор ҳам фош қилинган эди ва иккаласи ҳам, у ёки бу шаклда ўзларига ҳукм чиқардилар. Шоул шоҳликни йўқотди. Довуд доимо жанг олиб боришга мажбур эди. Худонинг илтифотига эгамиз деб ўйлаб, иккаласи ҳам ўз шахсининг соғлом чегарасини хавф остида қолдириб, тузоққа тушдилар ва секин-аста нопок ҳамда исёнкор хулқ-атворга ўралиб қолдилар.

Петрус бу қандай осонлик билан содир бўлишини билар эди. У бизнинг фикримизча, бизни ҳукмдан халос қиладиган қуйидагича “манман” фикрлардан қочишимиз ҳақида бизни огоҳлантирган, масалан: “Мен Худо учун астойдил меҳнат қиляпман”, “Мен Унинг Шоҳлиги қурилиши учун кўп нарса беряпман”, “Мен кўп йилларни шафоат ва ибодатда ўтказдим”, “Мен жамоат етакчиси хизматида кўп нарсага эришдим”. Келинг, тан олайлик, бу ёлғон далиллар чексиздир, аммо уларнинг барчаси “менга ҳаракат қилиш учун эркинлик берилган” деган ишончга асосланади. Бундай фикрлаш тарзи муқаддас кўрқув хазинасини рад этади.

Петрус Исонинг: “Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан кейин: “Бизлар арзимайдиган қуллармиз, чунки биз

қилишимиз керак бўлган ишни қилдик холос”, – денглар” – деб айтган сўзларининг жиддийлигини кучлироқ тушуна бошлади (Луқо 17:10, ЯРТ). Юнонча “арзимайдиган” сўзи “алоҳида мақтовга лойиқ эмас, алоҳида миннатдорчиликка арзимас” деган маънони билдиради. Биз Худого қанчалик зўр бериб хизмат қилсақда, ҳеч қачон ўзига ишониб кетиш ҳолатига тушиб қолмаслигимиз керак. Бу алдамчи ҳафсала бўлиб, бизни, айниқса етакчиларни осонгина ўз тузоғига туширади.

Петрус энди тажриба ва ваҳийга эга бўлиб, ўз мактубларида ёзади. У инсондан қўрқишдан қутилиш – эҳтиромли қўрқувда яшаш эканини билади. Бу яна бир бор чуқур ҳурмат ва эҳтиромдан дарак беради. У бизга беғараз ҳукм қилинган бўлишдан кўра, Худодан мукофот олиш ҳолатида бўлиш учун калитни беради.

Исонинг “тор эшик ва танг йўл” ҳақидаги таълимотини мана шу нуқтаи назарда қараб, биз кўпчилик унутиб қўядиган ҳайратланарли воқеликни очамиз.

“Тор дарвозадан киринглар! Ҳалокатга олиб борадиган йўл энли ва дарвоза кенгдир, кўплар ана шу йўлдан бормоқдалар. Аммо ҳаётга олиб борадиган йўл эса танг ва эшик тордир, оз одам бу йўлни топади” (Матто 7:13, 14).

Исо тор эшик ҳақида гапиради, кўпчиликнинг фикрига кўра бу Исонинг ҳукмронлиги орқали абадий ҳаётга киришни англатади. Мен бунга қўшиламан.

Аммо мен кўпчилик бу “йўл”ни имонсиз одамлар, ҳалокатга кетаётган йўл деб билишларини пайқадим. Аммо сиз диққат билан қарасангиз, аслида Исо тор эшикка қадар ётган ўша йўл ҳақида эмас, балки биз эшикдан ўтганимиздан сўнг, биз юрадиган йўл ҳақида гапираётганини кўрасиз. Леон Моррис шундай деб ёзади: “Биз бошида эшикдан ўтамиз (яъни, биз ўзимизни Исога эргашиш учун бағишлаймиз), сўнгра олдимизда турган йўл бўйлаб ҳаракат қиламиз”. Исо нажот топганимиздан сўнг Ундаги ҳаётимиз ҳақида гапирмоқда. У ҳаёт (танг йўл каби) қийин эканлигини таъкидлайди.

Бизнинг ғарб жамоатларимизда жуда машҳур бўлган иноят ҳақидаги таълимот бу йўлни кенгайтирди. Чунки бу таълимот “бизнинг барча гуноҳларимиз, ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимиз кечирилган” деб тасдиқлайди. Бу мувофиқ контекстда тўғридир, лекин бу ҳақида бизга, худди бутун умр давомида гуноҳкорлар дунёсидан унчалик фарқ қилмасдан ва шу билан бирга, Худо билан мулоқотда бўлиб, ҳамма нарсага рухсат бериш қондасига кўра яшашимиз мумкинлигини айтадилар. Бу нотўғри, чунки Петрус мактубининг

қолган қисмида қўйидагича ёзилган:

“Илгариги адабсизлигингизда бўлганингизда, сизда яшаган истак-хоҳишлар сизни бошқаришига йўл қўйманглар. Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, чунки ёзилган: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман” (1-Петрус 1:14-16).

“Муқаддас бўлинглар” сўзлари бизга тавсия сифатида эмас, балки буйруқ кўринишида ёзилган. Биз биринчисига қулоқ солганимизда доно бўламиз, аммо Худонинг буйруқларига енгил-елпи муносабатда бўлсак, аҳмоқ бўламиз. Сўнгра Петрус Исо Масихдаги бизнинг ўрнимиз ҳақида эмас, балки бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ҳақида гапиради. Биз бундай ҳаёт тарзига эришиш учун “фобос” (муқаддас кўрқув) ҳолатида яшашимиз керак. Худо бизга танг йўлнинг иккала томонидаги ариқлардан узоқроқ туришимизга ёрдам бериш учун иккита буюк кучларни берди. Биринчи чегара – қонунчилик, иккинчиси – *қонунбузарлик*.

Жамоатдаги кўпгина одамлар, бир неча йиллар аввал қонун бўйича яшашган. Ўша пайтларда муқаддаслик, ҳаёт тарзига нисбатан Муқаддас Ёзувга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, инсоний талаблар доирасига қаратилган бўлган. Улар ишлар орқали нажот топиш ҳақидаги ёлғон Хушxabарни воизлик қилишган. Бу кўпчиликни норозиликка олиб келган, ҳатто баъзиларни имондан кетишга мажбур қилган даҳшатли қуллик эди. Бизни ушбу даҳшатли қулликдан олиб чиққан асосий ваҳий – *Худонинг эзгу экани эди*. Самовий Отамизнинг севгиси биз учун ҳақиқатга айланди ва кўпчиликни қонунчиликнинг ушбу ариқларидан олиб чиқди.

Аммо биз одамлар одатда йўл қўядиган хатони қилдик: биз қонунчилик ариғидан чиқишга шунчалик қатъий қарор қилдикки, биз қарама-қарши томонга оғиб, қонунбузарлик ариғига тушиб қолдик. Бу ариқ тўзоққа айланиб, бизга дунёдан ҳеч нимада фарқ қилмасдан яшашга имкон берувчи Худонинг иноятисиз нажот топишимизга ишонишга мажбур қилди – энди биз ичимиздаги Масихнинг кучида манба топадиган, хочга михланган ҳаёт билан эмас, балки бизнинг ҳис-туйғуларимизда пайдо бўладиган истакларни қондириш орқали яшашимиз мумкин. Бу кўпчиликни тутиб турган ҳамда Худонинг ҳузури, дуо-баракаси ва кучини ҳис қилишга тўсқинлик қилаётган ёлғондир.

Муқаддаслик – бу қуллик эмас, балки Худодан ҳам, ҳаётдан ҳам завқланиш учун йўл очувчи ҳақиқий эркинликдир. Бизни Қутқарганга

муносиб тарзда ҳаёт кечирिशга даъват этилганмиз. Биз Раббийнинг қўрқувида юришимиз керак. Биз ушбу ҳақиқат ҳақида кейинги бир нечта бобларда батафсил фикр юритамиз.

══════ Буни шахсий қилиб олинг ══════

Инжил ояти. “У ерда катта йўл бўлади ва бу йўл “Муқаддас Йўл” деб аталади. Нопок одам ундан юрмайди, лекин у Худонинг халқи учун бўлади; ўзига ортиқ даражада ишонган бирорта ҳам аҳмоқ, бу йўлга адашиб кириб қолмайди” (Ишаъё 35:8, ЯРТ).

Маъноси. Худонинг севгиси бизни қонунчиликнинг ариғидан ҳимоя қилади. Аксинча, Раббийдан қўрқиш бизни қонунбузарликдан ҳимоя қилади. Муқаддас қўрқув менга ҳақиқий муқаддаслик йўлида қолишимга куч беради.

Фикр юритиш. Қандай қилиб, мен муқаддас қўрқувни эътиборсиз қолдираман ва ҳаётимдаги диёнатсиз хатти-ҳаракатларга тоқат қиламан? Қандай қилиб, Шоҳликдаги менинг хизматим Худо муқаддас бўлганидек, муқаддас бўлиш амрини эътиборсиз қолдиришимга имкон беради? Қандай устунлик ҳисси менинг адашишимга ва қонунбузарлик ариғига йиқилишимга олиб келди?

Ибодат. Қадрли Раббий, Сенинг Шоҳлигингда хизмат қилар эканман, ҳукм қилинмайман деб ўйлаганим учун мени кечиргин. Мен бунинг учун тавба қиламан ва Сен муқаддас бўлганингдек, Сенинг муқаддас бўлиш амринга қулоқ соламан. Мен ўз қарор қиламан ва Сенинг менга бўлган севгингни, шунингдек, Сенинг қаршингда муқаддас қўрқишни қабул қиламан. Сенинг Сўзинг, мен буларнинг иккаласини ҳам танлаб, ҳаётга олиб борувчи йўлда қолишимни ваъда беради. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худо муқаддас бўлганидек, муқаддас бўлишни танлайман!

Болалар, Худодан қўрқинг,
бошқача қилиб айтганда,
ёвузликдан ва яхши бўлган
нарсани амалга ошириш ҳамда
уни қабул қилиш учун жиддий
ғамхўрликдан қочиш учун
онгингизда муқаддас қўрқувга
эга бўлинг.

– УИЛЬЯМ ПЕНН

17 | ЁВУЗЛИКДАН УЗОҚЛАШИНГ

Раббийдан қўрқиш – бу Исодан узоқлашмаслигимиз учун бизни ҳимоя қиладиган, севимли Самовий Отамизнинг инъомидир. У абадий ҳаёт, севги, қувонч, тинчлик, эзгулик, умид ва кўпгина барча мўъжизаларнинг манбасидир. Ундан узоқлашиш – ўлим, зулмат томонга ва охир-оқибат, абадий қоронғуликка ҳаракат қилиш демакдир. Ёзилганки: “Шафқат ва ҳақиқат билан гуноҳ ювилади, Раббийдан қўрқиш эса ёвузликдан йироқлаштиради” (Ҳикматлар 16:6).

Қачон бу ҳақиқат мен учун ҳақиқатга айланганини сўзлаб беришимга руҳсат беринг. 1980-йилларнинг охирида машҳур телевизион хушхабарчининг порахўрлиги ҳақидаги ҳақиқат кенг жамоатчиликка маълум бўлди. У дунёдаги энг машҳур одамлардан бири бўлиб, аммо у ҳақидаги миш-мишлар ачинарли эди. Ўша пайтда унинг хизмати қамров бўйича ҳам, молия жиҳатдан ҳам дунёдаги энг йирик эди, аммо деярли барча оммавий ахборот воситалари ҳар куни унинг жиноятлари, судга тайёргарлик, ҳукм ва ниҳоят, унинг қамоққа олиниши ҳақида хабар берганида, унинг улкан шухрати янада ошиб кетди.

У қирқ беш йилга озодликдан маҳрум этилди, аммо шикоят аризадан сўнг унинг жазо муддати беш йилга қисқартирилди. 1994-йилда унинг қамоқда ўтирганининг тўртинчи йилида, менинг ёрдамчим кутилмаган қўнғироқ олди. Биз таниш эмас эдик, аммо кимдир менинг “Саҳродаги ғалаба (ҳозир “Худо, Сен қаердасан?” деб номланадиган) илк китобимни унга берган экан. У китобни қамоқда ўқиб, чуқур таассурот олган. У ёрдамчисидан мен билан боғланиб, уни кўришга бора оламанми ёки йўқми билишни илтимос қилган.

Учрашувимизни ҳеч қачон унутмайман. У қамоқхона кийимида учрашув хонасига кирди. Менга яқинлашиб, қўлини узатди ва бир дақиқача мени қўйиб юбормай қаттиқ қучоқлади. Сўнгра у елкаларимдан тутиб, кўзларида ёш билан менга қаради ва самимийлик билан: “Буни сиз ёзганмисиз ёки ёзувчи – арвоҳми?” – деб сўради.

Мен жавоб бердим:

– Мен ёзганман. Мен азоб-уқубатларни бошимдан кечиримга тўғри келган, аммо сизчалик эмас.

Сўнгра у деди:

– Биз кўп нарса ҳақида гаплашиб олишимиз керак, лекин бизда бир ярим соат бор.

Мен уни умримда биринчи марта учратганим учун ҳали ҳам бироз ҳаяжонда эдим. Бу одамга шунчалар тўхмат қилишиб, шарманда қилишганидан, мен ким билан гаплашаётганимни аниқ билмасдим. Лекин биз ўтирганимизда, у мени биринчи гапи билан довдиратиб қўйди. У кўзларимга тик қараб, деди: “Жон, бу қамоқхона мен учун Худонинг жазоси эмас, балки Унинг раҳм-шафқати бўлиб чиқди. Агар мен аввал яшаганимдек яшашни давом эттирганимда, мен абадул-абад дўзахга тушган бўлардим”.

У ўша лаҳзада менинг эътиборимни бутунлай ўзига торган эди. У ўзининг нақадар қабиҳ бўлгани ва унинг ҳаётида Худонинг нажоти қанчалик буюк бўлгани ҳақида гапиришда давом этди. Мен самимий, синган ва тавба қилган Худонинг одами билан гаплашаётганимни тушунишим учун менга бироз вақт керак бўлди. У менга қамоқдаги биринчи йилида Худо уни қандай қилиб зулматдан озод қилганини сўзлаб берди.

У ҳар куни ёлғиз ёки гуруҳда Муқаддас Китоб ўқиб, ибодатда бўлиб, бир неча соатдан вақт ўтказганини билиб олдим. У менга қамоқхона жамоати ҳақида ва маҳбуслардан бири бўлган чўпон ҳақида иштиёқ билан гапириб берди. У чўпонлик лавозимига кўпроқ мос келишини ҳис қилиб, нима учун у жамоатни бошқармаётганини сўрадим. У унинг тўлиқ ўзгариши содир бўлмагунча, ўзига етакчиликни олишни истамаслигини тушунтирди. У: “Мен моҳир манипулятор эдим ва бу яна юзага чиқишини хоҳламайман” – деди.

Бир йил ўтгач, у қамоқдан чиққандан сўнг, Лос-Анжелос марказидаги элчилик хизмати ташкилотига қўшилганида, ўз сўзларини тасдиқлади. У икки йилни кўчаларда ўтказди ва уйсизларга ғамхўрлик қилди. Бу унга ёқар эди, чунки кўчаларда яшаган одамлар унинг кимлигини билмайдиганлар қаторида эдилар.

У ўз ҳикоясини давом эттираётганига йигирма дақиқа бўлди ва мен ниҳоят, унга бир нечта савол бериш ўринли эканини ҳис қилдим. Мени ҳаммадан ҳам кўпроқ қийнаган асосий саволдан бошладим: “Қачон сиз Исони севишдан тўхтадингиз?”

Мен унга бу саволни бердим, чунки у хизматда бўлган вақтда, унинг Исога севги таратаётгани кўриниб турарди. Унинг олови ва иштиёқи барча уни тинглаганлар учун маълум эди. Мен унда севги қачон совуганини ва бунга нима сабаб бўлганини билишни хоҳладим.

У менга қараб, жуда самимий деди: “Мен ҳеч қачон Исони севишдан тўхтамаганман!”

Мен унинг жавобидан ҳайратга тушдим ва бироз жаҳлим чиқди. Мен: “Бундай дейишга у қандай журъат этди?” – деб ўйладим ва дарҳол жавобан бидирладим: “Нима деяпсиз? Сиз почта фирибгарлиги учун жавобгарликка тортилингиздан етти йил аввал, зино қилгансиз ва бу охир-оқибат сизни мана шу қамоқхонага олиб келди. Менга етти йил давомида Исони севганингизни қандай айта оляпсиз?”

У кўзларимдан нигоҳини ўзмай, хотиржам жавоб берди: “Жон, мен ҳамма вақт Исони севганман”.

Мен саросимамни яшира олмадим. У жим бўлиб қолди, кейин: “Жон, мен Худодан қўрқмаганман” – деб қўшиб қўйди. У яна тўхтаб, кейин янада батафсил тушунтириб берди: “Мен Исони севардим, лекин Худодан қўрқмаганман”.

Мен ҳайратга тушдим ва очиғини айтганда, ҳозиргина айтилган гапдан ларзага келдим. Сўнгра камида ўн беш сония сукунат ҳукм сурди, менинг миям бу бутун вақт давомида маълумотни қайта ишлади. Кейин у ҳалигача менинг ичимда жаранглаб турадиган сўзларни айтди: “Жон, менга ўхшаган миллионлаб америкаликлар Исони севадилар, аммо Худодан қўрқмайдилар”.

Худди Худо унинг оғзи билан гапиргандек бир ҳис бор эди. Унинг иқрорлиги орқали, шу заҳоти кўплаб саволларга жавоб топилди. Мен қаттиқ таъсирландим, ўша онда мен энг катта тушунчага эга бўлдим – унинг сўзларга бурканган ҳикояси, бизнинг мамлакатимизда, шу қадар кўп одамларнинг имондан кетишининг асосий сабаби эди. Афсуски, ўша йилларда мавжуд бўлган имондан қайтиш, бугунги кунда фақат зўрайиб бормоқда.

Муқаддас Ёзув яққол кўрсатади: Худони яқиндан таниб-билишнинг бошланиш нуқтаси – Раббийдан қўрқишдир. Биз бусиз шухрат Раббийси бўлмаган сохта Исо билан қалбаки муносабатларни ривожлантирамиз. Биз эришиб бўлмайдиган нажоткорга ишонамиз. Кейинроқ, бу китобда биз ушбу ҳақиқатни янада чуқурроқ ўрганамиз. Лекин аввал буни исбот-

лаш учун иккита қисқа мисолни келтиришимга ижозат беринг.

Ҳозир мана шу китобни ёзаётганимда, айнан шу ҳафта мен болалигидан биладиган бир қиз ҳақида, юракни эзадиган хабарни айтиб беришди. У масихий оилада улғайган ва Исога эргашганини тан олган, аммо ахлоқсиз ҳаёт тарзи кечириб, тенгдошлари орасида “енгил табиатли қиз” номига эга бўлган. У яқинда ўзининг ижтимоий тармоқ саҳифасида аборт қилиш жараёни давомида, Исо унинг қўлидан ушлаб тургани ҳақида ёзиб қўйган. У қанақа Исо ҳақида гапиряпти?

Диёнатли эркакка турмушга чиққан бошқа бир қиз, агар у эри билан ажрашишга қарор қилса, Исо у учун ғамхўрлик қилишини унга ваъда берганини юзимга айтди. У ажрашиб, эри, фарзандлари, оиласи ва дўстлари билан бирга руҳий тушкунликни бошдан кечирди. Унинг ажрашишининг сабаби жанжал эмас эди, у шунчаки эрини ортиқ севмай қўйган эди. Эри томонидан ҳеч қандай ҳақоратлаш, ахлоқсиз ҳаракатлар, молиявий муаммолар бўлмаган – буларнинг ҳаммасини қизнинг ўзи тан олди. Бундан ташқари, у менга эрининг меҳрибон ва ғамхўр эр, ота бўлганини айтди. Бу аёл ҳам, қанақа Исо ҳақида гапиряпти? Бу мен келтиришим мумкин бўлган бошқа кўп мисолларнинг фақат иккитасигина холос, улар Исо билан муносабатларини эътироф этадилар-у, лекин бунинг аксини кўрсатадиган ҳаёт кечирадилар. Бу иккаласи каби бошқа кўплаб одамлар ҳам, қанчалик алданиб қолишган? Мен гап муқаддас қўрқувнинг йўқлигида деб биламан.

“Шундай қилиб, менинг севганларим, сизлар доимо итоаткор бўлганингиздек, энди нафақат мен сизларнинг ёнингизда бўлганимда, балки менинг йўқлигимда ҳам янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” (Филиппиликларга 2:12).

Павлус биз *севги ва меҳрибончилик* билан ўз нажотимизда ўсишимиз керак деб ёзмаяпти. Бу иккала аёллар меҳрибон ва севувчи бўлганига кўпчилик қўшилган бўларди. Кўпчилик уларнинг кўп йиллар давомида мунтазам тарзда жамоатга қатнаганларини ва Исога бўлган ўзларининг садоқатини эълон қилганларини тасдиқлаган бўлишарди. Аммо улар қандай қилиб бундай ноқунуний хатти-ҳаракатларга боши билан шўнғиб кетдилар? Уларга ўша машҳур хушxabарчига етишмаган нарса: Худога бўлган севги эмас, айнан Раббийдан қўрқиш камлик қилди. Худони севиш эмас, айнан Раббийдан қўрқиш бизни Унга жалб қилади. Раббийдан қўрқиш бизни йўқ қилишга ҳаракат қиладиган ёвузликдан, бизни тўхтатиб туради.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Раббийдан қўрқиш – ёвузликдан нафратланишдир. Мен мағрурлик, манманлик, ёвуз йўл ва айёр оғиздан нафратланаман” (Ҳикматлар 8:13).

Маъноси. Раббийдан қўрқиш – бу биз Ундан узоқлашмаслигимиз учун бизни ҳимоя қиладиган, сеvimли Самовий Отамизнинг инъомидир. Бизда гуноҳга нисбатан нафрат эмас, тоқат қилиш пайдо бўлган пайт, биз Худодан узоқлаша бошлаган пайтимиздир.

Фикр юритиш. Имондан қайтиш, бирор киши никоҳда бўлмаган бошқа бир киши билан тўшақда ётган лаҳзада содир бўлмайди. Бу одам ўз иш берувчисидан яширинча пул ўғирлаган пайтда бошланмайди. Бу Исо бизни Ўз ҳаёти эвазига озод қилган нарсага тоқат қила бошлашимиздан анча олдинроқ бошланади. Мен Исо Ўз ҳаёти эвазига озод қилган қандай нарсага тоқат қилипман?

Ибодат. Қадрли Раббий, нафақат ўзимнинг ҳаётимдаги, балки мен мулоқот қилаётган имонлиларнинг ҳаётидаги гуноҳга нисбатан ҳам тоқат қилганим учун мени кечиринингни Сендан сўрайман. Улар нотўғри йўлдан юришни давом этмасликлари учун уларга юмшоқлик билан ва юрагимда севги билан қарши тура олмаётганим учун мени кечиргин. Мен бу тоқат учун тавба қиламан. Мен Сенинг кечириминг учун миннатдорлик билдираман. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен одамларни севаман, чунки Худо одамларни севади. Мен гуноҳдан нафратланаман, зеро гуноҳ мен севган одамларни мажруҳ қилади.

Менинг қадамларим Сенинг
йўлларингдан юрсин, менинг
оёқларим чекинмасин.

– САНО 16:5, ЯРТ

18 | УЗОҚ УМР КЎРИШ

1994-йилдаги ушбу икки муҳим воқеа – менинг Худодан қўрқиш ҳақидаги хабаримга тузатиш киритилган жамоатдаги анжумандан ва қамоқдаги телевизион хушxabарчини йўқлаганимдан сўнг, мени муқаддас қўрқувни тушуниб етиш ва унда ўсиш иштиёқи қамраб олди. Иккала ҳолатда ҳам ўхшаш хабар бўлиб, лекин иккита ҳар хил нуқтаи назардан келиб чиққан эди.

Ўз ҳудудида энг катта ва энг эътиборли бўлган ўша жамоат бугун ортиқ йўқ. Янги Аҳд имонлиларини Худодан қўрқиш керак эмас деб ўргатган чўпон энди хизмат қилмаяпти. Мен қамоқда ўз жазо муддатини ўтаётган пайтида учрашган хизматчи ўзининг улкан хизматини йўқотди, аммо Худодан қўрқиш ҳақида билиб, уни ҳаётига қабул қилганида, Худога ва одамларга хизмат қилишга содиқ қолди. Ҳозир у кўплаб одамларга таъсир кўрсатадиган бошқа масиҳий ташкилотга раҳбарлик қилади.

Ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмаган бу иккита воқеа шуни кўрсатадики, Раббийдан қўрқиш – бу Масиҳнинг таъсирли элчилари сифатида бизнинг хизмат муддатимизни қисқартириши мумкин бўлган ёвузлик тузоғига тушиб қолмаслик учун муҳим омилдир. Бунинг бир сўз билан ифодалаш мумкин: узоқ умр. Яқинда бир ҳурматли чўпон Муқаддас Китоб университетининг профессори билан бўлган суҳбати ҳақида гапириб берди, у кенг қамровли тадқиқот доирасида Худо томонидан хизматга чақирилган ва тайинланган Муқаддас Ёзув қаҳрамонларини ўрганаётган эди. У танланган элчиларнинг 75 фоизининг самарадорлиги пасайганини ва уларнинг кўпчилиги ёмон

яқунланганини аниқлаган. Замонамизда хизматлардаги фожиаларни ўша хизматчининг тадқиқоти билан биргаликда ҳисобга олиб қаралганда, *узоқ умр* барчамиз жиддийроқ муносабатда бўлишимиз керак бўлган чорловни ифодалайди.

1990-йилларнинг охирида *узоқ умрга* боғлиқ тарзда муқаддас қўрқувнинг аҳамияти бошқа жиддий ҳолатлар ва у билан боғлиқ ваҳий билан тасдиқланган эди. Мен Куала-Лумпурда (Малайзияда) хизмат қилган эдим. Бу бутун мамлакатдан келган кўплаб одамлар йиғилган ўнинчи ва охириги хизмат эди. Кўпчилик одамлар воизликдан сўнг хизматга бағишланиш чорловига хайрихоҳлик билдирдилар. Одамлар кенг саҳна қаршисида тўрт-беш қатор бўлиб туриб, улар учун ибодат қилишларини кутишарди.

Мен зинапоядан туша бошладим, кутилмаганда Худонинг ҳузури тингловчилар орасида сезиларли ва муҳим тарзда намоён бўлди. Бу Худонинг севгиси ва қувончи билан сезилди. Менинг қаршимда турган одамлар жилмайиб, кейин кулишни бошладилар ва бу қувонч ибодат учун чиққан барча одамлар орасида тезлик билан тарқалди. Абба Ота ўз фарзандларини янгилашга қарор қилгандек туюларди. Мен бирор нима қилишим керак эмаслигини тушунишим учун бироз вақт керак бўлди, шунинг учун мен шунчаки саҳна четида ўтириб, Худо Ўз фарзандларини қандай мустаҳкамлаб, дуо қилаётганини кузатишдан завқ олардим.

Беш-етти дақиқадан сўнг, Унинг ажойиб ҳузури тарқалди ва муҳитда сукут ҳукм сурди. Барчамиз жим бўлиб, залдаги ажиб оромдан завқ олдик. Бироқ бир неча сониядан сўнг Худонинг ҳузури бошқача, Бразилияда менинг ёдимда қолганига ўхшаш бўлиб намоён бўлди. Ўзгаришларни кутган ҳолда ўрнимдан турдим. Ҳузур тобора кучайиб борарди. Лекин бу сафар шамол эсади, балки Яратганнинг ҳокимияти ва улғуворлиги ниҳоятда ҳақиқий эди. Бир неча дақиқа олдин кулаётган одамлар, тўсатдан бир вақтнинг ўзида йиғлаб, ҳўнграб юборишди, айримлар ҳатто жазавага тушишди, боз устига ҳеч ким уларга бундай қилишни айтмаган эди.

Худонинг ҳузури кучайиб борди, йиғи овози баландроқ бўлди. Бу босиқ осиеликлар оловга чўмаётганга ўхшарди. Ўша пайти Худо ҳузурининг намоён бўлганини таърифлашнинг имкони йўқ ва мақсад бу сирли лаҳзани етказиш эмас, энг муҳими – бу унинг эҳтиромли эканини етказишдир. У шу даражада кучайиб кетдики, мен: биз ортиқ қабул қила олмаймиз деб ўйладим.

Мен ўша учрашувда бизнинг жон ва руҳимиз орасидаги фарқни жуда яхши англаб етдим. Худонинг Сўзи “жон ва руҳ орасини

бўлишгача” суқилиб киради деб ёзилган (Ибронийларга 4:12). Менинг ақлим (жоним): “Мен ортиқ чидай олмайман! Худо, бу ниҳоятда кўп!” – деб ўйлади. Шу аснода юрагим: “Худо, Сендан сўрайман, кетмагин, тўхтама!” – дея қичқирарди.

Менда яна фикр пайдо бўлди: “Жон Бивер, биргина нотўғри ҳаракат, биргина нотўғри сўз ва сен ўласан”. Бразилиядагидек содир бўлди деб аниқ айта олмайман, лекин ўша муҳитда ҳурматсизликка ўрин йўқ бўлганини биламан.

Унинг ажойиб ҳузурининг бутун намоён бўлиши уч ёки тўрт дақиқа давом этди, кейин кетди. Одамлар, гарчи уларга ҳеч ким буюрмаган бўлсада, сеҳрли таёқча билан ишора қилгандек яна жим бўлиб қолишди. Мен бу илоҳий ташриф ортидан қолдирган тинчлик ва осойишталикдан завқланиб, бир неча дақиқа жим турдим.

Биз бинодан чиққанимизда, ҳолат тантанали, осойишта ва ҳаяжонли эди. Мен ҳиндистонлик оилавий жуптлик билан суҳбатлашиш учун тўхтадим. Худонинг ҳузури уларнинг иккаласига ҳам жуда кучли таъсир қилган эди. Биз шунчаки ҳайратда бир-биримизга қарадик ва бир неча сония жим бўлиб, аёл оҳиста деди: “Жон, мен ўзимни, ичимдан шунчалар пок ҳис қиляпман”. Унинг эри розилик тариқасида бош ирғади.

Аёл бу сўзларни айтганда, юрагим шодланди. Ниҳоят, кимдир Бразилиядаги ва ҳозир Малайзиядаги учрашувдан сўнг мен ҳис қилган нарсани сўз билан аниқ ифодалади. Мен ҳис-туйғуларимни зўрға ушлаб туриб: “Мен ҳам” – дея жавоб бердим. Биз бошқа ҳеч нарса ҳақида гаплашмадик, аммо унинг сўзлари бутун қолган оқшом давомида ичимда жаранглашда давом этди.

Эртаси куни эрталаб, ёш йигитлар – жамоат ва Инжил мактаби хизматчилари билан баскетбол ўйинига тайёрланиб, меҳмонхонадаги хонамда ўтирган эдим. Кутилмаганда, Муқаддас Рух менинг юрагимга: “Ўғлим, 18-санони ўқи” – деб айтганини эшитдим.

Мен Муқаддас Китобни олиб, Саноларни очдим ва ўқий бошладим. Ўнинчи оятга етиб ўқидим: “Раббийдан қўрқув *софдир* – мангу туради” (Сано 18:10).

Тўғридан-тўғри хонамда бақира бошладим: “Худди шундай! Худди шундай!” Мен жуда қойил қолдим. Бу мен ўтган куни ўша аёлдан эшитган нарса эди. Биз ўз жонларимизда таърифлаб бўлмас покликни, чуқур тозаликни ҳис қилдик. Сўнг ушбу икки “мангу туради” сўзлари саҳифалардан менга қараб сакради. Муқаддас Рух дарҳол юрагимга гапирди:

“Ўғлим, Люцифер тўғридан-тўғри Менинг тахтим қаршисида улўғловни олиб борарди, бутун фаришталар қўшинини олиб бошқарарди, чунки у шунга тайинланган ва мойланган эди. У Менга шу қадар яқин эдики, Менинг шуҳратимни мушоҳада қилар, аммо Мендан қўрқмас эди, шу сабабли, у Менинг тахтим қаршисида абадул-абад қолмади” (Эзекил 27:13-17 га қаранг).

Менинг шуҳратимни мушоҳада қилган фаришталарнинг учдан бир қисми Люциферга қўшилди. Улар Мендан қўрқмадилар, улар Менинг ҳузуримда абадий қолмадилар” (Ваҳий 12:4, 7 га қаранг).

“Одам Ато ва Момо Ҳаво куннинг салқинида Менинг шуҳратим ҳузуримда юрар эдилар. Улар Мендан қўрқмадилар, улар Адан боғида абадий қолмадилар”.

“Ўғлим, Менинг тахтимни бутун абадиятда ўраб турадиган ҳар бир ижод Раббийдан қўрқининг муқаддас синовидан ўтади” (Ибтидо 3:8 га қаранг).

Бу ҳақиқат менинг кўзларимни очди. Мен хизматдаги самарадорлиги паст бўлган ва ўз йўлини ёмон яқунлаган барча чўпонлар тўғрисида ўйлашни бошладим.

Уларнинг кўпчилиги катта иштиёқ билан бошлашган, Исони қайноқ севишган, Худонинг халқига хизмат қилиш учун бўйсуниб, ўзларини қурбон қилишган эди, аммо улар тўйиб кетиб, беадаб бўлиб қолдилар ва уларнинг кўпчилиги хизматни ташладилар. Улар бардош бера олишмади.

Бошқалар аввалгидек хизматда бўлдилар, аммо бундан текин даромад ва бошқа ғаразли мақсадлар воситаси сифатида фойдаланишди. Баъзилар беайб аёлларни овлаш учун ўзларининг юқори мансабларидан фойдаланган ҳолда жинсий қотилларга айланишди. Бошқалар маслаҳатчилар бўлиб, хизматчилар ўз издошларини манипуляция қилиш ва уларни кўпроқ қурбонлик қилишга мажбурлаш учун, хизматчиларга ёлғон хатларни ёзиб бериш эвазига мисли кўрилмаган пул маблағларини ундиришди. Учинчи одамлар эса, Худодан келган пайғамбарчилик сўзлари ҳақида ёлғон гапириб, ўзлари гўёки хизмат қилган одамлардан маълумотларни шифрлаш йўлларини ўйлаб топдилар, сўнгра бу маълумотни Худо томонидан уларга намоён қилинган сўз сифатида эълон қилдилар. Уларнинг порахўр ишларининг рўйхати деярли чексиздир.

Покликда бошлайдиган одамлар, қай тарзда ёмон яқунлайдилар? Нима учун натижа узоққа бормайди? Гап муқаддас қўрқувнинг йўқлигидадир. Исо қувонч топган нарсани, одамлар ўз-ўзидан маълум

нарсa сифатида қабул қиладилар ёки Қўшма Штатларнинг жануби-шарқий қисмидаги чўпон билан бўлган ҳолат каби, уни бутунлай рад этадилар. Улар ўзларини ва бошқаларни Худо “Унинг хазинаси” деб атаган нарсани қабул қилишдан қайтарадилар. Аммо Худонинг Сўзи муқаддас қўрқув ва узоқ умр ҳақида нима деяётганига қулоқ тутинг:

“Раббийдан қўрқадиган киши бахтлидир... унинг ҳақлиги абадий туради... унинг хотираси мангу яшайди” (Сано 111:1, 3, 6).

Муқаддас қўрқув қандай муҳим аҳамиятга эга эканини билишимиз учун биз фожеани бошдан кечиришимиз шарт эмас. Худонинг шуҳрати ва сизнинг узоқ умрингиз ҳақи сиздан сўрайман, муқаддас қўрқувни ўз хазинангиз қилиб олинг.

===== Буни шахсий қилиб олинг =====

Инжил ояти. “Раббийнинг шафқати эса асрдан асргача Ундан қўрқувчиларгадир” (Сано 102:17).

Маъноси. Абадийликда Худонинг тахти олдида турадиган ҳар бир ижод Ундан қўрқади.

Фикр юритиш. Ширин ҳаётнинг жиҳатларидан бири – бу йўлни муносиб якунлашдир. Раббийдан қўрқиш абадий қолади. Мен қандай қилиб, муқаддас қўрқувни ҳаётимнинг асоси қилишим мумкин? Мен гапираётган ва қилаётган барча нарсада муқаддас қўрқувни сузгич сифатида амалиётда сақлаб қолишимга қандай усуллар ёрдам беради?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сенинг Сўзинг мени қулашлардан сақлаб қолишга ва мени буюк қувонч билан бирорта нуқсонларсиз Ўзингнинг шарафли ҳузурингга олиб келишга қодир эканингни айтади. Менинг Раббим Исо Масихнинг қайта сотиб олиш иши тўфайли, шунингдек, муқаддас қўрқувнинг мавжудлиги тўфайли, ушбу абадий муносабатлар менга кафолатланганини биламан. Сендан сўрайман, мен Сенинг ҳузурингда абадий яшай олишим учун муқаддас қўрқув доимо менда яшасин. Мен Исо номи билан бу ҳақида сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен Раббийнинг уйида, Унинг ҳузуринда абадий муқаддас қўрқувда яшайман.

Агар сизнинг Отангиз муқаддас,
муқаддас, муқаддас эканидан
хурсанд бўлмасангиз, унда
сиз руҳий ўликдирсиз. Сиз
жамоатда бўлишингиз, масиҳий
мактабга боришингиз мумкин.
Лекин қалбингизда Худонинг
муқаддаслиги бўлмаса, сиз
Худони билмайсиз, Худони
севмайсиз, У билан алоқани
йўқотгансиз. Сиз Унинг учун
ухлаб ётган одамга айландингиз.

– Р. Ч. СПРАУЛ

19 | ЎЗИМИЗНИ ТОЗАЛАЙМИЗ

“Раббийдан қўрқув софдир – мангу туради” (Сано 18:10). Саночи муқаддас қўрқувнинг, эътиборсиз қолдириб ёки юзаки қабул қилиб бўлмайдиган иккита ажойиб ҳосилини таклиф этади: поклик ва узоқ умр. Келинг, биринчисини ўрганиб чиқсак, кейинги бобда эса иккинчисига мурожаат қиламиз. Павлус шундай деб ёзади:

“Севганларим, бизга мана шундай ваъдалар берилган – ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан *тозалаб*, Худонинг қаршисида эҳтиромда ҳаётнинг муқаддаслигига эришайлик” (2-Коринфликларга 7:1, BNI).

Биз бу ерда саночи айтган худди ўша ҳақиқатни, фақат янада чуқурроқ кўрамиз. Авваломбор, муқаддаслик Худонинг севгиси орқали эмас, балки Раббийнинг қаршисида қўрқиш орқали мукамалликка эришишини таъкидламоқчиман. Бетавфиқ ҳаёт тарзи кечирган, аммо Исони севишдан тўхтамаган машҳур хушxabарчини эсланг. У муқаддас қўрқувни қабул қилгани заҳоти, тозаланди ва аввалги ифлослигидан халос бўлди. Бу ўз навбатида уни Исо билан ҳар қачонгидан ҳам гўзал бўлган самимий муносабатларга олиб келди. У ўз тажрибасидан билиб олган нарсани биз Муқаддас Ёзувда кўрамиз.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, муқаддаслик бизнинг давримиздаги энг мушҳур мавзу эмас. Кўпчилик учун у ёқимсиз ҳисга эга, чунки завқ келтирмайди ва ўша одамларнинг ҳаётини қийинлаштиради. Уни қонунчилик қуллиги ёки олижаноб, аммо эришиб бўлмайдиган фазилат сифатида қабул қиладилар. К. С. Льюис ушбу билимсизлик ҳақида қуйидаги сўзларни ёзган: “Муқаддасликни

зерикарли деб биладиган одамлар, қанчалар кам биладилар. Ҳақиқий нарсани учратганингизда... унинг қаршисида туриш имконсиздир!” Шундай қилиб, енгилмас нарсага шўнғишга тайёрланинг.

Мен юқорида айтиб ўтганимдек, муқаддасликнинг асосий таърифи – “Худо учун ажратилиш” бўлиб, у албатта, покликни ҳам ўз ичига олади. Келинни тасаввур қилинг. У ўзини эри учун ажратади, бу шунингдек, бошқа ошиқларни излаш истаги ва майлидан воз кечишни англатади. Бунда поклик муқаддасликнинг бир томони сифатида намоён бўлмоқда. Павлус бизни ўзимизни поклашга чорламоқда. У: “Исонинг Қони бизни тозалайди” – деб айтмаяпти. Аммо сизга тушунтиришимга ижозат беринг: Исонинг қони дарҳақиқат бизни ҳар қандай гуноҳдан тозалайди, аммо *оқланиш* ишини *муқаддасланиш* иши билан аралаштириб юборганимизда, биз чалкашиб кетамиз.

Биз тавба қилиб, Исо Масихни ўз Раббимиз деб қабул қилганимизда, бизнинг гуноҳларимиз кечирилиб, биз бутунлай ювилган эдик. Худо бизнинг гуноҳларимизни, унутиш денгизига кўмди. У уларни эсга олмайди! Бу иш бутунлай тугалланган ва уни яхшилаш мумкин эмас. Биз ушбу ажойиб ҳақиқатга лойиқ бўлишимиз учун ҳеч нарса қилмадик, бу Худонинг совғасидир. Бу *оқланиш* ишидир.

Аммо биз оқланишни қабул қилган лаҳзадаёқ, *муқаддасланиш* (муқаддаслик) иши бошланган. Бу бизнинг ичимизда содир бўлган нарса амалга ошганда бўлади. Бизнинг янги табиатимиз бизнинг ҳаёт тарзимиздаги ташқи ҳақиқатга айланади. Павлус қуйидагини ёзаётганда, мана нимани назарда тутлади:

“Қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни *амалга оширинглар*. Чунки Худо Ўзининг илтифоти бўйича сизларнинг ичингизда *хоҳишни* ҳам, *ҳаракатни* ҳам туғдиради” (Филиппиликларга 2:12, 13).

Шубҳасиз, бу барибир Худо иноятининг ишидир, лекин Худо бизга *хоҳлашимиз* ва *ҳаракат қилишимиз* учун бераётган куч билан ҳамкорликда бўлишимиз керак. Қўрқув ва титроқ Бразилиядаги одамларга Худонинг ҳузурига киришга ва Уни қабул қилишга имкон бергани сингари, худди шундай муқаддас қўрқув ва титроқ биз итоат қилишимиз учун Унинг иноятига эга бўлишимизга бизни алангалатади ва мойил қилади.

Ғарб жамоатларидаги кўпгина ўқитувчилар йўл қўядиган кенг тарқалган хато шундан иборатки, улар худди муқаддаслик иши оқланиш иши билан бир хил тарзда амалга ошади деб таъкидлашади. Бошқача сўз билан айтганда, биз ҳеч нарса қилишимиз керак эмас: Исо ҳаммасини қилди. Улар буни ҳатто биз

турли ҳирсу-эҳтиросларимиз билан бошқариладиган дунёдан, ҳеч қандай фарқ қилмасдан яшашни давом эттиришимиздан қатъий назар, биз муқаддасмиз, чунки Исо – бизнинг муқаддаслигимиз дейиш билан асослайдилар. Масала Муқаддас Ёзувда ҳақиқатан ҳам шундай жойлар мавжудлиги сабабли қийинлашиб, бу парчалар Янги Аҳдда уларнинг даъволари фойдасига гапираётгандек туюлади. Аммо уларнинг хатоси бизнинг муқаддасликдаги ҳолатимизни *хулқ-атвор* муқаддаслиги билан аралаштириш натижасида юзага келади. Тушунтиришимга ижозат беринг.

Муқаддасликдаги ҳолатимиз фақат Исо биз учун амалга оширган ишга асосланади. Бу бизнинг Масихдаги ўрнимиз ҳақида гапириб, бизнинг оқланишимиз бўйича Масихнинг баракали ишларидан бири ҳисобланади: “Ўзининг ҳузурда *муқаддас* ва бенуқсон *бўлишимиз* учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масихда севги билан танлади” (Эфесликларга 1:4). Биз ҳеч қачон бу ҳолатга хизматларимиз билан сазовор бўла олмас эдик. Павлус яна ёзади: “Аmmo сизлар Худо туфайли Исо Масихдасизлар. Масих эса биз учун Худодан донолигимиз, ҳақлигимиз, муқаддаслигимиз бўлиб, бизни Худого қайтариш учун тўловимиз бўлди” (1-Коринфликларга 1:30).

Лиза Тоскано ва мен 1982-йилнинг 2-октябрида турмуш қурдик, кейин у Лиза Бивер бўлди. У ўша куннинг ўзида менинг рафиқам мавқеини қабул қилди. Бугун у мен унга уйланган ўша кундагига нисбатан, янада кўпроқ менинг рафиқам бўлиб қолмади ва шунингдек, у қирқ йилдан сўнг, янада кўпроқ менинг рафиқам бўлиб қолмайди. У мавқеи бўйича никоҳ кунимизда тўлиқ менинг рафиқамга айланган. Худди шу йўсинда, биз Масихда нажот топган кунимиз муқаддас ва пок бўлдик, биз ҳеч қачон ҳозиргидан кўра кўпроқ муқаддас бўлиб қолмаймиз.

Бироқ Лиза менинг рафиқам бўлиши биланок, унинг хатти-ҳаракати унинг мавқеига мувофиқ равишда ўзгарди. Менинг рафиқам бўлгунга қадар у бошқа йигитлар билан учрашувга чиққан, уларга ўз телефон рақамини берган, шахсан ўзининг ҳузур-ҳаловати учун яшаган ва турмушга чиқмаган қизлар қиладиган бошқа нарсаларни қилган, лекин кейин у буни қилишни тўхтатди. Унинг хатти-ҳаракатлари у билан тузган аҳдимизга мувофиқ ўзгарди. Биз қанча узоқ вақт эр-хотин бўлсак, бу хатти-ҳаракат янада кўпроқ етук ва бизнинг мажбуриятларимизга мувофиқ бўлиб борди. Ҳаворий Павлус нима деб ёзаётганига қулоқ тутинг:

“[Худого] итоатли болалар каби [яшанглар]; илгариги адабсизлигингизда [Хушхабарнинг талабларини билмаган пайтингизда] бўл-

ган [сизларни бошқарган] ҳирсларга тақлид қилманглар. Лекин сизларни даъват Этган муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда ва ҳаёт тарзингизда муқаддас бўлинглар. Чунки ёзилган: “Сизлар муқаддас бўлишингиз керак, зеро Мен муқаддасман” (1-Петрус 1:14-16, кенгайтирилган таржима).

Эътибор беринг, Петрус бизнинг муқаддасликдаги ҳолатимизни назарда тутмаяпти, балки бизнинг *хатти-ҳаракатларимиздаги* муқаддаслик ҳақида гапирмоқда, бу Павлус биз ўзимизни ҳар қандай ифлосликлардан тозалашимиз ҳақида ёзмоқда, бу бизни даъват этаётган нарсанинг айнан ўзидир. Бу оқланиш мавқеининг бепул совғаси эмас, балки муқаддасланиш жараёнидир.

Янги Аҳдда бизнинг хатти-ҳаракатларимиздаги муқаддаслик мавзусига доир бошқа парчалар мавжудми? Жавоб ижобий. Бу ерда тўлиқ рўйхатни келтириш учун улар ниҳоятда кўпдир, лекин қуйидагини иқтибос келтиришимга ижозат беринг:

“Худо сизларнинг муқаддас бўлишингизни, бузуқликдан ўзингизни тийишингизни истайди, ҳар бирингиз Худони билмайдиган мажусийлар қилаётгани каби шаҳвоний ҳирсларнинг измида юрмасдан, балки муқаддаслик ва қадр-қиммат билан ўз танаси устидан ҳукмронлик қилишни билинг” (1-Фессалоникаликларга 4:3-5, ЯРТ).

Яқинда якшанба кундаги тонги хизматдан сўнг бир киши менга: “Мен масиҳийман, уйланмаганман. Мен аёллар билан ётаман, чунки ўзимни тийиб яшолмайман. Мен бир неча ой ўзимни тияман, лекин эски ҳаётга яна қайтиб, аёллар билан ётаман. Лекин бу мен сизга айтмоқчи бўлган муҳим гап эмас. Менинг асосий саволим қуйидагича: нима учун бизнесда муаммоларим бунча кўп?”

Мен ҳайратда эдим. Наҳотки, бизнинг мувозанатдан маҳрум июнят ҳақидаги хабаримиз, одамлар даҳшатли гуноҳда яшаётганларида, гўёки улар Худонинг ҳузурида ва дуо-баракаларида бўлишларига ишонишга олиб келган бўлса? Масиҳий аёллар анжуманидаги савол-жавоб пайтида бир аёл хотинимдан шундай деб сўради: “Мен эримни жуда яхши кўраман, лекин у кўп саёҳат қилади ва мен доимо бошқа эркалар билан ётаман. Нима қилай? Унга бу ҳақида айтишим керакми?”

Бу иккиси ҳақиқатан ҳам Масиҳ билан муносабатлари борлигига ишонишади – лекин Худонинг ўнг томонида ўтирган Масиҳ биланми ёки сохта Масиҳ биланми, буни билмайди? Бу мисоллар айсбергнинг учгинаси холос; мен шунга ўхшаш муаммоси бор жуда кўплаб бошқа

одамларни учратганман. Наҳотки, муқаддасликда яшашга чорлов шунчалар заиф бўлиб қолган ва ҳар қандай фош қилиш сукут сақласа? Ахир, Павлус қуйидагича ёзади: “Бу чорловни рад қиладиган киши инсонни эмас, сизга Ўз Муқаддас Рухини берадиган Худони рад қилган бўлади” (1-Фессалоникаликларга 4:8, ЯРТ).

Ёдингизда бўлсин, муқаддасликнинг ўзига хос хусусияти бор бўлиб, унинг қаршисида ўзини тутиб туриш имконсиздир ва биз бу мавзунини ўрганишни давом эттирганимизда, уни аниқ-равшан кўраемиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Кимки мен Уни таниб-билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир” (1-Юҳанно 2:4).

Маъноси. Муқаддаслиниш (муқаддаслик) иши – бу бизнинг ичимизда барпо бўлгани, ташқи томондан амалга оширилган бўлишидир; бизнинг янги табиатимиз бизнинг ҳаёт тарзимиздаги ташқи ҳақиқатга айланади.

Фикр юритиш. Муқаддаслик – бу Худо иноятининг маҳсулидир, лекин мен Худо мендан олишни истайдиган нарсани хоҳлашим ва амалга оширишим учун У менга берадиган куч билан ҳамкорликда бўлишим керак. Мен бунга ишонаманми? Мен муқаддаслик ҳолатимни, хатти-ҳаракатдаги муқаддаслик билан аралаштириб юборганим сабабли, бу ҳақиқатни ва Унинг муқаддас ҳаёт кечириш ҳақидаги буйруғини эътиборсиз қолдирмадимми? Ўтмишдаги муваффақиятсизликлар, ичимдаги менга куч берувчи Худонинг ишига бўлган имонимни сўндиришига йўл қўймадимми? Бу менинг ҳаётимда ҳақиқатга айланиши учун қай тарзда имонга қайтишим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, Сени рози қилиш истаги ва бунга эришиш қобилияти билан мени тўлдириб, Сен менда ҳаракат қилишингни сўрайман. Сен аллақачон ичимда мен учун қилган нарсани ўз ҳаётимда намоён этишни истайман. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен ўз нажотимни муқаддас қўрқув ва титроқ билан амалга ошираман.

Тўғри йўлдан боринглар...
Ҳаётингиз муқаддасланишига
интилинглар.

– ИБРОНИЙЛАРГА 12:13, 14, ВТІ

20 | БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ

Муқаддаслик – бу бирдан-бир мақсад эмас, тўғрироғи бу энг муҳим бўлган нарсага ўтишдир. Келинг, энгиб бўлмасликнинг жиҳатига муурожаат қилиб, бошқа таржимадаги Инжилнинг кириш оятини ўрганиб чиқамиз:

“Муқаддасликка эга бўлишга ҳаракат қилинг, бусиз ҳеч ким Раббийни кўрмайди” (Ибронийларга 12:14).

“Ҳаракат қилинг” – бу юнонча “дъёко” сўзи бўлиб, “ниманидир алоҳида куч билан ҳамда маълум мақсад ва вазифалар билан қилиш”ни англатади. Икки таржимани таққослаган ҳамда “дъёко” сўзининг таърифини билган ҳолда, биз ушбу фикрда гап муқаддасликни англаб етиш истаги билан унга қизғин интилиш ҳақида кетаётганини тушунамиз.

Бизнинг биринчи саволимиз шундай бўлиши керак: бу муқаддасликдаги ҳолатимизми ёки хатти-ҳаракатларимизнинг муқаддаслигимизми? Келинг, бизнинг Лиза билан никоҳимиз ҳақидаги мисолга қайтайлик. Сиз Лиза ўзининг яқин дугоналаридан бирига: “Мен Жоннинг хотини бўлиш учун кучли ҳаракат қиляпман” – деб айтишини тасаввур қила оласизми?

Унинг дугонаси кулиб: “Сен аллақачон унинг хотинисан! Сен турмуш қурган кунингиздаёқ унинг хотини бўлгансан” – деб айтган бўлар эди.

Аёл киши аллақачон, ўзи эга бўлган “хотин” *мавқеининг* ортидан қувмайди. Лекин у хотиннинг яхши *хулқ-атвори*га интилиши мумкин. Муқаддаслик билан ҳам худди шундай – биз аллақачон, ўзимиз эга бўлган мавқе ортидан қувмаймиз, аммо “Раббийга маъқул” хулқ-атворга интиламиз (Колосаликларга 1:10).

Бизга ушбу амрни менсимасликнинг оқибати, биз *Раббийни кўрмаслигимиз* бўлишини ишонч билан айтишади. Бу соғлом фикрдир! У абадият нуқтаи назаридан, албатта, бизга таъсир қилади, лекин ҳозир бизнинг суҳбатимиз бу ҳақида эмас. Жорий мавзу учун бу шу ерда ва ҳозир қандай таъсир кўрсатиши муҳим.

Мен Америка Қўшма Штатларининг фуқароси бўлганим учун президент билан “муносабатим” бор деб айтишим мумкин эди. Мен унинг бошқаруви остидан ва у қабул қилаётган қарорлар бошқа 332 миллионта Америка фуқаролари каби менга ҳам таъсир кўрсатади. Гарчи менда президент билан ушбу муносабатлар бор бўлсада, ҳозиргача унинг шахсий қабулига киришга муюссар бўлмаганман. Бошқача сўз билан айтганда, бизнинг АҚШ президентларимиздан бирортасининг ҳам ҳузурда бўлмаганман ва уларнинг ҳеч бири билан суҳбат қурмаганман.

Бошқа томондан, президент билан мунтазам *кўришадиган* бошқа америкаликлар бор, бу унинг дўстлари ва у билан яқин алоқаларда ишлайдиган одамлардир. Ҳар ҳолда улар Оқ уйда яшайдиган одамни, мендан кўра анча яхшироқ биладилар. Улар у билан яқиндан таниш, мен уни мамлакатимизнинг етакчиси сифатида биламан холос.

Худди шундай, Исо Масихнинг ҳоқимияти остида бўлган миллионлаб масихийлар мавжуд. У уларни ҳимоя қилади, севиб, таъминлайди ва уларнинг илтимосларига жавоб беради. Бироқ савол шундаки, улар Уни *кўрадиларми*? Бошқача айтганда, улар Унинг очикдан-очик ҳузурини ҳис қиладиларми?

Бразилиядаги кўп минглаб имонлилар, ҳеч қандай йўл билан Раббийнинг ҳузурига кела олмайдигандек ўзларини тутдилар. Улар тавба қилишлари билан, Подшоҳ билан шахсан учрашишга муносиб топилдилар. Бу ҳар кун ва ҳатто, ҳар лаҳзада содир бўлади. Агар бизга художўй қўрқув етишмаса, унда бизда Унинг намоён бўлган ҳузурининг имтиёзини берадиган муқаддас хатти-ҳаракатга интилиш учун истак-хоҳиш йўқ. Исо айтади: “Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса... Мен уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиламан” (Юҳанно 14:21).

Тақрорлаш жоизки, *хатти-ҳаракатда муқаддаслик бўлмаса, Раббийни кўрмаймиз*. Нима учун бу ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга? Биринчидан, агар биз Уни кўрмасак, бизга Унинг намоён бўлган ҳузурини етишмаса, биз Уни тўлиқ таниб-била олмаймиз. Қўшма Штатлар президентлари билан бўлган муносабатларимиз сингари, биз фақат У *ҳақида* билишимиз мумкин холос. Бундан ҳам ёмони, биз ўйлаб топилган Исони яратиб, ўзимизни алдаймиз. Бу хом хаёл – энг хавфлисидир, чунки биз аслида билмайдиган Шахсни, биламиз деб

ҳисоблаймиз. Ёқуб бизга шундай дейди: “Шу билан бирга сўзни фақат тингловчилар эмас, балки уни бажарувчилар ҳам бўлинглар, акс ҳолда шунчаки ўзингизни алдайсизлар” (Ёқуб 1:22, ЯРТ). Ўзини алдаётган одам кимнидир ёки ниманидир биламан деб ўйлайди, аслида бундай эмас.

Иккинчи сабаб ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас. Биз Уни мушоҳада қилмасак, Унинг ҳузурида бўлмасак, биз ўзгариб, Унга ўхшаш бўла олмаймиз. Павлус, Раббийни кўрадиганлар “шўхратдан шўхратга, худди ўша тасвирга ўзгаришларини ёдга олади (2-Коринфликларга 3:18). Бу ўзгариш ичкарида бошланиб, бошқалар уни кўрмагунларича содир бўлади.

Бизнинг поклигимиз фарзийларнинг поклигига ўхшаш бўлиши мумкин эмас. Исо: “Худди шундай, сизлар ҳам ташқаридан ҳақ одамлардек кўринасизлар, аммо ичингиздан иккиюзламачилик ва қонунбузарликка тўлгансизлар” – деган (Матто 23:28). Уларнинг мақсадлари ўлик танадек, шу қадар нопок ва ифлос бўлган. Уларда Раббийдан қўрқиш бўлмаган, бу ўз навбатида, улар ўзларининг проекция қилинган қиёфасини диққат марказга қўйиб, фақат ташқи хатти-ҳаракатга асосланган ҳақликка интилишларига олиб келган. Бу тегишли ташқи хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарадиган, уларнинг ички ўзгаришига тўсқинлик қилган. Улар Худони биламиз деб ўйлашарди, лекин аслида уларнинг қаршисида турган ўз Яратувчисини билишмаган, демак, Унинг истакларига мос келишмаган. Улар ўзни-ўзи алдашган.

Бугунги кунда ҳам биз интилаётган муқаддаслик бизнинг юракларимизда – фикрларимиз, мақсад ва ниятларимизда дунёга келиши керак. Бу охир-оқибат бизнинг ташқи хатти-ҳаракатимизни белгилайди. Мана нима учун Исо: “Юраги поклар бахтлидирлар, чунки улар Худони кўрадилар” – демоқда (Матто 5:8). Биз Уни кўрмасдан, ички ўзгаришдан – ҳақиқий муқаддасликдан маҳрум бўламиз, демак, Уни кўрмаймиз. Бу туганмасдир.

Художўйликнинг ташқи кўринишига эга бўлиш, лекин ички истакларимизни ўзгартириш кучини инкор этиш етарли эмас. Биз қалбимизнинг туб-тубида – мақсадлар ва ниятларимизда ҳақиқатга чанқоқ бўлишимиз керак. Мана шу бизнинг интилишимиз бўлиши лозим. Ҳаворий Ёқуб қуйидагиларни ёзаётганда, муқаддасликка юзаки муносабатда бўладиган имонлилар ҳақида жуда кескин фикр билдиради:

“Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки ҳирсларингизни қондириш учун ёмонликка сўраяпсизлар. *Зинокорлар* ва *фоҳишалар!* Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?!” (Ёқуб 4:3, 4).

Ёқуб уларни *зинокор* ва *фоҳишалар* деб атаб, никоҳ аҳдини бузадиган одамларга қарата айтиладиган сўзлар билан уларга мурожаат қилмоқда. Худо кўпинча, бизнинг У билан аҳдимизни тасвирлаш учун никоҳ тимсолидан фойдаланади. Исо – куёв, биз эса – Унинг келини деб аталганмиз. Павлус эркак ва аёл ўртасидаги никоҳ – бу Исо Масиҳ ва Жамоатнинг бирлигининг намунаси эканини айтади (Эфесликларга 5:31, 32 га қаранг).

Дунё манфаат ёки ютуқлардан мағрурланиш учун яшайди, шунинг учун проекция ва қабул қилинган қиёфаларга эътибор қаратади. Биз муқаддасликка интилишни менсимасдан, дунёвий истакларга қараб иш тутганимизда, биз зинокорларга айланамиз. Бу бизнинг турмуш ўртоғимизни шу қадар ҳақоратлайдики, биз ўзимизни ҳақиқатан ҳам Унинг душманларига айлантирамиз. Шунинг учун Ёқуб ёзишда давом этади: “Юракларингизни покланглар, зеро сизнинг садоқатингиз Худо ва дунё ўртасида бўлингандир” (Ёқуб 4:8, инглизча таржимадан). Биз фақат биргина ҳолатда, агар бизни ҳақиқий муқаддасликка интилишга ундайдиган Раббийдан қўрқишни қабул қилсакки, юракларимизни поклай оламиз!

Мен Лизага уйланганимга қирқ йилдан ошди ва мен унга қарши зино қилмаслигимнинг жиддий сабаблари бор. Биринчи ва энг муҳими – бу Худодан қўрқидир. Мен унинг муносабати ва хатти-ҳаракатларидан қатъий назар, уни севиш ва ғамхўрлик қилиш учун У билан аҳд тузганман.

Иккинчи сабаб шундан иборатки, мен бу мафтункор аёл билан яқинликни йўқотишни истамайман. Мен унинг менга ишонишини, ўзининг кўнгилдаги сирлари ва юрак сирлари билан бўлишишини севаман. Аслида, бизнинг яқинлигимиз менга ёқади.

Исо билан ҳам худди шундай. Унга қарши зино қилишдан астойдил қочишимнинг сабаби, мен У билан яқинлигимизни йўқотишни истамаслигимдир. Мен Унинг ҳузурининг яқинлигини ва У билан дилдан сўхбат қуришни яхши кўраман. У мен илгари билмаган сирларни мен билан баҳам кўришини севаман. Эҳтимол, айнан шунинг учун бизга қуйидагича ёзилган:

“Раббийнинг сирлари – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади” (Сано 24:14).

Биз муқаддасликнинг енгиб бўлмас жиҳатига эндигина тўхталишни бошлаймиз. Кейинги бобда унинг гўзаллигини очишда давом этамиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Ким юрак поклигини севса, унинг тили ёқимлилиги учун подшоҳ унинг дўсти бўлади” (Ҳикматлар 22:11).

Маъноси. Хатти-ҳаракатдаги муқаддасликни тушуниш нияти билан унга интилишсиз, биз Унинг ҳузурига кира олмаймиз. Гап биз қачон мукамал муқаддасликка эришимизда эмас, балки қачон уни юрагимизнинг интилиши қилишимиздадир.

Фикр юритиш. Худо мен муқаддас хатти-ҳаракатга интиляпманми ёки дунёвий истаклар ва ютуқлардан мағрурланишга бўлган севгим ёки тоқатимни доим оқлаяпманми, билади. Ҳаммаси юрагимнинг ниятларидан бошланади. Ҳаракатлар ўзгаришига олиб келадиган юрак ва ақл поклигига интиламанми? Ҳатто менга яқин инсонлар буни қилмасалар ҳам, шу йўсинда, йўл тутаманми?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, муқаддасликни қидирмаганим учун мени кечиргин. Мен буни муҳим деб билмаганман, лекин ҳозир муқаддасликни излаш менинг интилишим бўлиши кераклигини тушунаман, чунки у Сен билан учрашишга эшик очади. Мени дунёвий хатти-ҳаракатим ва ишларим учун кечиришингни сўрайман ҳамда Исонинг қони билан мени поклагин. Мен муқаддасликка бўлган ўзимнинг юзаки муносабатим учун тавба қиламан. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен муқаддасликка эришиш ниятига тўлиб, унга эга бўлишга ҳаракат қиламан. Менинг мақсадим – Худо муқаддас бўлгани каби, муқаддас бўлишдир.

Ҳақ одамнинг йўли
тўғридир. Сен ҳақ одамнинг
йўлини раво қиласан.

– ИШАЪЁ 26:7

21 | ИСТАК ВА КУЧ

Эҳтимол, сиз муқаддас ҳаёт кечиришга *ҳаракат қилганингиздан* ҳозир азоб чекаётгандирсиз, лекин, ростини айтганда, муваффақиятга эришганингиздан кўра кўпроқ, муваффақиятсизликка учрагансиз. Сиз Худо билан яқинликка ташна сиз, аммо Унга базўр итоат қила оласиз. Илтимос, шуни эслаб қолинг: Сиз Унга ташналигингиздан кўра кўпроқ, У сизга ташнадир. Қувонинг, чунки Худо сиз томонда! Бу ҳақиқат тарангликни бўшаштирсин.

Эҳтимол, муаммо *ҳаракат қилганингизда* бўлиши мумкин. Мусонинг Қонуни биз Худонинг амрларини бажара олмаслигимизни исботлади, аммо биз илоҳий ёрдамга муҳтожмиз. Бизга зарур бўлган бу ёрдам, Худонинг иноятдан бошқа нарса эмас. Кўпчилик имонлилар Исо Масиҳнинг инояти бизни қонун талабларидан озод этишини биладилар, аммо кўпчилик бу бир қадам олдинда юришини билмайдилар: у бизга гуноҳдан озод яшаш имкониятини бериб, бизга янги табиатни тўхфа қилади (Римликларга 6:6, 7 га қаранг). Агар биз тананинг ва руҳнинг нопокликларидан тозалаш ҳақидаги Павлуснинг буйруғига қарасак, у кўпинча эътиборсиз қоладиган сўзларнинг ортидан келишини кўрамиз. Бир неча хат бошида юқорида у қуйидагича ёзади:

“Биз Худонинг ҳамкорлари сифатида сизлардан ўтинамизки, сиз қабул қилган Худонинг инояти беҳуда бўлмасин. Чунки У шундай дейди: “Маъқул вақтда Мен... сенга ёрдам бердим” (2-Коринфликларга 6:1, 2, ЯРТ).

Бу маъқул вақт аллақачон келди, биз Унинг ёрдамида муқаддас ҳаёт кечиришимиз мумкин. Афсуски, биз Худо иноятининг тўлиқ имконияти ҳақидаги таълимотни кам ҳолларда эшитамиз. У ҳақида абадий нажот, гуноҳларнинг кечирилиши, гуноҳ учун жазодан озодлик

ва асоссиз совға сифатида ўқитилади. Гарчи буларнинг барчаси тўғри бўлсада, аммо иноятнинг кам гапириладиган яна бир муҳим хусусияти мавжуд: бу унинг кучидир. Худо ҳаворий Павлусга: “Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки куч заифликда яхшироқ намоён бўлади” – демоқда (2-Коринфликларга 12:9, ЯРТ). Бошқача қилиб айтганда, “Павлус, сен ўзингнинг қобилиятинг билан қила олмаган нарсани, энди иноят деб аталувчи Менинг қудратим билан қила оласан” демоқда.

Павлус бу ҳақиқатни тасдиқламоқда: “...иноят... кўпайсин. Унинг илоҳий куч-қудратидан [иноятдан]... бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди” (2-Петрус 1:2, 3). “Янги тирик таржима”да (NLT) бу янада очиқроқ айтилган: Худо ўзининг Илоҳий куч-қудратидан [иноятдан] диёнатли ҳаёт кечириш учун бизга барча зарур нарсани бери”. Иноят бизга муқаддас яшашимиз учун куч беради!

Нима учун бу ҳақиқат шунчалар муҳим? Масиҳийлик – бу имондаги ҳаётдир. Бутун мактуб “имон сўзи” деб аталади (Римликларга 10:8). Бошқача сўз билан айтганда, биз имонга келмагунимизга қадар, Худодан ҳеч нарса олмаймиз, бироқ билмаган нарсамизга ҳам ишона олмаймиз. Шу сабабдан, биз иноятнинг кучи ҳақида билмасак, ўзимизнинг шахсий имкониятларимизга қараб Худони рози қилиш учун ҳаракат қилишда давом этамиз. Бу эса самарасиз, аранг кун кечиришга олиб келади.

Юқоридан туғилиш намунасини кўриб чиқамиз. Худо қутқариши мумкинлигига ишонадиган кўплаб нажот топмаган одамлар мавжуд. Аммо улар тавба қилиб, Хушхабарга ишонмагунларича, қутқарувчи иноятдан маҳрумдирлар. Бизнинг муқаддасликка бўлган интилишимиз ҳам худди шундай. Худо муқаддас яшаш қобилиятини бериши мумкинлигига ишонадиган кўпгина масиҳийлар бор, лекин улар *иноят куч бағишлашига* бутун юраклари билан ишонмагунларича, ундан фойда кўрмайдилар.

Павлус Коринфдаги имонлилардан, улар “қабул қилган Худонинг инояти беҳуда бўлмаслигини” ўтиниб сўрамоқда (2-Коринфликларга 6:1). Бирор нимани беҳуда қабул қилиш – шунчаки ундан тўлиқ фойдаланмасликни билдиради. Агар одамга қишлоқ хўжалиги ускунаси ва у билан бирга уруғ берилса, у озиқланиш ва яшаш учун уларни экиб, ҳосил етиштира олади. Лекин у унга берилганлардан фойдаланмаса, у очликдан ўлиб, ўз ҳаётини йўқотади. Унинг ўлимидан сўнг, қўшнилари нима дейишади? “У ускуна ва уруғларни беҳуда олди”.

Павлус у ҳақида мана нима демоқда: Сиз ўз кучингиз билан ҳаёт кечири олмайдиган тарзда яшашингизга ёрдамлашиш учун Худо

иноятни берди. Муқаддас ҳаёт тарзига интилиш ва унга эришиш учун у сизларга куч беради. Имонсизлик туфайли ушбу кучдан фойдаланишни эътибордан четда қолдирманг.

Агар Худонинг инояти бор-йўғи ғарб маданиятида кенг ўргатилаётган – нажот, кечирилиш ва самога “чипта”дан ортиқ нарса бўлмаганида эди, унда қандай қилиб, кимдир уни беҳуда олиши мумкин эди? Унда бекорга сарф қилиш мумкин бўлган имконият йўқ, демак, Павлуснинг сўзлари мазмунга эга эмас.

Агар биз ҳаворийнинг фикрлари ортидан эргашсак, ҳаммаси бир-бирига мос келади. Коринф жамоати дунёвий ҳаёт билан яшаган, одамлар муқаддасликни қидиришга ҳаракат қилмаганлар. Ушбу нуқтаи назарни тасдиқлаш учун Павлус ўша мактубидан кейинроқ шундай деб ёзади: “Сизлардан кўпчилигингиз аввалги гуноҳларини қолдирмади. Сизлар нопокликдан, жинсий бузуқликдан ва шахвоний завқ-шавққа интилишдан тавба қилмадингиз” (2-Коринфликларга 12:21, инглизча таржимадан). Биз олтинчи бобга қайтиб, Павлус ушбу имонлилардан Худонинг иноятини исроф қилмасликларини ўтиниб сўрашдан бошлаганини кўрамиз, сўнгра у уларни қанчалар севишини йўл-йўлакай таъкидлаб ўтади ҳамда нима учун улар севги билан жавоб бермаётганларини сўрайди. Кейин у асосий фикрга – улар Худонинг иноятини менсимаётганлари, уларга таъсир кўрсатган бетавфиқ одамларда аён бўлаётгани ҳақидаги фикрга қайтади:

“Имонсизлар билан бирга ўзга бўйинтуруққа қўшилманглар. Зеро ҳақлик ва бетавфиқлик орасида қандай мулоқот бор? Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бор?” (2-Коринфликларга 6:14).

Биз имонсизларни қўлга киритиш учун дунёга бориш ва уларга мослашишга интилишнинг таъсири остида яшаш ўртасида катта фарқ борлигини ёдда тутишимиз керак. Бу бизни фақат ҳаёт йўлидан адаштириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга олиб келади. Буни рўхий зинокорлик деб аташ мумкинлигини яна бир бор такрорлайман.

Сўнгра Павлус ушбу ерлик имонлиларга, Худо уларда яшашини, улар учун Ўзининг истаги борлигини айтади: “Мен уларнинг ичида жо бўлиб, уларда юраман. Уларнинг Худоси бўламан, улар эса Менинг халқим бўладилар. Шунинг учун уларнинг орасидан чиқинглар ва улардан ажралинглар, — дейди Раббий, — нопокка қўл тегизманглар, шунда *Мен сизларни қабул қиламан*” – деб айтганини эслатади (2-Коринфликлар 6:16, 17).

Биз Худонинг юқори даражадаги намоён бўладиган ҳузури ҳақидаги ваъдани яна кўрамиз. У вақти-вақти билан ташриф буюриш ҳақида

эмас, балки бизда жо бўлиб, биз билан яшаши ҳақида гапирмоқда! Биз *Худони кўриш* (Унинг намоён бўлган ҳузури) ваъдасининг шартли борлигини яна кўряпмиз. Агар биз дунё ёпишиб олган худбин ва мағрур истаклардан ўзимизни тийсак, бизга Шоҳнинг ҳузурида абадий қабул ваъда қилинган: “шунда Мен сизларни қабул қиламан”. Бунинг акси ҳам тўғри: агар биз дунёнинг жирканчликлари билан ўзимизни булғасак, бизга қабул рад этилади. Павлус ўз мурожаатини мақсадли баёнот билан якунлайди:

“Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик” (2-Коринфликларга 7:1, ЯРТ).

Биз энди Павлуснинг Филиппидаги жамоатга қилган мурожаатидаги сўзларини янада яхшироқ тушунишимиз мумкин:

“Қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар, чунки Худо Ўзининг илтифоти бўйича сизларнинг ичингизда *хоҳишни* ҳам, *ҳаракатни* ҳам туғдиради” (Филиппиликларга 2:12, 13). Раббийдан қўрқиш бизни иродага ундайди (бизга истак беради), Раббимиз Исо Масихнинг инояти эса, бизга *ҳаракат қилиш* қобилятини беради (бизга куч ато этади).

Агар олдинга яна бир қадам ташласак, (муқаддас қўрқувнинг йўқлиги оқибатида) истаклар йўқ жойда, имкониятлар кенгайиши устувор бўлмаслигини, демак, у фойдаланилмасдан, беҳуда қабул қилинган бўлишини кўрамиз! Мана нимага муқаддас қўрқув бизнинг самарадорлигимиз ва узоқ умримиз учун шунчалик муҳимдир.

Умид қиламанки, поклик – бу муқаддасликнинг улкан жиҳати бўлиб, лекин унинг тўлиқ таърифи эмаслиги маълум бўлди. Муқаддасликнинг биринчи даражали таърифи – *Унга бағишганган бўлиш, тўлиқ Унга тегишли бўлиш* эканини эслатиб ўтаман. Келинг, муқаддасликнинг асосий мазмунини тўлиқроқ ёритамиз: келин куёвга турмушга чиққанида, у ўзини куёвга тўлиқ топширади. Унинг куёвга бағишланиши мавқеда ҳам, хатти-ҳаракатларда ҳам унинг поклигини ўз ичига олади. Поклик асл мақсад эмас, бу келиннинг ўз куёвига бағишланишининг бир қисмидир.

Бинобарин, ҳақиқий муқаддаслик – ғайритабиий муқаддасланган поклик бўлиб, бу Худо билан чуқур яқинликка йўл очади. Бу биз ушбу китобнинг охиригача гапиришда давом этадиган *рад этиб бўлмайдиган* нарсадир. Лекин авваломбор, бизнинг Куёвимизга

бағишланган ҳаёт амалда қандай кўринишини муҳокама қилишда давом этишимиз зарур. Жавоб биргина сўздан иборат: *итоаткорлик*.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Исо Масихда эга бўлган иноятда кучли бўлгин” (2-Тимўтийга 2:1, ЯРТ).

Маъноси. Агар биз иноятнинг кучи ҳақида билмасак, биз ўзимизнинг шахсий имкониятларимизга қараб, Худони рози қилиш учун ҳаракат қилишда давом этамиз.

Фикр юритиш. Мен муқаддас ҳаёт кечириб ҳаракат қилиб, шу билан бирга муваффақиятдан кўра, мағлубиятни кўпроқ бошдан кечирдимми? Ўзимнинг имкониятларимдан келиб чиқиб ҳаракат қилдимми? Менга муқаддас яшаш учун куч берадиган Худонинг иноятига умид қилдимми? Агар, йўқ бўлса, буни қандай ўзгартира оламан?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен фақат ўша Сенинг шўҳратли ҳузуринг очиб берадиган Сенинг иноятининг кучи билан диёнатли ҳаётда яшай олишимни англаб етаман. Буни ўзимнинг шахсий кучим билан қилишга уринаётганим учун мени кечиргин. Мен шу лаҳзадан бошлаб, Исонинг шўҳрати учун ажратилган ҳаёт билан яшаш учун Сенинг иноятингда мустаҳкамланаман. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Муқаддасликка интилиш мени муқаддас қўрқувга ундайди ва мен унга Худо иноятининг кучи билан эришаман.

ХУДОНИНГ СЎЗИГА БИЗНИНГ ЖАВОБИМИЗ

4-ҲАФТА

Мени амрларинг
йўлидан юргизгин,
чунки мен унда
бахт топаман.

– САНО 118:35

22 | ХУДОНИНГ СЎЗИ ҚАРШИСИДА ТИТРАШ

Ушбу китобнинг биринчи бўлимида Раббийдан қўрқишни иккита эътирозсиз таърифларга ажратиш мумкинлиги айтилган эди: Худонинг ҳузурида титраш ва Унинг Сўзи қаршисида титраш. Гарчи бу мавзу битмас-туганмас бўлсада, биз Худонинг шарафли ҳузури тўғрисида чуқур фикр юритдик, чунки биз Унинг қаршисида абадий эҳтиром кўрсатамиз. Биз ушбу бўлимда эътиборимизни Унинг Сўзига қандай муносабат билдиришимизга қаратамиз.

Аввалига келинг, Худонинг халқи У билан самимий муносабатлардан узоқлашиб, уларни оддий расмиятчилик билан алмаштирган даврни кўздан кечириб чиқамиз. Уларнинг эътиборини жалб қилиш учун Худо шундай деб сўрамоқда: “Осмон – Менинг тахтимдир, ер эса Менинг оёқларимнинг пояндозидир. Қаерда сизлар Мен учун уй қурасизлар ва Менинг ором топадиган жойим қаерда?” (Ишаъё 66:1).

Агар ушбу бобнинг дастлабки беш оятлари доирасида ўқилса, ўзларининг шахсий шартларига биноан Худо билан муносабатларни ривожлантириб, қўллаб-қувватлашга уринган халқга Қодир Тангри мурожаат қилаётганини кўрамиз. Улар махсус иштиёқсиз Унинг намунасига эргашдилар ва бу Унга маъқул келишига умид қилдилар. Худо улар танлаган йўл ҳақоратли эканини аниқ тушунмоқда, лекин шу заҳоти, аввало самимий муносабатлар талаб қилиниши ҳақида гапирмоқда:

“Лекин мана, Мен кимга назар ташлайман: камтарин ва руҳи эзилган ҳамда *Менинг Сўзим олдида титрайдиган одамга*” (Ишаъё 66:2).

Назар ташлайман сўзи – иврит тилида “набат” феъли бўлиб, “қарамоқ, кузатмоқ, яхшироқ қараб билмоқ. Бирор нарсага жиддий, диққат билан нигоҳини қаратмоқ”ни англатади. Аслини олганда, Худо: “Мана, Мен кимга жиддий эътибор қаратаман” – демоқда. Ушбу оятда санаб ўтилган учта фазилат: камтарлик, руҳи эзилганлик ва Унинг Сўзи олдида титраш ушбу бўлимдаги биз эътибор қаратган мавзуга айланди.

Унинг Сўзи олдида титрайдиган киши, ҳар доим Унинг сўзини қолган барча нарсадан устун қўяди. Бундай одам учун бундан муҳим нарса йўқ. Бу муқаддас қўрқувнинг ҳақиқий исботидир. Бу одам энг дуо-барақалидир. Павлус ҳам худди шу мазмунда ёзмоқда:

“Шундай қилиб, менинг севганларим, сизлар доимо итоаткор бўлганингиздек, энди нафақат мен сизларнинг ёнингизда бўлганимда, балки менинг йўқлигимда ҳам янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” (Филиппиликларга 2:12).

Ушбу сўзлар ҳақида Павлус Филиппидаги имонлиларга ёзган сўзлар деб эмас, балки Худо бизга тўғридан-тўғри гапираётган сўзлар сифатида ўйлаб кўринг. “Доим итоаткор” сўзларига диққатингизни қаратинг; бу сиз Унинг ҳузурини ҳис қиласизми ёки йўқми, У сизнинг номингиздан қандай ҳаракат қилаётганини кўрасизми ёки йўқми, ибодатингизга кутилган муддатда жавоб олиндимми ёки йўқми, қатъий назар, шартсиз эканини англатади.

Одамлар бир-бирига меҳрибон бўлган ва Худонинг ҳузурини кучли сезилган анжуманда қатнашганингизда, Худого итоаткор бўлиш осон. Аммо жамоангиздаги ўзингиз ишонган одам сизни алдаганида ва сизни ишдан ҳайдашганларидачи? Сиз Худонинг Сўзига мувофиқ тарзда кечирасизми ёки у билан ҳисобни тенглаштириш учун қасос оласизми?

Сиз хизмат сафаридида бўлиб, ўзингизни ёлғиз ҳис қилганингизда, сизнинг эрингиз (ёки хотинингиз) сизни танқид қилишини эслашни бошлаганингиздачи? Ташқи кўриниши ёқимли ва қарама-қарши жинсдаги ҳамкасбингиз сизга хушомад қилишни бошлаб, кейин эса меҳмонхона хонасида иккалангиз оқшомни ўтказишни қизғин таклиф қилади. Ҳеч ким билмайди. Сиз қочасизми ёки таклифни қабул қиласизми?

Сиз компьютерда кечгача ишлаб, интернетда иш учун зарур маълумотни қидираётганингизда, порнография сайтининг рекламасини кўриб қоласиз. Ҳаволага босасизми?

Бу Худонинг ҳузурини гўёки йўқдек туюладиган ҳолатлардир. Агар сиз Худонинг Сўзининг олдида титрасангиз, вазиятлардан қатъий назар итоаткор бўласиз, чунки сиз учун бундан устун нарса йўқ. Бу сиз

муқаддас қўрқувда эканингизни кўрсатади, чунки “Раббийдан қўрқиш ёвузликдан йироқлаштиради” (Ҳикматлар 16:6).

Саночи шундай деб ёзмоқда:

“Раббийдан қўрқадиган ва Унинг амрларини қаттиқ севадиган киши бахтлидир” (Сано 111:1).

Худодан қўрқадиган эркак ёки аёл нафақат итоат қилади, балки бундан катта завқ ҳам олади. Итоаткорлик – бу юк эмас, балки қувончдир. Бу одам, Худо – бизнинг Яратувчимиз экани, шунинг учун У нима бизни барпо қилиши ва нима барбод қилиши ҳақидаги энг муҳим тушунчага эгадир.

Бизнинг тўрт нафар ўғилларимиз кичкина бўлган вақтларни эслайман. Милод куни одатда иш билан боғлиқ бўлган. Ёш болалари бор кўпчилик оталар, нима демоқчилигимни тушунишади. Ҳамма совғалар очилганидан сўнг, улардан айримларини йиғиш керак бўлган вақт келади. Мен оддий ота бўлганман: мен қутини очиб, барча қисмларни полга тўкардим, қути ва кўрсатмани четга суриб қўйиб, қуришни бошлардим. Одатда бу совға бир соатга яқин вақтимни олар эди, охирида полда яна ўнта қисмлар қолгани мени таажжубга соларди. Мен “Ёқиш” дастагини тортардим ва ҳеч нарса содир бўлмасди. Нима қилиш керак? Мен кўрсатмани қидириб, уни ушлаб олардим, ўйинчоқни бўлакларга ажратиб, ишлаб чиқарувчининг кўрсатмасига биноан қайта қурардим. Мана – ўйинчоқ ишлади!

Худодан қўрқадиган одам доимо итоаткордир. У қалбининг тубида қуйидаги муҳим ҳақиқатларга қатъий амал қилади:

1. Мен учун нима тўғрилигини фақат Худо билади.
2. Худо пок севгидир, мен эса Унинг севгисининг марказиман.
3. Худо ҳеч қачон, менга зиён келтирувчи бирор нима қилишимни айтмайди. У айтадиган ҳамма нарса доимо аъло тарзда яқунланади.
4. Шундай экан, У нима деса, мен Унга қувонч билан итоат қиламан.

Исроилликлар доимо шикоят қилишган. Улар ўз етакчиларидан ва уларнинг ҳаётларида содир бўлаётган нарсалардан норози бўлишган. Улар ўзларининг йўқчиликлари, муҳтожликлари ва қониқиш келтирмайдиган барча қолган нарсаларда Худони айблашган. Уларга муқаддас қўрқув етишмаган, улар Унинг Сўзи олдида титрашмаганлар. Худо шундай дейди:

“Сен ҳамма нарсанинг мўл-кўлчилигида Раббий *Худойингга хурсандчилик ва юрак қувончи* билан хизмат қилмаганинг учун, душманингга хизмат қиласан” (Қонуннинг такрорланиши 28:47, 48).

Унинг Сўзи олдида титраш, қалбнинг туб-тубида қувончни ҳис қилишни ҳам англатади. Агар бундай бўлмаса, унда бу вақт билан боғлиқ масала бўлиб, вазиятлар қувончининг йўқлигидан дарак беради. Мен Исроилни унинг олдиндан белгиланган мақсадидан тўхтатиб турган бешта гуноҳни аниқлаган пайтни ҳеч қачон унутмайман: булар ёвуз ишлар қилишга ташналик, бутларга сажда қилиш, жинсий бузқулик, Худони васваса қилиш ва нолишдир (1-Коринфликларга 10:6-10). Мен “нолиш” сўзини ўқиганимда, қаттиқ жаҳлим чиқди. Мен: “Нима? Нолиш! Қандай қилиб нолиш ушбу *дахшатли* гуноҳлар билан бир қаторда туриши мумкин?” – деб қичқирдим.

Муқаддас Рўҳнинг: “Ўғлим, нолиш – Менинг нигоҳларимда жиддий гуноҳ” – деб айтганини эшитдим. У менга шикоят қилаётган одам қандай жаҳлланишини кўрсатди: “Сенинг ҳаётимда қилаётган ишларинг, менга ёқмайди ва Сенинг ўрнингда бошқача йўл тутган бўлардим”.

Сўнгра У шундай деб қўшиб қўйди: “Бу Менинг феъл-атворим учун ҳақоратлидир, бу Менинг иродамга қарши исёнди ва охир-оқибат, бу муқаддас қўрқувнинг бутунлай йўқлигидир”.

Мен бу ҳақида Лиза билан бўлишдим ва биз фарзандларимизга нолиш – бу исён эканини тушунтириб, уларни тарбиялашга келишиб олдик. Мен буни жиддий қабул қилдим. Мен минғирлашдан эҳтиёт бўлардим ва ҳеч нарсадан шикоят қилмасдим, ҳеч қачон ҳеч нарсадан нолимаслик ва бирорта ҳам шикоят сўзларини айтмасликни назорат қилардим. Аммо кейинроқ тўрт кунлик рўза вақтида Муқаддас Рўҳ: “Ўғлим, Мен сенинг юрагингда нолишни эшитяпман” – деб пичирлаганини эшитдим.

Мен дарҳол тиз чўкиб, тавба қилдим. Кейинчалик Худо мен Унга юрагимда *қувноқ кайфият* ва *қувонч* билан хизмат қилмаганимни ва душманларим мендан устун келганини кўрсатди. Келинг, Павлуснинг сўзларига яна бир бора мурожаат қиламиз:

“Шундай қилиб, менинг севганларим, сизлар доимо итоаткор бўлганингиздек, энди нафақат мен сизларнинг ёнингда бўлганимда, балки менинг йўқлигимда ҳам янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар. Чунки Худо Ўзининг илтифоти бўйича сизларнинг ичингизда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради. *Ҳамма нарсани нолимай* ва *шубҳаланмай қилинглар*” (Филиппиликларга 2:12-14).

Тез орада тўрт кунлик рўзадан сўнг, ушбу оятда айтилганларнинг теранлигини англадим. Нолиш – муқаддас қўрқувнинг мутлақо акси бўлиб, бу *Унинг Сўзи қаршисида титроқнинг* йўқлиги эканига менинг кўзларимни очди. Биз норозилик нуқтаи-назаридан ўйлаганимизда ёки гапирганимизда, Худо ва Унинг Сўзини таҳқирлаймиз.

Худодан қўрқадиган кишилар итоаткорликдан муҳимроқ ва фойдалироқ ҳеч нарса йўқлигига қатъий ишончи комил бўладилар. Улар жуда қимматга тушсалар ҳам итоаткордирлар, улар Худонинг Сўзини замонавий жамиятнинг маданияти ёки ғояси орқали филтрламайдилар. Улар бошқа имонлиларнинг хатти-ҳаракатларидан қатъий назар, Худонинг сўзига итоат қиладилар, улар шунчаки итоаткордирлар.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар” (Ишаъё 1:19).

Маъноси. Муқаддас қўрқувнинг исботи – итоаткорлик бўлиб, вазиятлардан қатъий назар тўғри муносабат ва мувофиқ хатти-ҳаракатларни назарда тутати.

Фикр юритиш. Мен фақат яхши вазиятларда итоаткорманми? Ҳаммаси мен хоҳлаганимдек кетмаётганда нолишга мойилманми? Қандай қилиб қувонч ва миннатдорчилик ҳисларини ўзимда ҳамма вақт қўллаб-қуватлашим мумкин? Мен қандай қилиб бўйсунуниш қароримни мустаҳкамлашим мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мени Сенинг Сўзинг қаршисида титроқ етишмагани учун кечиргин. Менинг итоаткорлигим шартли бўлган ва муносабатимда қувонч ва миннатдорчилик бўлмаган. Мен тавба қиламан ва Сендан кечиришингни сўрайман. Мен муқаддас қўрқувни қабул қиламан. Доимо қувонч билан бўйсунушни менга ўргатишингни ва куч билан тўлдиришингни Сендан сўрайман. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худодан қўрқаман, шунинг учун У Ўзининг илтифотига кўра, менда *истак* ва *ҳаракатни* туғдиради.

Раббийнинг Сўзи қаршисида
титраш ва илоҳий севгининг
чексиз улуғворлиги қаршисида
тиз чўкиш, бўғилиб қолгунча
қичқиришдан кўра яхшироқдир.

– Ч. Г. СПЕРЖЕН

23 | ДАРҲОЛ

Илоҳий қўрқувнинг асосий хусусияти – ҳаётимизга ҳаддан ташқари фойда келтирадиган Худонинг Каломига сўзсиз итоат қилишдир. Худо Сўзининг қаршисида титрашнинг бешта турлича жиҳатлари мавжуд. Биринчисидан бошлаймиз.

1. Худого дарҳол итоат қилинг.

Итоаткорлик – бу Худодан қўрқадиганларнинг улушидир. Бундай одамлар Худо томонидан топширилган ишни бажаришни шахсий манфаатларидан устун қўядилар. Муқаддас қўрқув уларнинг юракларида қуйидаги фикрни ўрнатади: *Худо учун муҳим нарса – мен учун устундир.*

Биз шу мавзуда Инжилнинг кўплаб оятларини қараб чиқишимиз мумкин, аммо устуворликларни ўз ўрнига қўйиш учун Исо айтган икки фикрга қараймиз:

“Шундай қилиб, сен қурбонгоҳга бағишловингни олиб келиб, у ерда биродарингнинг сенга қарши даъвоси борлиги ёдингга тушса, бағишловингни қурбонгоҳнинг олдида қолдир ва бориб, олдин (Инжилнинг кенгайтирилган таржимасида *дарҳол*. – *Таржимон изоҳи*) биродаринг билан ярашгин, ўшанда келиб, бағишловингни келтиргин (Матто 5:23, 24).

Дарҳол сўзига эътибор беринг. Ишаъё китобининг 66-бобидаги каби, Исо қуйидагини таъкидламоқда, биз итоаткорликни менсимасдан, У бизга бунгача айтган нарсани қилмаган бўлсак, Худо учун бирор бошқа нарсани қилишни бошлашимиз керак эмас. Исо бевосита хафагарчилик билан боғлиқ бўлган ҳолат ҳақида гапирмоқда, лекин умуман олганда, бу қоида барча вазиятларга қўлланилади.

Менга ҳаётидаги зино ҳақида сўзлаб берган ва нима учун ибодатлари жавобсиз қолаётганини ҳамда нима учун унинг бизнеси гуллаб-яшнамаётганини тушунмаган эркакни эсга олинг. Келинг, тўхтаймиз ва ўйлаб кўрамиз. Агар жинсий бузуқликка берилмасликка даъват этган Худонинг Сўзига итоат қилиш у учун устувор бўлмаган бўлса, нима учун у Худо унинг бизнесини дуо-баракалашини кутади?

Исроилнинг олий руҳонийси Элийнинг икки ўғли бор эди, улар ҳам отасининг қўл остида хизмат қилган руҳонийлар бўлиб, бироқ бетавфиқ одамлар эди. Улар зино қилишар ва халқ олиб келган қурбонликларни зўрлик билан ўзларига олишарди. Элий уларнинг нопокликларига эътибор қаратишнинг ўрнига, ўғиллари билан гаплашишни *кечиктирди*. Шунда Худо уни бу эътиборсизлик учун жавобгарликка чақирди: “Нима учун сен Мендан кўра ўғилларингга кўпроқ иззат кўрсатмоқдасан?” (1-Шоҳликлар 2:29).

Биз қандайдир одам ёки мақсад учун Худога итоат қилишни кечиктирсак ёки буни менсимасак, биз Худодан кўра, кўпроқ ўша одамга ёки мақсадларга ҳурмат-иззат кўрсатган бўламиз. Бу муқаддас кўрқувнинг йўқлигидир. Худо давом этиб шундай дейди:

“Мени ҳурмат қилаётганларни Мен ҳам ҳурмат қиламан, Мени *менсимаётганлар* эса шарманда бўладилар” (1-Шоҳликлар 2:30, ЯРТ).

Бу ҳушёр торттирувчи сўзлардир. Биз Худонинг Сўзига итоаткорликни кейинга қолдирганимизда ёки менсимаганимизда, Унга юзаки муносабатда бўламиз. Аслини олганда, биз Худони устувор деб билмаганимизни билдирамиз. Худо Уни *менсимаганларни шарманда қилишини* айтмоқда. “Шарманда қилади” ибораси аъло равишда таржима қилинмаган. Бу ибронийча “калал” сўзи бўлиб, “арзимас, аҳамиятсиз бўлиш” деган маънони англатади. “Аҳамиятсиз” – қадр-қиммати кам, унчалик муҳим бўлмаган деган маънони англатади. Ушбу фикрнинг эҳтимолий талқини шундан иборатки, Худо биз Унинг Сўзига енгил қарайдиганлар учун муҳим бўлган нарсани аҳамиятсиз деб кўради. Ҳеч бир ақли расо киши воқеаларнинг бундай ривожланишини истамайди.

Ўша тадбиркор жинсий покликка дахлдор Худонинг Сўзини иззат-ҳурмат қилганида эди, эҳтимол, Худо унинг бизнесига, қандайдир муҳим нарсага қарагандек қараган бўлар эди, лекин, афтидан, Унга бу арзимас иш бўлиб кўринди.

Дарҳол итоат қилишнинг муҳимлигини тасвирловчи бошқа бир парчани биз Исонинг Эфес жамоатига қарата айтган сўзларида топамиз:

“Тавба қил ва илгариги ишларингни қилиб юргин. Акс ҳолда, тавба қилмасанг, Мен сенинг олдинга *тезда* келиб, сенинг чироғингни ўз жойидан қўзғатаман” (Ваҳий 2:5).

“Тавба қилиш” – фикрлаш тарзини ўзгартиришни, демак, Худонинг Каломига мувофиқ ҳаракат қила бошлашни англатади. Агар бу жамоат итоаткорликни кечиктирганида эди, у ўзининг баракали бўлиб қолиш имкониятини қўлдан бой берган бўлар эди. Исо *тезда* келиб, ундан таъсир этишни олиб қўяр эди. Бу яна ҳушёр тортирувчи фикрди.

Луқо Хушхабаригадаги бир ҳикоя, муддат ва устуворликлар туфайли бой берилган имкониятларни тасвирлайди. Исо: “Бир одам кечки зиёфатга катта дастурхон тайёрлаб, кўпларни чақирди. Кечки зиёфат вақти келгач: “Келинлар, дастурхон тайёр бўлди”, – деб меҳмонларга айтмоқ учун қулини юборди” – деди (Луқо 14:16, 17). Бу Раббийнинг Сўзи эканига шубҳа йўқ: кечки зиёфат тайёр! Вақт аҳамиятга эга.

Таклиф этилган меҳмонларнинг муносабатига қаранг: “Шунда ҳаммалари келишиб олгандек, узр сўрай бошладилар” (18-оят). Кўринишидан, улар нима учун кела олмасликларининг жиддий сабабларини келтирдилар. Бири ер сотиб олган, бошқаси ўз бизнесини қаровсиз қолдириб кета олмади, учинчи одам хотинига эътибор бериши керак эди. Баҳоналар орасида зино, ўғрилик, қотиллик ёки гуноҳ тоифасига киритиш мумкин бўлган бошқа бирор нарса эшитилмади. Бироқ *гуноҳ ҳисобланмаган нарса Худонинг Сўзидан устун турганда, бу гуноҳга айланади.*

Қул таклиф қилинган одамлар ҳақидаги жавоб билан қайтди ва биз уй эгаси ғазаблангани ҳақида ўқиймиз (21-оят). У хафа бўлмади, балки ғазабланди. Нима учун? Чунки унинг таклифини юзаки қабул қилдилар, устун қўймадилар.

Уй эгаси нима қилди? У бошида таклиф қилинмаган бошқа одамларни зиёфатга таклиф этади. Исо ҳикояни қуйидаги сўзлар билан якунлайди: “Чунки сизларга айтаманки, ўша чақирилган одамлардан бирортаси ҳам зиёфатимдан татиб кўрмайди, зеро чақирилганлар кўп, лекин танланганлар оздир” (24-оят). Улар ўзининг имкониятлар эшигини қўлдан бой бердилар. Уларнинг баҳоналари беозор бўлиб кўринди, аммо шуни ёдда тутиш муҳимки, ҳатто беозор нарсалар ҳам, бизни Худонинг иродасини бажаришдан чалғитиши мумкин. Бу бизнинг юракларимизда Раббийдан қўрқиш бўлмаганида осон содир бўлади.

Муқаддас Ёзувда бошқа кўп бой берилган имкониятлар ёзилган бўлиб, улар итоаткорликда имиллашнинг натижасидир, уларнинг шу қадар кўплигидан, ҳаммасини санаб бўлмайди, лекин мен эътиборни тортадиган яна бири ҳикояни танлайман. Луқо Хушхабарининг

9-бобида Исо икки хил одамни Унга эргашишга таклиф қилди. Ажойиб таклиф – бутун мавжудотнинг Раббийси сизни У билан боришга таклиф қилмоқда! Биринчи одам рози бўлди, лекин шундай шарт қўйди: “Ҳазрат! *Олдин* бориб, отамни кўмиб келишга ижозат бер” (59-оят).

Одам Исога эргашишга *рози бўлди*, лекин ўзининг шахсий манфаатларини устун қўйиб, буни кечиктирди. Олимлар ўша даврларда тўнғич ўғил отасини дафн қилганида, у мероснинг икки баробар улушидан олганини, бошқа ўғиллар эса фақат бир улушдан олганларини айтадилар. Бироқ у ўз бурчини бажармаганда эди, мерос иккинчи ўғилга ўтган бўлар эди. Унинг баҳонаси бутунлай қонуний бўлиб кўринарди ва гуноҳ тоифасига кирмасди. Шунга қарамасдан, у ортада қолиб кетди. Афсуски, бу бой берилган имконият эди.

Бошқа киши ҳам худди шундай таклифномани олиб, унга қўйидагича жавоб берди: “Ҳазратим! Мен Сенга эргашаман. Фақат *олдин* бориб, уйдагилар билан хайрлашимга ижозат бер” (61-оят). Биз яна “олдин” сўзини эшитяпмиз ва яна Худонинг Сўзига бундай муносабатни гуноҳ деб атаб бўлмайди. Шундай бўлсада, у ҳам осмону ернинг Яратувчисига яқинлашиш имкониятини қўлдан бой берди.

Биз кейинги бобда шундай деб ўқиймиз: “Шундан сўнг Раббий бошқа етмиш нафар шогирдни ҳам танлади ва... уларни Ўзидан олдин икки нафардан юборди” (Луқо 10:1). Ушбу икки одам етмиш кишининг ҳисобида бўлиши мумкин эди, аммо улар қулай фурсатни қўлдан бой беришди, чунки илоҳий қўрқув етишмаганлиги туфайли ўз итоаткорликларини кечиктиришди.

Худонинг халқига хизмат қилган йилларим давомида имонлиларнинг бепарволик билан: “Худо икки ойдан буён бу мавзуда мен билан гаплашяпти” – дейишларини эшитганимда, мен ҳали ҳам (ёмон маънода) ҳайратда қолишда давом этаман. Шу билан бирга улар худди бу арзимас нарсасдек, жилмайишлари ва ҳатто, кулишлари мумкин. Агар улар муқаддас қўрқувнинг йўқлиги билан мақтанаётганликларини тушунганларида эди, улар бу қадар енгил ўйламаган бўлар эдилар.

Мусо ёнаётган бутанинг буюк томошасига қараш учун, ўз ишлари ва ташвишларини қолдиришни кечиктирганида нима буларди? (Чиқиш 3-бобга қаранг).

Нух кема қурилишини кечиртирганда нима бўларди?

Иброҳим Канъонга боришни кечиктирганда нима буларди? Унинг отаси кечиктирди, чунки у биринчи бўлиб у ерга боришга даъват этилган эди. Унинг отаси кечикиши натижасида бой берган нарсани Иброҳим бажарди (Ибтидо 11:31 га қаранг).

Неҳемияҳ ишни тўхтатиб, икки бошлиқ, Санбаллат ва Гешемнинг улар билан учрашувга келиш талабига жавобан деворларни қайта тиклашни кечиктирганда нима бўларди? Лекин Неҳемияҳ Худодан қўрқар эди. У жавобан деди: “Мен катта иш билан бандман, шунинг учун тушиб бора олмайман. Агар мен ишни қолдириб, сизларнинг олдингизга тушсам, унда бу иш тўхтаб қолади” (Неҳемияҳ 6:3).

Бу мисоллар чексиздир. Шундай қилиб, биз Унинг Сўзи қаршисида титрасак, Худога дарҳол итоат қиламиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Мен шошилиб, Сенинг амрларингга риоя қилишни кечиктирмадим” (Сано 118:60).

Маъноси. Агар биз шахсий баҳоналар туфайли Худонинг Сўзига итоат қилишни кечиктирсак, биз Унинг иродаси иккинчи даражали аҳамиятга эга эканини билдирамиз.

Фикр юритиш. Эҳтимол, беозор бўлиб кўринган нарса бизни Худонинг иродасини бажаришдан узоқлаштиришга қодир бўлар. Гуноҳ ҳисобланмаган нарса Худонинг Каломидан устун келганда, бу гуноҳга айланади. Мен ўзимни шахсий манфаатлар билан чалғитишга рухсат бериб, шу билан бирга итоат қилишни кечиктирдимми? Буни қандай ўзгартириш мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сенинг Сўзингга иккинчи даражали нарса сифатида муносабатда бўлган ва уни энг муҳим нарса сифатида устун қўймаган барча вазиятлар учун мени кечиргин. Мен шундай йўл тутиб, беихтиёр Сен учун муҳим нарса, мен учун арзимас эканини айтганимни англаб етдим. Мен тавба қиламан ва Сендан кечирим сўрайман. Мен Сен хоҳлаган барча нарсани устувор деб биламан. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Худонинг иродаси менга очилгани заҳоти, мен дарҳол унга бўйсунаман.

Биз инсоний тушунча бўйича
яшашга даъват этилмаганмиз.
Муҳими – Худонинг Каломига
ва ҳаётимиздаги Унинг
бошқарувига бўйсунидир.
Биз Унинг иродасига итоат
қилганимизда, дунёдаги энг
хавфсиз жойда бўламиз.

– БИРОДАР ЮН

24 | БУНДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАЪНО ЙЎҚ

Илгари Муқаддас Рӯҳ сизга маънога эга бўлмаган ишни қилишингизни буюрган вақтлар бўлганми? Худо билан узоқ вақт давомида яқин мулоқотда бўлганларнинг аксарияти ижобий жавоб беради. Лекин бошқа савол беришимга ижозат этинг: сиз итоат қилганингиздан сўнг – баъзида дарҳол ёки вақт ўтиб, ўша топшириқнинг маъноси очилганми? Деярли ҳар доим – жавоб “ҳа” (Мен “деярли ҳар доим” деяпман, чунки шундай *камдан-кам* ҳоллатлар мавжудки, биз ҳукм қилиш жойига келмагунимизча, айрим нарсаларнинг маъно-мазмуни намоён бўлмаслиги мумкин.)

“Худонинг Сўзи қаршисида титраш нимани англатиши” мавзусини ўрганишда давом этиб айтамикки, чиндан ҳам муқаддас кўрқувда яшайдиган одам:

1. Худога дарҳол итоат қилади.

2. Ҳатто бунда маъно кўрмаса ҳам, Худога итоат қилади.

Худо баъзан бизнинг тушунчамиз учун маънога эга бўлмаган ишни қилишимизни сўраши – бу ғайриоддийдир. Аммо бу содир бўлади. Бир нечта савол беришимга руҳсат этинг.

Ерга тупуриб, бу лойни кўрнинг кўзларига суртиб, кейин унга, бориб ювингин деб айтишдан маъно бормиди? Йўқ, бу ўша вақтда маънога эмас эди, лекин бу маслаҳат (донолик) кўрнинг кўзларини очди.

Айнан шароб керак бўлган вақтда, тўй авжига чиққанда, шароб идишига сув қуйиш маънога эга эдимми? Йўқ, эга эмас эди, лекин мана шу маслаҳат (донолик) тўйда энг зўр шароб пайдо бўлишига олиб келди.

Қутқарув қайиқлари аллақачон тайёр турганида, тажрибали денгизчиларга ўзларининг сезги ва билимларига қарши бориб, чўқаётган кемани тарк этмасликни маслаҳат беришдан маъно бор эдими? Йўқ, ўша вақтда маъно йўқ эди, аммо ўша маслаҳат бортдаги барча 276 кишининг ҳаётини сақлаб қолди, бирортаси ҳалок бўлмади (Ҳаворийлар 27:27-36).

Худо у орқали бошлаган ўйғонишга чўлғанган шаҳарни тарк этиб, саҳрога бориш буйруғига бўйсуниб маънога эга эдими? Йўқ, ўша вақтга эга эмас эди, аммо ўша маслаҳат (донолик), Эфиопияда мақоми бўйича учинчи ўринда турадиган одамнинг нажотига йўл очди.

Катта шаҳарнинг миноралари ва мустаҳкам деворлари атрофида олти кун жим айланиб, еттинчи куни, худди ўшани етти марта такрорлаб ва ниҳоят, карнай чалиб, бақариш маънога эга эдими? Йўқ, эга эмас эди, аммо ўша маслаҳат (донолик) душманнинг деворлари қулашига олиб келди.

Заҳарланган овқатли қозонга ун сепиб, сўнгра пайғамбарларга улар ейишини айтишдан маъно бормиди? Йўқ, ўша вақтда маъно йўқ эди, аммо ўша маслаҳат (донолик), барчага тўйимли озуқа берди ва ҳеч ким касал бўлмади.

Сизни, оилангизни ёки сиз учун қадрли инсонни хафа қилганларни кечиришдан маъно борми? Улар ўз ишларига яраша қаримтасини олишлари керак эмасми?

Сиздан нафратланганларни севишдан маъно борми? Уларга нафрат билан қараш керак эмасми?

Сизга ёмон муносабатда бўлаётганларга яхшилик қилишдан маъно борми? Улар билан ҳисоб-китоб қилиш керак эмасми?

Виждонсизлик қилаётган ҳокимият тепасида турган одамни ҳурмат қилишдан маъно борми? Биз шикоят қилиб, исён кўтаришимиз керак эмасми?

Сизга беҳурмат мурожаат қилаётганларга ҳурмат билан муносабатда бўлишдан маъно борми? Уларнинг таъзириши бериш керак эмасми?

Мен бобнинг охиригача давом эттиришим, балки бутун китоб давомида Муқаддас Ёзувнинг маънога эга бўлмаган буйруқлари билан бўлишим мумкин эди, аммо натижаларга қараганда, уларнинг ҳар бири Худонинг донолиги бўлиб чиқди. Уларни бажарганлар Худонинг кўрсатмалари қаршисида титрадилар, итоат қилдилар ва баракага эга бўлдилар ёки ўзларининг бепарволиклари ва итоатсизликларида муқаддас кўрқувнинг йўқлигини кўрсатиб, оқибатларидан азоб чекдилар. Умид қиламанки, Раббидан қўрқиш – ҳақиқатан ҳам

доноликнинг боши эканини аниқ кўрмоқдасиз (Сано 110:10 га қаранг). Бизга шундай дейилган:

“Бор юрагинг билан Раббийга ишон ва ўз ақлингга *таянма*. Барча йўлларингда Уни таниб-бил ва У сенинг қадамларингни йўналтиради” (Ҳикматлар 3:5, 6).

Худонинг донолиги бизнинг шахсий донолигимиздан анча устундир, шунинг учун биз ўз ақлимизга таянмаслигимиз керак. Бизга мантиқсиз бирор нарса қилиш буюрилганда, охир-оқибат, бизга фойда келтирадиган итоаткорликдан осонгида бош тортишимиз мумкин. Худодан кўрқадиган одам, ҳатто бу маънога эга эмасдек бўлиб кўринганда ҳам, итоат қилади.

Мен бир неча йил олдин мультимиллеардер одамни учратдим. У менга иш соҳасининг бошида бизнесдаги муваффақиятсиз уринишлари ҳақида айтиб берди. У муваффақиятли бизнес қуриш ҳақидаги барча бозоргир китобларни ўқиб чиқиб, олинган доноликни амалда қўллаган. Шунга қарамай, муваффақият қозонмаган.

Бир куни у жамоатда ўтириб, чўпоннинг воизлигини эшитаётганида: у *Хушxabарни воизлик қилиш ва ўз ҳаётининг топшириғига эришишда, Муқаддас Рухга таянишга даъват этилган. Мен бизнес билан шуғулланишга даъват этилганман, унда нима учун даъват этилган ишимда Муқаддас Рухга таянмайман?* – деб ўйлаиб қолди.

У ҳар куни эрталаб туриб, Раббидан мазкур кун учун йўл-йўриқ сўрашга қатъий ҳафсала қилди. У ён дафтарчани олиб, қилиши керак бўлган ҳамма нарсани унга ёзиб борди. Шунингдек, у кун давомида, ҳатто иш юзасидан учрашувларда ҳам Муқаддас Рухнинг овозига доим қулоқ солишни қоида қилиб олди.

У мен билан баъзи тафсилотларни ўртоқлашди. Бир куни унда кўчмас мулк харид қилиш бўйича битим тузиш масалалари юзасидан йиғилиш режалаштирилган эди. У ўша куни тонгда Муқаддас Рух уни мутлақо аҳамиятсиз бўлиб кўринган ишни қилишга ундаётганини ҳис қилган. Бу иш ҳеч қандай маънога эга бўлмаган, лекин у ўз қарорига содиқлик билан амал қилган.

Муқаддас Рух уни қайта ва қайта, ўша битта ҳаракатни қилишга ундаган. У пайғамбар Элиша камон ўқларини ерга уришни айтган подшоҳ ҳақида доим ўйлар эди. Подшоҳ уч марта урди ва кўпроқ урмагани учун пайғамбардан таъна эшитди (4-Шоҳликлар 13:14–19 га қаранг). Шунда бу одам ўша ҳаракатни йигирма маротаба бажарди. Сўнгра у: “Ўша куни менинг ширкатим Ветнамдаги йигирмата шифохоналарни сотиб олди” – деди.

Сўнг у менга Европада жойлашган дунёдаги энг йирик банклардан бирини қандай қўлга киритганини сўзлаб берди. Бу жараён шифохоналарни сотиб олишдан кўра, янада кўпроқ ноанъанавий бўлиб кўринди. Мен ҳайратда қолдим. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу тадбиркор ибодатда унга нима келмасин, бу қанчалик мантиқий ёки мантиқсиз кўринишидан қатъий назар, Худога итоат қилишни танлади. Натижа, сезиларли даражада – унинг уринишлари ортиқ муваффақиятсиз бўлмади!

Ўғилларимиздан бири ўсмир бўлган чоғида, мен ундан у учун маънога эга бўлмаган нарсани қилишни сўрадим. У менинг буйруғим тушунарсиз эканини айтиб, менга таслим бўлишни хоҳламади, лекин мен қатъий қолдим. У ниҳоят, умидсизликка тушиб: “Дада, мен бошқа асрнинг одамиман, биз нимадир қилишимиздан олдин “нима учун”лигини тушунишимиз керак!” – деди.

Мен унга дедим: “Яхши, мен сенга битим таклиф қиламан. Ҳақиқий воқеани сенга айтиб бериб, тушунтиришимга рухсат бер. Худо яҳудиялик ёш пайғамбарга, Исроил подшоҳига башорат қилиш учун Бетелга жўнашини ва борган йўлидан қайтмасликни, бундан ташқари, бутун йўл давомида ҳеч нима емасликни айтган. Ёш пайғамбар Муқаддас Рўҳнинг кўрсатмаларига бўйсунмади ва оқибатларидан азоб чекди: йўлда уни шер еди (3-Шоҳликлар 13:16, 23-26 га қаранг). Ўғлим, сенга қуйидаги битимни таклиф қиламан. Сен менга “нима учун” ёш пайғамбарга бундай кўрсатмалар берилганини тушунтира олган кунинг, мен сенга “нима учун” бундай қилишни буюрганимни айтаман”.

У ҳалигача “нима учун”лигини менга айта олмади. Боз ўстига, бу воқеа менинг ҳам оромимни олган эди. Худо бизга шунчаки тушунчамизда маъносиз бўлган бирор нарсани қилишни айтадиган вақтлар бўлади. Бироқ Унинг донолиги доимо натижалар билан тасдиқланади. Мана нима учун Исо бундай дейди: “Аmmo донолик унинг ишлари билан оқланади” (Матто 11:19, ЯРТ).

Барчамиз тун бўйи меҳнат қилган ва ҳеч нарса тута олмаган, бироқ Исонинг овозига қулоқ солиб, сувнинг чуқурроқ жойига сузиб борган ва яна тўр ташлаган Петрус каби бўлайлик. Улар аллақачон ҳолдан тойган пайтда бу буйруқ, улкан қўшимча меҳнатни талаб қиларди. Наҳотки, сизга Петруснинг жавоби ёқмаса: “Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман” (Луқо 5:5). Натижада, иккита қайиқ балиқ билан тўлган эди.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Ўзига ишонадиган одам аҳмоқдир, доноликда юрадиган эса омон қолади” (Ҳикматлар 28:26).

Маъноси. Раббийнинг донолиги бизнинг донолигимиздан анча устундир, шунинг учун биз ўз ақлимизга таянмаслигимиз керак. У бизни фойдали итоаткорликдан осонгина чалғитиши мумкин. Худодан қўрқадиган одам, ҳатто бу маъносиз бўлсада, Унга итоат қилади.

Фикр юритиш. Худонинг донолигига ишонишим қийинми? Ўтмишда мен Унинг маслаҳатлари устидан ўйланиб ўтирганимда, мен учун мантиқий кўринган нарсага мойил бўлган пайтларим бўлганми? Бундан нима келиб чиқди? Агар мен маслаҳат сўраб Худога мурожаат қилганимда ва Унга ишонганимда эди, нима содир бўлган бўлар эди? Мен ўзимни ушбу жараёнга бағишлай оламанми?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сенинг донолигингдан кўра, ўзимнинг донолимга кўпроқ ишонганим учун мени кечиргин. Мен Сенинг Каломингни ўқиганимда, ибодат қилиб, Сендан қўрқадиган одамларнинг диёнатли маслаҳатларига итоат қилганимда, Сенинг донолигингни қабул қилишим учун Сендан имон сўрайман. Ҳатто бу маънога эга бўлмаса ҳам, ишонишим ва бўйсунушим учун менга куч бергин. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен ўзимнинг эмас, Худонинг донолигига ва инсоний қобилиятларга ишонадиган одамларнинг овозига эмас, балки Худонинг овозига бўйсунушни танлайман.

Инсоннинг бурчи – ҳатто
мукофотга умид қилмасдан ёки
жазо қаршисида қўрқмасдан,
Худони севиш ва Ундан
қўрқишдир.

– МАЙМОНИД



MessengerX


Кундалик шогирдчилик учун илова

Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг ва
ундан фойдаланишни бошланг!
Ёки сайтдаги веб-версиядан
фойдаланинг:



MessengerX.com




125+тилда ва бу ҳали ҳаммаси эмас

- ✓ 125 дан ортиқ тиллардаги материалларни кўринг ва юклаб олинг.
- ✓ Материалларни дўстларингиз билан улашинг ёки ўқув гуруҳини бошланг.
- ✓ Янги материаллар доимий равишда қўшиб борилади.

Кўринг. Ҳқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, Ҳқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни Ҳз ичига олган кенг кўламдор кутубхонани Ҳрганинг.




Энг муҳим соҳаларда Ҳсиш

Оила, Ҳзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни Ҳрганинг!

Ҳсишнинг йўли


MessengerX нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гуруҳини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва фильм.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

MessengerX - 1-2-3 дек осон!



- 1** MessengerXни App Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2** Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3** Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.



Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!



MessengerX.com



25 | ҲЕЧ ҚАНДАЙ ОШКОРА МАНҲААТ ЙЎҚ

Эҳтимол, сиз ота-оналарнинг университет талабаси бўлган ўғил ёки қизи, фақат уларга пул керак бўлгандагина уларга алоқага чиқишларидан зорланганларини эшитгандирсиз. Ушбу одатий сценарийда, телефон қўнғироғи пайтида камдан-кам бола ота-онаси билан сўхбатлашишга қизиқиш билдириши мумкин, аммо унинг асосий мақсади – зарур маблағни олишдан манфаатдорлиқдир. Муқаддас қўрқув бизни Самовий Отамизга нисбатан бундай хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилади ва бизни Худонинг Каломи қаршисида титрашнинг қуйидаги жиҳати билан таништиради. Келинг, янги кўрсаткич қўшиб, кўриб чиқайлик.

Биз қуйидагиларни қилишимиз керак:

1. Худого дарҳол итоат қилиш.
2. Ҳатто бу ҳеч қандай маънога эга бўлмаса ҳам, Худого итоат қилиш.
3. **Ҳатто сиз шахсий манфаатни кўрмаганингизда ҳам, Худого итоат қилиш.**

Менинг қирқ йиллик хизматим давомида асосан ғарб жамоатларида ачинарли ҳақиқатни пайқадим. Имонлиларни итоаткорликка чақириш учун кўпинча манфаатни таъкидлаш керак. Фақат ўйлаб кўринг-а. Биз муқаддаслик ҳақидаги воизликни эшитишга, олдинги қаторлардан жой олиш учун хизмат бошланишидан ўттиз дақиқа олдин келамизми? Итоаткорлик номи остидаги китоблар бозоргир китоблар рўйхатида биринчи ўринда турадимми? Етакчилар бу ғояга мослашиш учун мурасасиз ҳақиқатдан ўзини олиб қочмаяптими? Бошқача қилиб айтганда, кўпгина хизматчилар Худонинг халқини Исога

эргашиш учун ўзларидан воз кечишга ундашдан кўра, руҳлантирувчи ҳикоялар билан қўлоққа ёқиш босимига кўпроқ берилмаяптиларми?

Нима бу ғояни бундай қайғули ҳақиқатга айлантиради? Биз Худонинг донолигидан ёпилиб, аслида ўз-ўзимизга зарар етказамиз. Унинг буйруқлари, маслаҳати ва донолиги охир-оқибат, ерлик ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам буюк баракаларни олиб келади. Бизга Худонинг сўзига амал қиладиганлар учун “буюк мукофот” бор деб айтилган (Сано 18:12). Худодан сахийроқ бўлиш имконсиздир, сиз Унинг учун қилишингиз мумкин бўлган барча нарсалардан кўра, манфаат анча кўпроқдир.

Бошқа жиҳатдан, қизиқтирадиган омиллар билан рағбатлантирилиш хавфли. Биз аниқ манфаатни кўзламасдан, Худонинг буйруқларига шу қадар қатъий амал қиламизми? Шахсий манфаатлар бизни ўз комига тортиб кетишининг эҳтимоли катта. Мана нима учун Раббийдан кўрқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир; манфаат бор ёки йўқлигидан қатъий назар, у итоат қилишга ундайди.

Буюк Форс империяси қудратли подшоҳлик бўлиб, у ўз вақтида бошқа подшоҳликларни ўзига бўйсундирган, унинг етакчиси Ахашверош эса ер юзидаги энг қудратли одам бўлган. У Эстер исмли иброний қизга уйланди.

Шоҳ ҳузурида энг олий мақомли амалдор Ҳаман исмли одам эди. Уни Эстернинг амакиваччаси, Мордехай қаттиқ ҳақорат қилган бўлиб, у ҳам подшоҳнинг амалдори эди. Ҳаман ўзининг ғзабида нафақат Мордехайни, балки бутун Исроил халқини ҳам жазолашга қарор қилди. У бошқалар каби малика Эстер иброний эканини билмасди.

Ҳаман Исроил халқи ҳақида подшоҳга хусумат билан тўхмат қилишда давом этди ва бутун халқни бир кунда қириб ташлашни таклиф қилди. Унинг режаси муваффақиятли бўлди. Подшоҳ рози бўлиб, фармон чиқарди ва муҳрли узуги билан тасдиқлади.

Мордехай фармондан хабар топиб, амакиваччаси – малика Эстернинг олдига хабарчи юборди. У ундан подшоҳнинг олдига бориб, Исроил халқининг ҳаётини ҳимоя қилишни сўради.

Эстер шундай деб жавоб берди: “Подшоҳнинг ҳузурида хизмат қилаётганларнинг барчаси ва шоҳликнинг вилоятларидаги халқлар ҳам биладиларки, кимки ички ҳовлига – подшоҳ ҳузурига чақирилмасдан кирса, эркакми, аёлми, барибир, унга ҳукм битта – ўлим; фақат кимга подшоҳ салтанатнинг тилла ҳассасини узатса, ўша тирик қолади. Мен эса, мана, ўттиз кундан бери подшоҳнинг ҳузурига чақирилмаганман” (Эстер 4:11). Эстер Ахашверошнинг хотини бўлишига қарамасдан, у тахт залига таклифсиз борса, эҳтимол, уни қатл қилишарди.

Келинг, бу ҳақида ўйлаб кўрамиз: у малика, дабдабали ҳаёт кечиради – у ҳеч бир муболағасиз истаган барча нарсасига эга эди. У Худонинг халқи учун тахт залига киришни таваккал қилиб, шахсан ўзи ҳеч нарсага эришмайди, аммо ҳамма нарсадан, шу жумладан, бошидан ҳам ажралиши мумкин. Шунга қарамасдан, унинг Мордехайга берган жавобига эътибор қаратинг:

“Шунда Эстер Мордехайга бундай жавоб жўнатди: “Боринг, Шушанда яшайдиган ҳамма яҳудийларни тўпланг. Мен учун рўза тутиб, уч кун давомида кундузи ҳам, кечаси ҳам еманглар ва ичманглар. Мен ҳам чўриларим билан бирга рўза тутаман. Кейин эса, бу иш қонунга қарши бўлса ҳам, подшоҳнинг ҳузурига бораман. Агар ўлишим керак бўлса, ўламан” (Эстер 4:15, 16).

Муқаддас қўрқув уни Худонинг Шоҳлигини ўзининг шахсий фаровонлигидан устун қўйишга ундади. Унинг қулайлиги, хавфсизлиги, бойлиги ва тутган мавқеи унинг итоаткорлиги орқали хавф остига қўйилди. У ҳеч нарсага эришмаган бўларди, аммо Худо учун муҳим нарса, у учун ҳам истисносиз муҳим эди. У Худонинг Сўзи қаршисида титроқда бўлиб, Худодан қўрққан.

Биз Лиза билан 2015-йилда (Арманистондиги) Ереван шаҳрида 3500 нафар етакчилар тўпланган анжуманда хизмат қилдик. Бутун Шарқий Европа ва Яқин Шарқдан чўпонлар учиб келдилар, кўпчилиги Эрондан машиналарда келдилар (Ереван Эрон чегарасидан ўттиз мил узоқликда жойлашган). Ўша вақтда Эрон фуқароларига Арманистонга киришга рухсат берилган, шунинг учун яширин жамоатлардан кўплаб етакчилар ҳам бор эди. Учрашувлар муваффақиятли ўтди.

Охирги йиғин тугаганидан сўнг, биз Лиза билан тоза ҳаво олиш учун Ереваннинг асосий кўчаси бўйлаб сайр қилишга қарор қилдик. Ресторандан йигирма ёшдан сал каттароқ икки қиз, биз билан саломлашиш учун югуриб чиқди. Улар Эронлик етакчилар экан. Улар ниҳоятда гўзал ва ҳаётга тўла эдилар. Тан оламан, мен бир лаҳза: уччала бўйдоқ ўғилларимдан қай бирини бу қизлар билан таништиришим мумкин, деб ўйладим.

Лиза иккаламиз улар билан йигирма дақиқа суҳбатлашдик. Биз диний полиция уларнинг ортидан кузатишини билиб олдик; анжуман чоғида уларнинг жойлашган ўрнини билиш учун Эрон полицияси уларга қўнғироқ қилган. Қизлардан бири унинг телефонига хавотирли хабар келганини айтди.

Шунда мен қирқ йиллик хизматим давомида айтган энг аҳмоқона изохлардан бирини гапирдим: Мен унга: “Нима учун сизлар орқага

қайтиб кетяпсизлар? Нима учун Эрондан қочмайсизлар?” – дедим.

У менга самимий, меҳрибон, қатъийлик билан қараб, жавоб берди: “Агар биз қайтмасак, унда ким форсларга Исо ҳақида айтади?”

Унинг жавоби мени ҳайрон қолдирди. Биз қандай қилиб, бу қизлар ўз-ўзини ҳимоя қилиш туғма ҳиссини бир четга сурганининг гувоҳи бўлдик; уларнинг давлатида Шоҳликни ёйишга бўлган иштиёқ бу ҳисни тўсиб қўйган эди. Улар Эстер яшаган ўша муқаддас қўрқувда яшар эдилар. Улар ҳатто шахсий манфаатни кўзламаган ҳолда, Худога итоат этдилар ва улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиш эҳтимоли катта эди. Мен бир вақтнинг ўзида тузатиш ва руҳланиш олдим.

Бу қизлардаги сезиларли қатъийлик фақат биргина итоаткорлик билан боғлиқ эмас. Бу муайян қоидаларга асосланган нуқтаи назар бўлиб, буни ривожлантирадилар ва унга кўра яшайдилар. Бу биз ҳатто, мунтазам равишда қабул қиладиган арзимас бўлиб кўринган қарорларимизда ҳам Худонинг Каломига бўлган муносабатимиздир. Биз ҳатто кичик нарсаларда ҳам Худонинг Сўзига ва Муқаддас Руҳнинг бошқарувига бўйсунганини танлаймиз. Биз бутунлай банд бўлишимиз мумкин, бироқ биз тўсатдан кимгадир қўнғироқ қилиш истагини ҳис қиламиз. Сабабсиз, аниқ манфаатсиз, мақсадсиз. Биз қўнғироқ қилиб, кўпинча нима учунлигини кейинроқ билиб оламиз.

Балки кимдир бизга тўхмат қилганини билиб қолармиз. Бу одамни кечириш, ярашиш йўлини қидириш ёки дуо қилишдан аниқ манфаат йўқ, аммо биз фақат қўйидаги амрлардан келиб чиқиб, шундай йўл тутишни танлаймиз: “Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар” ва “Сизларни лаънатлаётганларни дуо қилинглар” (Эфесликларга 4:32; Луқа 6:28).

Балки биздан нафратланадиган киши бизга ёмон муносабатда бўлар. Исонинг қўйидаги сўзларига итоат қилишдан қандай сезиларли манфаат бор: “Сизлардан нафратланаётганларга яхшилик қилинглар, сизларни ҳақоратлаб қувғин қилаётганлар учун ибодат қилинглар” (Матто 5:44)? Ёки мана бу ҳақида ўйлаб кўрингчи: имонлилар қувғин қиладиган мамлакатларда уларни қувғин қиладиганларни, қийнаб ва ҳатто ўлдирадиган одамларни дуо қилишдан қандай манфаатни кўзлайдилар? Шу билан бирга, биз Лиза билан шу нарсалар содир бўлаётган мамлакатлардаги чўпонлар билан гаплашдик ва уларда ақл бовар қилмас қувонч ва ҳаётга ташналикни кўрдик.

Бошқа мамлакатлардаги одамлар учун ибодат қилишдан қандай манфаат бор? Ёки бошқа мамлакатлардаги, ҳеч қачон сизга қайтара олмайдиган одамлар учун қўрбонлик қилишданчи? Рўйхатнинг чеки йўқ. Савол шундан иборат, сиз юрагингизда ёнаётган муқаддас

қўрқувга жавобан Худога садоқат билан итоат қиласизми ёки шахсий манфаатни кўрмагунингизча кутиб ўтирасизми?

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, уни топади” (Матто 16:25).

Маъноси. Биз кўпинча бизга шахсий манфаат келтирмайдиган бўлиб кўринган Худонинг донолигидан ёпилиб, улкан дуо-баракаларни қўлдан бой берамиз. Аслида, узоқ келажакда ўзимизга зарар етказамиз. Биз ҳеч қачон Худодан ўзиб кетолмаймиз.

Фикр юритиш. Исо: “ўз жонини сақлаш” – деганда, нимани назарда тутмоқда? Мен бу Муқаддас Китоб оятига фақат азоб-уқубат тортиш каби ҳаддан ташқари ҳолатлар нуқтаи назаридан қараганманми? Мен уни ўзимнинг кундалик кичик қарорларимда қўллаганманми? Агар мен буни қилганимда, нима содир бўлган бўлар эди? Бу менинг ҳаёт тарзимни қандай ўзгартирган бўлар эди?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен ўзимнинг ташналигимни чеклаётганим ва шахсан ўзим учун манфаат деб ҳисоблаган доноликка бўйсунётганим учун кечиргин. Мен бу фикрдан тавба қиламан ва Сендан кечирим сўрайман. Мен шу лаҳзадан бошлаб, ўз жонимни ортиқ сақламасликни, балки уни Исо учун беришни танлайман. Шунинг учун мен Сенинг донолигинг менга бир лаҳзалик манфаатни ваъда бермаса ҳам, унга ташна бўламан ва интиламан. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен лаҳза сайин ўз ҳаётимни Раббим Исонинг истаги ва донолиги учун беришни танлайман.

Итоаткорликдан ташқарида
нажот бўлиши мумкин
эмас, чунки итоаткорликсиз
нажотнинг ўзи зид ва
имконсиздир.

– А. У. ТОЗЕР

26 | ХАЙРЛИ ОҒРИҚ

Боланинг туғилиши аёл учун – ёқимсиз тажриба; бу қийин ва ҳатто, оғриқлидир. Бироқ якуний натижа – бу янги кутилган оила аъзоси. Ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ ноқулайликсиз, ушбу ажойиб янги ҳаёт бу дунёга кела олмайди. Бу Худонинг Каломи қаршисида титрашнинг янги жиҳати ҳақидаги тасаввурни беради. Биринчи учта кўрсаткичлар охиргиси билан биргаликда қуйидагилардир.

1. Худога дарҳол итоат қилиш.
2. Бу ҳатто маънога эга бўлмаганда ҳам, Худога итоат қилиш.
3. Сиз ҳатто шахсий манфаатни кўрмаганингизда ҳам, Худога итоат қилиш.
- 4. Ҳатто оғриқли бўлганда ҳам, Худога итоат қилиш.**

Муқаддас Китобдаги бизнинг асосий оятимиз Филиппиликларга 2:12, 13 га қайтиб, биз қўрқув ва титроқ билан нажотимизни амалга оширишимизни ўзимизга эслатамиз. Бизни *итоаткорликка* чорловчи бу сўзлардан деярли бироз олдин, Павлус намуна сифатида Исони кўрсатади. Бизнинг Раббимиз Ўзининг илоҳий имтиёзини Ўзидан ечди ва “У то ўлимгача, ҳатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди” (Филиппиликларга 2:8). Отасининг илтимоси улкан азоб-уқубатларни келтирган бўлсада, Исо унга бажонидил бўйсунди.

Хочга михланиш олдидан тунда Гетсемания боғида Исонинг жони кучли қайғуриб: “Менинг Отам! Агар иложи бўлса, бу коса Мени четлаб ўтсин, аммо Мен хоҳлагандек эмас, Сен хоҳлагандек бўлсин”, - деб ҳайқирди (Матто 26:39). Итоаткорлик ва ўз жонини сақлаб қолиш ўртасидаги зиддият шу қадар кучли бўлдики, Исонинг тери қон томчисидек бўлиб чиқди. Унинг “Ўзи ҳар нарсада биз каби васвасага солинди (гарчи У бунда гуноҳ қилмаган бўлс ҳам)” (Ибронийларга 4:15,

ВТИ). У ушбу барча даҳшатли азобларни олдиндан кўрди ва Отасининг иродасини бажариш учун Ундан бошқа йўлни сўраб ибодат қилди, аммо бу имконсиз эди. Бу даражадаги итоаткорликка нима ундайди?

“Исо Ўзининг ерлик ҳаёти даврида... кучли фарёд ҳамда кўз ёшлари билан ибодат қилди ва Ўзининг *эҳтироми* тўфайли Уни Худо эшитди” (Ибронийларга 5:7, ЯРТ).

Чуқур муқаддас кўрқув Унга инсоннинг кучи етмайдиган нарсага туриб беришига ва чидашига куч берди. Худди шу тарзда бизга айтилган:

“Шундай қилиб, Масих... Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан *қуролланинглар*. Чунки танаси билан азоб чеккан одам гуноҳ қилишдан тўхтайдди” (1-Петрус 4:1, ЯРТ).

Давом этишдан аввал, муҳим бир жиҳатга тўхталиб ўтишимга ижозат беринг. Сохта дин ўзи хизмат қилаётган худони рози қилиш учун бизнинг азоб чекишимизни излайди. Ҳақиқий масиҳийлик Худого итоаткорликни излайди ва мана шу жараёнда гуноҳкор дунёнинг қаршилигига учраб, бу кўпинча азоб-уқубатларга олиб келади. Худого синовларга интилиш эмас, балки айнан итоаткорлик маъқулдир. Азоблар жисмоний ёки жоний бўлиши мумкин; иккаласининг оғриғи ҳам энг ҳақиқий оғриқдир.

Петрус бизга *қуролланишимизни* насихат бермоқда. Урушга самолётлар, кемалар, танклар, автоматлар, ўқлар ва пичоқларсиз – қуролланмасдан бораётган қўшинни тасаввур қила оласизми? Бу ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгули кўринади. Азоб-уқубатларга тайёр бўлмаслик имонсиз одам учун худди шундай аҳмоқликдир, лекин кўпчилик худди шундай йўл тутмоқда. Қуролланмаган имонли ўзини сақлаб қолиш учун осонгина синовларни четлаб ўтиши мумкин. Раббийдан кўрқиш – мана бизни нима қуроллантиради; бу қандай азоб-уқубатларни олиб келса ҳам, у бизда Худого бўйсунуш учун чуқур қатъийликни қўллаб-қувватлайди.

Мен азоб-уқубатлар ҳақида бутун китобни тўлдиришга етадиган, шунчалар кўп ҳикояларни айтиб беришим мумкин эди. Бир ҳикоя 1990-йилларнинг бошларидаги хизмат билан боғлиқ сафарга тааллуқли. Биз Лиза ва фарзандларимиз билан яқиндагина чўпонидан айрилган жамоатда хизмат қилиш учун саҳро ўртасидаги кичик бир шаҳарчага келдик; чўпон бу жамоатни каттароқ жамоат сабабли ташлаб кетган.

Дастлабки бир неча учрашувлар қийин кечди; жамоат аъзоларининг

муҳим қисми қизиқиш билдирмади, охирги қаторларда ўтирган ёшлар ҳазил қилиб, кулиб ўтиришарди. Аммо учинчи учрашувда ёриб ўтиш содир бўлди. Таъсир чуқур бўлди; ҳатто ёшлар эртароқ келиб, биринчи қаторлардан жой эгаллашни бошладилар. Одамлар сони ошди ва йиғинлар бир неча ҳафталарга чўзилди. Биз ҳар куни оқшом кичик, одам лиқ тўла жамоат биносида йиғилар эдик, бу ерда бир неча киши нажот топди ва деярли ҳаммаси қайта туғилган эдилар.

Биз кўп ибодат қилдик ва шундан сўнг, жамоатни янги чўпон қабул қилишига тайёрлаш учун, бизга бу ерда исталган муддатга – бир неча ойга довури қолишни таклиф этишди. Аммо жамоат кенгаши аъзолари бу хусусида ҳеч қандай хурсандчилик билдиришмади, чунки бу уларнинг одатий турмуш тарзини ва ишларнинг боришини назоратини бузар эди. Бизни ҳайратга солган шикоятлардан бири шундан иборатки, ҳозир ёшларнинг биринчи қаторларни эгаллаши уларга ёқмаётган эди. Ҳеч қандай эътиборга арзимас бошқа таъналар ҳам бор эди. Натижада, улар бизнинг таклифимизга қарши овоз бериб, биздан кетишимизни сўрадилар.

Мен ўша оқшомнинг ўзидаёқ, жамоатга биз эртага охирги йиғинни ўтказишимизни эълон қилдим. Бутун зал бўйлаб, умидсизлик фарёди янгради; бу оғир, саросимага солувчи ва ноқулай лаҳза эди.

Эртаси куни жамоатга хотини бизнинг йиғинларимизга қатнайдиган бир дарғазаб киши қўнғироқ қилиб, бизнинг сўнги учрашувимиз чоғида жамоат биносини портлатиб юбориш билан тақдид қилди. Мен бу сўзларга кулиб қўйдим, кейин эса шу масала юзасидан менга полиция ходими қўнғироқ қилди.

Мен таажжубланиб жавоб бердим: “Шубҳасиз, бундай бўлиши мумкин эмас”.

Зобит жавоб берди: “Жаноб, мен бу одамни танийман. У йирик гиёҳванд моддалар сотувчиси бўлиб, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланишда гумон қилинмоқда ва мен агар у бироз ичиб олса, таҳдидини амалга оширишини истисно қилмайман”.

Мен саросимада ундан сўрадим: “Лекин сиз бизни ҳимоя билан таъминлайсизми?” Унинг: “Бизнинг бу шаҳарга яқин иш хонамиз бу ердан ўттиз беш мил узоқликда жойлашган. Менинг сменам соат олтида тугайди ва сизнинг олдингизга ҳеч ким кела олмайди, чунки бизда ходимлар етишмайди” деган жавобига зўрға ишондим.

Мен тушунолмай телефон гўшагини қўйдим ва янада кўпроқ саросимага тушдим. Менинг ақлим зудлик билан нарсаларни йиғиб, шаҳардан кетиш керак деб қичқирди. Биз жамоат аъзоларидан бирига тегишли бўлган икки ўринли трейлер уйчада яшардик, у далада жойлашган бўлиб, ҳужум қилиш учун бутунлай ҳимоя қилинмаган

эди. Биз ўзимизни ҳимоясиз ва рад этилган ҳис қилдик. Ўша оқшомга боришнинг нима кераги бор? Жамоат кенгаши бизни рад этди, биз шунчаки шаҳарни тарк этишимиз керак!

Мен фикрларим худбин эканини билар эдим; бир неча ҳафта қилган хизматимиз давомида кўпгина одамларга таъсир ўтказилган эди ва агар биз таҳдид тўфайли уларни муддатидан олдин тарк этсак, улар ўзларини яна рад этилган ҳис қиладилар. Қочиб кетиш – бу ҳам эҳтимол, қолган бутун ҳаётимизга таъсир қиладиган мурасага бориш билан бир хил эканини билар эдим. Мен ҳар доим Исонинг қуйидаги сўзлари ҳақида ўйладим: “Ёлланган одам эса чўпон эмас, қўйлар унинг ўзиники эмас. У келаётган бўрини кўриб қўйларни ташлаб қочади” (Юҳанно 10:12).

Биз бир неча соат ибодат қилдик. Менинг юрагимда Муқаддас Китобнинг ушбу ояти қайта ва қайта жарангларди, унда Худонинг ҳузурида яшайдиганлар – бу “ҳатто ўз зиёнига бўлсада, қасамни бўзмайдиган” кишилар экани айтилади (Сано 14:4, ЯРТ). Ваниҳоят, юракларимизда тинчлик ҳукм сурди ва биз хавфсизликда бўлишимизни ҳис қилдик. Ўша оқшом ажойиб йиғин бўлди. Бомба портлашлари бўлмади ва биз жамоат аъзолари билан муносиб тарзда хайрлаша олдик.

Биз Худонинг йўлларига қарши турувчи ва ҳатто, душман бўлган гуноҳкор дунёда яшаймиз. Мана нима учун қуйидагича ёзилган: “Чунки сизларга Масих ҳақи Унга ишонишгина эмас, балки У учун азоб чекиш ҳам берилган” (Филиппиликларга 1:29). Нафақат Павлус, балки Петрус ҳам шундай деб ёзади:

“Сизлар ана шунга даъват этилгансизлар. Чунки Масих ҳам биз учун азоб чекиб, бизга намуна қолдирди, токи биз Унинг изидан юрайлик. У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, Унинг оғзидан маккорлик сўзлари ҳам топилмаган эди. У ҳақорат қилинганида, ҳақорат билан жавоб қайтармади. У азоб чекканида, дўқ-пўписа қилмади, лекин Ўзини Ҳақ Ҳукмдорга топширди” (1-Петрус 2:21-23).

Биз қасос олишимиз керак эмас; аксинча бизга нисбатан бўлган ҳар қандай адолатсиз муносабатларни Худонинг қўлларига топширишимиз керак. Биз унга кўзимизни юмишимиз эмас, балки ибодатда ҳаммамиз Унга мурожаат қилишимиз керак. Худо биз учун қасос олади, аммо Ўзининг йўли билан ва Ўзининг вақтида қасос олади.

Шоҳликнинг қаҳрамонлари ўзларининг имони орқали буюк ғалабаларга эришдилар, аммо Худого итоат қилганликлари учун уларнинг устидан масхара қилишди, азоблашди, занжирбанд қилишди,

қийноққа солишди, қамоққа ташлашди, сахро бўйлаб сарсон-саргардон юришга, ғорларда яшашга ҳамда бошқа ноқулай ва оғриқли вазиятларни бошдан кечиришга мажбурлашди. Нима учун? Чунки улар Худонинг Шоҳлигига душман бўлган бузук дунёда яшаган (Ибронийларга 11:36-39 га қаранг). Уларнинг барчасида битта умумий нарса бор эди: улар ҳатто оғриқли бўлганда ҳам, муқаддас қўрқув тўғрисида итоаткорликдан юз ўгиришни рад этдилар. Аммо улар ўз ваъдасига ишончи комил эдилар: “Кўз ёши билан экканлар қувонч билан ўриб оладилар. Йиғи билан уруғ олиб борадиган одам бошоқларини кўтариб, қувонч билан қайтиб келади” (Сано 125:5, 6).

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Раббийдан қўрқишда мустаҳкам умид бор ва У Ўз ўғилларига паноҳдир.” (Ҳикматлар 14:26).

Маъноси. Раббийдан қўрқиш – бу ҳатто синовлар қаршисида ҳам, Худога бўйсунуш бўлган қатъий қароримизни сақлашимизга ёрдам беради.

Фикр юритиш. Мен ўзимни сақлаб қолиш учун Худонинг Каломига бўйсунмаяманми? Мен тавба қилиб, Раббийдан қўрқишни қабул қилишга тайёрманми? Бу менга молиявий, ижтимоий ва ҳатто жисмоний йўқотишларга тушса ҳам, мен севги ва итоаткорликни танлайманми?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен ўзимни ҳимоя қилиш учун Сенинг Сўзинга бўйсунушдан қочганим учун мени кечиргин. Мен нотўғри танлов қилганимни англайман – Сенинг ҳимоянг бенуқсон ва доимо сақланиб қолади; менинг ҳимоям вақтинча холос. Мана шу лаҳзадан бошлаб ва келажакда мен Раббийдан қўрқишни танлайман; бу менга қанчага тушишидан қатъий назар, менга бу Сенга итоат қилиш қатъий қарорини берсин. Сенинг кучинг учун раҳмат, Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Бу ҳатто мен шу билан бирга азоб чекишимни англамаса ҳам, мен Худога бўйсунуш учун муқаддас қўрқув билан қуролланганман. Мен жонимни адолатли ҳукм Қилувчининг қўлларига топшираман.

Оёқларинг юрадиган йўлни
пухта ўйла ва барча йўлларинг
мустаҳкам бўлсин.

– ҲИКМАТЛАР 4:26

27 | АМАЛГА ОШДИ

Мазкур бобнинг аввалида сизга бир савол беришимга ижозат этинг: ҳар қандай лойиҳани якунига етказмасдан туриб, унинг имкониятларини тўлиқ очиш мумкинми? Жавоб аниқ: йўқ. Раббимиз кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш жараёнида турган бўлиб, унинг моҳияти Шоҳликни қуришдан иборатдир. У бизнинг ҳар биримизга, якунланган бўлса-да, Унинг улуғвор Шоҳилигининг ишини якунлайдиган кичик лойиҳалар учун масъулият юклаган. Энди биз Худо Сўзининг қаршисида титрашнинг сўнги жиҳатига ўтар эканмиз, бу ҳақиқатни онгингизда сақланг. Биринчи тўрт жиҳатларни қайта санаб ўтиб, уларга охиригисини қўшамиз:

1. Худога дарҳол итоат қилиш.
2. Ҳатто бунда маъно бўлмаганда ҳам, Худога итоат қилиш.
3. Сиз ҳатто шахсий манфаатни кўрмаганингизда ҳам, Худога итоат қилиш.
4. Ҳатто бу оғриқли бўлса ҳам, Худога итоат қилиш.
5. **Охиригача Худога итоат қилиш.**

Исроилнинг биринчи подшоҳи Шоул – бу Худонинг Сўзи қаршисида титрашни бошидан кечирмаган одамнинг одатий намунасидир. Итоаткорлик маънога эга бўлмаганда, манфаат кўринмаганда ёки бу унинг эҳтиёжларига хизмат қилмаганда, у осонгина итоаткорликдан чекинди. У муқаддас кўрқувга эга бўлмагани тўғрисида бу кўпинча бошқа одамларга оғриқ ва зарар етказган, бу эса ҳар қандай шу каби хатти-ҳаракатларга хосдир.

Ҳар доим ҳам бундай бўлмаган. У подшоҳ бўлишидан олдин камтарин ва Худодан кўрқадиган ёш йигит бўлган – иккала фазилат ёнма-ён юради. Машҳур пайғамбар Шомуил уни қидириб топганда, у дарҳол шундай деди: “Нима учун сен менга эътибор бердинг?”

Мен Исроил қабилаларидан энг кичигиман ва менинг оилам қабиламиздаги барча оилалари орасида энг кичиги эмасми” (1-Шоҳлиқлар 9:21, муаллиф ифодаси). Кейинчалик бутун Исроил ким уларнинг биринчи подшоҳи бўлишини кўриш учун йиғилди. Узоқ давом этган жараёндан сўнг, илоҳий танлов Шоулга тушди, лекин бошлиқлар уни чақирганда, уни топа олмадилар; у хилват жойда яшириниб олган эди. У танилишни истамади (1-Шоҳлиқлар 10:20-24).

Муқаддас қўрқув унинг хазинаси эмаслиги маълум бўлди. Сулаймон билан ҳам бўлган ҳолатдагидек, у муваффақиятга, шухрат ва шоҳлиқнинг имтиёзларини қўлга киритганида, охир-оқибат муқаддас қўрқувни қолдирди. Кўпчилик одамларда, жумладан подшоҳ Шоулда ҳам, муқаддас қўрқув йўқолганининг биринчи белгилари сезилмайди. Ҳаммаси майда нарсаларни менсимасликдан бошланади, бу бизнинг виждонимиз борган сари нопок бўлиб боришига олиб келади. Оқибатда, янада муҳимроқ масалаларга дуч келиб, биз итоатсиз бўлиб қолганимизни англамаймиз.

Подшоҳ Шоул билан ҳам шундай эди. Муқаддас қўрқув йўқолганининг белгилари намоён бўла бошлади (1-Шоҳлиқлар 13:5-14 га қаранг), лекин шу билан бир вақтда унга ҳаддан ташқари муваффақият ҳамроҳ бўлиш билан ҳаммаси мураккаблашди (1-Шоҳлиқлар 14:47 га қаранг).

Орадан кўп вақт ўтмай, подшоҳга шундай деб буюрилди: “Энди бориб, Амолеқ халқини шикастла. Уларга қарашли ҳамма нарсани тамоман йўқ қилиб ташла, ҳеч нарсасини аяма. Эркак ва аёл, бола-ю чақа, ҳўкиздан тортиб қўйигача, тўясидан тортиб эшагигача ҳаммасини ўлдир” (1-Шоҳлиқлар 15:3). Раббий бу халқнинг нопок хатти-ҳаракатлари учун жазолашга тайёр эди.

Шоул икки юз ўн минг нафар аскарларни кўтарди. У ўз қўшини билан Амолеқ шоҳи Агаг ва энг яхши уй ҳайвонларидан ташқари барча одамларни ва барча уй ҳайвонларини ўлдирди (1-Шоҳлиқлар 15:7-9).

Келинг, яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Агар Шоул шундай катта қўшинни тўплаган бўлса, амолеқ халқининг камида чорак миллион фуқаролари бор эди, шунинг учун, аслида, улар 249 999 кишини ўлдирдилар. Подшоҳ қилиши керак бўлган ишнинг 99,99 фоизини бажарни, лекин унинг *деярли* тўлиқ итоаткорлигига нисбатан Худонинг жавобига эътибор беринг:

“Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман, чунки у Мендан юз ўғирди ва Менинг сўзимни *бажо келтирмади*” (1-Шоҳлиқлар 15:11).

Шомуил ушбу сўзлар билан подшоҳга мурожаат қилиб, тўғри-

дан-тўғри унинг хатти-ҳаракатини *исён* деб атамоқда (1-Шоҳлиқлар 15:23 га қаранг, инглизча таржимадан). Шоул *гуноҳ қилганига* шубҳа йўқ. Келинг, бироз тўхтаб, гуноҳ тўғрисида гаплашайлик. Ҳаворий Юҳанно гуноҳ – бу қонунбузарлик деб айтади (1-Юҳанно 3:4 га қаранг). Унинг гуноҳга таърифини қўйидагича ифодалаш мумкин: *гуноҳ – бу Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликдир*. Қўйидаги нуқтаи назардан қаранг: Одам Ато боғда ўзини фоҳиша билан тўшакка отмади, банкни ўмармади ва ҳеч кимни ўлдирмади. У шунчаки Худо айтган нарсага бўйсунмади. Худди шу тарзда, Шоул Худо унга қилишни айтган нарсага *тўлиқ* бўйсунмасликка қарор қилди.

Келинг, янада чуқурроқ шўнғиймиз. Шоулга жангга бориши айтилганда, у депсиниб: “Ҳеч қачон! Мен буни қилмоқчи эмасман!” – демади. Кўпчилик бундай хатти-ҳаракатни бўйсунмаслик деб баҳолаш мумкинлигига рози бўлади. У бу амрни эътиборсиз қолдирмади ва бошқа шахсий саволлар билан ўзини уринтирмади. Ушбу ҳолатда кўпчилик одамлар: “У итоаткорликни биринчи ўринга қўймасдан, ўз мулоҳазаларида адашди” – деб айтган бўлар эдилар. Лекин камдан-кам одам “исён” сўзини ишлатган бўларди.

Шу сингари кўпчилик у ўз вазифасини 99,99 фоизга бажариб, яхши йўл тутганини тасдиқлайди ва жуда камчилик инсонлар унинг хатти-ҳаракатини *исён* деб баҳолайдилар. Агар биз Шоулнинг ўрнида бўлиб қолиб, бундай тузатишни олганимизда эди, кўпчилигимиз норози бўлиб дердик: “Наҳотки! Мулоҳазали бўлинг! Нима учун сизлар мен эришган барча нарсаларни эътироф этишнинг ўрнига, мен қилмаган кичкина нарсага эътибор қаратиб қолдингиз?” Шу нуқтаи назардан, қўйидаги ҳақиқатга келиш керак: *деярли тўлиқ* итоаткорлик – асло итоаткорлик эмас.

Келинг, нима учун бундай кучли сўзлар ишлатилганини тушуниб оламиз. Биринчидан, ўша кунларда агар сиз бошқа халқни мағлуб қилган подшоҳ бўлганингизда ва шу билан бирга унинг подшоҳини тириклайин ушлаганингизда эди, бу ўз саройингизда тирик ўлжага эга бўлишни англатарди. Бу нафақат сизнинг менингиз учун, балки саройингизга кирган ҳар бир киши учун сизнинг ҳукмронлигингизнинг улғуворлиги ҳақида доимий эслатма бўлиб хизмат қиларди.

Иккинчидан, энг сара ҳайвонларни қолдиришнинг нима кераги бор? Бу саволга жавоб беришдан олдин, келинг, буни бироз қийинлаштирсак. Шоул энг сара ҳайвонларни Раббийга келтириш учун уларни тирик қолдиришга рухсат берди. Пайғамбарга қарата айтилган бу таънага эътибор беринг: “сенинг Раббий Худойингга қурбонлик қилиш учун қўй, сигирларнинг энг сараларини халқ аяб, сақлаб қолди” (1-Шоҳлиқлар 15:15). У буни нима учун қилди? Балки у ўз халқининг

илтифотини қозониш учун шундай қилгандир? Бу Раббий Худони тан оладиган халқдир. Жангчилар, руҳонийлар ва халқнинг қарашлари ҳақида ўйлаб кўринг; шубҳасиз, улар бир-бирларига: “Бизнинг шундай диёнатли подшоҳимиз бор, Худони ҳар доим биринчи ўринга қўяди, Худога энг яхшиларини беради” – дейишган. Одамлар дастлабки бўйруқ, бутунлай ҳамма нарсани йўқ қилиб ташлаш бўлганини билмас эдилар. Аслида, Шоул ўз обрўсини сақлаб қолишни истади. Унинг хатти-ҳаракатлари ортида турган мақсад одамлар олдидаги қўрқув бўлган. Шоул ўзига ишончи комил эмас эди.

Бугунги кунда замонавий дунёда кўпгина одамлар, ўзига ишончи комил бўлмаган одамларга нисбатан ҳамдардликни ҳис қиладилар. Бироқ ўзига ишончи комил бўлмаслик ортида ҳатто, бўйсунмаслик эвазига бизнинг қабул қилиниш, севилиш ва ҳурматга сазовор бўлиш истагимиз туради. Бундай кишилар Яратувчимиз томонидан қанчалар чуқур қабул қилинганимиз ва севилганимизни англаб етишмайди. Ишончи комил бўлмасликни ўз номи билан аташ зарур: хавфли тузоқ.

Шоул муқаддас қўрқув йўқлиги тўфайли амрни бажармади. Келинг, Исога ва Унинг биз учун намунасига қайтамыз. У рад этилишга, шармандаликка, нафратга, тинка-мадорни қуритувчи қаршилиқларга, жисмоний калтакланишга ва даҳшатли хочга дуч келди. Маъбад соқчилари қўлга олиш учун келганларида, Унинг шогирдлари бунга халақит бериб, Исони ҳимоя қилишга уриндилар, бироқ У шундай жавоб берди:

“Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қила олмайманми ва У Менга ўн икки легиондан ортиқ фаришталарни юбормайдими? У ҳолда, буларнинг содир бўлмоғи кераклиги ҳақидаги Ёзув қандай бажо бўлади?” (Матто 26:53, 54).

Охиригача итоат қилиш Исо учун биринчи даражали бўлган.

Мактабда юқори синф ўқувчиси бўлганимда, имонли эмас эдим, аммо кийиниш хонамизда эътиборимни тортган бир плакат осилиб турарди. Мен уни ҳар куни баскетбол машғулотида сўнг кўрар эдим. Унда бошини қўйи солган ҳолда ўтирган спортчи тасвирланган ва унинг тагида: “Мен таслим бўламан” деган ёзув бор эди. Ушбу расм остида хочга осилган Исонинг сурати ва унинг тагида “Мен таслим бўлмадим” – деган сўзлар билан расм бор эди.

Бу ўшанда, имонсиз бўлган менда ўчмас таассурот қолдирди. Исо ушбу даҳшатли қийноқлар ва азобли ўлимдан қутулиб қолиши мумкинлигини, аммо У ниҳоят: “Амалга ошди” – деб айтмагунича итоаткор бўлишга қарор қилганини англаганимда, энди бу мен учун катта эътиборга эга бўлди. У Худо бизга ишонган барча нарсани

охирига етказиш учун тўлиқ итоат қилишнинг намунасини кўрсатди.

Биз энди шогирдлари уларнинг имонини ўстиришини сўраганларида, шогирдларига айтган Унинг насиҳатларини яхшироқ тушунишимиз мумкин:

“Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан кейин: “Бизлар арзимайдиган қуллармиз, чунки қилишимиз керак бўлган ишни қилдик”, – денглар” (Луқо 17:10).

Унинг “ҳамма иш” жумласи бутунлай янги маъно касб этади. Келинг, доимо охиригача бўйсунайлик.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Исога кўз узмасдан қарайлик. Бизнинг имонимиз бошдан охиригача Унга боғлиқдир. У келажакдаги қувонч учун шармандаликни писанд қилмай, хочдаги ўлимга чидади ва ҳозир Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди. Гуноҳкорлар томонидан шундай адоватни бошдан кечирган Исо ҳақида фикр юритинг ва бу сизга жонингиз ҳолсизланиб қолмаслигига ва руҳнинг ҳузурини йўқотмаслигингизга ёрдам беради” (Ибронийларга 12:2, 3, ЯРТ).

Маъноси. Деярли тўлиқ итоаткорлик – бу асло итоаткорлик эмас. Исо бизга, Худо нимани ишониб топширмасин, ҳамма нарсада охиригача қандай тўлиқ итоат қилиш намунасини берди.

Фикр юритиш. Мен Худонинг Каломига итоат қилишдан бошлаб, лекин ўйин-кулгулар, завқланишлар, қаршилиқ, бошқаларнинг маъқулламаслиги ёки яна қандайдир бахтсизликлар мени чекинишга ва ишни охиригача олиб бормасликка мажбур қилишига руҳсат бердимми? Буни қандай ўзгартириш мумкин?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен Сенинг амрларингга итоат этишни бошлаб, лекин бепарволик туфайли ёки бунда ўзим учун ҳеч қандай манфаатни кўрмаганим учун фикримдан қайтганим туфайли охиригача етказмаганим учун мени кечиришингни сўрайман. Мендаги муқаддас қўрқувнинг етишмаслигига тавба қиламан ва Сендан кечиришингни сўрайман. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худонинг Сўзига охиригача бўйсунитишни танлайман.

Одамлар Худодан қўрқишни
тўхтатганда, улар иккиланмасдан
Унинг қонунларини бузадилар.
Худодан қўрқиш бўлмаганда,
оқибатлардан қўрқиш одамни
тўхтатиб қолмайди.

– А. У. ТОЗЕР

28 | ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ВИЖДОННИНГ ОВОЗИНИ ЎЧИРИШ

Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, муқаддас қўрқув йўқолганининг биринчи белгилари зўрға сезилади, улар шу қадар аҳамиятсизки, биз ушбу муҳим жиҳатга батафсилроқ тўхталиб ўтишимиз жоиз. Сиз қаршингизда шубҳали нарсани қилиш имкониятини кўргангизда, ҳеч ички огоҳлантирилишни бошдан кечирганмисиз? Кўпгина одамлар бизни виждонимиз ҳимоя қилишини тушунади, бироқ кўпчилик виждонимизнинг поклиги ва кучи ўзгариши мумкинлигини англамайдилар.

Бизнинг виждонимиз – Худодан инъом бўлиб, уни зинҳор калтабинлик билан қабул қилиш мумкин эмас. Бу *юрагимизнинг* ажралмас қисми бўлиб, унинг сезгирлиги муқаддас қўрқув билан мустаҳкамланади ва аксинча, қўрқув йўқлигида у ўтмаслашади. Бизга огоҳлантириш берилган: “Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ *юрагингни* асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир” (Ҳикматлар 4:23).

Ёшим ўттиздан ошганида, машҳур бир хизматчи у билан тушлик қилишга таклиф қилди. Тушлик қилаётганимизда, у мендан: “Жон, кўплаб бошқа етакчилар йўлиққан қулашдан ўзимни қандай сақлашим мумкин?” – деб сўради.

Томоғимга нарса тиқилиб қолишига оз колди. Нимага у менга бунақа савол беряпти? Мен ёш эдим, у эса мен нажот топганимдан кўра кўпроқ вақт хизматда эди. Лекин жавоб беришдан қочишнинг

ўрнига, мен ичимга назар солиб, секингина: “Муқаддас Рух, унга нима деб жавоб берай?” – деб сўрадим.

Деярли шу заҳоти мен эшитдим: “У виждонини ўзида бор бўлган энг қадрли нарса сифатида эҳтиёт қилишини унга айт”.

Мен эшитганимни айтдим, сўнгра менинг қалбимдан тўсатдан тахминан шундай сўзлар қуйилди: “Сизга катта имкониятларни таклиф қилишади, лекин сиз ичингизда уларнинг риёкор, инсофсиз, шубҳали ва бошқа одамларга зиён етказишга қодир эканликларини биласиз. Виждонингизнинг овозига қулоқ солинг; унинг огоҳлантиришларидан бўйин товламанг. Агар сиз уни эътиборга олмасангиз, Худога бўлган сезгирлигингизни йўқотасиз”.

Гарчи мен бу ҳақида илгари билмаган бўлсамда, “виждон” сўзи Муқаддас Ёзувда тез-тез кўриш мумкинлигини кейинги кунларда билиб олдим. Фақат Янги Аҳднинг ўзида уни чамаси ўттиз марта учратиш мумкин. Павлус Тимўтийга ёзмоқда:

“Масихдаги имонингни асраб, ўз виждонингни пок сақлагин. Зеро айримлар атайлаб ўз виждонини ўлдирдилар; натижада имон соҳасида кема ҳалокатига учрадилар” (1-Тимўтийга 1:19, инглизча таржимадан).

Кема ҳалокатига учраган имон – бу арзимас нарса эмас.

Кекса хизматчи билан тушлик Павлус айтган гапларнинг аҳамиятига кўзларимни очди. Бу нима учун кўпчилик ишни охирига етказмаслигини тасдиқлайди.

Ахир, Ёзув бизни ўз виждонимизни покликда “сақлаш”га ундаётган бўлса, демак у дастлаб яхши ҳолатда бўлганини англатади. Масихнинг қони бизнинг виждонимизни ювиб, тозалайди (1-Тимўтийга 3:9; Ибронийларга 9:9, 14). Бу юқоридан туғилишнинг энг буюк имтиёзларидан биридир. Пайғамбар Йермиях кўпинча нотўғри қўлланиладиган виждонимиз тўғрисида фикр билдиради. У: “Инсоннинг юраги барча нарсадан кўра айёрдир ва ниҳоятда бузуқдир. Ким уни била олади?” – дейди (17:9). У юқоридан туғилиб, Исоникига ўхшаш янги табиатга эга бўлганлар ҳақида гапирмаяпти. Эски Аҳддаги одамларда янги юрак йўқ эди. Лекин Худо уларга: “Мен сизларга янги юрак бераман ва сизнинг ичингизга янги руҳни соламан. Сизнинг танангиздан тош юракни олиб ташлайман ва сизга этли юрак бераман” – деб ваъда қилган (Эзекил 36:26). Бу Исо бизнинг табиатимизни қайта сотиб олиб, бизга Ўзиникини берганда содир бўлди.

Масихда янги одамга айланиш мўъжизаси туфайли биз ишончли

виждонга эгамиз. Олдимизда уни пок сақлаш учун ҳаракат қилиш турибди. Шунинг учун биз энди шундай деб сўрашимиз керак: биз уни қандай булғаймиз? Тўлиқ бузилиш бир сонияда содир бўлмайди, кўпинча у майда нарсалардан бошланади ва оқибатда, чора кўрилмаса, ҳалокат билан тугайди. Ёқуб бизга барпо қилиш учун қуйидагича ёзади:

“Шу билан бирга фақат сўзнинг тингловчиларигина эмас, балки *уни бажарувчилари* бўлинглар, акс ҳолда, сиз шунчаки ўзингизни алдайсиз” (Ёқуб 1:22, ЯРТ).

Биз яна итоаткорлик мавзусига юзма-юз дуч келамиз. Биз муқаддас қўрқув – бу ҳатто у маънога эга бўлмаганда ҳам, фойда аниқ кўринмаганида ҳам ёки оғриқли бўлганда ҳам, дарҳол ва тўлиқ бўйсунуш эканини батафсил муҳокама қилиб, далиллар келтирдик. Бундай йўл тутадиган одам ўз-ўзини алдай олмайди.

Келинг, фурсатни қўлдан бой бермаслик учун бир оз тўхтаб оламиз. Албатта, таниш одамларни, ҳатто яқин дўстлар ва қариндошларни алдаш мумкин, лекин ўзини алдаш бутунлай бошқа масаладир. Аслида, биз бўйсунмаганимизда, биз *ўзимизни алдаймиз*. Биз ҳақиқат ҳимоясини заифлаштирамиз ва бизнинг ахлоқий йўналишни белгиловчи ҳиссиётимиз хавф остида қолади. Биз хавф остида эканимизни камроқ англаб етамиз.

Келинг, бу жараённинг тахминий мисолини келтирамиз. Сиз бирор марта кимгадир тўхмат қилганмисиз? Сиз буни қилган пайтда, эҳтимол, сиз худди ичингизга пичоқ санчилгандек ҳисни бошдан кечиргансиз; бу сизнинг виждонингизнинг овозидир. Умид қиламанки, сиз эшитиб, тавба қилгансиз ва дарҳол сўзларингизни қайтариб олгансиз. Бироқ кўпинча шундай бўладики, биз ўз хатти-ҳаракатимизни оқлаймиз. Кейинги далиллар тухминан шундай жаранглаши мумкин: *“Мен айтган нарса тўғри!”* Афсуски, бизнинг хато хулосаларимиз устун келади ва биз ички огоҳлантиришни эътиборсиз қолдириб, бу фикрни ушлаб оламиз. Биз булғаниш жараёнини шундай бошладик; виждонимизнинг сезгирлиги заифлашди.

Кейинги сафар биз бошқага қарши гапирганимизда, ўзимизда худди ичимизга пичоқ санчгандек ҳис қилмаймиз, энди биз худди қаттиқ укол олгандек туюлади. Бизнинг виждонимиз яна гапирди, лекин бу сафар унчалик таниш бўлмаган овозда. Энди ички зиддият унчалик кескин эмас; бу огоҳлантиришга эътибор бермаслик ва ўз сўзларимизни оқлаш осонроқдир. Шундай бўлса-да, биз ўз

юрагимизни янада кўпроқ ифлос қилдик ва виждонимизнинг сезгирлиги янада кўпроқ пасайди.

Биз яна бир бор кимгадир қарши гапирганимизда, биз энди қаттиқ уколни ҳис қилмаймиз, бу энди зўрға илғанадиган шунчаки тешишдир. Биз ўзимизни далил-исботлар билан тинчлантиришимиз унчалик шарт бўлмайди, чунки виждонимизнинг овози жуда паст бўлиб қолди. Энди ўз хатти-ҳаракатимизни оқлаш янада осондир. Виждонимизнинг сезгирлиги янада кўпроқ заифлашди.

Ваниҳоят, биз бутунлай ҳеч нимани ҳис қилмаймиз. Бизнинг виждонимиз чандиқ бўлиб битди. Биз кўр бўлиб қолиб, ҳар қандай сезгирлик ҳиссини йўқотдик. Биз ахлоқий йўналишимизни йўқотдик ва имонимизнинг ҳалокати муқаррар бўлиб қолди. Аслида, биз ўзимизни алдадик.

Оддий тавба – яъни онг ва юракни бутунлай ўзгартириш орқали буларнинг барчасини олдини олиш мумкин эди. Бу бизнинг донолигимиз беҳуда эканини тан олганимизда ва Худонинг донолигини тўлиқ қабул қилганимизда содир бўлади. “Ўз гуноҳларини яширадиган одам муваффақият қозонмайди, аммо уларни эътироф этиб, тарк этадиган шафқатга эришади” (Ҳикматлар 28:13).

Бу жараённинг ҳар қандай босқичида раҳм-шафқат ва тикланиш содир бўлиши мумкин, аммо муқаддас қўрқувнинг йўқлиги бизнинг муносабатимизни кечиктиради. Бизнинг юрагимиз виждонимизнинг эътиқодларига нисбатан таъсирчанлиги камайиб кетгани сабабли, биз ўзимизни хавф остига қўямиз.

Доно одам доимо ўз виждонининг огоҳлантиришига тезда тавба билан жавоб қайтаради; у сусткашлик хавфли эканини билади.

Муқаддас Китоб тарихида бўлганидек, бизнинг кунларимизда ҳам виждонининг овозига қулоқ солишга шошилмаётган одамлар кўп. Бунини “рус рулети” ўйини билан таққослаш мумкин. Сиз кема ҳалокатидан қочиб қутулишингиз мумкин, лекин сизнинг ҳис-туйғуларингиз гапиришни тўхтатганида, чегарани бузганингизни қандай биласиз? “Агар мени яна бир марта эътиборсиз қолдирсанг, мен жим бўламан” – деб огоҳлантирувчи овоз йўқолди. Павлус аччиқ қайғуриб, шундай дейди:

“Рух аниқ айтяптики, охириги замонларда баъзилар алдовчи руҳларга ва жинларнинг таълимотига қулоқ солиб, имондан қайтадилар. Бу алдовчиларнинг *виждони* гўё қизиган темир билан *куйдирилган* бўлиб, риёкорлик билан ёлғон сўзлайдилар” (1-Тимўтий 4:1, 2).

Инсоннинг куйган териси ҳар қандай сезувчанликни йўқотади. Бизнинг виждонимиз ҳам худди шундайдир. Энди биз ҳеч қандай ҳукмларсиз, ўзимизнинг ким эканлигимизнинг аксини кўрсатамиз. Ҳананияҳ, Сапфира, шоҳ Шоул ва бошқа кўпгина одамлар билан мана нима содир бўлди.

Куйдирилган юракнинг бошқа оқибати шундан иборатки, у ҳамма нарсани ўз ичида ёпади. Агар гўшт оловда қовурилса, бу ундан сув оқиб чиқишига йўл қўймайди. Павлус: “Мен Масихда ҳақиқатни айтаяпман ва ёлғон гапирмаяпман, менинг *виждоним* ҳам Муқаддас Рухда менга гувоҳлик беряпти” – деб ёзади (Римликларга 9:1). Агар имонли ўз виждонини куйдирса, демак, у Муқаддас Рух билан ортиқ мулоқот қила олмайди. Қовурилган гўшtdан оқиб чиқа олмаган сувга ўхшаб, унинг гувоҳлиги ҳам жонларни қўлга кирита олмайди. У ҳаётий кўрсатмаларсиз қолади. Унинг йўли ҳалокатга олиб боради.

Охирида Павлуснинг кўп сонли фикрларидан бир жуфтини тингланг: “Эркак ва биродарлар! Мен шу кунга қадар Худо олдида пок *виждон* билан яшаганман” (Ҳаворийлар 23:1), “Шунинг учун ҳам, Худо ва инсонларга нисбатан айбсиз виждонга эга бўлишга ҳаракат қиламан” (Ҳаворийлар 24:16). Шундай қилиб, келинг, юракларимизни сидқидилдан эҳтиёт қилайлик.

Бунини шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Шундай қилиб, чин юракдан, имон тўлиқлигида, юракларимизни пуркаш орқали ёмон виждондан поклаб, танамизни тоза сув билан ювиб Худога яқинлашайлик (Ибронийларга 10:22, ЯРТ).

Маъноси. Бизнинг виждонимизнинг поклиги ва кучини ўзгартириш мумкин. бизнинг сезувчанлигимиз муқаддас қўрқув билан мустаҳкамланади ва аксинча, унинг йўқлигидан ўтмаслашади.

Фикр юритиш. Бизнинг виждонимиз Исо Масихнинг қони билан тозаланган. Қандай руҳий машғулот пок виждонни сақлаб қолишимда менга ёрдам беради?

Ибодат. Қадрли Самовий Ота, мен ўз виждонимни эътиборсиз қолдириб, унга қарши ҳаракат қилган ҳолатлар учун кечирим сўрайман. Уни астойдил эҳтиёт қилмаганимдан афсусдаман. Мени Исонинг қони билан поклашингни Сендан сўрайман. Менда

пок, мулойим ҳамда Сенинг овозингга ва бошқарувингга сезгир бўлган виждонни тиклагин. Мен ҳамма нарсада Сенга итоат қилишга илдам бўлайин. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен юрагимни тиришқоқлик билан ҳимоя қиламан ва виждонимнинг бошқаруви ва овозига ҳушёрлик билан қулоқ соламан.

ХУДО БИЛАН ЯҚИНЛИК

5-ҲАФТА

Мен Худони ҳар доим иккинчи
қўллардан эшитишга кўнишга
мажбур бўлганимдан кўра,
вазиятлар қанчалик қийин
бўлишидан қатъий назар,
яхшиси Худонинг овозини
шахсан эшитиш учун нарх
тўлайман.

– ЖОЙ ДОУСОН

29 | ЯҚИНЛИК ҚАЕРДА БОШЛАНАДИ

Муқаддас қўрқув Худонинг шўҳратини тушуниб етганимиз сайин бизда ўсиб боради, у бизнинг ниятларимизни тозалайди, бизни одамлар олдидаги қўрқувдан халос қилади ва бизнинг ҳаётимизда ҳақиқий муқаддасликни келтириб чиқаради. Муқаддас қўрқувнинг намоён бўлиши – бу биз сабаб ёки манфаатни кўришимиздан ёки бу қанчалик оғриқли эканини тушунишимиздан қатъий назар, Худога дарҳол ва тўлиқ итоат қилишдир.

Энди, бу ҳақда билганимиздан сўнг, биз ушбу ноёб инъомнинг афзалликларини муҳоама қилишга ўтишимиз мумкин ва биз ушбу бўлимда шўҳбасиз, барча эзгуликларнинг энг буюги ҳисобланган – Худо билан яқинликка (ёки ички муносабатларга) эътиборимизни қаратамиз.

Интим сўзи иккита латинча сўздан иборат: *intus* – “ички” ва *intimus* – “чуқур, махфий” деган маънони англатади. Биз ушбу икки сўзни бирлаштириб, “чуқур сирлар” сўз бирикмасини оламиз. Бу *интимлик* маъносидаги яқинлик тўғрисида, яъни, сиз шахсан, лекин унчалик яхши билмайдиган одам билан шунчаки танишишдан кўра, анча чуқурроқ даражадаги икки яқин дўстлар ўртасидаги, жоний алоқалар ҳақида яхши тасаввурни беради.

Яқиндан танишиш – бу икки томонлама ҳаракатли кўчадир; иккала томон ҳам бир-бирининг яширин истак ва фикрлари ҳақида билишлари керак. Худо билан яқинлик муносабатларда Унинг ҳам, бизнинг ҳам нуқтаи назаримизни кўздан кечирамиз ва Унинг нуқтаи назаридан бошлаймиз. Довуд шундай деб ёзади:

“Ё, Раббий! Сен мени синадинг ва билиб олдинг” (Сано 138:1).

Синадинг сўзи иврит тилида “хакар” бўлиб, “тадқиқ қилмоқ, аниқламоқ, маълум қилмоқ” деган маъноларни англатади. Бу бошқа одам билан яқин муносабатлар учун зарур шарт-шароитларни мукаммал тасвирлайди. Оғирлик қилмайдиган, балки қувонтирадиган вақт ва куч инсоннинг ички фикр ҳамда ниятларини ўрганишга бағишланади.

Мен Лиза билан никоҳимдаги яқин муносабатлардан завқланаман. Биз турмуш қурганимизда, унинг истаклари, интилишлари, қизиқишлари нима эканини ёки мисол учун, нима унда жирканиш ҳиссини қўзғатишини унчалик яхши билмас эдим. Уни таниш (мен бунга катта мамнуният билан қилдим) ҳамда унинг яширин фикр ва истакларини билиш учун менга бироз вақт зарур бўлди. Оддий қилиб айтганда, ўз турмуш ўртоғи билан яқин одамга айланиш учун аниқ бир мақсадга қаратилган ақлий, ҳиссий ва жисмоний куч талаб этилади.

Юқорида келтирилган оятда бизни қизиқтирган кейинги сўз – *билиб олдинг* сўзидир. Иврит тилида бу сўз “йада” дир. Эски Аҳдда бу сўз кўпинча яқинлик маъносини етказиш учун ишлатилади. Масалан, Ибтидода (4:1) шундай дейилган: “Одам Ато ўз хотини Ҳаввани (Момо Ҳавони) таниб-билгач [йада], у ҳомиладор бўлди”. Муқаддас Рух ердаги икки одам ўртасидаги энг юқори яқинликни кўрсатиш учун “йада” сўзидан фойдаланмоқда. Аслини олганда, Довуд: “Раббий, Сен мени жуда чуқур билиб олдинг” – демоқда.

Довуд иккала “хакар” ва “йада” сўзларини ишлатиб, Худо ким билан яқин муносабатларга ташна бўлса, барчасининг яширин истаклари ва фикрларини, У қандай излаши ва англаб етиши ҳақидаги ёрқин тимсолни бизга бермоқда. Яна Лиза билан муносабатларимиз ҳақида гапирганда, шунга айтишим мумкинки, энди биргаликда ўтказган йиллардан сўнг, мен у ҳақида жуда кўп нарсаларни биламан. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, нафақат унинг яширин истакларини, балки унинг одатлари, маълум бир вазиятларга муносабатини, бўш вақтида нима қилишни афзал кўришини, нималар устида ишлашни ёқтиришини ҳам биламан ва бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Худди шундай, Довуд ҳам батафсил қуйидагини тасвирлайди:

“Ўтириб-туришимни Сен биласан, менинг ниятларимни узоқдан англайсан. Юришим-у ётишимда Сен мени қуршагансан, менинг барча йўлларим Сенга маълумдир. Сўз ҳали тилимдан чиқмасидан, Сен, ё, Раббий, уни мукаммал биласан” (Сано 138:2-4).

Худо биз ҳақимизда инсон тушунчасидан юқори бўлган энг яқин

тафсилотларни билади. Худо тадқиқ қилиш (хакар) йўли билан Довудни ўрганиш, қидириб-топиш учун куч сарфлади ва У бизга нисбатан ҳам худди шундай қилади, бироқ мен Лиза билан сўнги қирқ йил давомидаги ўрганишларимдан, анча юқорироқ даражада ўрганади. Боз устига, бор-йўғи бир нечта оятлардан сўнг, алоҳида ҳар биримиз ҳақимиздаги, Худонинг фикрларининг сони ер юзидаги барча қум заррачаларидан ҳам кўп эканлиги ҳақидаги ҳайратга солувчи фикрга яқинлашамиз (18-оят). Агар мен қирқ йил давомида ҳар ўн икки сонияда Лизанинг ўзига хос хусусиятлари, хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари ва унга ёқмайдиган нарсалар ҳақида ўйлаб кўрганимда ва ҳар бир фикрга биттадан қум заррачаси қўшиб борганимда, улар пойабзал қутидан кўп йиғилмаган бўлар эди! Ҳар биримиз ҳақидаги Худонинг фикрлари *сайёрадаги* барча қум заррачаларининг сонидан ошиб кетади ва У ҳеч қачон бўрттириб гапирмайди, акс ҳолда бу ёлғон бўлар эди, Худо эса алдай олмайди. Бу ажойиб! Энди сиз Унинг биз ҳақимиздаги ҳамма нарсани билиш иштиёқини фаҳмлай бошладингизми?

У бизнинг ҳар биримиз билан яқин бўлишга жуда ташнадир. Ҳақиқий яқинлик, бир томон эмас, балки *иккала* томон ҳам бир-бирини яхши билганларида юзага келишини таъкидлашимга ижозат беринг. У бизнинг яширин фикрларимизни ўрганганидек, биз ҳам чинакам яқинликни ривожлантиришни иштиёқ билан қидиришимиз лозим. Мусо бундай даражадаги ўзаро муносабатларга интилиб, чорлайди:

“Сен менга: “Мен сени исмингдан биламан [йада] ва сен Менинг нигоҳимда илтифот топдинг”, – дединг... Шунинг учун агар мен Сенинг нигоҳингда илтифот топган бўлсам, илтижо қиламан: Менга Ўз йўлингни очгин, токи Сенинг нигоҳингда илтифот топишим учун Сени чуқур билайин [йада]” (Чиқиш 33:12, 13).

Худо шунчаки кўплаб одамлар орасида бизни рақам бўйича *билмайди*; У бизни шахсан, алоҳида, исмимиз билан билади. Юқорида келтирилган оятда, Мусо бу ўзаро бўлишини хоҳлаётганини кўрамыз; унинг жўшқин истаги Худони таниб-билишда олға боришдан иборатдир. У нафақат Худо уни чуқур билишини, балки Мусо ҳам Худони чуқур билиш учун ўзаро яқин муносабатларни истайди. Бизчи? Бизга: “Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади” – деб айтилган (Ёқуб 4:8).

Барча юқорида айтиб ўтилганлардан сўнг, мен ўйлайманки, энди сиз йўқ деган чорловни, Худонинг юрагидан чиқувчи фарёдни эшитасиз. У лаҳза сайин кучайиб бораверади: “Мен билан яқин бўлишинг мумкин бўлган бир пайтда, нима учун сен масофа сақлаяпсан?” Аслини

олганда, биз Худо билан яқинлигимиз даражасини ўзимиз белгилашимиздан хабардор қиладилар. Буни янада оддийроқ сўзлар билан айтишимга ижозат этинг: сиз Худо билан қанчалар яқин бўлишингизни Худо эмас, балки ўзингиз белгилайсиз! Шундай қилиб, буларнинг барчасида Худодан қўрқиш қандай ролни ўйнайди? Муқаддас Китобда ёзилган:

“Таниб-билишнинг боши – Раббидан қўрқишдир” (Ҳикматлар 1:7, инглизча таржимадан).

Нимани таниб-билиш? Муаллиф қайси билимлар ҳақида гапирмоқда – тиббий, илмий, тарихий ёки бошқа турдаги академик билимлар ҳақидами? Кўплаб университетлар бундай билимларга тўла, шундай бўлса-да, уларда Худодан қўрқиш кам ёки умуман йўқ. Бу ижтимоий ва сиёсий билимларга тегишлими? Йўқ, дунёвий йўллар – Худо учун аҳмоқликдир. Унда бу Муқаддас Китобни таниб-билишми? Асло йўқ, чунки фарзийлар Муқаддас Ёзувни билиш соҳасида мутахассис эдилар, лекин улар Худодан қўрқмас ва Унга маъқул келмас эдилар. Жавоб қуйидаги сўзларда яширинган:

“Раббидан қўрққин ва сен Худони таниб-билишга эришасан” (Ҳикматлар 2:5, инглизча таржимадан).

“Муқаддас Китоб тиллари лўғати”нинг таърифига кўра таниб-билиш сўзи “у билан муносабатларга кучли шама қилиниб, инсон ҳақидаги маълумот”ни англатади. “Вайнанинг тўлиқ изоҳли лўғати”да бу сўз “У [Худо] ҳақида яқиндан фақат тажрибага асосланган билимларга эга бўлиш” деган маънони англатиши айтилади. Бошқача қилиб айтганда, ваъда *Раббидан қўрқиш – Худони яқиндан таниб-билишнинг бошланиши эканини айтади.*

Ҳақиқат шундай иборатки, биз Ундан қўрқмас эканмиз, биз ҳатто Худони яқин бўлган даражада таниб-билишни бошламаймиз ҳам – бу бошланғич нуқтадир. Агар сиз бошланғич нуқтадан йўлга чиқмасангиз, сиз бу йўлни босиб ўта олмайсиз. Агар мен юз метрлик югуришни старт берилган жойнинг эллигинчи метридан бошласам, мусобақада қатнашиб, югуришни якунлай олмайман. Худо билан муносабатларимизда ҳам худди шундай – муқаддас қўрқувсиз Уни муфассал таниб-билиш имконсиздир. Яхшиямки, Уни чуқур таниб-билиш учун У бизга йўл берди, лекин биз бу йўлдан юрамизми?

Ёдингизда бўлсин, Раббидан қўрқиш туфайли биз ёвузлик ва қонун-бузарликдан узоқлашамиз. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, энди Исонинг ҳукми кунда кўплаб одамлар ҳайратда қолишларини айтган башорати

ҳақида ўйлаб кўринг. Бу эркак ва аёллар Исони ўз Раббийи деб атайдилар, бироқ Исонинг уларга: “Мен сизларни ҳеч қачон *билганим* йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, *қонунбузарлик қилувчилар*” – деб айтганини эшитадилар (Матто 7:23). *Билганим* сўзи – юнончада “гинеско” бўлиб, иврит тилидаги “йада” билан бир хилдир. Исо муқаддас қўрқувга эга бўлмаганларга: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ” – дейди. Бу кейинги бобда биз ўрганадиган жиддий муаммони ифодалайди.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Менинг юзимни изланглар”, – деб айтганинда менинг юрагим Сенга деди: “Сенинг юзингни излайман, ё, Раббий!” (Сано 26:8).

Маъноси. Фақат бир томон эмас, балки иккала томон ҳам бир-бирини яхши билганларида, чинакам яқинлик юзага келади.

Фикр юритиш. Сизга ёнида бўлиш ёқадиган, севган кишингиз ҳақида ўйланг. У нимани ўйлаётганини ва ҳис қилаётганини сиз қанчалик сўзсиз яхши тушунасиз? Унинг турли вазиятларга муносабатини қанчалар яхши олдиндан пайқайсиз? Сиз буни беҳосдан билиб олдингизми ёки яқин дўстингизнинг истак-хоҳишлари ҳақида ўрганиб, фикр юритиш учун сизга вақт керак бўлдимми? Энди эса, Худонинг сиз ҳақингиздаги фикрларининг ҳисоби йўқлигини ўйлаб кўринг. Бу нимани англатади? Агар сиз яқин дўстингизнинг истаклари ва ҳис-туйғуларидан кўра кўпроқ, Худонинг истак ва ҳис-туйғуларини қидириб, улар ҳақида фикр юритсангиз нима содир бўлади?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен қабул қилган буюк таклифни: Сен билан яқинликка эга бўлиш таклифини эътиборсиз қолдирганимни тушунаман. Мен ниҳоятда кўп нарсалар менинг йўлимни тўсишига ва Сен билан бу яқинликни ривожлантириш вақтини ўғирлашига йўл қўйдим. Мен мамнуният билан вазиятни ўзгартиришга қарор қилман. Мен Муқаддас Китобни ўқиш, ибодат қилиш ва фикр юритиш учун очганимда, Сени чуқур яқинлик даражасида таниб-билишимга имкон бергин. Мен бу ҳақда Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. У мени таниб-билишни танлаганидек, худди шундай мен ҳам Исони чуқур таниб-билишга интилишни танлайман.

Одамга тўғри туюладиган йўллар
бор, лекин уларнинг охири
ўлимга олиб борадиган йўлдир.

– ҲИКМАТЛАР 16:25

30 | БУ БОШҚА ИСО

Кўп ҳолларда у ёки бу масалани яхшироқ тушуниб олиш учун биз билмоқчи бўлган нарсанинг тескарисига қараш фойдалидир. Шундай қилиб, Худо билан яқинлик мавзусини муҳокама қилишни давом эттиришдан олдин, келинг, унинг қарама-қарши томонини кўздан кечириб, қуйидаги воқеани мисол келтирамиз.

Мен етакчилар анжуманида сўзга чиқиш учун ҳозиргина Гавайига учиб келдим. Меҳмонхонадаги хонам ҳали тайёр эмас эди, шунинг учун бассейн бўйидаги соябон остида дам олиш учун жой топдим. Шундай бўлдики, бошқа анжуманда иштирок этиш учун келган тадбиркор аёл ҳам ўз хонасини кутаётган эди. Биз гаплашиб қолдик ва у менинг масиҳий муаллиф ва хизматчи эканимни билгани заҳоти, ўзининг Исо билан муносабатлари ҳақида батафсил айтишни бошлади.

Бир неча дақиқа ўтмасдан, у Исони билмаслиги маълум бўлди. У нимага *ишонишини* ишонч билан айтишда давом этди, лекин унинг айтганларидан бирортаси деярли Муқаддас Ёзувга мос келмасди. Мен жимгина Муқаддас Рухдан донолик сўрадим ва бир неча сония ичида У менга, унга нима дейишимни очди.

У гапини тугатгани заҳоти, мен сўрадим: “Бассейннинг нариги томонида ўтирган анави эркакни кўряпсизми?”

У юзида ҳайрат билан (аниқроғи, мавзу тўсатдан ўзгарганидан ҳайратланиб) жавоб бериб: “Кўряпман, нима бўпти?” – деди.

Мен унга бардам туриб: “Унинг исми Жим, у Калифорниянинг Фресно шаҳридан. У гуштсиз парҳезга қатъий риоя қилади ва сувда ўйналадиган тўп ўйини бўйича АҚШнинг жамоасига киришни орзу қолади. У бассейн ва машқ залида кунига уч соатдан шуғулланади. У пиклбол, парашютдан сакраш ва расм чизишга қизиқади. Жим жакузи ёнида турган анави аёлга уйланган; унинг исми Бет ва у эридан ўн ёш кичик”.

Мен уни қанчалик яхши билишимга қизиқиб, у мендан сўради: “У ҳам сизнинг анжуманингиз иштирокчисими?”

Мен тезда жавоб бериб: “Йўқ, хоним” – дедим.

Унинг қизиқиши кучайиб, яна сўради: “Унда сиз Жимни қаердан бунчалик яхши биласиз?”

Шунда мен қайрилиб, тўғри унинг кўзларига қарадим ва: “Биз у билан таниш эмасмиз” – дедим.

Унинг қиёфаси ўзгарди, юзида хавотир, балки, ҳатто, безовталик акс этди. Эҳтимол у шундай савол бергандир: мен бу одамни таъқиб қилмаяпманми ва шахсий махфий агент ва ҳатто, давлат агенти эмасманми?

Мен бир зум жим туриб, сўнгра ишонч билан дедим: “У шундай одам эканига *ишонаман*”.

У гапиролмай қолди.

Мен давом этдим: “Сиз ҳозиргина Исонинг қандай эканлигига бўлган имонингиз ҳақида катта ишонч билан гапирдингиз, лекин У ҳақида айтган деярли ҳамма гапингиз нотўғри; буларнинг барчаси Муқаддас Китоб ўргатадиган нарсаларнинг аксидир. Мен бунга биламан, чунки мен Уни биламан”. Бизнинг сўхбатимиз аёлнинг ташаббуси ила тугади, бироқ унинг ларзага тушгани кўриниб турарди.

Ҳаворий Павлус ўзи жуда ҳам севган жамоатга ҳайратланарли сўзларни айтди: “Агар кимдир келиб, биз воизлик қилгандан бошқа бир Исони воизлик қилганида эди, ёки сизлар олган Рухдан бошқа бир руҳни олганингизда эди, ёки қабул қилинган Қувончли хабардан бошқа бир хушxabарни қабул қилганингизда эди, унда сизлар буларнинг барчасига жуда ҳам чидаган бўлар эдингиз” (2-Коринфликларга 11:4, ЯРТ). У “бошқа бир худони” демаяпти, балки “бошқа бир Исони” деяпти. Шубҳасиз, улар Исога *ишонадилар*, аммо Уни *билмайдилар*. Нима учун? Улар ўзларига ёққан ҳамма нарсага ишонадилар ва шунинг учун ҳақиқий Исодан бегона бўлиб яшайдилар. Бунга қилиш қийин эмас; Раббий кўринмас, шунинг учун сиз Унинг табиатининг ўзингизнинг таъбингизга кўра ўзгартириб олишингиз мумкин.

Исроилликлар шунга ўхшаш тарзда йўл тутдилар. Мисрдан чиқиш – бу дунёдан нажот топишнинг тимсолидир. Ёзилганки: “Ҳаммалари <...> келажакда келаётган руҳий Қоятошдан ичдилар. Қоятош эса Масиҳ эди. Лекин Худо уларнинг кўпларига илтифот қилмади. (1-Коринфликларга 10:4, 5). Худо улардан норози эканининг кўплаб сабабларини келтириш мумкин, аммо ҳаммаси асосий бир мазмундан иборатдир: улар Худонинг Сўзига итоатсиздирлар – *уларда муқаддас кўрқув йўқ*.

Мусо қирқ кун тоғда бўлганида, ҳалқ билан қолган йўлбошчи

Ҳорун олтин бузоқни ясади. Биз бунга қараб: “Бутпарастлик!” – деб қичқирамиз. Ҳақиқатан тўғри, аммо Ҳорун ва бутун халқ бузоқни “элоҳим” деб атаганини кўпчилик тушунмайди. Бу сўз Эски Аҳдда 2606 марта учрайди. Бу сўз сохта ҳудоларни билдириши мумкин, аммо ўнтадан тўққизта ҳолатларда бу сўз Йахвеҳга – ягона ҳақиқий Худога тегишлидир. Мисол учун, Ибтидо китобининг биринчи бобида бу ўттиз икки марта учрайди. Муқаддас Китобнинг биринчи оятида шундай деб ёзилган: “Бошида *элоҳим* осмон ва ерни яратди”.

Улар бузоқни *элоҳим* – Қудратли Худо ёки *элоҳим* – сохта худо деб атаётганларини осонгина аниқлашимиз мумкин. Биз бунинг исботини Ҳорун бузоқни *Яхвеҳ* деб айтаётганида кўрамиз (Чиқиш 32:5 га қаранг). Бу бизнинг ягона ҳақиқий Худомизнинг муқаддас исми бўлиб, у бу ердан ташқари, Муқаддас Китобнинг бошқа ҳеч бир жойида сохта худонинг исми сифатида ишлатилмайди. Ҳорун ва халқ бузоқни *осирис*, *баал*, *исис* ёки яна қандайдир сохта худонинг исми билан атамаяпти. Улар: “Бизни Мисрдан олиб чиққан Яхвеҳ мана” – деб ҳайқирмоқда (Чиқиш 32:4, муаллиф ифодаси).

Улар қандай қилиб бунчалар адашишлари мумкин? Нима учун улар Мусони билганидек, ҳақиқий тирик Худони билишмади? Улар Унинг мўъжизаларини кўришди, улар Унинг булутли ва оловли устунига эргашдилар. Жавоб оддий. Бундан бир неча ой олдин Худо Ўзини таништириш учун тоққа тушиб келганида, улар ортга чекиниб, Мусога шундай деб бақирди: “Сен бориб, Раббий Худойимиз айтадиган гапларнинг барчасига қулоқ сол ва Раббий Худойимиз сенга айтадиган ҳамма гапларни бизларга айтиб бер, бизлар эса қулоқ соламиз ва бажарамиз” (Қонуннинг такрорланиши 5:27).

Мен Мусонинг ҳафсаласи бутунлай пир бўлганини тасаввур қилишим мумкин холос. У нима учун улар Худонинг ҳузурида бўлишни истамаётганликларини тушуна олмайди. Бу қандай шундай бўлиши мумкин? Хавотирга тушган Мусо жавоб олиш умидида Раббийга мурожаат қилади, бироқ Худонинг сўзлари Мусони аниқ ҳайратда қолдирди: “Мен бу халқнинг сенга айтган сўзларининг овозини эшитдим. Уларнинг барча айтган гаплари яхши” (Қонуннинг такрорланиши 5:28).

Мусо ҳайратда қолди. Эҳтимол, у шундай деб ўйлаган: “Бир дақиқа! Бу иш яхшими? “Қачондан бери бу йигитлар чиндан ҳам ҳақ бўлиб қолишди?” У Худога тахминан қуйидагича жавоб беришини тасаввур қиламан: “Нима учун улар Сенинг ҳузурига келиб, мен каби Сени яқиндан таниб-била олмайдилар?” Худо унга жавоб беради, аммо Унинг сўзлари юракни чилпарчин қилади:

“Эҳ, қани эди, уларнинг юраклари шундай бўлсаки, улар *Мендан қўрқсалар*” (Қонуннинг такрорланиши 5:29).

Худо қайғурмоқда. Улар муқаддас қўрқувда юрсалар эди, улар Унинг ҳузурига кела олган ва туғишган қариндошликни ҳис қилган бўлар эдилар. Бу ўз навбатида, уларга бўйсунушлари учун куч берган ҳамда уларга ва уларнинг фарзандларига эзгулик келтирган бўлар эди. Сўнгра Худо Мусога насиҳат берди:

“Бориб уларга: “Чодирларингизга қайтиб боринглар”, —деб айтгин. Сен эса Мен билан шу ерда қолгин ва Мен сенга... айтаман” (Қонуннинг такрорланиши 5:30, 31).

Бу бир вақтнинг ўзида юрак ғашлигига олиб келади ва бошқа томондан, руҳлантиради. Авваломбор – юрак ғашлиги тўғрисида гапирсак. Исроилликларнинг энг қайғули вақти улар бузоқни қурганларида, айғоқчилар ёмон хабарни келтириб, шу тўфайли халқ ваъда қилинган ерга кирмаганларида ҳам эмас эди. Йўқ, улар учун энг қайғули вақт бошқа нарса эди. Худо уларни Ўзига олиб келиш учун уларни Мисрдан (дунёдан) олиб чиқди, токи улар У уларни билганидек, Уни яқиндан таниб-билиб ололсинлар. Бироқ улар *муқаддас қўрқувнинг йўқлиги* тўфайли бу лаҳзани қўлдан бой бердилар. Фожеа!

Бошқа томондан, бу Мусо учун ҳаяжонли дам эди, чунки у Худо билан ёнма-ён туриб, Унинг сўзларини тўғридан-тўғри Унинг оғзидан эшитиш таклифини олди. Халқ ўз чодирларига қайтган бир вақтда, у Худо билан шахсий муносабатлар орқали Худони таниб-билишга таклиф қилинган эди.

Бассейн бўйидаги аёл бошқа Исони эълон қилди, коринфликлар бошқа Исога хизмат қилдилар, Исроил бошқа Қудратли Худого эргашди. Бу маълум қоида эканини кўряпсизми? Биз илоҳ яратиб олиб, уни Исо деб аташимиз ва шу билан бирга, Худонинг ўнг томонида ўтирган ҳақиқий Исони билмаслигимиз мумкин. Янада кўпроқ эсанкиратиб қўядиган нарса – бу Исроил ва Коринф жамоати Раббийнинг намоён бўлган кучини ва уларнинг ибодатларига берилган жавобларда мўъжизаларни бошдан кечирганларидир.

Энди, келинг, ҳукм кунда Исони Раббим деб эълон қиладиган одамлар гуруҳига қайтайлик, аммо афсуски улар Худо Мусога исроилликлар ҳақида айтган ўша сўзларни, У уларга айтаётганини эшитадилар: “Менинг олдимдан кетинглар”. Исонинг улар билан нима содир бўлиши ҳақидаги башорат сўзларини янада диққат билан

кўриб чиқиш биз учун фойдали бўлади. ушбу бобнинг бошида айтиб ўтилганидек, бу бизга Раббимиз ва Устозимиз билан яқинлик учун муқаддас қўрқувнинг муҳимлигини яхшироқ тушунишимизга имкон беради. Биз буни кейинги бобда амалга оширамиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Мен сизларга воизлик қилганларимни мустаҳкам сақлаб турсангизлар, у [Эзгу хабар] сиз учун нажотбахшдир, акс ҳолда, сизнинг имонингиз беҳудадир” (1-Коринфликларга 15:2, ЯРТ).

Маъноси. Бутун юрак билан бирор кишига ёки бирор нарсага беҳуда ишониш мумкин.

Фикр юритиш. Мен сохта эмас, ҳақиқий Исога ишонишимни қандай аниқ билиб олсам бўлади? Менинг воизхонларим У ҳақида таълим бераётганлари сабабли, ҳақиқий Исога ишонаётганимга ишончим комил бўлиши мумкинми? Лекин ўйлаб кўринг, ахир Ҳорун Исроил халқини бир вақтлар нотўғри йўлга бошлаган ўқитувчи ва халқнинг йўлбошчиси эмасмиди? Муқаддас Китоб ўқиганим учун ҳақиқий Исога ишонаётганимга ишончим комил бўлиши мумкинми? Лекин ўйлаб кўринг, ахир фарзийлар ҳам шундай йўл тутишмадимми? Буни қандай билиб олсам бўлади?

Ибодат. Ота, Исо номи билан сўрайман, мен фақат ҳақиқатни билмайин, балки уни севайин. Мен Сенинг тирик Сўзингни асосий устуворлик сифатида қабул қилишни ва мен уни тушуниш ёки тушунмаслигимдан қатъий назар, унга қулоқ солишни танлайман. Мен шу йўсинда ҳаракат қилиб, алданмаслигим ҳақидаги Сенинг ваъданга эга бўламан. Мен Сенинг Каломингни ўқиб, бажарганимда, у мени ўқисин, у менга ким эканлигимни ва менинг Раббим Исо Ким эканини очсин. Бу ҳақида Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худонинг Каломини тушуниш ёки тушунмаслигимдан қатъий назар, унга ишонишни танлайман.

Мен ҳар куни ўз фикрлари
бўйича ёмон йўлда юрган бу
итоатсиз халққа Ўз қўлларимни
узатиб турар эдим.

– ИШАЪЁ 65:2

31 | МЕН СИЗЛАРНИ БИЛМАЙМАН

Биз *Худо билан яқинликнинг* аксини ўрганишда давом этсак, уни яхшироқ тушунамиз ва қадрлаймиз. Бизнинг мавзумиз олдинги бобдагидек, бу бобда ҳам ҳазм қилиш қийин бўлган аччиқ ҳақдоридир. Шунга қарамай, Муқаддас Ёзувдаги биз гапираётган огоҳлантиришлар, аслида бизнинг ғамхўр Отамиздан севги ва ҳимоя тухфаларидир. Исо томонидан айтилган сўзлар бизни ҳаёт Берувчига охиригача яқин ушлаб турадиган муқаддас қўрқувни бизга жойлаштиради.

Муқаддас Ёзув охириги кунларда, сохта “Ҳукмронлик нажоти”ни таклиф этувчи Хушxabар эълон қилиниши ва кенг тарқалиши ҳақида бизни яққол огоҳлантиради. Бошқача қилиб айтганда, одамларга Исо билан Унинг Каломига сўзсиз бўйсунуш мажбуриятисиз муносабатларни таклиф қиладилар. Бу муқаддас қўрқувга зид бўлиб, *ўйлаб топилган Исони* таклиф этади, бу Исо кўпгина коринфликлар қабул қилгандан, ҳеч қандай фарқ қилмайди ва Павлус уларни бу учун айблаган.

Павлус бу юнон “имонлиларини” бошқа Исога эргашганликлари учун фош қилганидан сўнг, у уларнинг юракларининг ҳолатига эътибор қаратмоқда, улар шу сабабли ўйлаб топилган нажоткорга сажда қилишни бошлайдилар. Мана у нима деб ёзмоқда: “аввал гуноҳ қилиб, лекин уларда айбдор бўлган ўз нопоклигида, бузуқлигида, фоҳишабозлигида тавба қилмаган кўплар” (2-Коринфликларга 12:21, ЯРТ). Улар Исони Раббий деб эътироф этишар, бироқ Унинг Каломига биноан яшамас эдилар.

Илк Жамоатда бу кам учрайдиган ҳодиса эди, аммо бизнинг замонавий ғарб Жамоатимизда бу кенг тарқалган. Ушбу таълимотнинг оқибат-

лари “Раббий”ни одамларнинг ҳаётида У эгаллаган мавқега (ўрин) эмас, балки оддий унвонга туширади. Исо шундай деб башорат қилади:

“Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шохлигига кирмайди, аммо Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради” (Матто 7:21).

Мухаммад, Жозеф Смит, Будда, Хари Кришна, Конфуций ва бизнинг давримизнинг бошқа сохта пайғамбарларини эмас, балки Уни ўз Раббийси деб тан оладиганларни, Исо қадрлайди. Бу оятда “Раббий” сўзи такрорланаётганига эътибор беринг. Агар Муқаддас Ёзувда сўз ёки ибора икки марта такрорланса, бу тасодиф эмас. Муаллиф унга урғуни кучайтиради. Аммо бундай ҳолатларда гап фақат кучайтиришда эмас, балки ҳиссиётларнинг жадаллигидадир. Масалан, подшоҳ Довуд ўғлининг Йоаб аскарлари қўлида ўлганлиги ҳақидаги хабарни олганида, у кучли ҳиссиёт билан муносабат билдирди: “Подшоҳ эса ўз юзини ёпиб: “Оҳ, менинг ўғлим Абсалом, оҳ Абсалом, менинг ўғлим, менинг ўғлим!” – деб *баланд фарёд қилар эди*” (2-Шохликлар 19:4). Эҳтимол, у икки марта “менинг ўғлим” демагандир, бироқ у ўғлини йўқотиш азобини шунчалик қаттиқ ҳис қилганки, муаллиф унинг сўзларини икки мартаба такрорлаган.

Худди шундай, Устоз одамларнинг Унга нисбатан кучли ҳис-туйғуларини етказиб бермоқда. Улар нафақат Исо Масих – Худонинг Ўғли деган таълимотга қўшиладилар; улар ҳиссий жиҳатдан жалб қилиниб, ўз имонини қайноқ эътироф этадилар. Биз “масихий” бўлишдан бахтли одамлар ҳақида, аниқроғи, ўз имонини ифодалаб, ҳис-туйғуларини намоён қиладиган ва ҳатто хизмат пайтида йиғлайдиган одамлар ҳақида гапирмоқдамиз.

Улар нафақат Масихнинг иши учун чуқур қа йғуришади, балки Унга хизмат қилишда ҳам иштирок этишади:

Мен ҳозир минглаб одамлар ғурур билан охирги ҳукм кунда менинг олдимга шиддат билан келиб: “Устоз, биз хабарни воизлик қилдик, биз жинларни қувиб чиқардик, бизнинг жуда кучли руҳий лойиҳаларимиз ҳақида ҳамма гапирди” – деб айтишларини кўраман (Матто 7:22, инглизча таржимадан).

Мен бу ерда “The Message”нинг бошқача ифодаланган шаклидаги Муқаддас Китобдан фойдаланяпман, чунки у бу одамлар – четдан кузатиб турувчилар эмаслигини яхшироқ очиб беради. Улар тўғридан-тўғри ўз жамоатларининг ишларида иштирок этадилар ёки уларни қўллаб-қув-

ватлайдилар. Шунингдек, улар “Биз Хабарни ваъз қилдик” деб, Хуш-хабарга бўлган эътиқодини қайноқ ҳимоя қиладилар. Аслини олганда, улар одамлар ҳаётини яхши томонга ўзгартиришда иштирок этишган.

Ушбу бошқача ифодаланган таржимада *минглаб* сўзи ишлатилмоқда, лекин деярли қолган барча таржималарда *кўпчилик* сўзи ишлатилади. Бу юнонча “полюс” сўзи бўлиб, “катта сон, миқдор, йиғинди” маъносини билдиради ва кўпинча бу сўз “кўпчилик” маъносида қўлланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Исо кичик гуруҳ одамлари ҳақида эмас, балки Хушхабар таълимотига ишонадиганларнинг кўпчилиги ҳақида гапирмоқда. Улар Уни Раббий деб аташади, ҳиссий жиҳатдан иштирок этишади, Унинг хабарига жавоб беришади ва масиҳий хизматларда фаол иштирок этишади. Биз уларни осонгина ҳақиқий масиҳийлар деб аташимиз мумкин эди. Хўш, ажратувчи омил нимадан иборат? Улар ҳақиқий масиҳийлардан нима билан фарқ қилишади? Исо бизга шундай дейди:

“Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!”” (Матто 7:23).

Асосий ибора – “қонунбузарлик қилувчилар”. Яна қонунбузар хатти-ҳаракат Худо Сўзининг обрўсига тўғри келмайди. Бу эркак ва аёллар ҳар замонда қоқилмайдилар, балки доимий равишда вақти-вақти билан қоқилдилар; бироқ, қоидага кўра, ҳар сафар уларга манфаатли бўлганда, улар Худонинг Сўзини менсимайдилар, уни эътиборга олмасдан, унга қулоқ солмайдилар – уларда муқаддас кўрқув бўлмайди.

Исо нима деганига тўхталамиз: “Мен сизларни ҳеч қачон *билганим* йўқ”. Биз олдинги бобда *билганим* сўзи – бу юнонча “гиноско” сўзи бўлиб, ибронийча “йада”, яъни кимнидир яқиндан билиш сўзи билан бир хил маънога эга эканини аллақачон таъкидлаб ўтдик. Улар ҳеч қачон У билан ҳақиқий яқин муносабатларга эга бўлишмаган. Гарчи улар Уни Раббий ва Устоз деб атасалар-да, бу бор-йўғи унвондир, чунки улар Унинг амрларига итоат этишмайди. Юҳанно ёзади:

“Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, шундан Уни таниб-билганимизга [гиноско] ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Кимдир: “Уни таниб-билдим [гиноско] деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир” (1-Юҳанно 2:3, 4, ЯРТ).

Бу Исо: “Сизлар одамларни уларнинг ишларидан билиб оласизлар” – деб айтгани билан жуда яхши мос келади (Матто 7:20, инглизча таржимадан). Ишлар – бу масиҳийча хизмат, хабарни айтиш ёки жамоатга қатнаш эмас, зеро юз ўгирадиган одамлар ҳам бундай сифатларга эга бўлишади.

Мен шундай дейман: шубҳасиз, сиз ушбу сифатларни ҳақиқий имонлиларда топасиз; боз устига, уларга эга бўлмасдан чинакам имонли бўлиш имконсиздир. Аммо бундай сифатларнинг мавжудлиги инсон Худонинг ҳақиқий фарзанди эканлигини англамайди. Аниқловчи омил инсон Унинг сўзларига итоат қилиш ёки қилмаслигидан иборатдир.

Исо Ўзининг Тоғдаги машҳур воизлигини ушбу мавзу билан якунлайди. Ўзининг ҳайратомуз нутқининг охирида У шундай дейди:

“Шундай қилиб, кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, *уларни бажарса*, уни ўз ўйини тош устида қурган фаросатли одамга ўхшатаман. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу ўйга ёпирилди, лекин у қуламади, чунки тош устида ўрнатилган эди. Кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, *уларни бажармаса*, у ўйини қум устига қурган фаросатсиз одамга ўхшайди. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу ўйни босиб қўйди ва у қулади. Унинг қулаши эса буюк бўлди” (Матто 7:24-27).

Агар ушбу икки гуруҳ кўздан кечирилса, биз ҳаммаси биргина оддий фарққа олиб бораётганини кўрамиз. У шундан иборатки, иккала гуруҳлар ҳам Унинг сўзларини эшитади, аммо биринчи гуруҳ *уларни бажаради*; иккинчи гуруҳ *уларни бажармайди*, ёки биринчи гуруҳ *Худонинг Сўзи қаршисида титрайди* (Худодан қўрқади), иккинчиси эса *Худонинг Сўзи қаршисида титрамайди* (Худодан қўрқмайди) деб айтиш мумкин.

Исо ташқи жиҳатдан бу икки гуруҳ бир-бирига жуда ўхшаш эканини яққол кўрсатмоқда. Кучли пойдеворга эга бўлмаган гуруҳда уларнинг масиҳий таълимотга бўлган имони, Исони Раббим деб астойдил тан олишлари ва фаол масиҳий хизмати, улар ўз ҳаёти, ўз ўйини қандай қуришларининг рамзий ифодаси бўлиб хизмат қилади. Мустаҳкам пойдеворга эга бўлган гуруҳ Унинг сўзларига бу уларнинг шахсий иродаси каби бўйсунушидан ташқари, худди ўша сифатларга эга эди. Иккала “ўйлар” ҳам ўша бир хил хом-ашъёдан, ўша бир хил таълимотдан қилинган. Ҳар иккиси ҳам сажда қилишда ва хизматда бирдай кўринади. Фарқ пойдеворда ва бу кўринмасдир. Бир гуруҳ Худо билан яқинликни алоҳида бошдан кечиради, иккинчиси эса буни қилмайди.

Худо билан яқинлик муқаддас қўрқувда юрадиганларга ваъда қилинган. Биз кейинги бир нечта бобларда сиз-у бизга таклиф қилинган ушбу ажойиб имтиёзни кўрамиз.

═══════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════

Инжил ояти. "...сизларга иноят ва тинчлик кўпайсин. Худо бизни Ўзининг шўҳрати ва эзгулиги билан даъват қилди. Унинг илоҳий куч-қудратидан... бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди. Бу дунёда ҳукмронлик қилаётган ҳирсининг чиришидан қочиб қутулиб, илоҳий табиатга шерик бўлишингиз учун Худо бизларга жуда буюк ва қимматбаҳо ваъдаларни берди" (2-Петрус 1:2-4).

Маъноси. Инсон Исо билан муносабатларда эканининг исботи шундаки, Худонинг Сўзига амал қилиш учун одамнинг шахсий қобилятидан устун келувчи куч ато қилинган. Бу ато қилинган куч, бошқачасига Раббийнинг инояти деб аталади.

Фикр юритиш. Мен Исонинг сўзларига ўзимнинг шахсий кучим билан бўйсунушга ҳаракат қиламанми ёки бунда Унинг инояти, ваъдалари ва илоҳий табиатига умид қиламанми? Қандай қилиб мен ўзимнинг шахсий қобилятларимдан кўра, Унинг қобилятларига кўпроқ таянишим мумкин?

Ибодат. Ота, мен ўзимнинг шахсий кучим билан Сенинг Сўзингга бўйсунушга ҳаракат қилганим учун мени кечиргин. Шу лаҳзадан бошлаб, мен Исони ҳаётимдаги биринчи ўриндаги Раббий деб эълон қиламан. Сенинг Сўзингга айтган ҳамма нарса – ҳаётимдаги асосий ҳақиқатдир. Мен фақат менга куч берадиган Сенинг иноятингга ва Сенинг йўлларингдан юришим учун менга топширилган илоҳий табиатга таянаман. Бу биз яқин мулоқотд билан биргаликда ўтадиган йўлдир. Мени ушбу ажойиб ҳаётга таклиф этганинг учун Сендан жуда миннатдорман. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен имон билан Унинг қобилятларида юраман. Мен ўзимнинг қобилятларимга ортиқ таянмайман, балки Унинг куч-қудрати билан ҳамкорлик қиламан.

Биз ўзимизнинг шахсий
фикрларимиздан келиб
чиқадиган нарсалардан, онгимиз
ҳеч қачон тиниқлашиб қолмайди
ёки ҳайратга тушмаймиз. Аммо
Худо гапирганда, ҳар доим
бунда ҳайрат ва эҳтиром белгиси
мавжуддир.

ЖОЙ ДОУСОН

32 | РАББИЙНИНГ СИРИ

Охирги икки боб қийин, кескин ва ҳушёр торттирувчи бўлди. Исонинг: “Хўжайинингизнинг қувончига кириш” – дейишни эшитишни кутаётганларнинг кўпчилиги “Менинг олдимдан кетинглар” – деб айтганини эшитишни англаб етиш азобли ва даҳшатлидир. Сиз Худо билан муносабатлардан деб ўйлаб, аслида уларда бўлмасликдан кўра каттароқ алданиш йўқ. Бу эркак ва аёллар тўсатдан ўзларининг аҳмоқликлари ҳақидаги даҳшатли кутилмаган янгиликка дуч келадилар, бунинг сабаби улар “Худо билан бир” бўлишнинг ўрнига “Худодан фойдаланганлар”. Улар Унинг Сўзига итоат қилишда намоён бўладиган буюк севгини ҳис қилишнинг ўрнига, Унинг Сўзидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишган. Исо бизни бефарқ ёки алданган одамнинг ҳолатига тушиб қолишдан ҳимоя қилиш учун буюк севги билан ушбу даҳшатли ҳодисадан огоҳлантирмоқда.

Энди биз яқинликнинг қарама-қарши жиҳати ҳақидаги тасаввурни тушуниб олганимиздан сўнг, келинг, бизнинг Яратувчимиз билан ҳақиқий яқинликда бўлишнинг гўзаллиги ҳақида сўхбатни қувонч ила бошлаймиз. Биз ўрганиб чиқишимиз учун, кейинги бир неча бобни ўз ичига олган сценарийни кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Аввал сизга бир савол беришимга ижозат этинг: Шоҳликда бўлиб (“Менинг олдимдан кетинглар” деган даҳшатли сўзларни эшитмасдан), лекин шу билан бирга, Худо билан яқин муносабатларга эга бўлиш имкониятини қўлдан чиқариш мумкинми? Тезкор жавоб – ҳа. Аммо келинг, буни Ёзувда ўрганиб чиқамиз ва аввал мен ўзимнинг севимли саноларимдан бири билан бўлишаман:

“Раббийнинг *сири* – Ундан кўрқадиганларгадир, У уларга ўз аҳдини англатади” (Сано 24:14).

Ибронийча сир сўзи – “сод” бўлиб, “йиғин” деган маънони англатади. Юнонча луғатда у шунингдек “махфийлик” деган маънони англатиб, ушбу атаманинг асосида ётади. Шунинг учун, моҳиятан, саночи қандайдир биргина сир ҳақида эмас, балки Худонинг сирли кенгаши ҳақида гапирмоқда ёки биз уни бизнинг мақсадларимиз учун шунчаки *сирлар* (кўпликада) деб атаймиз. Ёзувда: “Худо Ўзининг сирларини Ундан қўрқадиганлар билан бўлишади” – деб айтилмоқда.

Энди ўзингизга савол беринг: сиз ўз сирларингизни ким билан бўлишасиз – танишларингиз биланми ёки яқин дўстларингиз биланми? Сиз: яқин дўстларим билан, деб жавоб берганингизга ишончим комил. Худо ҳам худди шундай; У Ўз сирларини яқин жонажон дўстлари билан бўлишади, Унинг яқин дўстлари эса – бу муқаддас қўрқувни қабул қилган одамлардир. ESV (English Standard Version) таржимасида қуйидагича ёзилган: “Раббийнинг дўстлиги – Ундан қўрқадиганлар учундир” (инглизча таржимадан).

Худо ҳаммага ҳам дўст эмас. Бунга янада аниқроқ ифодалаб беришимга руҳсат этинг: *жамоатга қатнайдиган ҳар бир одамга ҳам Худо дўст ҳисобланмайди*. Бу фикрни кенгайтириш учун, келинг, Эски Аҳддан бошлаймиз. Унда икки одам бўлиб, уларнинг ҳар бири Худонинг дўсти деб аталган: Иброҳим ва Мусо. Бошқалар ҳам борми? Албатта: Нух, Дониэл, Эстер, Юсуф, Довуд, Аюб, Ишаъё ва Худо билан яқиндан суҳбатлашган кўпгина бошқа одамлар. Аммо ушбу икки инсоннинг ҳаёти Раббий билан дўстона муносабатларга олиб борувчи йўлнинг намунаси ҳисобланади.

Келинг, Иброҳимдан бошлаймиз. Нима учун у Худонинг дўсти деб аталган? У етмиш беш ёшга кирганида, Худо унинг юрагидаги энг катта орзусини амалга оширишни – унга ўғил беришни ваъда қилди. Бироқ бу дарҳол содир бўлмади. Унинг хотини Соро мўъжизавий тарзда Исҳоқни дунёга келтиришдан олдин, у яна йигирма беш йил кутди. Ушбу ҳодисани шу қадар узоқ кутишдан кўра, чуқур миннатдорлик ва бунинг беқиёс ширинлигини тасаввур қила оласизми? Ота ва ўғил ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб борганига ишончим комил. Унинг улкан бойлигини унинг ўғлидан завқ олишига тенглаштириб бўлмас эди. Иброҳим учун ҳеч нарса – ҳатто, ўзининг ҳаёти ҳам аҳамиятга эга эмас эди.

Аммо кунларнинг бирида Худо ҳеч қандай олдиндан огоҳлантиришларсиз, Иброҳимга ибодатда шундай демоқда: “Ҳозир сен ўзинг севадиган ўғлингни, ягона ўғлинг Исҳоқни олиб, Морияҳ ерига бор. Ўша ерда Мен сенга айтадиган тоғларнинг бирида уни тамоман ёндириш қурбонлиги сифатида қурбонликка келтир” (Ибтидо 22:2).

Нима?! Фақат Худо бун қилишни айтгани учунгина ва яна сабабини тушунтирилмаган бўлса, ҳаётидаги энг қадрли инсонни ўлдириш ёки энг қимматли нарсани йўқ қилиш керакми? Жиддий гапиряпсизми? Иброҳим бу сўзларни эшитганида, қандай шок ҳолатини бошдан кечирганини тасаввур қила оласизми? У Худо ундан шунга ўхшаш нарсани сўрашини тасаввур ҳам қила олмаган. У Иброҳимдан ўз ҳаётидан кўра кўпроқ нарсани талаб қилди – У унинг юрагини сўради. Бунда ҳеч қандай маъно-мантиқ йўқ эди.

Ушбу муҳим фикрни таъкидлашимга рухсат беринг: биз бу синов бўлганини биламиз. Муқаддас Ёзувда аниқ қилиб ёзилган: “Орадан бироз вақт ўтгач, Худо Иброҳимни синовдан ўтказди (1-оят, ЯРТ). Лекин аллақачон содир бўлган тарихий ҳикояни ўқишнинг қуйидаги салбий томони бор: биз хотимани биламиз; кўпчилик имонлилар аллақачон бу ҳақида эшитишган ёки бун бир неча бора ўқишган. Аммо Иброҳим бу синов эканлигини билмаганини унутамиз! Биз синовдан охиригача ўтмагунимизча, Худо бизни синаётганини ҳеч қачон билмаймиз. Эҳтимол, сиз мактабда назорат иши вақтида кўчиришингиз мумкин, лекин ҳеч ким Худо томонидан тайёрланган имтиҳонларда алдай олмайди. Агар биз юракларимизни муқаддас қилиш учун Унинг Сўзидан бўлиш бўйича уйга вазифамизни бажармаган бўлсак, қанчалик ақлли бўлишимиздан қатъий назар, имтиҳондан ўтишимиз қийин бўлади!

Агар Иброҳимнинг авлодлари Худо уларни саҳрода синовдан ўтказган ўша ҳолатлар ҳақида билганларида эди, улар синовдан ўта олмаган бўлар эдилар. Иброҳимдан қандайдир бошқа бир нарса, унинг авлодларида бўлмаган нарса: муқаддас қўрқув бор эди.

Мен Иброҳимнинг Худонинг ўта қийин амрига берган жавобини жуда яхши кўраман: “Эртаси куни Иброҳим эрта тонгда турди” (Ибтидо 22:3). У дарҳол ишга киришди. У бу масала юзасидан бир неча кун ёки ҳафта ўйлаб юрмади; у дўстларининг фикрини билиш учун уларга мурожаат қилмади. У Худонинг амрини эътиборсиз қолдирмади ёки унга қаршилиқ кўрсатмади. У, Исҳоқ ва унинг икки хизматкори эртаси куни эрталаб барвақт туриб, нарсаларни йиғди ва йўлга чиқди.

Балки ўтган куни кечаси Худонинг овозини эшитганидан сўнг, унга ҳаракат қилиш бироз осонроқ бўлгандир, лекин икки ярим кундан кейин, Иброҳим ортиқ самодан ҳеч бир сўз эшитмаганида, ҳозир у қандай йўл тутиши керак? Энди у ҳаётидаги энг азиз инсонини, ўзининг хази-насини қурбонликка келтирадиган тоғнинг олдида, шунчаки Худо сабабини ҳам тушунтирмай, унга бун қилишни айтгани учунгина турибди.

Иброҳим тоғнинг этагига келиб, хизматкорларидан кутиб туришни сўрайди. У Исҳоқни тоққа олиб чиқиб, бутун вақт давомида ўзининг

ташвишли ҳислари ва кўз ёшларини яшириб, қурбонгоҳ қуради. Қурбонлик келтиришга зарур бўлган ҳамма нарсани амалга ошириш учун унинг бутун ирода кучи ва руҳи керак эди. Кескин фурсат яқинлашади; Худо Ўз фикрини ўзгартиришига ҳар қандай умид йўқолгандек туюларди. Шунинг учун у катта ҳаяжон билан Исҳоқни боғлайди, унинг устидан пичоқни кўтаради ва аллақачон ўғлининг юрагига уни санчишга тайёр – ва буларнинг барчаси Худо сўрагани учундир ва бунинг сабаблари тушунтирилмаган.

Тўсатдан, Худонинг фариштаси пайдо бўлиб: “Болага қўл теккизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки *Мен энди сенинг Худодан қўрқингани билдим* ва сен ўзингнинг ягона ўғлингни Мендан аямадинг” – деб қичқирди (Ибтидо 22:12).

Фаришта Иброҳимнинг Худодан қўрқингани қандай билди? Чунки бунда *ҳеч қандай маъно йўқ бўлса ҳам, у ҳеч қандай манфаат кўрмаса ҳам, бу оғриқли бўлса ҳам, дарҳол бўйсунди ва у буни тўлиқ бажарди.*

Сўнгра Иброҳим пичоқни қўйиб, Исҳоқни ечди, нигоҳини кўтариб, бутага ўралиб қолган қўчқорни кўрди. Унинг оғзидан шундай сўзлар чиқди: “Йахвеҳ-ире” – “Раббий таъминлайди” деган маънони англатади (Ибтидо 22:14). Нима содир бўлди? Худо ўша лаҳзада Иброҳимга Ўз феъл-атворининг илгари ҳеч ким билмаган қиррасини очиб берди. Нима учун? Чунки у Худонинг дўстидир.

Тушунтиришимга рухсат этинг. Сизлар ушбу китобни ўқиётган барчангиз мени муаллиф Жон Бивер сифатида биласизлар. Анжуманлар ёки жамоатларда менинг сўзлаганларимни эшитган баъзи бирларингиз, мени омма олдидаги нотик Жон Бивер сифатида билишади. Бироқ Лиза исмли бир аёл бўлиб, у мени эр Жон Бивер, ота Жон Бивер, бобо Жон Бивер, энг яқин дўст Жон Бивер, суюкли Жон Бивер сифатида билади ва мен буни давом эттиришим мумкин. Менинг шахсиятимнинг ушбу томонларини жуда кам одамлар – фақат менинг энг яқин инсонларим биладилар. Умуман охиргисини эса фақатгина Лиза билади.

Иброҳим ўша кунни Худонинг яқин дўсти эди ва биз кейинги бобда бу икки дўстлар ўртасидаги муносабатлар ўзгаришининг ғайритабиий жараёнини ва биз ҳам шунга ўхшаш муносабатлардан қандай завқланишимиз мумкинлигини ўрганиб чиқамиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади” (Сано 24:14).

Маъноси. Худо Ўз сирларини яқин дўстлар билан бўлишади, Унинг дўстлари эса – муқаддас қўрқувни қабул қиладиган одамлардир.

Фикр юритиш. Дўст дегани нимани англатади? Дўстлар қай тарзда биргаликдаги ҳаётдан завқланишади? Нима дўстликни янада чуқурроқ қилади? Мен Худонинг дўсти бўлишни хоҳлаган бўлар эдимми? Менинг назаримда, У дўстда нимани қидиради? Мен У учун яхши дўст бўлганманми? Агар йўқ бўлса, нима ўзгариши керак? У билан дўстлик юзасидан менинг қандай истакларим мавжуд?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен Сенинг энг яқин дўстларингдан бири бўлишни хоҳлайман. Бу Сенинг ҳам истагинг эканини биламан. Яқин дўст бўлиш нимани билдириши ҳақида мулоҳаза юритиб, мен Сенинг садоқатли дўстинг бўлмаганимни тушуниб етаман. Илтимос, мен Сенинг истакларингни ҳамма нарсадан устун қўймаганим ва бизнинг муносабатларимизни ҳимоя қилмаганим учун мени кечиргин. Мен Сенинг абадий дўстинг бўлишим учун иноят беришингни сўрайман. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Мен Худонинг дўсти бўлишга интиламан ва бошқа ҳеч бир нарсани бундан устун қўймайман.

Раббийдан қўрқиш қалбни
ёритади, ҳийла-макрни
йўқ қилади, эҳтиросларни
заифлаштиради, қалбдан
зулматни қувиб чиқариб, уни
поклайди. Худодан қўрқиш -
бу доноликнинг чўққисидир.
У бўлмаган жойда, ҳеч қандай
яхши нарсани топмайсиз. Кимда
Худодан қўрқиш бўлмаса, у
иблисга хос қулашлар учун
очиқдир.

– АВЛИЁ ЕФРЕМ СИРИН

33 | МАХФИЙ МАЪЛУМОТ

Биз Худо ва Иброҳим ўртасидаги дўстлик қандай қурилганини муҳокама қилиб ўтдик. Бу қандай қилиб, биз Худо билан шунга ўхшаш муносабатларга киришишимиз мумкинлигининг намунаси дир. Бироқ ушбу мавзуга тўхталишимиздан олдин, келинг, Иброҳим ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирсак. Биз шундай деб ўқиймиз:

“Бизнинг отамиз Иброҳим, ўғли Исҳоқни қурбонгоҳга қўйганида, ўз *ишлари натижасида* оқланган эмасмиди? <...> Иброҳим... *Худонинг дўсти деб аталди*” (Ёқуб 2:21, 23, ЯРТ).

Ҳаворий Ёқуб уларнинг дўстлиги ҳақида гапиради ҳамда Ёқуб ва фариштанинг сўзлари бир-бирига тўғри келиши бежиз эмас. Ушбу дўстликнинг асоси Иброҳимнинг муқаддас қўрқуви эди ҳамда бу унинг тез ва тўлиқ итоаткорлиги билан (ҳаракатлари билан) исботланган. Ҳатто бу буйруқда маъно-мазмун бўлмаганда ҳам, ҳеч қандай кўринарли манфаат йўқдек туюлганда ҳам, боз устига бу бажариш учун оғриқли бўлганда ҳам, у Худонинг Сўзи қаршисида титрар эди. Илоҳий қўрқув бизни Худо сўраган нарсани *исташга* ҳам ва буни *қилишга* ҳам ундайди. Бу У билан яқинликка эшик очади.

Ажойиб кунларнинг бирида Худо Мамре эманзори ёнида Иброҳим билан учрашув чоғида Унга ҳамроҳлик қилган икки фариштага ушбу саволни берди: “Қиладиган ишимни Иброҳимдан яшираманми?” (Ибтидо 18:17).

Сўнгра Раббий Ўзининг ниятларини муҳокама қилиш учун Иброҳимга мурожаат қилди, иккала фаришта эса Садом ва Гамора

шаҳарларига жўнаб кетишди. Мен кейинги воқеаларни аниқлик учун бироз ўзгартириб ифодаламоқчиман, лекин аслида Раббий: “Иброҳим, мен бу икки шаҳарни ер юзидан супуриб ташламоқчиман, чунки уларнинг гуноҳлари чидаб бўлмасдир. Сен нима деб ўйлайсан?” – деди.

Сиз бундай сўзларни Яратувчидан эшитишингизни тасаввур қила оласизми? Иброҳим ҳайратга тушиб, жавоб берди: “Садом?!”

Раббий: “Ҳа-ҳа, Гаморани ҳам. Бу ҳақида қандай фикрдасан?” – деди.

Иброҳим ваҳима ичида ўз-ўзига шундай дейди: *“Ўйла, Иброҳим, ўйла. У ерда жияним Лут яшайди, мен у учун ва қолган барча айбсиз одамлар учун шафоат қилишим керак”*. Иброҳимга бир ғоя келади:

“Наҳотки Сен ҳақ одамни бетавфиқ билан бирга ҳалок қилсанг? Балки бу шаҳар ичида эллик нафар ҳақ одам бордир. Наҳотки, ўша эллик нафар ҳақ одам ҳақи бу жойни аямасдан ҳалок қилсанг? Бундай қилиш Сендан йироқдир. Ҳақ одамни бетавфиқ билан бирга қириш, ҳақнинг қисматини бетавфиқникидек қилиш Сендан йироқдир. Бутун ернинг Судьяси одил иш қилиши лозим эмасми?” (Ибтидо 18:23-25).

Худо Ўзи аҳд тузган одамнинг жавобини эшитиб, қанчалик хурсанд бўлганини ва шодланганини тасаввур қила оласизми? Аниқроғи, У шундай деб жавоб берган: “Ажойиб фикр! Яхши, агар уларда эллик нафар ҳақ одам топилса, Мен бу иккала шаҳарни қириб ташламайман. Мен дўстим Иброҳим билан гаплашганимдан жуда хурсандман”.

Лекин Иброҳим бу билан қаноатланмади – у ерда эллик нафар ҳақ киши топилмасачи? Шунинг учун у саволни такрорлади, лекин сонини қирқ беш нафарга қисқартирди.

Раббий жавоб берди: “Яна бир ажойиб фикр! Яхши, агар уларда қирқ беш нафар ҳақ одам топилса, Мен бу шаҳарларни қириб ташламайман. Мен дўстим Иброҳим билан бу ҳақида суҳбат қурганимдан хурсандман”.

Иброҳим тўхтамади; у бу мавзунини ривожлантиришда давом этиб, қирқ беш нафардан қирқ нафарга, сўнгра ўттиз нафарга, кейин эса йигирма нафарга ва ниҳоят, ўн нафар ҳақ кишига ўтди. У ичида шундай деб ўйлади: *“Ўн киши топилиши керак. Жияним Лут бир киши, яна бошқа тўққиз киши қоляпти”*.

Фақатгина дўст, ҳукми амалга ошириш ҳокимиятига эга Подшоҳ билан шундай гаплашиши мумкин. Хизматкор ёки фуқаронинг оғзидан чиққан бундай илтимос ҳурматсизлик бўлиб кўринади. Раббий ҳар бир илтимосга рози бўлди ва давомида биз қуйидагини ўқиймиз: “Раббий

Иброҳим билан суҳбатлашиб бўлгач, Ўз йўлида кетди. Иброҳим эса ўз уйига қайтиб кетди” (Ибтидо 18:33).

Ёдингизда бўлсин, Худодан қўрқиш – У севган нарсани севиш ва У нафратланадиган нарсадан нафратланишни англатади. Бир куни менга нисбатан қўпол бўлган бир одамга севги билан мурожаат қилганимдан сўнг, Худо аниқ бир кунда менга: “Ўғлим, Мени ташвишга солган нарсалар, яъни одамлар сени ҳам ташвишга солса, ўшанда Мен сен билан Ўзимнинг режаларимни муҳокама қиламан” – деган шифобахш сўзларни айтиш учун менга гапирди.

Муқаддас қўрқув, аслида нафақат Худони, балки одамларни ҳам янада самимий ва чуқурроқ севишимизга имкон беради.

Муқаддас Ёзувда ёзилганки, Садом ва Гаморада “Одамлар ейишди, ичишди, сотиб олишди, экишди ва бинолар қуришди” (Луқо 17:28). Келинг, янада тушунарлироқ тилда ифодалаймиз: “Ҳаёт гўзал, иқтисодиёт гуллаб-яшнамоқда ва ҳатто Худо бор бўлса-да, У бизнинг ҳаёт тарзимизга қаршилиқ билдирмайди”. Бу шаҳарлар қирғин қилинишига йигирма тўрт соатдан камроқ вақт қолган, одамлар эса ғафлатда эдилар. Лекин бу ҳали энг ёмони эмас.

Энг ёмони шундан иборатки, Муқаддас Китоб “ҳақ киши” деб атайдиган Лут (2-Петрус 2:7), худосизлардан ҳеч қандай фарқ қилмаган ҳолда, нима содир бўлишини улар билан бир хил тушунмасди! Унга ўзини ва оиласини у ердан олиб чиқиш учун иккита муқаддас шафқат фариштаси керак бўлиб, ҳаммаси Иброҳимнинг ибодати тўғайли бўлди (Ибтидо 19:29).

Бу воқеани янада долзарброқ қилиш учун, келинг, у худди бизнинг давримизда содир бўлгандек унга қараймиз. Бизда икки нафар ҳақ одам – икки нажот топган, юқоридан туғилган масиҳий бор. Бир масиҳий Худо нима қилмоқчилигини олдиндан билади ва Худога У буни қандай қилишини ечишга ёрдам беради. Иккинчи ҳақ одам – худди бетавфиқ одам сингари, бўлажак ҳукм ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Нима учун? Биринчи ҳақ одам Худодан қўрқади, шунинг учун у Худонинг дўсти бўлиб, ўз навбатида, Худонинг сирларини билади. Иккинчи ҳақ одам Худодан қўрқмайди, шунинг учун у Худонинг дўсти эмас ва Унинг сирларини билмайди.

Лут ҳақ одам деб аталган, лекин у дунёвий одам бўлган. У шундай имонлини гавдалантирадики, ёқасидан олингандек ҳолатда бўлиб, Коринф жамоатига ва бизнинг ғарб жамоатларимиздаги кўпгина одамларга ўхшаб, авваломбор ўзининг шахсий манфаатларига хизмат қилишга интилади. Бу “ҳақ” эркаклар ва аёллар гурӯҳи менинг Америка Қўшма Штатлари президенти билан бўлган

муносабатларимдан унчалик фарқ қилмайдиган Худо билан муносабатларга эгадир. Мен унинг қарорлари ва бошқарувидан фойда олишим мумкин, лекин унинг сирларини ҳам, режаларини ҳам, шахсий ҳис-туйғуларини ҳам, унинг қарорларини ҳам, у уларни қабул қилишидан олдин билмайман.

Лутнинг феъл-атвори ўзи ўрнашган жойни танлашида, қандай хотинни танлашида ҳамда моабликлар ва аммонликлар билан қариндош бўлиш орқали, қандай фарзандларни дунёга келтирганида намоён бўлди. Лут бошиданоқ унга аъло кўринган нарсани танлади. Иброҳим ажралиш чоғида унга қайси ерда яшашни танлаш ҳуқуқини бериб, ўзи қарама-қарши томонга кетишга рози бўлди. Биз Ёзувда шундай деб ўқиймиз: “Лут Йордан водийсининг унумдор ерларига *узоқ назар* ташлади” (Ибтидо 13:10, инглизча таржимадан). Нима учун айнан узоқ назар ташлади дейилган? У бу текисликларда жойлашган шаҳарларнинг бетавфиқлиги ҳақида билар эди. Аниқроғи, у қандай қилиб дунёвий тизимнинг имтиёзларидан фойдаланиб, лекин унинг тўрига илиниб қолмаслик мумкинлигини аниқлашга уринган. У режа ишлаб чиқди. У бетавфиқлик ўчоғидан хавфсиз масофада жойлашган текисликда қароргоҳ қуришга қарор қилди (Ибтидо 13:12), аммо унинг мурасага келиш ҳақидаги ғояси иш бермади. Кейинчалик у оиласи билан Садам дарвозаси олдига келиб қолди ва охир-оқибат, ўша шаҳарга жойлашишга мажбур бўлди.

Бизга муқаддас қўрқув етишмаганда, биз иложи борича дунёга бошимиз билан шўнғиб кетмасдан, кўпроқ дунёга яқинлашишга муқаррар равишда интиламиз. Аммо биз бунга амал қилсак, дунё бизни тортиб кетишини фақат вақт кўрсатади. Биз йўқолганларнинг бир қисми бўлиш учун эмас, балки уларни қўлга киритиш учун бу дунёга даъват қилинганимизни ёдда сақлашимиз зарур.

Лутнинг ҳаёти бир-биримиз учун огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади. Агар Иброҳимнинг шафоати бўлмаганида, Лут учун ҳукм кунни тундаги ўғри каби тўсатдан келган бўлиши мумкин эди. Унинг дунёвий ҳаёти даҳшатли оқибатларга олиб келди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Лутнинг авлодлари ниҳоятда бетавфиқ эдилар. Унинг хотини Садамга шунчалик боғланиб қолган эдики, фаришталарнинг орқага қарамаслик ҳақидаги буйруғига қулоқ солмади ва натижада, адолатли ҳукм амалга ошди – у бир зумда туз устунига айланди. Исо севги билан бизни огоҳлантириб: “Лутнинг хотинини эслаб турунглар”- дейди (Луқо 17:32).

Энди “Ушбу дўстлик шарти Худонинг фарзандлари бўлган бизлар учун адолатлими?” – деб сўраш ўринлидир. Биз тез орада бу мавзуга

мурожаат қиламиз, лекин авваломбор, Эски Аҳдда ёдга олинган Худонинг бошқа бир дўстини ўрганиб чиқайлик.

===== Буни шахсий қилиб олинг =====

Инжил ояти. “Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар!” (Ёқуб 4:8).

Маъноси. Худо Ўз режаларини Ундан қўрқадиганлар билан баҳам кўради. У Ўз режаларини Худо ва дунё ўртасида садоқати бўлинган одамлардан яширади.

Фикр юритиш. Исо: “Ҳақиқат Руҳи келганида эса, У... сизларга келажакни маълум қилади” – дейди (Юҳанно 16:13). Худо ва Иброҳимнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатига бунинг қандай боғлиқ жиҳати бор? Худо Ўз режаларини мен билан бўлишиши учун Худо билан бундай муносабатларни хоҳлайманми?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен Сенинг сирли кенгашингни эшитишни истайман. Мен Лут каби дунё билан ўйнашганимни англайман. Мен аслида Сенинг шахсий кенгашингдан узоқлашдим. Мен бунинг учун тавба қиламан ва мени Раббим Исо Масихнинг қони билан астойдил тозалашингни сўрайман. Илтимос, мени Сен Ўз ниятларинг билан баҳам кўрадиган одам сифатида қабул қилгин.

Эътироф этиш. Мен бутун дунёнинг ўрнига Худонинг мен ҳақимдаги режаларини танлайман.

Фақат Худонинг ҳузурида
ҳамма нарсани қамраб олувчи
эҳтиром ва иззат-ҳурмат
туйғуси чўлғаб олгандагина,
биз Унга руҳ ва ҳақиқатда
сажда қилишни бошлаймиз.

– АЛИСТЕР БЕГГ

34 | ЮЗМА-ЮЗ

Келинг, энди Худо билан муносабатларда “дўст” деб аталган Эски Аҳддаги бошқа бир қаҳрамонга назар ташлайлик.

“Раббий Мусо билан биров ўз *дўсти* билан гаплашгандай, *юзма-юз* гаплашар эди” (Чиқиш 33:11).

Ёзув Худо ва инсон ўртасидаги дўстликни таърифлаш учун “юзма-юз” иборасидан фойдаланаётгани деярли тушунарсиздир. Ёдингизда бўлсин, бу ерда кўчадаги кимдир ва ҳатто, шунчаки машҳур шахс эмас, балки Қодир Худо ҳақида гап бормоқда. Сиз бу баёнотнинг кучини тушуняпсизми? Яқинлик ҳақидаги бу ибора бир марта ишлатилмаяпти; биз уни иккинчи марта Раббий Мусони танқид қилгани учун Аҳарон ва Мириамдан ғазабланганида учратамиз. У кескин гапириб дейди:

Менинг уйимда ҳамма нарсада Мен биргина унга ишонаман. Мен у билан юзма-юз гаплашаман, жумбоқлар билан эмас, аниқ гаплашаман! Мусо Раббий қандай бўлса, Уни шундайлигича кўради” (Сонлар 12:7, 8, инглизча таржимадан).

Худодан “Мен сенга ишонаман” деган сўзларни эшитиш, инсон олиши мумкин бўлган улкан мақтовдир. Бу Худо билан бундай дўстлик ишончга асослангани ҳақидаги чуқурроқ тушунчани беради. Худого нисбатан ишончни нима шакллантиради?

Шартсиз итоат қилиш – Унинг илтимосларини ҳар доим бажаришни англатади. Мутлақ ҳалоллик – ҳар доим ўз сўзида туришни англатади.

Ўзгармас устуворлик – ҳар доим Унинг истакларини биринчи ўринга қўйишни англатади. Унинг юрагини билиш – қарорлар қабул қилишда ҳар доим Унинг иродасини афзал билишни англатади.

Барча тўрттала бандлардаги изчиллик муҳим аҳамиятга эгадир. Агар бирида ёки бошқасида адашиш содир бўлса, тез ва самимий тавба қилиш сизга йўқотилган ишончни қайтаришга ёрдам беради. Муқаддас қўрқув бу барқарорликни барча тўрт тоифаларда таъминлайди ва Мусо буни энг юқори даражада намоён этган. Биз ушбу бобда учинчи ва тўртинчи тоифаларга, яъни, Худонинг юрагини билиш ва доим уни танлашга эътиборимизни қаратамиз.

Мусонинг ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритинг – у биринчи қирқ йилини катта дабдаба ва бойликда яшаб, энг яхши таомларни еб, замононавий либосларга кийиниб, энг яхши моддий неъматлардан баҳраманд бўлиб ва ўзининг ҳар қандай инжиқликларини қондириб ўтказди. У муҳташам уйда яшади ва ер юзида унинг бобоси фиръавндан кўра бойроқ ва қудратлироқ одам йўқ эди. Бироқ биз қуйидагини ўқиймиз:

“У гуноҳнинг вақтинчалик лаззатидан завқланишдан кўра, Худонинг халқи билан биргаликда азоб чекишни *афзал кўрди*. У олдинда уни қандай *мукофот* кўтаётганини кўрди, шу сабабли Масиҳ учун хўрланиш унга Мисрнинг бойликларидан қадрлироқ эди” (Ибронийларга 11:25, 26, ЯРТ).

Мусо ҳамма нарсадан кетишни *афзал кўрди*. У саройда Худого хизмат қилишга уриниб кўриши мумкин эди, лекин Мисрда қолиш бера олмайдиган *мукофотни* қидирди. Бу ваъда қилинган ер эдимми? Ер бўлиши мумкин эмас эди, зеро у эгалламаган сўт ва асал оқадиган ер нима бера олиши мумкин?

У энг кўп қидирган нарсани аниқлаш учун, келинг, унинг саройдан қочгандан кейинги ҳаётини кўриб чиқайлик. Унинг ҳамма нарсани қолдириш танлови оқилона эдимми? Унинг яшаш шароити Мисрдаги шахзоданинг ҳаёти билан солиштирганда яхшироқ бўлдимми? У қирқ йил саҳрода қўй боқиш учун одамларни бошқаришни қолдирди! Бу подачилик учун катта муддат! Кейин у Худо халқини фиръавннинг буйинтуруғидан озод қилишининг жуда кескин ва ўзоқ жараёнини бошдан кечирди. Агар бу ҳам камлик қилган бўлса, у сувсиз саҳрога тушиб қолди, у ерда улкан синовлардан ўтиб, чодирда яшади. У ортидан эргаштирган одамлар вайсақи, тажовузкор бўлиб, унинг бошқарувидан умуман қониқишмади. Буларнинг барчаси аро Худо Мусога кўп нарсада безовталиқ ва ташвишларни юмшатовчи таклифни берди. У Мусога одамларни йиғиб, ваъда қилинган ерга олиб кетиш йўл-йўриғини берди. У уларни етаклаб борадиган ва барча душман халқларни қувиб юборадиган танланган фариштани тайинлади. Раббий Мусога бу ер бой, унумдор ер бўлишини эслатиб, ниҳоят шундай деди:

“Лекин Мен сизлар билан бормайман” (Чиқиш 33:3, ЯРТ).

Тўхтаб, Мусо ва халқ ҳар куни нималарга дуч келгани ҳақида ўйлаб кўринг. Уларда ҳеч қандай хилма-хиллик йўқ эди – гўзал водийлар ҳам, дарёлар, ўрмонлар, унумдор тупроқ, гул ва мевали боғ ва яйловлар ҳам йўқ эди. Ҳеч ким илиқ ванна қабул қилмас, қулай тўшақда ухламас, тоза кийим киймас, дўконларга боришдан завқланмас эдилар. Уларнинг таомномаси жуда камбағал эди: барра сабзавотлар ҳам, мевалар ҳам, балиқ ҳам, мол гўшти ҳам, ширинликлар ҳам йўқ эди, ҳеч қандай ерёнғоқ ёғи, мураббо ва яхна газакларсиз ҳар куни эрталаб ерда пайдо бўладиган фақат нон бор – бошқа ҳеч нарса йўқ!

Мисрдаги қуллик даҳшатли бўлиб, лекин сўвсиз саҳро бўйлаб дарбадар кезиш бундан яхшироқ эмас эди; у ерда ҳам, бу ерда ҳам шароитлар ҳар хил бўлсада, жуда қийин эди. Аммо саҳрода исроилликларда умид пайдо бўлди: уларнинг шахсий ерлари – бой, унумдор ва гўзал эди. Улар уни авлодлар давомида кутишган!

Худодан бундай ажойиб сўзларни эшитиш қандай эканини тасаввур қила оласизми? Албатта, Мусо рози бўлди, тоғдан тушиб, катта янгиликни бутун йиғилган халққа эълон қилди. Одамлар тантана қилишиб, уни буюк йўлбошчи сифатида мақтаб, кўкларга кўтаришди ва ҳаммаси хурсандчилик билан ваъда қилинган ер томон узоқ қутилган сафарга отланишди. Аммо Мусо Худонинг таклифига қандай жавоб бераётганига қулоқ тутинг:

“Агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин” (Чиқиш 33:15).

Бу жой қаерда бўлганини эслатиб ўтаман. Бу қийинчиликлар, руҳий тушкунликлар ва синовлар жойи эди. Мусо маълумотли бўлмаганлар учун ғалати ва ҳатто мулоҳазасиз бўлиб кўринадиган жавобни берди. Аслида, у шундай деди: “Агар мен Сенинг ҳузуринг билан Сенинг дуо-баракаларинг ўртасида бирини танлашим керак бўлса, мен Сенинг ҳузурингни танлайман!” Нега? Бирор киши ҳақида у йўқлигида фақат билиш мумкин, лекин у билан яқин бўлиш имконсиз. Мусо эса ушбу мукофотни иштиёқ билан хоҳлар эди.

Сиз сўрашингиз мумкин, нима учун Мусо Худонинг таклифини қабул қилишдан бош тортиши Унга маъқул бўлди? Мусо Худонинг юрагини билар эди. Мана бу нарса ҳақида ўйлаб кўринг: сиз бирор марта севган одамингизга бориб, фақат унинг бир ўзи учун бирор бир фойдали ва ёқимли нарса қилиш имкониятини таклиф этгансиз ва буни чин юракдан қилгансиз, аммо ажабланиб: “Йўқ, мен сенсиз бундан лаззатла-

нишни эмас, балки сен билан қолишни афзал биламан” – деган жавобни эшитгансиз. Бундай жавоб – камёб, ҳайратомуз ва энг ажойибидир.

Мусо Худодан қўрққан, шу сабабли Худо учун муҳим бўлган нарса унинг устуворлиги бўлган; у Худонинг юрагини, демак, Унинг ишончини ҳам шундай қозонди. У етаклаган одамларда бошқача юрак бор эди. Биз шундай деб ўқиймиз:

“У [Худо] Мусога Ўз феъл-атворини, Исроил ўғилларига Ўз ишларини кўрсатди” (Сано 102:7, инглизча таржимадан).

Иброҳим билан бўлган ҳолатдаги каби, Худо Ўз *феъл-атворини* Мусога очди. Муқаддас Китобнинг “Эзгу Хабар” таржимасида Худо Ўз *режаларини* Мусога очди деб ёзилган. Бошқача айтганда, У Ўзининг шахсий сирларини Исроилга эмас, балки Мусога очди.

Бугунги кунда қанча имонлилар Худони фақат ибодатларга берилган жавоблар бўйича биладилар? Уларнинг У билан муносабатлари яқинликдан кўра кўпроқ битимни эслатади. Улар Унинг сўзларини биладилар, лекин Унинг юрагини билмайдилар. Ёзув кўпинча қоидалар мажмуаси ва тарихий ҳикоялар тўплами бўлиб кўринади ёки шунчаки илҳом манбаи сифатида ишлатилади.

Бундан ҳам ёмони, Унинг юрагини очиб берувчи ҳаётий муҳим ҳақиқатларни олишнинг ўрнига, қонунбузар хатти-ҳаракатларга рухсат олиш учун уни бузиб кўрсатадилар.

Мусо ва исроилликлар ҳақ одамлар бўлиб, Иброҳим ва Лутдан ҳеч қандай фарқ қилмас эдилар. Аммо фақат Худодан қўрқадиганларгагина Унинг юрагини – феъл-атворини, сирлари ва режаларини билиш имтиёзи берилган. Нима учун Худо Мусога ишониб, лекин Ўз халқига ишонмаган? Чунки Худо Мусо ўзи учун энг кўп манфаатлироқ бўлиб кўринган нарсани эмас, доим Худонинг юрагини танлашини билар эди – бу эса муқаддас қўрқув ҳисобланади.

Исроил бузоқни ясаганида, Худо ғазабда ҳайқирди:

“Энди Мени тарк этгин, бу халққа нисбатан ғазабим ёнсин, Мен уларни қириб ташлайман ва сендан буюк халқ яратаман” (Чиқиш 32:10).

Яна бир ажойиб таклиф – агар Мусо Исроил ҳақида шафоат қилишни тўхтатса, ундан буюк халқ яратиш таклифи янграмоқда. Ажойиб. Мусо қандай муносабат билдирди? У яна бир бора ўзи учун эмас, Худо учун энг яхши бўлган нарсани танлади. У дадиллик билан бу таклифни рад этиб, Худого Мисрдаги ва бутун дунё нигоҳидаги Унинг обрўсини – бошқалар Худо Ўз халқига содиқ бўлмаганини

айтишларини эслатди. Мулоқот шу қадар кескинлашдики, Мусо тўғридан-тўғри “Фикрингдан қайт!” – деб айтди (12-оят). Худо ғазабда бўлганида, Унга Ўз фикридан қайтишни айтишга Мусо журъат этди! Агар сиз Худодан қўрқмасангиз, шу билан бирга Унинг юрагини билмасангиз ва Унга эзгулик истамасангиз, бунинг иложи йўқ.

Мана нима учун Худо Мусога ишонди ва гарчи У уларнинг ҳар бирини қутқарган бўлсада, халққа ишонмади. У халқни Мисрнинг ягона ҳукмронлигидан қудратли тарзда қутқарди, лекин У Ўз юрагини ҳеч ким билан бўлишмаган бўлар эди. Ушбу дўстлик шарти Янги Аҳд давридаги Худонинг фарзандларига қўлланиладими? Биз буни кейинги бобда кўрамиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Ҳамма нарса Менга Отам томонидан топширилган. Ўғилдан... бошқа ҳеч ким Отанинг кимлигини тўлиқликда билмайди ва аниқ тушунмайди (Матто 11:27, инглизча таржимадан).

Маъноси. Худодан “Мен сенга ишонаман” деган сўзларни эшитиш, инсон олиши мумкин бўлган улкан мақтовдир. Ишонч – Худо билан дўстлашиш учун пойдевор, зарурий шартдир; бу Худодан қўрқадиганларда бўлади.

Фикр юритиш. Мусо Худодан қўрқар, Унинг юрагини билар эди ва Худо унга ишонар эди. Исо Раббийдан қўрқишда қувонч топган, Ўз Отасининг юрагини билган ва ҳамма нарса Унга ишониб топширилган. Бу ерда қандай алоқа бор? Биз муқаддас қўрқувда қувонч топганимизда нима содир бўлади?

Ибодат. Қадрли Раббий, Сен менга ишонишингни хоҳлайман. Илтимос, мен Сенга итоат этмаган, ўз сўзимда турмаган, Сенинг истакларинг ва Сен учун энг аъло бўлган нарсаларни ўз истакларимдан юқори қўймаган ҳолатлар учун мени кечиргин. Мен буни ўзгартиришни танлайман ва мени муқаддас қўрқув билан тўлдиришингни Сендан сўрайман, токи ҳаётимда ушбу ўзгаришни амалга оширишим учун менга куч бергин. Мен бу ҳақида Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен Раббим Исо ишона оладиган одам бўлишни танлайман.

У йўлда биз билан гаплашиб,
Ёзувларни тушунтираётганида,
юрагимиз ёниб турмаганмиди?

– ЛУҚО 24:32

35 | СИЗЛАР МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМСИЗ

Иброҳим ва Мусонинг ҳаёти Худо билан дўстона муносабатлар яратиш учун нима зарур эканлигининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Раббий Мусо ҳақида шундай дейишга қарор қилди: “Менинг бутун хонадонимдан фақат унга ишонаман” (Сонлар 12:7, инглизча таржимадан). Худо ўша авлод ичидан Унинг халқи орасида У ишониши мумкин бўлган ҳеч кимса топилмаганини эълон қилди. Ажойиб баёнот!

Исо бу мезонни ўзгартирдимиз? У Унга ишонганларнинг барчаси билан дўстона муносабатлар ўрнатдимиз? Биринчи қарашдан – йўқ, лекин келинг, Юҳаннонинг сўзларидан бошлаб бу масалани ўрганиб чиқамиз. У бу сўзларни Исо хизматининг биринчи кунлари ҳақида ёзмоқда:

“У Йерусалимда Песаҳ байрамида бўлганида, кўплар Унинг яратаётган мўъжизаларини кўриб, Унга *имон келтирдилар*. Аммо Исонинг *Ўзи уларга ишонмас эди*, чунки У ҳаммани билар эди” (Юҳанно 2:23, 24, ЯРТ).

“Ишонмоқ” – бу юнон тилидаги қизиқарли сўз бўлиб, “тўлиқ ишонч ва умид қилиш даражасида ишониш – ишончи комилликка эга бўлиш, имонга эга бўлиш” деган маънони англатади. Қизиғи шундаки, Исо одамларнинг ишончига ишонч билан жавоб қайтармайди. Одамлар Унга тўлиқ ишониш ва умид қилиш даражасида имон келтирганларига қарамай, У уларга ишонмас эди. У кўпчилик одамлар ишончли эмаслигини биларди. У уларни севар ва уларга хизмат қилар эди, лекин улар билан дўстлик даражасида муносабат қурмас эди. Исо (танада намоён бўлган Худо) шунчаки Унга имон келтирган одамларга Худо

Мусога билдирган ўша ишончни билдирмас эди.

Келинг, Сирли Кечликка ўтамиз. Олдинги уч йиллик хизматида Унга имон келтирган одамларнинг аксарияти ишончли бўлишмаган; кўпчилик яширинча ёки масофадан, ёки фақат бу уларга манфаатли бўлгандагина эргашишган. Кўпгина шогирдлар Уни ташлаб кетдилар, Яҳудо эса Унга хиёнат қилди. Нима учун Исо уларга ишонмагани тушунарли бўлдимми?

Исо овқатланиш пайтида Ўзининг энг яқин дўстлари билан ўтиради. У мулойимлик ва миннатдорчилик билан: “Сизлар Менинг барча синовларимда Мен билан бирга бўлдингизлар” – деди (Луқо 22:28, ЯРТ). Аслида, улар ишончли бўлганлар. Кейинроқ ўша куни кечқурун Петрус жиддий хатога йўл қўяди, лекин тавба қилиб, янада содиқроқ юрак билан қайтиб келади ва Исо бу ҳақида билар эди.

Яҳудо хиёнатни амалга ошириш учун кетди ва Исо қолган ўн бир кишига шундай деди: “Энди Мен сизларни қулларим деб атамайман” (Юҳанно 15:15). Исо “энди” деб айтаётгани, улар қачонлардир қуллар ҳисобланганини англатади. Бу ваҳий эмас, бу тилнинг оддий грамматикаси. Павлус бу тамойилни ўзининг мактубида тушунтирди:

“Меросхўр... болалик даврида қулдан ҳеч фарқи йўқдир”
(Галатияликларга 4:1).

Биз шундай деб савол беришимиз керак: биз Унинг Шоҳлигининг меросхўрлари бўлсак, нима учун Худо бизни қул даражасида ушлаб туради? Жавоб: бизни ҳимоя қилиш учун! У Ҳананияҳ ва Сапфиранинг қисмати бизнинг бошимизга тушишини истамайди; бу Унга ҳеч қандай завқ келтирмайди.

Биз Лиза билан 1980-йилларда иккита халқаро хизматларда иштирок этдик; бирида 450 нафар, иккинчисида 150 нафар ходим бор эди.

Бошқарув билан боғлиқ, бизга маъқул келмайдиган муаммоларни кўрдик ва биз ўз хизматимизни бошлаганимизда, ходимларни қандай бошқариш масаласида капкирни қарама-қарши томонга тебратдик. Айрим ғоялар яхши, айримлари яхши эмас эди. Биз бошлаган ишнинг тамойилларидан бири шундай эди: “Мен ҳар бир ходим учун энг яхши дўст бўламан”. Афтидан, сиз бу донолик аҳмоқона эканини аллақачон тушунгандирсиз.

Бизнинг илк ходимимиз ёш йигит бўлиб, мен уни Жастин деб атаман. Мен уни ўзимнинг энг яхши ошнам қилдим; биз бирга баскетбол ўйнардик, видео томоша қилардик, кўпинча бирга тушлик, кечки овқатни тановвул қилардик ва энг яхши дўстлар қиладиган барча нарсаларни

қилардик. Бошида ҳаммаси яхши ўтди. Бироқ бир йил ўтгач, мен унга кичик бир танбех беришимга тўғри келди. У столга менинг қаршимга ўтирди ва мен мулойимлик билан унга гапиришни бошладим: “Жастин, мен билан сафар чоғида бизнинг материаллар турган столимизга яқинлашган одамлар билан дўстонароқ гаплашишинг керак. Илтимос, улар билан табассум қилиб гаплаш, чунки улар Худо учун қадрли”.

Кейин содир бўлган нарса мени ҳайратга солди. У бармоғини кўтариб, мени ҳар хил нотўғри хатти-ҳаракатларда айблаб бошлади. У мен нотўғри қилган ҳамма нарсани санаб ўтди. Мен: “Оҳ, йўқ, наҳотки мен шундай қилаётган бўлсам?” – деб ўйлаб қолдим. Лекин орадан бир неча дақиқа ўтиб, у менга ниҳоятда танқидий назар билан қараганини англадим. Мен тўхтаб, Муқаддас Рухдан нима қилишим кераклигини сўрадим. У мулойимлик билан: “Уни хизматдан четлат” – деди.

Мен унга охиригача гапиришига имкон бердим, сўнгра: “Жастин, мен сени хизматдан четлатишга мажбурман” – дедим.

Унинг жаҳли чиқди ва эшикни тақиллатиб ёпиб, ўйимиздан югуриб чиқиб кетди. Мен бирдан йиғлаб юбордим, чунки у мен учун қадрли эди. Тўсатдан, Муқаддас Рух пичирлаб: “У қайтиб келади ва икки баробар садоқатлироқ бўлади” – деди.

Уч ойдан сўнг Жастин менга қўнғироқ қилиб: “Худо аниқ-равшан мен билан гаплашди ва менинг хатоларимни кўрсатди. Мен сендан кечирим сўраш учун қўнғироқ қилипман. Худо сен ва Лизанинг ҳаётида мен учун қандай жой ажратгани ҳақидаги тасаввурни йўқотдим. Мен иккалангизга оддий одамлардек – етакчилар сифатида эмас, балки ўзим тенги ҳамкасблар сифатида муносабатда бўлдим. Мен жуда афсусдаман” – деди.

Мен дарҳол жавоб бериб: “Жастин, сени кечираман” – дедим. Яна бир нечта ярашув сўзларидан сўнг, ундан бизнинг ёнимизга ишга қайтасанми деб сўрадим. У мамнуният билан рози бўлди ва бизда бу масала соҳасида бошқа ҳеч қачон муаммо юзага келмади.

Энди мен бошқача тарзда фикрлайман. Мен ходимларнинг ҳеч бири билан Жастин эътибордан четда қолдирган нарсада у мустаҳкам бўлганига қатъий ишонч ҳосил қилмагунимча, шахсий сирларимни бўлишишдан ўзимни тияман. Мен буни жамоамиз аъзоларидан узоқроқ бўлишни хоҳлаганим ёки уларга бепарволик кўрсатиш учун қилмайман; мен буни уларни ҳимоя қилиш учун қиламан. Улар Жастин билан содир бўлган воқеани бошдан кечиришларини истамайман. Бироқ ходим бизнинг ҳокимиятимизни тан олганини тушунганим заҳоти, мен унга дўст сифатида муносабатда бўлишни бошлайман. Жамоамизнинг баъзи бир аъзолари – менинг энг яқин дўстларимдир.

Аслида, Раббий бизга: “Сизлар Мен сизларнинг ҳаётингизда Ким эканимда ва сизлар Мен билан ким эканингизда (Раббийдан қўрқишга эга бўлмагунингизча) мустаҳкам бўлмагунингизча, сизлар меросхўрлар бўла туриб – яъни, Менинг Шоҳлигимда ўғил ёки қиз эканингизга қарамасдан, Мен сизларни хизматкор даражасида ушлаб туришга мажбурман. Бу сизнинг ҳимоянгиз учун керакдир, токи сизлар Ҳананияҳ ва Сапфира каби ҳукм қилинманг” – демоқда.

Исо бу одамларга шундай демоқда:

“Энди Мен сизларни қулларим деб атамайман, чунки қул, унинг хўжайини нима қилаётганини билмайди. Аммо Мен сизларни дўстларим деб атадим, чунки Отамдан эшитган ҳамма нарсани Мен сизларга маълум қилдим” (Юҳанно 15:15).

Исо аслини олганда, шундай демоқда: “Ҳозиргача Мен сизларга махфий маълумотни – Ўз режаларим, сирли ўғитларим ёки юрагимнинг хилват жойларини очмаган эдим. Лекин Мен Мусо ва Иброҳимга ишонганим каби, энди сизларга *ишонишим* мумкин”. Мана нима учун Исо бизларнинг барчамизга шундай демоқда:

“Агар..., унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” (Юҳанно 15:14).

Биз қўшиқлар куйлаймиз, ваъзлар ўқиймиз ва Исо ҳақида худди дўстимиз ҳақида гапиргандек бепарво гапирамиз, баъзилар шунчалар чуқурлашиб кетадиларки, Уни ҳатто ошна деб аташади. Бироқ биз камдан-кам ҳолларда Унинг фикрини охиригача етказамиз. “Агар” сўзи шартни англатади; ҳатто биз Унга ишонсак ҳам, бу сўз автоматик ҳисобланмайди. Дўстликнинг шарты қандай?

“Агар Менинг сизларга буюрганганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар”.

Бу шарт: “*Раббийдан қўрқиш* – Унинг Сўзи қаршисида титраш, Унинг амрларида зудлик билан ва ҳатто улар маънога эга бўлмасадда, сиз уларда манфаатни кўрмасангиз-да ёки бу оғриқли бўлса-да бўйсунингиз. Иброҳим ва Мусо Унинг қаршисида титрагани учун, улар Қодир Худо билан дўстлик муносабатларига таклиф қилинганидек, ҳозир ҳам биз билан шундайдир. Қачон Раббийнинг юраги ва иродаси бизнинг биринчи рақамли устуворлигимизга айланса, ўшанда У бизга ишониши мумкин ва дўстлик муносабатларига қабул қилади. Оламни Яратганнинг дўсти бўлиш қандай шараф, қандай имтиёз ва қандай завқу-шавқдир!

Тугатишдан аввал, эҳтимол, ҳали қолган саволга мурожаат

қилишимга ижозат беринг: Исо бизга амрлар беряптими? Ҳа, фақат биргина Янги Аҳдда беш юздан ортиқ амрлар мавжуд. Аммо бу нажот топиш учун зарур бўлган амрлар эмас, чунки бу бепул инъомдир. Аниқроғи, бу Худони улуғлайдиган амрлардир ва муқаддас қўрқув орқали уларга амал қилиш учун бизга куч берилган. Исо самога кўтарилишидан олдин айтган сўнги қўзлари қўйидагилар эди: “Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар <...> Мен *сизларга буюрган* барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар” (Матто 28:19, 20).

Муқаддас қўрқувнинг энг улкан фойдаси шундаки, у бизни Исо билан дўстликка таклиф қилади. Биз кейинги бобда Худодан қўрқишнинг бошқа афзалликларини кўздан кечирамиз.

Бунини шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” (Юҳанно 15:14).

Маъноси. Агар биз шунчаки Унга қарши бўлсак, Унинг ишончини қозона олмаймиз. Раббий билан дўстликка Ундан қўрқадиганлар эришадилар.

Фикр юритиш. Ҳатто бу маъносиз бўлса ҳам, ҳатто бунда ҳеч қандай шахсий манфаат йўқдек кўринса ҳам, ҳатто бу оғриқли бўлса ҳам, Исога зудлик билан ва охиригача қулоқ солишга арзийдимми? Бунга Унинг дўстлиги арзийдимми?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Сенинг яқин дўстларингдан бири бўлишни хоҳлайман. Мен Сени узоқдан билишни эмас, балки Сенга яқин бўлишни истайман. Менга сўзсиз бўйсунуш, Сени бутун юрагим, жоним, танам ва қувватим билан севиш ҳамда Сендек, одамларни ҳақиқатда севиш учун Раббийдан қўрқишни танлайман. Мен бу ҳақида Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен Исонинг дўсти бўлишни танлайман! Мен У буюрадиган барча нарсага бўйсунаман.

ХАЗИНАДАН ФОЙДА

6-ҲАФТА

Оёқларинг юрадиган
йўлни пухта ўйла ва
барча йўлларинг
мустаҳкам бўлсин.

– ҲИКМАТЛАР 4:26

36 | УНИНГ ВАЪДАЛАРИНИНГ ТАСДИҚЛАНИШИ

Энди муқаддас қўрқувнинг кўплаб афзалликларига мурожаат қиламиз. Биз юқорида улардан баъзиларини, жумладан, энг каттаси – Худо билан яқинлик ҳақида муҳокама қилдик. Келинг, “Раббийда Ундан қўрқадиганларга сақлаб қўйган эзгуликлар нақадар кўп” эканлигини таниб-билишда давом этамиз (Сано 30:20 га қаранг).

Биз бу қизиқарли саёҳатни бошлашимиздан олдин, кенг тарқалган бир нотўғри тушунчани бартараф этиш зарур. Кўпинча одамлар Ёзув уларнинг тажрибасини шакллантиришига имкон беришнинг ўрнига, улар Ёзувни ўзининг назари ёки бошқанинг тажрибаси орқали талқин қиладилар. Аслини олганда, Худонинг ваъдалари “Худо хоҳласа” сценарийси шаклида кўриб чиқилиб, унда қуйидаги фикр устун бўлади: *агар Худо буни мен учун хоҳласа, у ҳолда ажойиб. Лекин йўқ бўлса, унда У олий ҳокимият эгаси ва мен буни қабул қилишим керак.* Бундай тушунча Худо Ўз фарзандларига нисбатан ғаразли муносабатга эгаллигини кўрсатади, бироқ бу нотўғри. Бу Раббийга нисбатан яширин ва айтилмаган хафагарчиликни осонликча келтириб чиқариши мумкин.

Аслини олганда, ҳаммаси бутунлай бошқача; кўпинча биз Худонинг айтганини ҳимоя қилишимизга тўғри келади. Келинг, бу ҳақиқатни ўрнатиш учун Ёзувга юзланамиз. Муқаддас Китобдан мисол тариқасида, кўпчилик асоссиз деб ҳисоблайдиган ваъдани келтирамиз. Худо Иброҳимга шундай деди: “Мен сенга ваъда берган авлодга Исҳоқ

орқали эга бўласан” (Ибтидо 21:12). Худонинг бу сўзи, илгари айтилган бошқа сўзлар билан бир қаторда, илоҳий ваъдани аниқроқ қилди: Иброҳим халқларнинг отаси бўлади ва келаётган Масих Исҳоқнинг уруғи орқали келади.

Шулардан келиб чиқиб, келинг, қандай қилиб Худо Исҳоққа хотинликка қиз танлаганидан бошлаб, унинг насл-насаби қандай бошланганини кўриб чиқамиз. Иброҳимнинг хизматкори Исҳоққа келин топиш учун ўз хўжайинининг юртига жўнаб кетди. Узоқ сафардан сўнг, у оммавий қудуқ ёнида тўхтади ва Худодан бехато аломат сўраб ибодат қилди – гарчи у ундан илтимос қилмасада, унинг ўнта туясига сув берадиган қиз, Худо “қўлинг Исҳоққа *тайинлаган*” келин бўлиши керак эди (Ибтидо 24:14).

Келинг, шу ерда тўхтаб, саҳро бўйлаб узоқ вақт йўл босиб ўтилгандан сўнг, битта туя ўн беш дақиқа ичида тахминан ўттиздан, эллик галлонгача (бир юз элликдан, бир юз тўқсон литргача) сув ичиши мумкинлигини қайд этамиз. Буни ўнта туяга кўпайтиринг – бу қиз ўз ихтиёри билан мана қанча сув олиб келиши керак эди. Хизматкорнинг ибодати мўъжизали тарзда амалга ошган бўлиши керак эди, аммо Ривқо унинг илтимосини мукамал тарзда бажарди! Шубҳа йўқ, у Худо томонидан Исҳоққа хотинликка танланган.

Хизматкор Ривқо билан уйга қайтгандан сўнг, Исҳоқ ва Ривқо турмуш қурди. Аммо ваъда амалга ошиши учун катта тўсиқ бор – у бепушт ва фарзанд кўра олмайди! Худо хатога йўл қўйдими? Наҳотки, У Ривқо ҳомиладор бўла олмаслигини билмаган бўлса? Ваъда қандай амалга ошади? Нима учун У айнан уни танлади? Исҳоқ ва Ривқо нима қилиши керак? Улар қачонлардир ваъда амалга ошиб, унинг бачадони бир куни мўъжизали тарзда очилишини, шунчаки кутишлари керакми?

Жавоб излаб, келинг, биринчи ишорани олиш учун Иброҳимга юзланамиз. У ибодати қатъий одам. Айнан у Худо ўн нафар ҳақ одам ҳақи Садам ва Гаморани сақлаб қолиш ва йўқ қилмаслик учун Худого қарши чиқди. Биз Ёзувдан биламизки, у ўғлига ҳам худди шундай йўл тутишни ўргатади (Ибтидо 18:19 га қаранг). Биз буни билиб, қўйидагини ўқиймиз:

“Исҳоқ Раббийга хотини учун *ибодат қилди*, чунки у бепушт эди. Раббий *унинг ибодатига жавоб берди* ва унинг хотини Ривқо ҳомиладор бўлди” (Ибтидо 25:21, ЯРТ).

Бу Худонинг ваъдаси бўлиб, у албатта, ҳеч қандай инсоний аралашувсиз амалга ошиши зарур бўлса, унда Ривқо фарзанд дунёга келтириш қобилиятига эга бўлар эди. Лекин бу содир бўлмади.

Худонинг ваъдаси амалга ошиши учун Исҳоқдан аниқ маълум бир хатти-ҳаракат талаб қилинди. У *ёлвориши* керак бўлди. Иврит луғатида айтилган, “бу сўзнинг асосий маъноси – Раббийга фарёд қилишдир”. Бинобарин, бу шунчаки оддий ибодат эмас, балки қизғин илтижо бўлиб, бунга рад жавоби бериб бўлмас эди. Бундай ибодат Худого маъқулдир. Бизга шундай дейилган:

“Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади”
(Ёқуб 5:16).

Ҳаворий Ёқуб ғайратли ибодат – бу рашк ва иштиёқ билан қилинган ибодат эканини таъкидлайди. У ёмғир учун ибодат қилган Илёсни мисол қилиб келтиради. У бошини тиззалари орасига эгиб, етти марта иштиёқ билан ибодат қилиши ва етти марта ўз хизматкорини уфқда ёмғирли булутлар бор ёки йўқлигини кўриш учун юборишига тўғри келган. Худонинг ваъдаси ер юзида амалга ошмагунича, унинг имони чекинмади (3-Шоҳликлар 18:41-45).

Исҳоқ Худонинг ваъдасини билар эди ва у ер юзида ўрнатилиши учун қизғин ёлворди. Аммо ҳамма имонлилар ҳам шундай йўл тутадиларми? Бизга қуйидагича айтилган:

“Ё, Раббий, Сенинг сўзинг осмонларда абадий ўрнатилган”
(Сано 118:89).

Худонинг Сўзи осмонларда ўрнатилган. Бу жойда ер ҳақида эмас, фақат осмон ҳақида бежиз гапирилмаган. Нима учун? Саночи айтади: “Осмон – Раббийга тегишлидир, ерни эса У инсон ўғилларига берди” (Сано 113:24, ЯРТ). Раббий осмон ва ерларга эгалик қилади, лекин У ерни инсониятга маълум бир вақтга ижарага берди.

Бизнинг Лиза билан оилавий ҳаётимизнинг бошида, хонадонни ижарага олар эдик. У бизнинг мулкимиз эмас эди, лекин у биз яшаган уй маъносида бизники эди. Унинг эгалари келиб, мебелларни қандай жойлаштирганимиз, қандай пардоз қилганимизни ва унда яшашимиз билан боғлиқ бошқа масаларни назорат қилмас эдилар. Аммо бизга ёрдам керак бўлса, уй эгаси ёрдам кўрсатарди.

Бу Худо ерга эгалик қилиб, лекин уни инсониятга ижарага берганига ўхшайди. Бу нима учун У боққа келиб, Одам Атонинг қўлидан мевани тортиб олганини тушунтиради. У инсонга ер устидан ҳокимият берди (Ибтидо 1:26-28). Биз буни тушунган ҳолда, Унинг Сўзи ерда қандай ўрнатилишини сўрашимиз керак. Бизга: “Ҳар қандай сўз икки ёки уч гувоҳнинг *оғзидан* қатъий бўлади” – деб айтилган

(2-Коринфликларга 13:1). Ишаъё пайғамбарнинг китобида Худо шундай деб эълон қилади:

“Худди шундай, *Менинг оғзимдан* чиққан сўзим Менинг олдимга беҳуда қайтиб келмайди. Лекин Менга нима маъқул бўлса, шуни бажо келтиради ва Мен уни нима учун юборган бўлсам, ўшани муваффақиятли амалга оширади” (Ишаъё 55:11).

Ёзувнинг иккала жойида ҳам *оғиз* сўзи алоҳида кўрсатилгани қизиқ. Худонинг оғзи У истаган иродани айтмоқда, лекин ўз оғзи билан талаффуз қилиб, шу тарзда уни ер юзида ўрнатиш учун (ерда ҳокимият берилган) инсон талаб қилинади. Аслини олганда, биз Унга келиб, ер юзида ёрдам кўрсатишини сўраб мурожаат қиламиз. Энди Унинг ваъдаси осмонда бўлгани каби, ерда ҳам худди шундай ўрнатилади. Бошқача сўз билан айтганда, биз Унинг иродаси амалга ошишини сўрамагунимизча, У Ўз иродасини “бизга ижарага берилган ерда” мажбурлаб ўтказмайди.

Худо Иброҳимга ваъдани айтди. Сиз Исҳоқнинг қандай: “Отамнинг Худоси, Сен мендан халқ келиб чиқишини ва менинг авлодларим дуо-баракали бўлишини ваъда қилдинг. Хотиним фарзандларни дунёга келтириши учун унинг бачадонини очишингни Сендан сўрайман. Омин” – деб ёлворишини тасаввур қилишингиз мумкин. Натижада, Худонинг иродаси амалга ошди.

Келинг, энди бошқа бир буюк намуна – Исони кўздан кечирайлик.

“Масих ерлик ҳаёти пайтида Уни ўлимдан қутқаришга қодир бўлган Худога кучли фарёд ҳамда кўз ёшлари билан баланд овозда ибодат қилди ва У Ўзининг эҳтироми туфайли *эшитилди* (Ибронийларга 5:7, ЯРТ).

Биз бу ерда “фарёд ва кўз ёшлар билан ибодат қилди” жумласини кўрамыз, бу дафъа у Худонинг қаршисидаги “эҳтиром” сўзи билан биргаликда ишлатилмоқда. Мана яна бир калит. Нафақат Худонинг иродаси ер юзида намоён бўлмагунга қадар гапирадиган (ёлворадиган) мустаҳкам имон талаб қилинади, лекин шунингдек, Худо томонидан Унинг халқига берилган ваъдаларни ўрнатиш учун Раббийдан қўрқиш ҳам талаб қилинади. Худо Исонинг ибодатини “эшитгани”га эътибор қаратинг. Ибодат қилиш бир нарса, аммо *эшитилган* бўлиш умуман бошқа нарсадир. Эшитилмаган ибодатлар бўладими? Шубҳасиз. Ёқуб ўзининг мактубида шундай деб ёзади: “Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки нопок ниятлар билан

сўраяпсизлар” (Ёқуб 4:3, ЯРТ). Яна биз ўз мақсадларимизга қарашимиз керак ва Худодан қўрқиш – бу айнан бизнинг мақсадларимизни назорат остида ушлаб турадиган нарсадир.

Биз Худодан қўрққанимизда, дадиллик билан ибодат қилишимиз ва Худонинг иродасини ёки Худонинг ваъдаларини ушбу ер юзида эълон қилишимиз мумкин ҳамда улар осмондаги каби амалга ошади. Балки хаворий Павлус айнан шу сабабли ўзининг ердаги йўлининг сўнгига қўйидагича ёзаётгандир: “Имон учун жасорат билан жанг қилгин, абадий ҳаётни ушлаб тургин” (1-Тимўтийга 6:12, ЯРТ). Бу курашдир ва бизга абадий ҳаёт берадиган нарсани биз имон билан ушлаб турамыз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Ундан қўрқадиганларнинг истакларини У бажаради, уларнинг фарёдларини эшитади ва уларни қутқаради” (Сано 144:19).

Маъноси. Кўпинча одамлар Ёзув уларнинг тажрибасини шакллантиришига имкон беришнинг ўрнига, улар Ёзувни ўзининг назари ёки бошқанинг тажрибаси орқали талқин қиладилар.

Фикр юритиш. Мен ўзимнинг эътиқодларимга, ўзимнинг ёки бошқанинг тажрибаси тўғрисида Ёзувда ўрнатилган нарсалардан оғишига йўл қўйдимми? Менинг ҳаётимда, оиламда, менинг таъсир дунёда ҳали амалга ошмаган ваъдалар борми? Мен бу илоҳий ваъдалардан ташқари ҳаётдан мамнунманми? Ваъдалар мана шу ер юзида амалга ошиши ҳақида ёлвориб, улар учун курашишга тайёрманми?

Ибодат. Қадрли Раббий, Исо номи билан мени руҳий ялқовлик учун, амалга ошмаган ваъдалар билан қаноатланаётганим учун ва Сенинг Сўзингни эълон қиладиган нарса учун курашмаётганим учун кечиргин. Сенинг ироданг ўрнатилиши учун курашишнинг ўрнига, ўз йўлимни шакллантиришда ўтмишдаги тажрибаларга таяндим. Мен тавба қиламан ва имоннинг яхши жанги билан жанг қилишни, Сенинг ироданг осмондаги каби, ерда ҳам ўрнатилиши учун ибодат қилишни танлайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен имоннинг яхши жанги билан жанг қилишни, Худонинг иродаси менинг таъсир дунёда қандай ўрнашаётганини кўриш учун абадий ҳаётни эълон қиладиган нарсани ушлашни танлайман.

Худодан қўрқадиган одамлар
ҳаётнинг юзига қўрқмасдан
қарайдилар. Худодан
қўрқмайдиган одамлар,
оқибатда ҳамма нарсадан
қўрқадилар.

– РИЧАРД ХАЛВЕРСОН

37 | БОШҚА ҚЎРҚУВЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛУВЧИ ҚЎРҚУВ

Биз кулфатлар ва қўрқувларга тўла дунёда яшаймиз. Боз устига, Исо бизга вазият фақат оғирлашишини айтади. Унинг бизни олдинда нима кутаётгани ҳақидаги таърифи ҳушёр торттиради: “Одамлар оламга келаётган офатларни кутишдан ва қўрқувдан жонларини ҳовучлаб адо бўладилар. Чунки самовий кучлар ларзага келади” (Луқо 21:26). Қўрқув ва хавотирлар умид, тинчлик ва оромдан маҳрум қилиб, фақат юракда саросима, оғирлик ва доимий азобларни қолдиради. Қандай даво бор?

“Раббий мени бошқалар ўйлагани каби ўйламаслигим ҳақида жиддий огоҳлантирди. У: “Бу халқ фитна деб атайдиган ҳамма нарсани фитна деб атаманг, улар қўрқаётган нарсалардан қўрқманг. Қудрат Худовандини муқаддас бил, биргина Ундан қўрқинг, биргина Унинг қаршисида титранг. У сизларни сақлайди” – деди” (Ишаъё 8:11-14, инглизча таржимадан).

Муқаддас қўрқув бошқа барча қўрқув ва хавотирларни бартараф этади, чунки у Худонинг хавфсизликда бўлиш ваъдаси билан мустаҳкамланган. Бир лаҳзага тўхтаб, бу ҳақиқат тўғрисида фикр юритинг. Тасаввур қилинг, Қўшма Штатларнинг бутун қуроли

кучларига сизни ҳимоя қилиш буюрилган. Ҳар бир қўмондон барча қўл остидаги зобитларига сиз олий ўринда туришингиз ҳақида ва сизнинг хавфсизлигингизни ҳимоя қилиш учун зарур барча чораларни қўллаш кераклиги ҳақида маълумот берган. Сиз қаерда бўлишингиздан ва каерга боришингиздан қатъий назар, ҳамма жойда бутун замонавий қуроллар заҳиралари сизга ҳимояни таъминлашга даъват қилинган. Буни деярли тасаввур қилиш имконсиз, лекин шундай нарса содир бўлса, сиз ўзингизни хотиржам ва ишончи комил ҳис қилган бўлишингизга аминман. Аммо Қудратли Худо: “Мен сизларни сақлайман” – деб айтгани билан солиштирилганда, юқорида айтилганлар ўз кучини йўқотади. Муқаддас Китоб бизга шундай дегани ажабланарли эмас:

“Сендан қўрқадиганларга сақлаб қўйган ва инсон ўғилларининг ҳузурида Сенга умид қиладиганларга тайёрлаб қўйган эзгуликларинг нақадар кўп. Сен шу художўйларни одамларнинг ёвуз ниятларидан Ўз ҳузуринг паноҳида яширасан, уларни даҳанаки жангдан махфий маконингга асрайсан” (Сано 30:20, 21).

Саховатли эзгулик ваъдаси – Худо ҳузурининг паноҳида ҳимояланган бўлиш, бизга ёвузлик истовчилардан хавфсизликда бўлиш – ҳаммага ҳам берилмаган, балки Худодан қўрқадиганларга берилган. Биз Лиза билан кўп йиллар давомида бизга қарши ёлғон, тўхмат, айблов ва таҳдидларга чидадик. Мен дўстларимга ҳазиллашиб: “Менинг исмимни Google нинг қидирув жойига киритманг; мени фош қилувчи кўп сонли мақолалар сизни босиб қолади” – дердим. Лекин биз сукут сақлаш ва ўзимизни ҳимоя қилмасликни қоида қилиб олдик. Бунинг ўрнига, биз барча ҳужумларни ўзимиз қўрққан Зотга топширдик ва Унинг доимий ҳимоясига гувоҳ бўлдик. Осон эмас эди; шундай вақтлар бўлардики, мен айнан кафтларимни косача қилиб бирлаштириб, Худого айблов ва таҳдидларни бераётганимнинг белгиси сифатида, уларни юқorigа ибодат ишорасида кўтарардим. Мен: “Ота, мен буни Сенинг қўлларингга топшираман, илтимос, бизни ҳимоя қилгин” – деб бақирардим. У ҳеч қачон бизга панд бермаган.

Муқаддас қўрқув бизнинг танишларимизни қандай ҳимоя қилганига гувоҳ бўлганмиз. Мен бир неча йил аввал ўзим туғилган шаҳарда 150 кишилиқ тингловчилар олдида воизлик қилдим. Кўпчилик хизмат пайтида ўз қўрқувларини Раббийдан қўрқишга алмаштирдилар. Эртаси куни кечқурун хайрихоҳлик билдирган ва қўрқувдан халос бўлганлар орасидаги бир она, ўз қизи билан дўкондан уйига қайтаётганларида, пичоқ ва тўппонча билан қуролланган уч эркак

уларга дуч келишган. Уларга уйга киришни қаттиқ буюришган. Улар ўғирлаш, зўрлаш, эҳтимол, ҳатто иккала аёлни ҳам ўлдириш мақсадида бўлганининг эҳтимоли катта.

Кейинчалик онаси хабар берди: “Агар бир кун олдинги оқшом бўлмаганида, мен қўрқувдан қотиб, тилдан қолган ва уларнинг талабларига бўйсунган бўлардим”. Лекин, унинг сўзларига кўра, у уларнинг уйга кириш буйруғига эътибор бермасдан, ўша заҳоти Исо уларни қутқариши учун овоз чиқариб ибодат қила бошлаган. “Мен Худога ёлворар эканман, менда ишонч, куч ва тинчлик ўсиб борди”.

Эркаклар қалтирай бошлашган ва улар унга ибодат қилишни тўхтатишни қатъий буюришган. Охир-оқибат, уларнинг сабри портлаган ва улар ғазабда бақариб: “Бас қил, ибодат қилишни бас қил!” – дейишган. Улар бундай ўзига ишонган аёлларни учратишга тайёр бўлмаганлар. Босқинчилар саросимага тушиб қолишган ва уларнинг эътибори онасига қаратилган бир пайтда, қизи уйга сездирмай кириб олиб, ёрдам чақиришга улгурган. Эркаклар бирдан қизнинг ғойиб бўлганини англаганларида, улар қочишга тушганлар.

Ўша йили мен Техас штатининг Хьюстон шаҳрида хизмат қилдим, яна бир ёш аёл ўз қўрқувларини муқаддас қўрқувга алмаштирди. Хизматдан сўнг бир ҳафта ўтиб, у савдо марказидан чиқиб, машинага ўтирганида, орқа ўриндиқда пичоқ ушлаган эркакка дуч келган. У қатъий равишда унга тўғрига ҳайдашни буюрган. Лекин у қўрқмасдан, дарҳол Исони тўхтамасдан чақира бошлаган. Улар бир неча соат юришган, эркак шу вақт давомида ундан овозини ўчиришни талаб қилган, лекин у рад этган. Ниҳоят у: “Машинани тўхтат!” –деган, аёл машинани тўхтатганида эса, эркак орқа эшикни очиб, кўздан ғойиб бўлган.

Бир кўни Сурия подшоҳи пайғамбар Элишадан ғазабланиб, унинг ортидан ўз қўшинини юборди. Элишанинг хизматкори аскарлар, от ва араваларни биринчи бўлиб кўрди. У ниҳоятда қўрқиб кетди.

Элиша унга: “Қўрқма, чунки бизлар билан бирга бўлганлар, улар билан бирга бўлганлардан кўпроқдир, – деди. Сўнг Элиша ибодат қилиб: “Раббий! Унинг кўзларини очгин, токи у кўра олсин!” – деди. Раббий хизматкорнинг кўзларини очди ва у тоғда кўплаб фаришталарнинг отларини ва оловли араваларни кўрди.

Исо Унга тош отиш учун, тош йиққан одамлар оломонини кўп учратган. Бир марта оломон Уни қоядан ташлаб юборишга уринган, лекин ҳар сафар Унинг ҳаётига хавф туғилганда, У шунчаки шикаст топмасдан кетар эди (Луқо 4:29; Юҳанно 8:59, 10:39 га қаранг).

Худо Ундан қўрқадиган одамнинг азоблардан ўтишига фақат бир ҳолатда, агар улар Худонинг шарафланиши учун юқоридан берилган бўл-

са, йўл қўяди. Аммо ҳатто бундай вазиятларда ҳам инсоний қўрқувни истисно қиладиган муқаддас қўрқувга ишонч бор. Уч нафар иброний йигитларни ёдга олинг, улар ер юзидаги энг қудратли подшоҳ – Бобил подшоҳи Навуходоноснинг қаршисида турдилар. У улкан олтин бут ясади ва барча одамлар мусиқа садоларини эшитганларида, ҳар сафар унинг қаршисида таъзим қилишлари ҳақида фармон чиқарди.

Уччала йигитлар Худодан қўрқиб, гуноҳ қилиш ва подшоҳнинг фармонига бўйсунушдан бош тортдилар. Уларни бир лаҳзада оловли ўчоққа ташлаши мумкин бўлган дарғазаб Навуходоноснинг олдига олиб келишди. Бу ёш йигитлар қўрқишдими? Мен бу саволга жавоб беришни ўзингизга қолдираман, лекин авваломбор, улар дарғазаб подшоҳга нима деганларига эътибор қаратинг: “Агар бизни оловли ўчоққа ташласалар, биз хизмат қилаётган Худойимиз бизни унинг ичидан халос қилиши ва о, подшоҳ, сизнинг қўлингиздан қутқариши ҳам мумкин. Агарда шундай бўлмаса ҳам, сиз билишингизни истардикки, биз сизнинг худоларингизга хизмат қилмаймиз ва сиз ўрнатган олтин бутга сажда қилмаймиз” (Дониэл 3:17, 18, ЯРТ).

Қандай ишонч! Гарчи Ёзувда: “Шунда Навуходонос Шедрах, Месах ва Обид-Негога нисбатан ғазабга тўлди ва унинг чеҳраси қаҳрдан ўзгарди” – деб айтилган бўлсада, улар хотиржам ва қўрқмасдан туришди (19-оят, ЯРТ). Бу йигитлар Худодан қўрқишар, шунинг учун У уларни ҳаёт ёки ўлим эвазига қутқаришини билар эдилар. Уларни ўчоққа ташладилар, аммо улар зарар кўрмадилар, ҳатто тутун ҳидини ҳам ҳис қилмадилар. Гарчи бу уларга ўлим хавфини туғдирса ҳам, улар қўрқмадилар.

Худодан жуда қўрққан одам, ҳаворий Павлусда ҳам худди шундай муносабат бор эди. Унга қатл жазоси хавф солганда, у деди: “ҳар доим бўлганидек, ҳозир ҳам ҳаётим ё ўлимим билан менинг баданимда Масих улуғланиши учун кучли ва жасур бўламан. Мен учун ҳаёт – Масихдир, ўлим эса – ютуқдир” (Филиппиликларга 1:20, 21, ЯРТ). Нима учун Масихнинг улуғланиши учун ўлим ёки бошқа таржималарда ёзилганидек, ҳаётдан кўра “анча аълороқ”? Доноликнинг боши бўлган Раббийдан қўрқиш мана шу ва кейинги ҳаётга тўғри қарашга имкон бериб, бизга билим беради. Мана нима учун Исо бундай демоқда: “Танани ўлдириб, жонни ўлдира олмайдиганлардан қўрқманглар, лекин танани ҳам, жонни ҳам дўзахда ҳалок қила оладигандан кўпроқ қўрқинглар” (Матто 10:28).

Кўп йиллар аввал мен сафарда бўлиб, хизмат олиб борганимда, Худо менга болаларим учун қўрқувим ҳақида гапирди. У шундай деди: “Жон, ҳаётингдаги ҳар қандай қўрқув сен уни ҳали хоч остига

қўймаганингни, сен ҳали ҳамон ҳаётингдаги бу соҳани бошқаришингни кўрсатади”. Мен ўша оқшомнинг ўзидаёқ тавба қилиб, ўғилларимни Худога тўлиқ бағишладим ва ортиқ уларнинг хавфсизлиги ҳақида ҳеч қачон қайғурмадим. Худодан қўрқиш бизни ҳамма нарсани Исонинг қўлига топширишга ундайди. Биз шундай қилганимизда, кўпчилик қаттиқ истайдиган, лекин топа олмаётган нарсада: тинчликда, ишончи комилликда бўламиз ва қўрқувдан озодликда яшаймиз.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Раббийдан қўрқиш ҳаёт томон олиб боради, унга эга бўладиган одам доимо мамнун бўлади ва ёвузлик унга яқинлашмайди” (Ҳикматлар 19:23).

Маъноси. Сизнинг ҳаётингиздаги ҳар қандай бефойда қўрқув, фақатгина сиз хочнинг остига қўймаган нарсани очади; сиз ҳар доимгидек ҳаётнинг бу соҳасини ўзингизда қолдирасиз.

Фикр юритиш. Ҳаётнинг қайси соҳаларида қўрқув билан курашаман? Соғлиқ, молия, никоҳ, фарзандлар, ўқиш, рад этилишдан қўрқиш, имон ёки ҳаётимнинг бошқа қисми учун қувғинлар? Мен ҳаётимнинг ушбу соҳасини Исонинг ҳоқимиятига тўлиқ топширганманми ёки у ҳали ҳамон менга тегишлими?

Ибодат. Қадрли Раббий, мен Сенга (керак деб ҳисоблаган нарсани айтинг) бағишламаганим учун мени кечиргин. Бу ҳақида фикрлаганимда, мен буни ўзимда ушлаб турганимни тушунаман. Менинг ўзимга нисбатан ишончсизлигим ҳаётимнинг бу соҳасида муқаддас қўрқувнинг йўқлигини очиб ташлади. Мен тавба қилиб (бунга тегишли бўлган ҳамма нарсани кўрсатиб ўтинг), ҳаётимнинг ҳар бир соҳасини Исонинг ҳукмронлигига бағишлайман. Омин.

Эътироф этиш. Исо – менинг Раббим. Мен Унга ҳаётимнинг барча соҳаларини топшираман. Ҳамма нарса Унинг иродаси бўйича бўлсин.

Болани йўлининг бошида тарбия
қил, шунда қариганида ҳам
ундан озмайди.

– ҲИКМАТЛАР 22:6

38 | МЕРОС

Муқаддас қўрқувнинг яна бир буюк имтиёзи мавжуд бўлиб, бу хужумдор меросдир. Сизга бир нечта савол беришимга ижозат этинг. Бенедикт Арнольд ҳақида ўйлаганингизда, ақлингизга нима келади? “Хоин” – бу миянгизга келадиган биринчи фикрми? Она Тереза ҳақида нима дейиш мумкин? “Меҳр-шафқат элчилари” тўғрисида ўйлайсизми? Адольф Гитлер ҳақидачи? Сиз “миллионлаб одамларни ўлдирган золим якка ҳоким”ни тасаввур қиласизми? Альберт Эйнштейн ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳаёлингизга нисбийлик назариясини очган одам келадими?

Сизнинг миянгизга келадиган фикрлар, эҳтимол, ушбу машҳур шахсларнинг мероси ҳақида гапиради. Лекин гап шундаки, биз ҳаммамиз мерос яратамиз. Шу тарзда, биз ўзимизга шундай савол беришимиз керак: менинг меросим ҳақида яхши нарсаларни эслашадими ёки унга нисбатан салбий муносабатда бўлишадими? Аммо янада муҳимроқ савол шундан иборатки, бизнинг меросимиз осмонда қандай қабул қилинади – у абадий Худо Шоҳлигининг қурилиши учун фойдали деб ёки ҳалокатли деб қабул қилинади.

Мерриам-Вебстер луғатида “мерос” сўзига мана шундай таъриф берилади: “бирор кишига ўтадиган ёки ажодлардан ёки олдин ўша соҳада ишлаган одамдан олинadиган нарсадир”. Худодан қўрқиш бизнинг уруғларимизга қандай таъсир кўрсатади? Авваломбор, келинг, имон отаси – Иброҳимга қайтамиз.

Фаришта тоғда Исҳоқни ўлдириш учун унинг устидан пичоқ билан кўтарилган Иброҳимнинг қўлини ушлаб қолгани заҳоти, Раббий унга деди:

“Мен сени дуо қилиб дуо қиламан. Сенинг уруғингни кўпайтириб... кўпайтираман. Сенинг уруғинг ўз душманларининг шаҳарларига эгалик қилади” (Ибтидо 22:17).

Мен бу сўзларни кўп йиллар давомида ўқиб, нима учун улар такрорланаётгани ҳақида ўйлаганман. Ниҳоят, менинг қизиқувчанлигим устун келиб, мен шу савол билан раввинга мурожаат қилганимда, у менга қуйидагича жавоб берди: “Иброний тушунчага кўра, сиз шунга ўхшаш такрорланишларни учратганингизда, гап кўпайиш ҳақида кетади... бир феъл ҳозирги замонда, иккинчиси эса келаси замонда берилгани учун, бу Иброҳим отада битта дуо-барака бўлишини ифодалайди, бироқ Худо дуо-баракалар унинг уруғларида ҳам бўлишини ваъда қилади. Бошқача сўз билан айтганда, Иброҳим, сени дуо қилиб, Мен сенинг фарзандларинг орқали сени дуо қилишда давом этаман” дейилади.

Муқаддас кўрқув бизнинг уруғларимизга фойда келтиради – “улар ўз душманларининг шаҳарларига эгалик қиладилар”. Бу ажойиб ва биз бунга яқин орада муҳокама қиламиз, лекин биринчи навбатда раввиннинг тушунтиришида янграган яна бир ҳақиқатга эътибор қаратишимиз лозим. Муқаддас кўрқув бизнинг авлодларимиз орқали бизни дуо қилишда давом этади ва бу нафақат бу ҳаётда, балки абадийликда ҳам бўладиган ҳақиқатдир.

Биз учун яқин келажакда ва кейинги ҳаётда катта шараф ва таъсирни яратувчи уруғимиз, бизнинг тақдиримизга таъсир қилади. Аниқ кўриниши учун сизга бир мисол келтиришимга ижозат беринг. Арчи Мэннинг МФБнинг “Нью Орлеан Сэйнтс” жамоасида 10 та мавсум давомида ҳужумчи бўлган. У сўзсиз етакчи деб ҳисобланган жамоа фақат бир марта 500 даражага эришди, қолган тўққизта мавсум бой берилди. Агар унинг икки ўғли Пейтон ва Илай бўлмаганида, кўпчилик одамлар уни унутиб юборишган бўларди. Улар биргаликда жами тўртта Суперкубок ва Миллий футбол бирлашмасининг барча юлдузларининг Матчида ғалаба қозонишди ва энг қиммат ўйинчилар сифатида MVP мукофотларини қўлга киритишди. Энди кўпгина одамлар Арчини унинг ўғиллари туфайли биладилар ва шундай қилиб, у спорт дунёсида катта ҳурмат ва таъсирдан баҳраманд бўлади.

Абадийликда кўплаб одамлар Шоҳликни қуришдаги ўз уруғининг итоаткорлиги орқали кўпроқ ҳурмат ва таъсирга эга бўладилар. Иброҳим бунинг ажойиб намунаси; унинг абадиятдаги таъсири унинг уруғи, масалан, Юсуф, Шомуил, Довуд, Дониэл, Ишаё ва албатта Исо, шунингдек, бошқа кўплаб одамлар томонидан кучайтирилади. Бугунги кунда унинг мероси яшашда давом этмоқда. Бу дуо-барака Худодан кўрққан ҳар бир кишига қўлланилади; бундай одам “абадий хотирада қолади” ва “унга ҳурмат юксак бўлади” (Сано 111:6, 9, ВТИ).

Келинг, энди бизнинг авлодларимиз ғолиб бўладилар, улар “ўз душманларининг шаҳарларига эгалик қиладилар” деган Худонинг

ваъдасига мурожаат қилсак. Замонавий тилда бу тахминан шундай янграйди: бизнинг фарзандларимиз Худони менсимайдиганлар томонидан синдирилмайди, аксинча, муваффақиятли етакчилар ва обрў-этиборли одамлар бўладилар (Қонуннинг такрорланиши 28:13). Сиз бу фақат Иброҳимга ва тўғридан-тўғри унинг уруғига тааллуқли деб ўйлашингиз мумкин. Аммо бизга: Худо “мажусийларни Иброҳимга берган худди ўша баракалар билан Исо Масих орқали дуо қилди” – деб айтилган (Галатияликларга 3:14, инглизча таржимадан). Бу ажойиб янгилик!

“Раббийдан қўрқадиган ва Унинг амрларидан катта завқ оладиган киши бахтлидир! Унинг уруғи ерда қудратли бўлади, ҳақ одамларнинг *авлоди* дуо қилинади” (Сано 111:1, 2, ЯРТ).

Авлод сўзи “узоқ вақт” деган маънони билдириб, у бизнинг келажак уруғимизга тегишлидир. Закарияҳ шундай башорат қилган: “Унинг раҳм-шафқати *Ундан қўрқадиганларга* наслдан наслга ёрди!” (Луқо 1:50). Нафақат фарзандларимиз тўғридан-тўғри муваффақиятли бўладилар, балки бу ваъда бутун авлодларни қамраб олади. Ўн саккизинчи асрнинг бошларида туғилган икки одамнинг ҳаёти бунинг ажойиб мисоли бўлиб хизмат қилади.

Биринчиси Макс Жүкс эди. 1874-йилда Ричард Дагдейл исмли бир жамиятшунос Нью-Йорк штатининг шимолидаги ўн учта округ қамоқ-хонасига ташриф буюрди. У қондош қариндошлар бўлган тўрт хил фамилиялар остида олти кишини топди. Бу унинг қизиқишини кучайтирди ва уларнинг насл-насаб шажарасини чуқур ўрганишга ундади. Қидирув тахминан 1720-1740-йиллар орасидаги даврда дунёга келган, Макс Жүкс исмли голландиялик кўчманчига олиб келди. Бир неча йиллик машаққатли изланишлардан сўнг, Дагдейл Жүкснинг 540 та авлодини аниқлади. Улардан 76 нафари жазони ўтаётган жиноятчилар, 18 нафари фоҳишахона эгалари, 120 нафари фоҳишалар ва 200 нафардан ортиғи ижтимоий нафақа олувчилар эди. Қисқача қилиб айтганда, бу авлодлардан ўтиб келаётган гуноҳлар эди, улар кенг кўламда бузғунчи хатти-ҳаракатларга олиб келди ва ҳукуматга бугунги валюта курси бўйича ҳисоблаганда ўнлаб миллион долларга зарар келтирди.

Келинг, энди уни тахминан худди ўша даврда туғилган Жонатан Эдвардс билан солиштирамиз. У “ўйғониш таълимоти” тарафдори, кўплаб китобларнинг муаллифи ва кўп одамларни халқларга Хушxabарни етказиш учун руҳлантирган одам бўлган. У 1727-йилда Сара Пьерпойнтга уйланган. Бу жуптлик Худодан чин юракдан қўрқишарди. Улар Муқаддас Китоб ўқиби, ҳар куни оқшом ухлаш олдидан биргаликда ибодат қилишарди. Улар ўн бир нафар фарзанд кўрдилар ва Жонатан ҳар куни

ибодат қилиб, уларнинг ҳар бири учун дуо-барака сўрарди. У: “Ҳар бир уй кичик жамоат бўлиши керак” – дер эди.

Жонатан ва Саранинг барча 1394 авлодлари Худонинг ваъдасини – яъни, улар *ўз душманларининг дарвозаларига эгалик қилишларини ва уларнинг фарзандлари ҳамма нарсада муваффақиятли бўлишларини* барча Ундан қўрқадиганларга кўрсатишининг намунасидир. Унинг авлодлари орасида 13 нафар коллеж ёки университетлар президентлари, 65 нафар коллеж ва университетлар профессорлари, 3 нафар Қўшма Штатлар сенаторлари, 30 нафар судьялар, 100 нафар адвокатлар, 60 нафар шифокорлар, 75 нафар армия ва денгиз флоти зобитлари, 100 нафар жамоат хизматчилари ва элчилик хизматчилари, 60 нафар таниқли ёзувчилар ва бир нафар Қўшма Штатларнинг вице-президенти – Аарон Берр бўлган. Уларнинг уруғи ҳукуматга бир цент ҳам зарар етказишмаган.

Бизнинг тўртала ўғлимиз кичик бўлганида, мен курашган қўрқувлар уларнинг ҳаёти эрта тугаши, ёки уларнинг отаси хизмат тўфайли йилига 200 дан ортиқ тунни йўлда ўтказишидан хафа бўлишлари, ёки улар Худо мени бунга даъват этгани учун Ундан ғазабланишлари билан боғлиқ эди. Бир куни кечқурун уйдан узоқ бўлган анжумандаги хизматдан сўнг шуни англаб етдимки, менда муқаддас қўрқувнинг йўқлиги, уларнинг ҳаёти учун жавобгарликни Исога топширишимга халақит берган. Мен ўтиниб сўрадим: “Ота, бу тўрт ўғлим энди меники эмас, улар энди Исога тегишлидир. Сен улар билан истаган ҳамма нарсангни қилишинг мумкин, лекин сен, шайтон, ҳеч қачон уларга тегинмайсан!” Ўша кундан бошлаб, мен уларнинг ҳаёти учун ҳеч қачон қўрқмадим.

Бундан сўнг кўп ўтмай, Худо менга Унинг Сўзи орқали муҳим бир ҳақиқатни очди. Финехас руҳоний Аҳароннинг набираси бўлган. У Худони ва Исроил халқини қизғин севарди. Кучли муқаддас қўрқув уни кўпгина бошқа имонлилар қўрқиб, қўл урмаган нарсани қилишга ундади, у дидиллик билан ҳақиқатни ҳимоя қилди. Шунда Худо деди: “Шундай қилиб, Мен у билан тинчлик аҳдимни тузишимни унга айтинглар. У ва *унинг уруғи билан* абадий руҳонийлик аҳди тузилади” (Сонлар 25:12, ЯРТ). Аслини олганда, унинг авлодлари унинг муқаддас қўрқуви тўфайли, Худо билан янада яқинроқ муносабатларда бўлиш ҳақидаги ваъдани олдилар. Муқаддас Рўх менга фарзандларимизнинг ҳимояси, мен ва Лизанинг Унинг иродасига ғайрат билан итоат қилишимизда эканини кўрсатди.

Энди йиллар ўтиб, ўғилларимизнинг ҳар бири “Мессенджер Интернэшнл” хизматида камида тўққиз йилдан буюн ишламоқдалар. Улардан икки нафари ўз китобларини чоп этмоқдалар, уларнинг ҳаммаси етакчилар ва энг муҳими, уларнинг барчаси Худонинг

муқаддас қўрқувида юрадилар. Одамлар доим мендан художўй эркакларни ўстириш учун нима қилганимизни сўрашади. Ростини айтсам, бунинг бизнинг донолигимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бизнинг ота-оналар сифатида кўплаб хатоларимиз тўғрисида бутун бир жилдли китоблар ёзса бўларди. Аммо биз қилган тўғри нарса – бу биз муқаддас қўрқувнинг юқори даражасида юрганимиздир.

Бизнинг ўғилларимиз ўсмир ёшида ҳақиқат йўлидан озишганда, биз Лиза билан Раббийга ёлвориб, У Ўз ваъдаларини ўғилларимизга ўргатишини сўрадик, биз ҳам муқаддас қўрқувда яшашда давом этдик. Биз ҳеч қачон ишончни йўқотмаганмиз, сиз ҳам уни йўқотмаслигингиз керак. Худо сиз, Худодан қўрқадиганларга сизнинг фарзандларингиз “ер юзида қудратли” бўлишини ваъда қилади (Сано 111:2, ЯРТ).

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Ўғилларинг сенинг дастурхонинг атрофида зайтун новдалари кабидир! Раббийдан қўрқадиган одам шундай дуо қилинади” (Сано 127:3, 4).

Маъноси. Сиз муқаддас қўрқувда бўлганингизда, муҳим нарса сизнинг авлодларингизга ўтади. Улар нафақат обрў-эътиборли бўладилар, балки улар орқали сиз дуо-баракали бўлиб қолаверасиз.

Фикр юритиш. Мен ўз фарзандларимга (ёки бўлажак фарзандларимга) қандай қарайман? Уларнинг кежалаги учун хавотирланаманми? Уларни Раббий Исога тўлиқ бағишлаганманми? Мен уларнинг олдида муқаддас қўрқувда юраманми? Уларнинг ҳозирги хатти-ҳаракатларига ёки Худо Сўзининг ваъдаларига мос равишда қабул қиляпманми, ибодат қиляпманми ва гапиряпманми?

Ибодат. Қадрли Раббий, Сенинг Сўзинг, мен муқаддас қўрқувда юрсам, абадий меросни қўлга киритишимни айтади. Менинг фарзандларим ер юзида қудратли, обрў-эътиборли, муваффақиятли бўлишлари ҳамда Сенинг ва менинг исмимни шарафлашлари ҳақидаги Сенинг ваъданга ишонаман. Мен бу ваъдалар амалга ошиши учун дадил ибодат қилишни давом эттиришга ваъда берман. Мен бу ҳақда Исо номи билан сўрайман. Омин.

Эътироф этиш. Менинг фарзандларим ер юзида қудратлидир, ҳамма жойда муваффақият қозонадилар ва ўз душманларининг дарвозаларига эгалик қиладилар.

Биз инсоннинг ҳақиқий
донолиги нимадан иборат
эканини аниқлаганимизда, энг
кўп мос келадиган сўз –Худодан
қўрқишни аниқ ифодаловчи
сўздир.

– АВГУСТИН ГИППОНСКИЙ

39 | ЭНГ МУҲИМИ

Биз бу бобда кўриб чиқадиган мавзу шу қадар кенг қўламлики, биргина у ҳақида бутун бир китоб ёзиш мумкин. Бироқ у четда қолдирилса, бу хабар тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун бу бобга муқаддас қўрқувнинг муҳим жиҳатига кириш сифатида ёндашинг.

Яратувчимизнинг юрагидан чиққан ушбу сўзларга – ҳаёт сўзларига, ҳақиқат сўзларига, ҳимоя қиладиган, қуёш, ой ва юлдузлардан кўпроқ турадиган сўзларга, биз турган ердан кўра кўпроқ ишончли бўлган сўзларга диққат билан қулоқ солинг:

“Доноликни топган ва ақлни қўлга киритган одам бахтлидир <...> сен истаган *бирор нарса* унга тенг кела олмайди” (Ҳикматлар 3:13, 15).

Бу дунёда Худонинг донолигига тенглашиши мумкин бўлган *ҳеч нарса* йўқ. Бу ҳайратланарли – *ҳеч нарса* ибораси! Мана нима учун бизга: “Энг муҳими – донолик: доноликни қўлга кирит” (Ҳикматлар 4:7), сиз уни топганингизда эса: “у сени ғоят гўзал йўллардан олиб боради; унинг барча йўллари ёқимлидир” – деб айтилган (Ҳикматлар 3:17, инглизча таржимадан).

Биз ҳар бир қабул қиладиган қарорларимизда Худонинг донолигини излашимиз керак. Зеро бизга: “Уни қадрлагин ва у сени *юксалтиради*” – деб айтилган (Ҳикматлар 4:8). Қандай ажойиб ваъда! Ибронийча “юксалтирмоқ” сўзи “кўтармоқ, юқори кўтармоқ, шухратини оширмоқ” деган маънони билдиради. Худо юксалтирганида, ҳеч ким ва ҳеч қандай вазиятлар пасайтира олмайди! Шундай экан, донолик – бу ўткинчи бўлмаган аҳамият томон йўлдир.

Доноликни топиш керак; у яширин, лекин унга эришиш мумкин. Уни топганда, у жуда катта фойда келтиради. Уни қандай топиш мумкин?

“Доноликнинг бошланиши – Раббийдан қўрқишдир” (Сано 110:10; Ҳикматлар 9:10).

Иброний тилидаги “бошланиши” маъносидаги сўз муҳим мазмунга эгадир. У Муқаддас Китобнинг биринчи оятида учрайди: “*Бошида* Худо осмон ва ерни яратди”. Бу сўз “бошланғич нуқта”ни англатади. Муқаддас қўрқув – бу доноликнинг *келиб чиқиш жойидир*. Қўйидаги манзарани тасаввур қилинг: барқарор муваффақият учун сизга зарур бўлган доноликка тўла омбор бор. Лекин унга кириш имконини сизга бера оладиган фақат битта эшик ва битта калит бор – бу муқаддас қўрқув. Ишаъё шундай деб ёзади: “... донолик ва билимга бой... Раббийдан қўрқиш бу хазиналарнинг *калити* ҳисобланади” (Ишаъё 33:6, инглизча таржимадан).

Аслини олганда, Раббийдан қўрқишсиз абадий донолик мавжуд эмас. Муқаддас қўрқув – унинг манбаидир, бироқ ундан бўладиган фойда “бошланғич нуқта”дан ташқарига чиқади.

“Раббийдан қўрқиш – ўлим тўрларидан йироқлаштирувчи ҳаёт *манбаидир*” (Ҳикматлар 14:27).

Мен иккита асосий: *манба* ва *тўрлар* сўзларини таъкидламоқчиман. Ибронийча “манба” сўзи “оқим” ёки “доимий манба” деган маънони ўз ичига олади. Яхши ҳаёт тасодифий тўғри қарорларнинг натижаси эмас, балки аниқроғи, қатъий натижаларни келтирувчи доно қарорларнинг доимий оқими ҳисобланади.

Иккинчи *тўрлар* сўзи “тузоқ” ёки “хўрак” деган маънони билдиради. “Ушбу ибронийча сўзнинг тўғри тушунчаси – овчининг қопқонидаги емиш ёки хўрақдир”. Ҳар қандай овчи тузоқ яхши ишлаши учун, у икки нарсадан таркиб топган бўлиши кераклигини билади. У ҳайвон бунинг қопқон эканини англамаслигини ҳисобга олган ҳолда яширинган бўлиши керак ва унинг ичида ҳайвонни унинг ўлимга олиб борувчи жағига жалб қилиш учун хўрак туриши керак. Ушбу асосий сўзларни яхши тушунган ҳолда, юқорида айтилганларга янада аниқлик киритадиган бошқа бир парчани кўриб чиқайлик:

“Раббийдан қўрқиш – доноликни *ўргатади*” (Ҳикматлар 15:33).

Ушбу икки парчалардаги ҳақиқатларни бирлаштириб, биз муқаддас қўрқув – бу манба – доимий оқим – Худонинг донолигини ўргатиши эканини аниқлаймиз. Бу доим ҳозир бўлувчи маслаҳатчи бўлиб, у мудрамайди ва ухламайди, бироқ бизни ҳаётда доно қарорлар қабул қилишга ўргатади. Ўз ихтиёрига қўйилган, Худонинг донолигидан ажратилган инсоният минг йиллар давомида шуни исботлайдики, биз

ҳалокатли қарорлар қабул қилиб, шу билан бирга, тўғри қарорлар қабул қилдик деб ўйлаймиз. Нима учун бундай содир бўлмоқда? Чунки ўлим ва вайроналикнинг йўллари яшириндир ва овчининг тузоғидан ҳеч қандай фарқ қилмай, ўзига жалб этади. Яхши, доно, фойдали ва ёқимли кўринадиган, кўпинча охир-оқибат муваффақиятсизликка айланадиган нарсага сизни жалб қилиш учун, бор-йўғи хўрак бўлган нарса эса аҳмоқона, ҳалокатли ва қайғули бўлади. Раббийдан қўрқиш *доим бизни ушбу тузоқлардан узоқлаштириб*, бундан бизни ҳимоя қилади.

Агар сиз замонавий жамиятга назар ташласангиз, ажойиб ва доно эркак ва аёллар, ўзлари таъсир кўрсатадиган одамларнинг ҳалокатига сабаб бўлувчи қарорларни қабул қилишларини кўрасиз. Шу билан бир вақтда, бошқа одамларнинг кўзлари уларнинг аҳмоқликларига кўрдир. Ёзувда айтилганки, улар “ўз хаёлларида беҳудаликка берилдилар ва уларнинг бефаҳм юраги қоронғилашди: ўзларини доно ҳисоблаб, ақлдан оздилар” (Римликларга 1:21, 22). Ақл қоронғилашганда, кўриш қобилияти ҳам қоронғилашади; ва улар ўлимнинг яширин ва хўракларга тўла тузоғига қачон илиниб қолишларини фақат вақт кўрсатади.

Аммо бунинг қарама-қарши томони ҳам адолатлидир. Биз муқаддас кўрқувни қатъий қабул қилганимизда, бизда доноликнинг ажралмас, доимий ҳаракат қиладиган маслаҳатчиси пайдо бўлиб, у бизга пухта ўйланган тўғри қарорларни қабул қилиш қобилиятини беради. Ҳатто биз яширин ҳалокатли тузоқлар ҳақида билмаганимизда ҳам, бу манба бизни доимо ҳимоя қилади ва биз учун сезилмас қопқонга тушиб қолишимизга йўл қўймайди.

Келинг, бу тамойилни Худо билан аҳдда бўлмаган, лекин шунга қарамасдан, Ундан кўрққан одамнинг намунасида кўриб чиқайлик. Бу Гарор подшоҳи Абумалек эди. У Иброҳимнинг хотини Сорони ўзининг ҳарамига олди. Бундан сўнг кўп ўтмай, Худо тунда унинг олдига келиб, шундай дейди: “Мана, сен олиб келган аёл учун ўласан, чунки унинг эри бор” (Ибтидо 20:3).

Абумалек деди: “Хукмдор! <...> Мен буни юрагимнинг соддалиги ва қўлларимнинг поклигида қилдим” (4, 5-оятлар). Бу ерда қўлланилаётган “Хукмдор” сўзи ҳақида “бу сўзма-сўз “менинг Раббим” деган маънони билдиради” дейишади. Унинг Худо қаршисидаги кўрқуви, у қай тарзда Унга мурожаат қилаётганида ҳам, унинг жавобида ҳам етарлича намоён бўлади. Энди Худо унга нима деяётганига қулоқ тутинг:

“Сен буни юрагингнинг соддалигида қилганингни билиб, *сени Менга қарши гуноҳ қилишдан сақладим*. Шунинг учун унга қўл тегизишингга йўл қўймадим” (Ибтидо 20:6).

Раббийдан қўрқиш уни ҳалокатли тузоққа тушиб қолишдан сақлаб қолувчи маслаҳатчи бўлиб, у бундай маслаҳатчини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Соро подшоҳга Иброҳимнинг сингиси сифатида таништирилганда, тузоқ ёлғонда яширинган эди, аммо муқаддас қўрқув уни ҳимоя қилди. Худо билан аҳд ҳақида билмаган, Худонинг ёзилган сўзига эга бўлмаган бу мажусий подшоҳ, бировнинг хотинини олиш ҳақидаги фикрлардан титраб кетгани қандай содир бўлди? Жавобни Павлуснинг мактубларида топамиз: “зеро Қонунга эга бўлмаган мажусийлар табиатан қонунли иш қилганларида, улар Қонунга эга бўлмай, ўз-ўзларига қонундирлар: улар ўз юракларида Қонун иши ёзилганини кўрсатмоқдалар, уларнинг виждони ҳамда бир-бирини гоҳ айбловчи, гоҳ оқловчи фикрлари бунга гувоҳдир” (Римликлар 2:14, 15).

Боз устига, нима учун бу мажусий подшоҳ ўзига бировнинг хотинини олиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлардан титроққа тушган бир пайтда, тажрибали чўпон ёки кўп йиллардан буён жамоатга қатнайдиган одам, қандай қилиб бировнинг хотинини зино қилиб олади ва вақт ўтиши билан бундай ҳолатларни тез-тез учратмоқдамиз? Бу олий математика эмас. Гарчи бу жамоат етакчиси ёки жамоат аъзоси Исога тегишли эканини ўз оғзи билан эътироф этсада, унда Раббийдан қўрқиш йўқ. Муқаддас Китобда айтилган:

“Мен шуни англадимки, ўлимдан ҳам аччиқроқ *нарса тўрға* ўхшаган аёл бўлиб, унинг юраги тузоқ ва қўллари кишандир. Худога маъқул одам ундан қочиб қутулади, аммо *гуноҳкор* у томондан тутилади” (Воиз 7:26, ЯРТ).

Ёзув “*бетавфиқ* тутилади” деб эмас, балки “*гуноҳкор*” дейилган – яъни, муқаддас қўрқув йўқлиги туфайли тузоққа тушмайдиган одам дейилмаган. Масиҳийликни эътироф этган одам ҳам осонгина уларга ўхшаб қолиши мумкин. Ёқуб имонлиларга шундай ёзади: “Сиз, *гуноҳкорлар*, қўлларингизни тозаланглар; юракларингизни покланглар, чунки сизларнинг садоқатингиз Худо ва дунё ўртасида иккига ажралди” (Ёқуб 4:8, инглизча таржимадан).

Кенг тарқалган ғарбий Хушхабаримиз, бизга Худонинг донолигидан кўра бошқа нарсани ўргатаётган сохта иноят ҳақидаги таълимот орқали, юракларимиздан Худодан қўрқишни мунтазам равишда сиқиб чиқармоқда. У бузук маслаҳатларнинг носоғлом манбасини яратиб, бу манба бизни гуноҳдан тўхтатувчи ва ҳимоя қилувчи кучни сиқиб чиқаради. Бироқ ҳақиқий иноят муқаддас қўрқувга зид эмас.

“Чунки ҳамма инсонларга нажот берадиган Худонинг инояти зоҳир бўлди. Бу иноят эса шуни *ўргатадики*, биз бетавфиқликни ва дунёвий ҳирсларни рад қилиб, бу дунёда ифбатли, ҳақ ва ҳудожўй ҳаёт кечиришимиз керак” (Титусга 2:11, 12).

Биз Худонинг ҳақиқий иноятини Худонинг муқаддас қўрқувидан ажрата олмаймиз. Улар бирлашган ва иккаласи ҳам *таълим беради* – доимо бизни ўлим тузоғидан қайтаради.

Худо билан аҳдда бўлган имонлилар орасидаги худосиз хатти-ҳаракатларнинг бу эпидемияси, қандайдир янги нарса ҳисобланмайди. Исроил ва Жамоатнинг бутун тарихи давомида ўша бир хил манзарани кузатамиз, лекин у Исо улар ёлғон билан белгиланишини айтган охириги кунларда кучаяди. Муқаддас қўрқувни йўқотиш, фақатгина ҳақиқат бўлиб кўринган, лекин, аслида сездирмасдан гуноҳ ва ўлимга олиб борувчи ҳалокатли маслаҳатлар учун одамларнинг юраги ва жонини очади.

Ҳозирги кунда бизнинг жамиятимизда қонунбузарлик кучи жадал суръатлар билан тарқалмоқда. Гўёки биз экспоненциал (ҳар томонлама кўпайиб бориш) чизиқнинг ўсиш жойида турибмиз. Агар кенг тарқалган сохта иноят муқаддас қўрқувни имонлиларнинг юракларидан сиқиб чиқаришда давом этса, кўплаб масиҳийлар қонунбузарликнинг ёлғонига илиниб қоладилар. Бизга муқаддас қўрқувнинг қайта тикланиши зарур, чунки у ҳақиқатдан ҳам бизни хатоликлардан ҳимоя қилади. Ҳатто кўпчилик одамлар руҳан қулаётганларида ҳам, у бизнинг юракларимизни ҳақиқатда сақлайди.

Муқаддас қўрқувни ўзингизнинг улкан хазинангиз сифатида қабул қилинг. Уни миллион долларлардан, энг қимматли хазиналардан ёки энг чиройли уйдан кўра кўпроқ ғайрат билан эҳтиёт қилинг. Биз бу қимматбаҳо нарсаларни давлат томонидан сўғурталанган банкларда, нарсалар сақланадиган жойларда, пўлат сандиқларда сақлаймиз ва сигнализация тизимини ўрнатамиз, лекин бизнинг энг катта хазинамиз – бу Раббийдан қўрқишдир. Мана нима учун бизга қуйидагича ёзилган: “Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир” (Ҳикматлар 4:23).

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Чақираётган донолик эмасми? Овозини баланд қилаётган ақл эмасми? <...> Чунки мени топган ҳаётни топган ва у Раббийнингилтифотигасазовор бўлади. Менга қарши гуноҳ қиладиган эса ўз жонига зиён етказди. Мендан нафратланадиганларнинг барчаси ўлимни севади” (Ҳикматлар 8:1, 35, 36).

Маъноси. Биз Масиҳнинг эргашувчилари сифатида қилишимиз мумкин бўлган энг муҳим нарса – бу доноликни қўлга киритишдир. Раббидан қўрқиш – доноликнинг манбаидир, у бизни ўлим тузоқларидан эҳтиёт қилади.

Фикр юритиш. Мен чегара чизигини тортганманми? Нима номақбул эканини аниқ белгилаб қўйганманми? Худонинг Сўзи айтаётган нарсага зид бўлган жамият донолигига таянмасликка қарор қилдимми? Унинг Каломига бўлган имоним ва Унга итоаткорлигим учун қувғинларга учрашга тайёрманми? Кундалик қарорларимда Исонинг донолигини излашда янада тиришқоқ бўлиш йўлини қандай топишим мумкин?

Ибодат. Қадрли Ота, Исо номи билан Сенинг донолигинг ва фаҳмлашингга мурожаат қиламан. Уларни қабул қилиш учун Сендан менинг кўзларим ва қўлоқларимни очишингни сўрайман. Мен ўз мулоҳазаларимда доно кўринган аҳмоқ бўлишни истамайман. Мен бу дунё таклиф этиши мумкин бўлган барча нарсдан кўра кўпроқ, Раббим Исо Масиҳнинг донолигини қадрлайман ва унга таянаман. Ҳатто мен ўз фикрларим ёки итоаткорлигим учун қувғин қилинсамда, итоаткорликни танлайман. Омин.

Эътироф этиш. Мен томондан қабул қилинадиган ҳар бир қарорда Раббим Исонинг донолигини қидиришга қатъий қарор қиламан.

Худодан қўрқиш
бўйсунувчанликка
мос келади.

– АВГУСТИН ИППОНИЙСКИЙ

40 | МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЁТ

Ҳикматлар китобининг доноликлари орасида мен “кучнинг эгизаклари” деб аташни ёқтирадиган нарса бор. Ушбу икки фазилат кўпинча Ёзувда бир-бирини тўлдириб, ёнма-ён юради. Биз кейинги оятда улар ҳақида ўқиймиз:

“Ҳақиқий бўйсунувчанлик ва Раббийдан қўрқиш – бойлик, шуҳрат ва узоқ умрга олиб боради (Ҳикматлар 22:4, инглизча таржимадан).

Ҳақиқий бўйсунувчанлик ва Раббийдан қўрқиш ўзаро боғлиқдир. Сиз Худодан қўрқадиган ва айна пайтда чинакамига бўйсунувчан бўлмаган, худди шундай чинакамига бўйсунувчан бўлиб, Худодан қўрқмайдиган одамни ҳеч қачон учратмайсиз. “Ҳақиқий” сўзи муҳим аҳамиятга эга, чунки қалбаки бўйсунувчанликнинг турлича шакллари мавжуд. Бу ҳақида кейинги бобда батафсилроқ гаплашамиз.

Келинг, санаб ўтилган учта ваъдаларни қисқача кўздан кечирамиз: бойлик, шуҳрат ва узоқ умр. Ибронийча бойлик – “озер” сўзи “бойлик, фаровонликни англатади. У барча турдаги бойликларни, жумладан, мол-мулк, чорва ва авлодларни тасвирлайди”. Унинг мазмуни аниқ ва бу муқаддас қўрқувга нисбатан ягона ваъда эмас. Саночи ҳам шундай деб ёзади:

“Раббийдан қўрқадиган ва Унинг амрларидан катта завқ оладиган киши бахтлидир! <...> Унинг уйида фаровонлик ва бойлик бўлади, унинг ҳақлиги абадий туради” (Сано 111:1, 3, ЯРТ).

Бу жойда ҳам “фаровонлик ва бойлик” маъносидаги ибронийча “озер” сўзидир. У мумкин бўлган қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. Аксарият одамлар бойлик ва фаровонликка эга бўлишга, художўйликка зид нарса сифатида қарашади. Бироқ биз Ёзувнинг аниқ ҳақиқатларини, бизнинг анъаналаримиз туфайли кўриб чиқишни истисно қилсак, унда бу мағрурликнинг белгиси бўлиб, муқаддас қўрқувга шак-шубҳасиз бутунлай зид ҳисобланмайдими?

Менинг кўп йиллар аввал бу билан тўқнашишимга тўғри келган. Хизматимизнинг дастлабки йилларида биз Лиза билан шунинг гувоҳи бўлганмиз, хизматчилар кўпчиликни пароканда қилувчи дабдабанинг ортидан қувишга ундайдиган гуллаб-яшнаш Хушхабарини ўргатганлар. Бунинг ҳосиллари ҳалокатли бўлиб, бу уларнинг кўпчилигини бутпарастлик бўлган очкўзликка олиб келди. Етарли даражадаги кўп сонли одамлар ҳақиқий имондан юз бурдилар ва ўз бошларига турли қайғуларни солдилар. Биз бу йўқотишларни кўриб, маятникни қарама-қарши томонга тебратиш билан уларга жавоб бердик. Биз бойлик, тўкинчилик, гуллаб-яшнаш эсга олинган ҳар қандай таълимотларни эътиборсиз қолдиришни бошладик. Охир-оқибат, Муқаддас Рух бизнинг етук эмаслигимизга тузатиш киритди. Худодан чинакамига қўрқадиган одам бойликка тўғри муносабатда бўлиб, очкўзликнинг тузоғига тушиб қолмаслиги тўғрисидаги ҳақиқат билан тўқнашишимизга тўғри келди.

Бойлик ва мўл-кўлчиликдан мақсад нима? У бошқаларнинг дуо-баракаси учун восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу китобни ёзиш чоғида биз хизматимизда 118 тилда 130 та давлатлардаги чўпон ва етакчилар орасида 53 миллион жисмоний манбалар – китоблар ва ўқув курсларини тарқатдик. Шунингдек, биз MessengerX номи остида илова яратиб, унга 230 та давлатларда юклаб олиш мумкин бўлган 122 тилдаги ўқув материалларини юкладик; боз устига ундан фойдаланиш учун тўлов олмадик. Ушбу лойиҳаларнинг қиймати ўнлаб миллион долларни ташкил этади.

Агар ушбу лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётган эркак ва аёллар художўйликни нимагадир муҳтожлик ёки қашшоқликнинг синоними деб ҳисоблаганларида, нима бўлар эди? Агар бу шундай бўлганида эди, биз эриша олган ўша миллионлаб одамларни имонда мустаҳкамлай олмаган бўлар эдик. Очкўзлик ва одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсатиш учун бойликка эга бўлиш ўртасида катта фарқ мавжуд. Худодан самимий қўрқадиган одамлар бу фарқни билиб, охиргисига амал қилишади. Янги Аҳдда Исонинг хочга михланишидан сўнг, қўйидагини ўқиймиз:

“Оқшом тушгач, Ариматея шаҳридан бўлган Юсуф исмли бир *бой* одам қатл жойига келди. У ҳам *Исонинг шогирди* эди. Юсуф Пилатнинг ёнига келиб, Исонинг Танасини сўради” (Матто 27:57, 58, ЯРТ).

Юсуф бой эди ва Ёзув уни Исонинг шогирди деб атамоқда. Лекин истеҳзо шундаки, Исонинг аксарият издошлари қочиб кетиб, яшириндилар. Шунга қарамай, бу бой одамда ўзининг муқаддас қўрқувидан келиб чиққан жасорат бор эди, у яҳудий раҳбарларнинг таҳдиди ва Римнинг қудратига эътибор бермай, Пилатнинг ёнига борди ва Исонинг Танасини сўради. Қандай довюрак одам!

Мени нотўғри тушунмаслигингизни сўрайман. Агар одам камбағал бўлса, бу унда Худодан қўрқиш йўқлигини англатадими? Асло йўқ. Ёзувда моддий бойликка эга бўлмаган кўплаб эркак ва аёллар бор. Бу уларни камроқ художўй қилганми? Асло йўқ! Ҳақиқий бойлик пул ва мол-мўлк билан эмас, балки бошқаларга ёрдам бериш қобилиятимиз билан ўлчанади. Мана бизнинг ваъдаимиз:

“Раббийдан қўрқинглар, эй, Унинг муқаддаслари, чунки ким Ундан қўрқса, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Ёш арслонлар қашшоқлашиб, оч қоладилар, Раббийни изловчилар эса ҳеч қандай эзгуликка муҳтож бўлмайдилар” (Сано 33: 10, 11, ЯРТ).

Бу ҳоҳ ибодат, озиқ-овқат, молия, таълим, шогирдчиликни, меҳмондўстликни ёки хизмат қилишни ўргатиш бўлсин, Шоҳлик номи билан бошқа одамларга таъсир кўрсатиш художўй истагидир. Бизнинг Илоҳий мақсадимиз учун зарур бўлган барча нарсага эришиш учун кўп манбаларга эга бўлиш яхшидир. Диёнатли одамлар бунга интилишади, натижада улар шахсий баракани қўлга киритишади. Мағрур, диний ва хасадгўйлар ўз кучларини, нима учун имонлилар камбағал бўлишлари керак деган баҳсларга сарфлайдилар ва Муқаддас Ёзувга асосланмаган эътиқодларга амал қилдилар.

Подшоҳ Сулаймон ўз шоҳлигида халқни Раббийдан қўрқишда бошқариб, таълим берар эди. Ўша пайтда “бутун Яҳудо ва Исроил тинчлик ва хавфсизликда яшар эди. Дандан шимолгача, Беершебагача *ҳар бир оила ўзининг уйи ва боғига* эга эди” (3-Шоҳликлар 4:25, инглизча таржимадан). Яна бизга одамлар “еб-ичиб, шодлангани” айтилган (1-Шоҳликлар 4:20). Тўхтаб, ушбу сўзлар устидан мулоҳаза юритинг: “*ҳар бир оила ўзининг уйи ва боғига* эга эди. Бутун давлатда ҳеч ким ижтимоий нафақага муҳтож эмас эди, ишсизлик ёки қашшоқлик бўлмаган – барчада ҳамма нарса мўл-кўл эди! Раббийдан қўрқиш донолик бериб, унинг таъсири остида бўлганларнинг барчасига фойда келтиради; ушбу ҳолатда гап бу-

тун бир халқ тўғрисида кетмоқда. Бизнинг етакчиларимиз Раббийдан қўрқишда юришганларида эди, нима бўлган бўлар эди?

Хулоса ўрнида шуни айтишимга рухсат беринг, бу Исҳоқ Ривқонинг ба-чадони очилиши учун курашишига тўғри келгандек, ибодатда жанг қилишимиз керак бўлган ваъда эмас. Исо бизга шундай деб ваъда бермоқда: “Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади” (Матто 6:33).

Келинг, кейинги ваъдани кўриб чиқамиз – *шон-шараф*. Ибронийча шон-шараф сўзи бизнинг биринчи оятимизда “кабод” бўлиб, “шон-шараф, шухрат, улуғворлик, бойлик” деган маънони англатади. Биз аввалги бобларнинг бирида Мусо Худодан Ўз шухратини унга кўрсатишини сўраганида, айнан шу сўзни ишлатганини кўрдик. У вазн, обрў-эйтиборни ўз ичига олади, лекин унвон ёки лавозимдан келиб чиқмасдан, аниқроғи феъл-атворга боғлиқдир. Шу йўсинда, биз муқаддас кўрқувнинг яна бир ажойиб афзаллигини топамиз: олижаноблик. У сизни қадр-қимматли ва шон-шарафли одамга айлантиради. Ҳикматлар китоби – ушбу фазилат ҳақида хабар берувчи ягона китоб эмас; саночи Худодан кўрқадиганлар ҳақида гапирганида, худди шу ибронийча сўзни ишлатди: “Улар *таъсир* ва шон-шарафга эга бўладилар” (Сано 111:9, инглизча таржимадан).

Ҳикматлар китобидаги эзгулик қилувчи аёлни кўриб чиқамиз. У ишончли, доно, тиришқоқ, серғайрат, меҳнатсевар, муваффақиятли, бой, меҳрибон, муҳтожларга ёрдам беради ва ночорларни ҳимоя қилади. Баъзан эйтибордан четда қолдиришадиган унинг яна бир ажойиб хусусияти бўлиб, у бизнинг муҳокамамиз учун муҳимдир – у “куч ва қадр-қимматга кийинади” (Ҳикматлар 31:25, ЯРТ). Бошқача айтганда, у шон-шарафни бизнинг кийимимиздан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган кийим сифатида кияди – унинг шон-шарафи унинг ҳузуридаги барчага кўринарли ва сезиларлидир. Унинг охириги фазилати нима?

“Ёқимлилиқ алдамчи ва гўзаллик ўткинчидир, аммо Раббийдан кўрқадиган хотин мақтовга лойиқдир” (Ҳикматлар 31:30, ЯРТ).

Бу муқаддас кўрқув! Мана ажойиб ҳақиқат – ушбу аёлга берилган олижаноблик ва қадр-қиммат Худодан кўрқадиган ҳар қандай эркак ёки аёл учун очиқдир.

Бутун саёҳат қилган йилларим давомида, мен кўплаб таниқли етакчилар ва шахсларни учратдим. Уларнинг кўпчилиги жамиятга улкан таъсир кўрсатишган, лекин улар қурган барча нарсалардан кўра кўпроқ менинг эйтиборимни тортган нарса – бу менинг қадр-қимматга эга

бўлган эркак ва аёлларни учратганимдир. Уларнинг ҳузурида салобат сезилади. Улар ўзларидан нур, севги, шон-шараф ва олижаноблик таратадилар. Уларнинг фарзандлари уларни севишади ва ҳурмат қилишади, ҳамкасб ва дўстларга уларнинг ёнида бўлиш ёқади. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилиги асло жамоат арбоблари эмас. Уларнинг “омад калити” нима? Улар Худодан қўрқадилар!

Бизнинг биринчи оятимиздаги учинчи ваъда – *узоқ ҳаёт* ёки узоқ умр кўришдир. У ҳақиқий бўйсунувчанлик билан чамбарчас боғлиқ. Биз бу ҳақида кейинги бобимизда фикр юритамиз.

═══════════ Буни шахсий қилиб олинг ═══════════

Инжил ояти. “Раббийдан қўрқиш ёвузликдан нафратланишдан иборатдир. <...> Мени севадиганларни мен ҳам севаман, мени излайдиганлар мени топадилар. Бойлик ва шухрат, барқарор тўкинчилик ва узоқ умр кўриш мендадир” (Ҳикматлар 8:13, 17, 18, ЯРТ).

Маъноси. Муқаддас қўрқув ва бўйсунувчанлик бойлик, шон-шараф ва узоқ умрни ваъда қилади. Бойлик пўл ёки мол-мулк миқдори билан эмас, лекин бизнинг бошқаларга ёрдам бериш қобилиятимиз билан ўлчанади. Олижаноблик бизнинг унвонимиз ёки лавозимимизда эмас, лекин бизнинг феъл-атворимизга ўрнатилган.

Фикр юритиш. Мен бойликка ҳақиқий нуқтаи назардан қарайманми? Мен унга ишончсизлик, қўрқув ва очкўзлик туфайли интиламанми? Унга муқаддас қўрқувдан келиб чиққан ҳолда интилиш ва бошқаларга таъсир кўрсатиш учун мўл-кўллик ҳақидаги ваъдага ишониш яхши бўладими? “Қадр-қимматга кийинган бўлиш” мен учун нимани англатади?

Ибодат. Қадрли Ота, Сендан сўрайман, менинг ҳақиқий бўйсунувчанликка ва муқаддас қўрқувга интилишимда бойлик, шон-шараф ва абадий ҳаётни қўлга киритишим ҳақидаги Ўз ваъдангни амалга оширгин. Булар бошқаларга хизмат қилиш бўлган менинг илоҳий мақсадимни амалга ошириш учун зарурдир. Исо номи билан. Омин.

Эътироф этиш. Агар мен муқаддас қўрқув ва ҳақиқий бўйсунувчанликка эргашсам, менга Самовий Отам томонидан бойлик, шон-шараф ва абадий ҳаёт ваъда қилинган.

Идрокли инсон эса
тўғри йўлдан юради.

– ҲИКМАТЛАР 15:21

41 | ЯКУНИЙ БОСҚИЧ

Агар биз ҳаётимизни қандай яхши яқунлаш ҳақида ўйласак, ҳаётимизни қандай яхши яшаб ўтишимиз ҳақидаги саволни тўлиқ равишда муҳокама қила олмаймиз. Биз 18-бобда узоқ умр кўриш мавзусига тўхталиб ўтган эдик, лекин ушбу бобда биз давом эттириб, Раббийдан қўрқиш ва бўйсунувчанлик қандай муҳим ролни ўйнашини кўздан кечирамиз.

“Ҳақиқий бўйсунувчанлик ва Раббийдан қўрқиш – бойлик, шон-шараф ва узоқ умрга олиб боради” (Ҳикматлар 22:4, инглизча таржимадан).

Муқаддас қўрқувнинг ақл бовар қилмас фойдаси – бу узайтирилган кунлардир. Биз Муқаддас Ёзувда шундай деб ўқиймиз: “Раббийнинг қаршисида қўрқиш ҳаёт қўшади” (Ҳикматлар 10:27, ЯРТ). Қандай ажойиб ваъда! Бу бир марта айтилмаган, чунки биз бошқа жойда муқаддас қўрқувнинг донолиги ҳақида, унинг ёрдамида “сенинг кунларинг кўпаяди ва ҳаётингнинг йиллари чўзилади”, деб ёзилганини яна ўқиймиз (Ҳикматлар 9:11, ЯРТ). Бизга нафақат ҳаёт йилларимиз узайтирилиши ҳақидаги ваъда, лекин бизнинг кунларимиз янада самаралироқ бўлиши ҳақидаги ваъда ҳам берилган.

Бунинг яна бир тасдиғини ўнта амрларнинг бирида топиш мумкин. Раббийнинг қаршисида қўрқиш бизни ўз ота-онамизни сўзсиз ҳурмат қилишга ундайди ва биз шундай йўл тутсак, бизга қуйидагича ваъда берилган: “сенга эзгулик бўлсин ва ер юзиде узоқ яшай олгин” (Эфесликларга 6:3). Биз яна нафақат узоқ умр кўрамиз, шунингдек, фойда ҳам топамиз. Бу биз ибодатда сўрашимиз мумкин бўлган ваъдалардир.

Шу билан бирга қуйидагини таъкидлаш жоизки, ҳаёт сифатли бўлмаса, қўшилган йиллардан завқланиш камаяди. Сулаймон ўзининг

умидсизликка тушган йилларида шундай деб ёзган: “Сен ўладиган кун сен туғилган кундан кўра яхшироқдир” (Воиз 7:1, инглизча таржимадан). Кўриниб турибдики, у ушбу сўзларни ёзганида, ҳаётдан завқ олмаган. Ҳаётнинг сифатли бўлишини нима таъминлайди? Ҳақиқий бўйсунувчанлик ва Раббийнинг қаршисида қўрқишдир.

Мен кўп йиллар олдин ибодатда қуйидагини ўқидим:

“Подшоҳ Уззияҳ вафот этган йилда, мен баланд ва юксалган тахтда ўтирган Раббийни кўрдим, Унинг *ридосининг* этаклари бутун маъбадни тўлдириб турар эди” (Ишаъё 6:1).

Ишаъё Раббийни Унинг бутун шўхратида кўрди. Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, у Сарвари Коинотни Унинг тахтида кўрди ва улкан фаришталарни мушоҳада қилди, уларнинг хитобларидан дарвозаларнинг пойдеворлари силкинди. Бунини бошдан кечиргандан сўнг, унинг ҳаёти тубдан ўзгарди.

Мен ушбу ҳикояни ўқиб чиққанимдан сўнг, қичқириб: “Раббий, мана менга нима керак – Исонинг янги ваҳийси керак!” – дедим.

Муқаддас Рух менга юрагимда пичирлаб: “Мен бу оятни бундай бошламадим. Орқага қайтиб, бошқатдан ўқи” – деди.

Мен таажжубда қолдим, лекин барибир У буюрганидек қилдим ва бу сафар “подшоҳ Уззияҳ вафот этган йилда” сўзлари саҳифадан менга учиб чиқди.

Сўнгра мен эшитдим: “Ишаъё яна Мени кўра олишидан аввал Уззияҳ ўлиши керак эди”.

Ўша вақтларда мен Уззияҳ ҳақида кам билар эдим, фақатгина у Исроилдаги ёки Яҳудодаги кўпгина подшоҳлардан бири бўлганини билар эдим. Лекин мен унинг ҳаётини ўргана бошлаганимда, ҳайратланарли далилларни топдим. У Яҳудо подшоҳи деб эълон қилинганда, бор-йўғи ўн олти ёшда бўлган, сўнгра у эллик икки йил ҳукмронлик қилган. (Таққослаш учун: ушбу китоб ёзилаётган пайтда мен сўнги эллик икки йил давомида Қўшма Штатларининг ўн нафар президенти даврида яшадим). Уззияҳ етарли даражада узоқ вақт ҳукмронлик қилган.

Ўн олти ёшида миллионлаб одамлар устидан ҳукмронликни қўлга киритиб, у доно йўл тутди – Худога юз тутди. Биз қуйидагича ўқиймиз: “У Раббий Худони излаган кунларида Худо уни қўллаб-қувватлар эди” (2-Йилномалар 26:5). Қойил! У нақадар муваффақият қозонди! Худонинг донолиги уни ҳайратланарли улуғворликка олиб келди. У иқтисодни мустаҳкамлади, шаҳарларни қайта тиклади, қудратли

қўшинни яратди ва унинг аждодлари томонидан йўқотилган ерларни ўзига қайтарди. Биз қўйдагича ўқиймиз: “Унинг номи олисларга кенг тарқалди, чунки Раббий унга ажойиб ёрдам берди ва у қудратли бўлди” (2-Йилномалар 26:15, инглизча таржимадан).

Бироқ Сулаймон билан бўлган ҳолатдагидек, Раббийдан қўрқиш унинг хазинаси эмас эди. Катта афсус билан давомини ўқиймиз:

“Бироқ у кучга тўлганида, унинг юраги ўзининг ҳалокати учун *мағрурланди*” (2-Йилномалар 26:16).

Қандайдир бир лаҳзада у буларнинг ҳаммаси бошланган бўйсунувчанлик ва муқаддас қўрқувни йўқотди. Муҳим ҳақиқат мана нимада: бу фазилатлар –“эгизаклар” қандайдир бир лаҳзада самарадорликка ички туртки беради, бу ҳатто унга ташаббус берган ва ҳаракатга келтирган фазилатлар йўқолганда ҳам, муваффақият давом этишини билдиради. Биз давомида ўқийдиган нарса ниҳоятда қизиқ:

“У ўз Худоси Раббий қаршисида мунофиқлик қилди, зеро у Раббий маъбадига тутатқи тутатиладиган қурбонгоҳда хушбўй тутатқи тутатиш учун кирди” (2-Йилномалар 26:16).

Муқаддас Рух мендан: “Ўғлим, Уззияхнинг юраги мағрурланганда, у *кўпроқ* руҳий одамга айландими ёки *камроқ*?” – деб сўради. Жавоб кутилмаган бўлишини дарҳол англадим. Мен доимо инсон юрагига мағрурлик кирганида, у камроқ руҳий бўлади деб ҳисоблаганман. Бироқ Уззиях Раббийнинг қаршисида руҳий ишни амалга ошириш учун маъбадга кирди. Агар Муқаддас Рух менга савол бермаганида, мен бунни тушунмаган бўлар эдим.

Мен ҳайратланиб, баланд овозда бидирладим: “У *кўпроқ* руҳий одамга айланди!”

Муқаддас Рух менинг юрагимга шивирлади: “Мағрурлик руҳи ва дин руҳи қўлни қўлга бериб юради ва бир-бирини яшириб, бир-бирини кучайтиради”. Мағрурлик инсонга у диндорга айланганини тан олишига имкон бермайди, дин эса мағрурликни ўзининг руҳий хатти-ҳаракати билан яширади.

Сўнг мен Исо давридаги фарзийлар ҳақида ўйладим. Уззияхга ўхшаб, бу етакчилар эҳтимол, Яхвеҳга нисбатан самимий севги ва муқаддас қўрқув билан бошлашган, лекин қандайдир бир вақтда уларнинг юракларига мағрурлик кирган. Улар Худодан ўзоқлашдилар, бироқ уларнинг руҳий ишлардаги иштироки кучайиб борди.

Рухонийлар Уззияхни фош қилдилар, улар унинг Муқаддас Ёзувга

мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатини эътиборсиз қолдирмадилар. Ҳақиқат билан фош қилинган Уззияҳ руҳонийлардан ғазабланди (бу ҳам бўйсунувчанлик йўқолганлигининг кўрсаткичи). Тўсатдан, унинг пешонасида мохов пайдо бўлди. Бу подшоҳнинг қолган ҳаёти фожеали бўлган; у алоҳида уйда яшашга мажбур эди. Унинг ўғли подшоҳ саройини бошқаришни бошлади, у эса умрининг охири кунларигача мохов бўлиб қолаверди.

Келинг, бунга тор фикрли кишининг нигоҳи билан қараб кўрамиз. Яҳудо ва Исроил аҳолиси учун ягона маълум бўлган ҳақиқат шундан иборатки, уларнинг подшоҳи мохов билан касалланди. Ижтимоий тармоқлар қандай портлаб кетган бўлишини тасаввур қила оласизми? Изоҳлар уларни шундай сўзлар билан тўлдирган бўларди: “Оҳ, йўқ! Бизнинг подшоҳимиз мохов билан касалланди; қандай фожеа!” Одамлардан бирортаси бу касалликнинг ортида нима турганини билмас эди. Лекин Муқаддас Рух бизга ички пардани бироз очди – гап муқаддас қўрқувни ва бўйсунувчанликни йўқотганликдадир.

Мен бунга кўриб, Раббийдан бизнинг кунларимиз ҳақида сўрай бошладим. Мен ҳаётимда кўрган кўплаб етакчилар қулагани туфайли юрагим эзилди. Кўпинча бу никоҳдан ташқари алоқалар, лекин баъзан – ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, очкўзлик, бошқа иллатлар ва номақбул хатти-ҳаракатлардир. Биздан олдин, биз билан бир вақтда ва ҳатто, биздан сўнг хизмат қилишни бошлаган етакчилар қандай қулаганини қайғу билан кузатганман. Уларнинг ҳар бири Исони улуғлашни катта иштиёқ билан бошлашган. Қандай қилиб улар ўзларини шунчалик жуда ёмон тутишлари мумкин? Наҳотки улар, бошқалар ундан ўрناк олаётганликларини кўрмаган бўлишса?

Муқаддас Рух яна менга гапирди: “Ўғлим, бу етакчиларнинг муаммоси гормонларда эмас эди, муаммо мағрурликда эди”. Бизнинг барчамиз мохов уларнинг пешонасида пайдо бўлганининг гувоҳи бўлганмиз – бу уларнинг бегоналар билан алоқаси, иллатлар ёки уларнинг қулашига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатдир. Биз кўрмаган нарса – бу уларнинг муқаддас қўрқуви ва бўйсунувчанлигининг ўрнини эгаллаган мағрурликдир. Бу қандай вақтда содир бўлади – бунга фақат биргина Худо билади. Ҳатто етакчи ҳам билмайди, чунки мағрурлик ўз қурбонини кўр қилиб, унинг аниқ кўришига йўл қўймайди.

Муваффақият яратадиган ички туртки туфайли, биз осонгина бизни ўша ерга олиб келган нарсани: ғайрат билан бўйсунушни ва Худонинг қаршида муқаддас қўрқишни назаримиздан четда қолдиришимиз мумкин. Мана нима учун биз муваффақият даврларида Исонинг: “Чунки Менсиз ҳеч нарса қила олмайсизлар” – деган сўзларини кўз

олдимизда тутишимиз шунчалик муҳимдир (Юҳанно 15:5).

Аслини олганда, Муқаддас Рух ўша куни менга деди: “Жон, мағрурлик қайси даражада ўлса, ўша даражада сенда Исонинг янги ваҳийи бўлади”. Ўзгариш зарурдир ва Исонинг янги ваҳийисиз, биз Унга кўпроқ ўхшаш бўлиш имкониятини қўлдан бой берамиз. Кўпгина эркак ва аёллар яхши тугатмадилар, шунга қарамай, уларнинг барчаси бўйсунувчанлик ва муқаддас қўрқув йўқолганининг муқаррар оқибатларидан қоча олишларига ишондилар. Алданманг – ҳақиқий бўйсунувчанликни, Исога тўлиқ умид қилишни мустаҳкам ушланг ва муқаддас қўрқувни ўз хазинангиз қилинг. Шундай йўл тутинг ва Худо бойлик, шон-шараф ҳамда узоқ умр кўришни ваъда берган.

Буни шахсий қилиб олинг

Инжил ояти. “Менга қулоқ сол ва мен айтганимдек қил, шунда сен узун ва яхши ҳаётга эга бўласан” (Ҳикматлар 4:10, инглизча таржимадан).

Маъноси. Мағрурлик ўладиган даражада, бизда Исонинг янги ваҳийи бўлади. Ҳақиқий бўйсунувчанлик муқаддас қўрқувда яширингандир. Бу биз Исосиз ҳеч нарса қила олмаслигимиз ҳақидаги билимни англатади. Шунинг учун биз тўлиқ ва танҳо Унга қарам бўлишни танлаймиз.

Фикр юритиш. Бўйсунуш менинг ҳаётимда ҳақиқатми? *Мен ҳамма нарсани ўзим қиламан* деган фикрни ушлаб олган соҳаларим борми? Раббий билан маслаҳатлашмасдан, режалар тузаманми? Унинг гувоҳлигига мурожаат қилмасдан, қарорлар қабул қиламанми? Агар, ҳа бўлса, бу ёндашувни қандай ўзгартиришим мумкин? Қай тарзда миннатдорчилик, бир вақтнинг ўзида дадил ва бўйсунувчан бўлишимга ёрдам беради?

Ибодат. Қадрли Ота, Исо номи билан, ҳаётимнинг қуйидаги соҳаларида: (*уларни санаб ўтинг*) мағрурлигим учун мени кечиргин. Мен бу қарамлик ва ўзимни бошқалардан устун деб билганим учун тавба қиламан. Мени Исонинг қони билан тозаллагин. Мен ўзимни Сенинг нигоҳларингга бўйсундираман ва бошқаларни ўзимдан муҳимроқ деб кўришга қарор қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Мен ҳаётимни бошқариш учун бўйсунушни ва Раббийдан қўрқишни танлайман.

Мен чин дилдан тез-тез шундай
ибодат қиламан: “Ё, Раббий,
бутун қитъа бўйлаб ёйиладиган
тавба қилиш ва Худодан
қўрқошнинг қайта тикланишини
юборгин, токи биз нажот топган
бўлиб, Сени иззат-ҳурмат қила
олайлик!”

– А. У. ТОЗЕР

42 | ХАЗИНАНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

(Ўқувчига эслатма. Мактуб муносиб тарзда тугатилиши учун бу боб одатдагидан кўра узунроқ бўлади. Ҳар куни ўқиётганлар учун бу бобни икки қисмга бўлдим: эрталаб ва кечқурун ўқиш учун.)

Эрталабки ўқиш.

Афзалликларнинг қисқача тавсифи

Муқаддас қўрқув берадиган афзалликлар доираси битта китоб учун жуда каттадир. Уларнинг батафсил муҳокамаси бутун жилдларни талаб қилган бўларди. Мен деярли ўттиз йил давомида ўрганиш билан шуғулланаман ва ҳозиргача, Муқаддас Руҳ Ёзувда очадиган нарсалар қаршисида эҳтиромли титроқни бошдан кечиряпман. Шунинг учун, келинг, яна бир нечта ваъдаларни қисқача кўздан кечириш билан ушбу китобни яқунлайлик. Уларнинг ҳар бирини ўзингизнинг кейинги изланишларингиз ва кашфиётларингизга кириш деб ҳисобланг. Ушбу ваъдаларни юрагингизга қабул қилинг. Уларни ҳисобдан чиқаришга ёки юзаки тушунчалар билан қутулишга ҳаракат қилманг. Худого мурожаат қилинг. Худодан қўрқадиганлар учун бу қимматбаҳо тош бўлиб, сиз уларни топиб, маҳкам тутишингиз керак.

“Раббийдан қўрқадиган, Унинг йўлларида юрадиган ҳар бир киши *бахтлидир*. Мана, сен қўлларингнинг меҳнатидан озиқланасан! Сен *бахтлисан, эзгулик* сен биландир!” (Сано бу 127:1, 2).

“Эзгулик” сўзининг илдизи бор-йўғи икки оятда, уч марта

учраётганига эътибор беринг! Худодан ҳақиқатан ҳам қўрқадиган одам бахтиёрликка тўлиб-тошгандир. Бахтиёрликнинг бевосита яққол ифодаланган қирраларидан бири – бу бизнинг меҳнатимиздир. Менинг ҳаётимга таъсир қилган воқеани ҳеч қачон унутмайман. Бу мен 1980-йилнинг бошида, IBM ширкатида муҳандис бўлиб ишлаганимда содир бўлган. Биз ҳамкасбларимиздан бирининг, у ерда ишлаганининг ўттиз саккиз йиллигини нишонладик. Иш кунининг бошида унинг офисида ўн икки нафарга яқин одам тўпланди.

Қайсидир бир вақтда биз табриклаган одам бидирлаб: “Мен бу бинога кирган ўша ўттиз саккиз йилимнинг ҳар бир кунидан нафратланганман” – деди. Қолганлар кулиб, розилик ишораси сифатида бош чайқадилар.

Мен лавозимимда бор-йўғи, бир неча ойдан буён ишлаётган эдим, ёш ва тажрибасиз эдим, лекин энди саросимага тушиб қолган эдим. Мен: “Нега унда сиз буни қилдингиз?” – деб сўрадим.

Унинг юз ифодаси бирдан қувноқликдан жаҳлдорга ўзгарди, у менга ва офисда бўлган барча одамларга ўгирилди ва иржайиб деди: “Жон, буни иш деб қўйибди! Сен озиқ-овқат ва кийим сотиб олишинг учун ишлашинг шарт”. Бошқаларнинг юз ифодасидан улар унинг қарашларига қўшилишларини тушундим. Ширкатда доно одамлар бўлмагани туфайли сўхбатни давом эттиришнинг хожати йўқлигини билардим.

Мен муҳандислик ишини ўрганишимнинг ягона сабаби, катта ҳақ тўланадиган иш тополмасликдан қўрқиш бўлган. Унинг танбеҳи менинг нопок қўрқувимни фош қилди. Ўша куни мен ўттиз саккиз йилдан сўнг, худди шу нарсани айтмоқчи эмасман деб қарор қилдим. Бу қўрқув менинг ҳаётимни бошқармайди, мен Худога ишонаман. Мен шундан буён меҳнатимнинг ҳосилидан роҳатланмоқдаман деб қувонч билан айта оламан ва бу ваъда Худодан қўрқадиганларнинг барчасига берилади.

Саночи давом этди:

“Хотининг хонадонингдаги серҳосил узум токи кабидир!
Ўғилларинг сенинг дастурхонинг атрофида зайтун новдалари кабидир! *Раббийдан қўрқадиган одам шундай дуо қилинади!*”
(Сано 127:3, 4).

Сиз ўз меҳнатингизнинг ҳосилидан роҳатланасиз, сизнинг эрингиз ёки хотинингиз гуллаб-яшнайти, сизнинг тиришқоқ фарзандларингиз эса сиз билан бажонидил вақт ўтказадилар. Жуда ҳам кўпчилик одамларга ушбу парчаларда тасвирланган нарса етишмайди; аслида, бу ерда жамиятимизнинг катта қисмига етишмаётган нарса маълум бўляпти. Жуда кўпчилик одамлар ҳатто, улар яхши пул топсалар

ҳам, ҳаётдан завқ олмайдилар. Улар ўз турмуш ўртоқлари билан келишмайдилар, уларнинг фарзандлари эса оила билан ҳеч қандай умумий нарсага эга бўлишни хоҳламайдилар. Уларнинг оилалари гуллаб-яшнашдан кўра, қуриб қолади, лекин илоҳий умид мавжуд.

Ушбу ваъдада жойлашган умид аниқ ва мутлақо ҳайратланарлидир. Бу умид жамоатга қатнайдиган ёки ҳатто, Исо билан муносабатлари борлигини эътироф этадиганларнинг ҳаммаси учун эмас. Бу ерда тўғридан-тўғри айтилган: “Раббийдан қўрқадиган одам шундай дуо қилинади!”

Ҳурматли ўқувчи, сиз ушбу мактуб бўйича ўз саёҳатингизни деярли якунладингиз. Шунчалик чуқур кириб, сиз Худодан қўрқишга қарор қилдингиз, шу сабабли бу сиз ибодатда сўрашингиз мумкин бўлган ваъдасидир. Муқаддас қўрқувнинг ушбу ваъдалари амалга ошишини кўриш учун Исҳоқдек Худога илтижо қилинг. Бу ваъдалар кўп ойлар давомида бизнинг уйимизда руёбга чиқмаган; улар амалга ошмаслиги мумкин бўлганини кўрсатувчи ишоралар бўлган, лекин биз Худонинг ваъдаларига умид боғладик ва улар учун ибодатда курашдик. Энди улар бизнинг оиламизда кўп йиллардан буён амалга ошмоқда деб айта оламиз.

Худодан қўрқадиганлар ҳақида батафсил айтиб берилган бошқа санага мувожаат қиламиз:

“Раббийдан қўрқадиган ва Унинг амрларини қаттиқ севадиган киши бахтлидир! Унинг уруғи ерда кучли бўлади, тўғри одамларнинг авлоди дуо қилинади” (Сано 111:1, 2).

Биз “бахтли” сўзи муқаддас қўрқув билан боғлиқ эканини яна кўрмоқдамиз. Бахтиёрлик – бу руҳий куч бўлиб, у бахт сингари шароитларга боғлиқ эмас. Бунинг ўрнига бахтиёрлик Худонинг абадий Сўзига асосланган; бу бизнинг кучимиздир. У бизни янада самарадор ва ҳосилдор қилади.

Шунингдек, биз бу оятда муқаддас қўрқув, авлодларимизга кучли таъсир қилишини кўряпмиз. Нафақат биз муваффақиятли бўламиз, бироқ бизнинг авлодларимизга ҳам ҳудди шу нарса ваъда қилинган. Давом этамиз:

“Унинг уйида мол-мулк ва бойликдир, унинг ҳақлиги абадий туради <...> У абадий тебранмайди. Ҳақ одамнинг хотираси мангу яшайди. У ёмон овоздан қўрқмайди. Раббийга умид қилиб, унинг юраги мустаҳкамдир. Унинг юраги мустаҳкам, у душманларига қараганида қўрқмайди” (Сано 111:3, 6-8).

Яқинда мен бир имонли аёл билан суҳбатлашдим ва у бир куни биз бу дунёни тарк этганимизда, бизнинг абадийлигимиз бошланади деб айтди. Мен тезда эътироз билдириб: “Йўқ, бизлардан ким қайтадан туғилган бўлса, улар учун абадийлик аллақачон бошланган” – дедим. Жонимиз учун бизнинг ҳозирги ишимиз абадий давом этади. Бироқ кимда муқаддас қўрқув бўлмаса, улар бундай ваъдага эга бўлмайдилар. Аслида, улар учун ҳаммаси аксинчадир: “Шунингдек, уларнинг севгиси ҳам, уларнинг нафрати ҳам, уларнинг рашклари ҳам энди йўқолган. Улар бошқа қуёш остида қилинаётган бирор ишда улушга абадий эга эмаслар” (Воиз 9:6).

Худодан қўрқадиганлар ёмон хабарлардан ваҳимага тушмайдилар. Ижтимоий тармоқлар, анъанавий оммавий ахборот воситалари ва кўплаб бошқа янгиликлар ва ахборот каналлари зўравонлик қилаётган ҳозирги давримизда, ёмон хабарлар ва ғийбатлар тобора оммалашиб бормоқда. Кўпчилик яқинлашиб келаётган нарсалар қаршисида қўрқувни ҳис қиладилар. Лекин Худодан қўрқувчилар учун даҳшат ҳам, келажак олдида қўрқув ҳам йўқ; улар ўзларига ишончи комил ва қўрқмасдир. Бизга яна шундай деб айтилган:

“Раббийдан қўрқишда мустаҳкам умид бор ва У Ўз ўғилларига паноҳдир” (Ҳикматлар 14:26).

Муқаддас қўрқув ички ишонч билан бирга келади. Бу кўпчилик орзу қиладиган нарса бўлиб, лекин тез орада бу эришиб бўлмайдиган нарсадек кўринганини пайқайдилар. Менинг Техасда жуда ҳурматга эга Жон Хейжи исмли чўпон дўстим бор. У мен учратган барча етакчилар каби Худодан шунчалик кучли қўрқади. 1973-йил унинг хизматига бир одам келди. У қандайдир тарзда Жондан бир неча метр узоқликда турган ва 38-калибрли револвердаги олтига ўқли ўқдонни унга қарата бўшатган. Чўпон Жон ишонч билан туриб, қимирламаган. Олтига ўқларнинг ҳаммаси ёнидан учиб ўтган. Орадан эллик йил ўтиб, ушбу китоб ёзилаётган бир пайтда, у тирик ва Хушхабарни воизлик қилишда давом этмоқда. Бундай вазиятларда кўпчилик одамлар ўзини қўлга олишни йўқотиб, бақирган, ерга ётган ёки пана жойни қидирган бўлар эдилар. Жон жойидан қимирламаган, лекин нигоҳини ишонч билан ўққа қаратган. Бизга айтилган:

“Раббийнинг фариштаси Раббийдан қўрқадиганларни қуршаб олади ва уларни халос қилади” (Сано 33:8).

Фаришталар Худодан қўрқадиганларни ҳимоя қилишга даъват этил-

ган. Сўнги экспертизалар шуни аниқладики, ўқлар чўпон Жоннинг танасининг ўнг ва чап томонидан деярли 6 сантиметр узоқликда учиб ўтган. Отган одам 2 метрдан теккизолмаган! Ҳатто тажрибасиз ўқ отувчи ҳам олти уринишга эга бўлиб, икки метрдан нишонга теккизган бўларди. Ҳеч шубҳа йўқки, Худонинг фариштаси ўқларни чўпондан қайтарган.

Яҳудия подшоҳи Йеҳосафат юраги “Раббийнинг йўлларида юксалган” одам эди (2-Йилномалар 17:6). У ўз ҳукмронлигининг учинчи йилида руҳонийларни улар халққа Худонинг Сўзини ўргатишлари учун ўз мамлакатининг ҳар бир шаҳарларига юборди. Биз шундай деб ўқиймиз:

“Яҳудиянинг атрофида бўлган ернинг барча шоҳликларини Раббийнинг қўрқуви қамради, шунинг учун улар Йеҳосафат билан уруш қилмас эдилар” (2-Йилномалар 17:6).

Муқаддас қўрқувга эга бўлиш – буюк ҳимоядир. Ёқуб Муқаддас Китобдаги яна бир мисол бўлиб, у ўз оиласига Худодан қўрқишни ва бутларни унутишни ўргатган. Улар шундай қилгани заҳоти, биз қуйидагиларни ўқиймиз:

“Шундай қилиб, улар [Шекемдан] сафарга чиқдилар. Уларнинг атрофларидаги шаҳарларни Худонинг даҳшати қоплаб, улар Ёқубнинг ўғилларини таъқиб қилмадилар” (Ибтидо 35:5).

Худонинг қўрқувига содиқ бўлганларга кўп нарса ваъда қилинган. Ушбу сўзларга қаранг:

“Юрагинг гуноҳкорларга ҳасад қилмасин, аксинча, кун бўйи Раббидан қўрқишда бўлсин, чунки бунда *келажак* бор ва сенинг *умидинг* йўқолмайди” (Ҳикматлар 23:17, 18).

Ажратилган иккита сўзга эътибор қаратинг. Биринчидан, умид кам бўлган бизнинг давримизда, кўплаб руҳий етакчилар руҳлантиришга урғу берадилар ва Худонинг Сўзига иккинчи даражали нарса сифатида муносабатда бўладилар. Жиддий тингловчиларни тинчлантириш учун Ёзувдан бир жуфт оятлар келтирилади, аммо асосий эътибор уларни руҳлантирадиган ҳикояларга қаратилади. Гарчи бу ҳикоялар фойда келтириб, ҳар қандай руҳлантирувчи Голливуд фильми каби қисқа муддатга одамларни тўлқинлантурса ҳам, улар муқаддас қўрқув ваъда қилган узоқ муддатли *келажакни* олиб келмайди.

Худодан қўрқиш бизни кўпгина жиҳатларда тақдирлайди: амалга

оширилган истаклар (Сано 144:19 га қаранг), садоқатли дўстлар (Сано 118:63, 74, 79 га қаранг), тананинг шифоланиши (Ҳикматлар 3:7, 8), ўзига хослик (Сано 60:4) ва кўпчилик жуда орзу қиладиган ҳаёт йўналишини белгилаш.

“Унинг жони эзгуликда яшайди, унинг уруғи ерни мерос қилиб олади. Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади” (Сано 24:12, 13).

Нима учун кимдир муқаддас қўрқувни қадрламаслиги ҳеч ақлга сиғмайди! Сиз унинг қадр-қимматини кўришингизни ва уни ўзингизда ушлаб турмасдан, балки подшоҳ Йеҳосафатга ўхшаб унинг таъсири остида бўлган барча одамларни Худодан қўрқишга ўргатишингизни чин дилдан истайман.

Кечги ўқиш.

Муқаддас қўрқувга эга бўлиш

Ўттиз йилдан кўпроқ вақт олдин, Раббий менга Худонинг бу асрдаги сўнги ҳаракати муқаддас қўрқувга урғу бериш бўлишини айтди. Ушбу ўйғонишнинг улкан эзгулиги Муқаддас Китобда келин ҳақидаги ягона таърифнинг амалга ошиши бўлиб, Исо унинг ортидан қайтиб келади. Бу “нуфузли” жамоат эмас, гарчи нуфузлилик адашганларни қўлга киритиш учун муҳимдир. Бу “етакчилик” жамоати эмас, гарчи етакчилик кучли жамоатни қуришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу “жамоавий жамоат” эмас, гарчи жамоа жуда муҳим, чунки одам ёлғиз бўлмаслиги керак. Мана, У ортидан қайтиб келадиган келиннинг ягона таърифи:

“...токи уни муқаддас ва бенуқсон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шухратли жамоат қилиб тақдим этсин” (Эфесликларга 5:27).

Бу муқаддас жамоат! Қадрли ўқувчилар, муқаддаслик Худонинг қўрқувида мукаммаллашар экан, Раббий ҳам сиз ушбу буюк ўйғонишда таъсир манбаларидан бири бўлишингизни самимий истайди. Шунинг учун ўз мунозарамизни “Ўзимизда Муқаддас қўрқувни қандай кўпайтириш мумкин?” деган савол билан якунлашимиз муҳимдир.

Малайзиядаги ҳайратланарли ва ҳаяжонли хизматимизга қайтишимга ижозат беринг. Унинг улўфвор ва қудратли ҳузурини намоеён бўлган вақтда, мен эҳтиромдан титрар ва ичимда шундай деб ўйлардим: “*Жон Бивер, бирорта ҳам нотўғри сўз айтма ва бирорта ҳам нотўғри ҳаракат қилма*”.

Мен бу ҳақида ўйлаб, саҳнада олдинга-орқага юрар эканман, менинг оғзимдан нимадир чиқди, буни айтганимдагина, менинг қулоқларим буни биринчи марта эшитди. Мен бу ҳақида илгари ҳеч қачон ўйламаганман. Мен дадиллик билан шундай дедим: “Бу Раббийдан қўрқиш Рухидир!”

Тўсатдан ақлим равшанлашди. Мен ичимдан ғоят суюндим: *“Мана у, мана у – бу Муқаддас Рухнинг намоён бўлишидан биридир!”*

Мен бу ерда тўғридан-тўғри алоқани кўрмадим, аммо Ёзувда Исо ҳақида бизга қуйидагича айтилган:

“Унинг устида Раббийнинг Рухи – донолик Рухи ва англаш [Рухи], маслаҳат Рухи ва қувват [Рухи], билим Рухи ва Раббийдан қўрқиш [Рухи] бўлади. Раббийдан қўрқиш Унинг қувончи бўлади” (Ишаъё 11:2, 3, ЯРТ).

Муқаддас Рух намоён бўлишини еттита йўлининг рўйхати мавжуд ва Исо уларнинг барчасининг бутун тўлиқлигида юрган, бироқ муқаддас қўрқув Унинг қувончи бўлган. Шу сабабли, қуйидагича савол туғилади: *биз қандай қилиб Раббийдан қўрқиш Рухини олишимиз мумкин?* Исо бизга шундай деб жавоб берди:

“Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни беради” (Луқо 11:13).

Биз буни шунчаки бизнинг Самовий Отамиздан сўрашимиз керак. Аммо бу шунчаки илтимос эмас, балки рад этиб бўлмайдиган қалб фарёдидир. Бевосита бу сўзлардан олдин У бизга айтди:

“Сўранглар ва сизларга берилади. Изланглар ва топасизлар.” (Луқо 11:9).

Бу ерда қатъийлик таъкидланяпти.

Мен Раббийдан қўрқиш ҳақида гапирганимда, чўпон мени тўғрилаган анжуманга, 1994-йилга қайтамыз. Мен эртаси куни тонгда қурилиш майдончасида “Мен нимани нотўғри қилдим?”, деган саволни бериб, ибодат қила бошладим, лекин охирида муқаддас қўрқувга қизғин мурожаат қилдим. Бу рад этиб бўлмайдиган аниқ илтимос эди. Мен ўша вақтда бу лаҳзанинг муҳимлигини англаб етмаган эдим, лекин энди уни ҳаётимдаги энг муҳим ва ўзгартирувчи воқеалардан бири деб биламан. Ҳатто ҳозир ҳам, мен деярли ҳар куни Самовий Отамдан Раббийдан қўрқишнинг Муқаддас

Руҳи билан янгидан тўлдириши ҳақида қизғин сўрайман. Ёзувдан бизнинг мавзумиз учун катта аҳамият касб этадиган яна бир парчани кўздан кечирамиз.

“Ўғлим, агар менинг сўзларимни қабул қилсанг ва амрларимни ўзингда сақласанг, агар доноликка қулоқ тутсанг ва юрагингни мулоҳаза қилишга йўналтирсанг, агар билимни чорласанг ва ақлни чақирсанг, агар уни кумушдек изласанг ва хазинадек қидирсанг, шунда Раббийдан қўрқишни англайсан ва Худо ҳақида билим топасан” (Ҳикматлар 2:1-5).

Бу ерда илтижо эмас, балки йўқолган олмос кўзли никоҳ узукни ёки тилло тақинчоқни қандай излагани каби, муқаддас қўрқувни астойдил излаш билан биргаликдаги фарёд бўлиши керак. Албатта, сиз хазина изловчилар ҳақидаги кўрсатув ёки фильмларни кўргансиз, улар ҳар доим изловчининг мустаҳкам қатъиятли эканлиги ҳиссини ўйғотади. Улар орасида 2004-йилдаги “Миллат хазинаси” (Миллий хазина) номли бадиий фильм ажралиб туради. Унда 1700-йилларда яширинган хазинани излашга, ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган Бенжамин Гейсте исми одам ҳақида ҳикоя қилинади. У ҳатто ўз обрўси ва эркинлигини хавф остига қўйиб бўлсада, уни топиш учун ўзининг бутун вақтини ва кучини бағишлаган. Гарчи у топган нарса қачонлардир йўқ бўлиб кетса ҳам, айнан унинг мустаҳкам қатъиятлилиги бизни руҳлантириши керак.

Агар биз Худонинг Сўзига, Унинг донолигига, Илоҳий маслаҳатга ва муқаддас қўрқувга, худди шундай қатъийлик билан муносабатда бўлсак эди, биз энг дуо-баракали бўлган бўлар эдик. Биз ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган нарса ҳақида фарёд қиламиз, бу эса Раббийнинг хазинасидир. У уни *биздан* эмас, балки *биз учун* яширди. У бизни уни топишга ва биз бунга топганимизда, хурсанд бўлишга ундамоқда. Биз Унинг эзгуликларини олганимизда, У ҳам қувонади.

Мен чин дилдан умид қиламанки, Муқаддас Руҳнинг ёрдами билан ўша кунга тонгда қурилиш майдончасида менда туғилган нарса – Раббийдан қўрқишга қондириб бўлмайдиган очлик, аллақачон сизда ҳам туғилди. Уни сақланг ва худди бу сизнинг асосий бойлигингиздек унга ёпишиб олинг. Бу ҳолатда сиз Худо севадиган нарсани сеvasиз, У нафратланадиган нарсадан нафратланасиз; У учун муҳим бўлган нарса, сиз учун ҳам муҳимга айланади. Сиз одамларни чексиз сеvasиз ва уларни йўқ қилаётган гуноҳдан чуқур нафратланасиз. Сиз дунёни ўз таъсир доирангизда ўзгартирасиз ва бундан бутун абадиятда қувонасиз.

Биз югуришни қандай бошлаганимиз эмас, уни қандай

яқунлаганимиз муҳимлигини ёдда тутинг. Ушбу сўзларнинг тасдиғи сифатида, буюк умид ўйфотувчи иккита парчани келтириш мумкин:

“Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган” (Яҳудо 24-оят).

“Раббимиз Исо Масиҳнинг кунда бенуқсон бўлишингиз учун У сизларни охиригача мустаҳкам қилади” (1-Коринфликларга 1:8).

Яхши яқунлаш – бу яхши ҳаётнинг энг муҳим жиҳатидир ва биз унга эришишимиз учун Худо бизга муқаддас қўрқувни берган. Сизни бу хазина билан таништириш мен учун шараф эди. Илтимос, уни фақат ўзингиз учун қолдирманг, у ҳаммага етади. Бу хабарни атрофингиздагилар билан баҳам кўринг. Агар сиз шундай қилсангиз, биз яқин кунларда камроқ қурбонларни ва кўпроқ соғлом жамоатни кўрамыз.

Келинни Кўёвимизнинг қайтиб келишига тайёрлайдиган муқаддас қўрқувнинг қудратли ўзгартирувчи ҳаракатининг бир қисми бўлиш учун ҳозир ўз танловингизни қилинг. Четдан туриб кузатувчи бўлиб қолманг. Сиз муқаддас қўрқувни қабул қилиб, бизнинг Кўёвимиз билан чуқур яқинликни қўлга киритасиз, сизнинг нажотингиз янада етукроқ бўлади, сиз жуда ҳосилдор бўлиб, абадий меросни яратасиз.

===== Буни шахсий қилиб олинг =====

Инжил ояти. “Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин” (Яҳудо 24, 25-оятлар).

Маъноси. Яхши яқунлаш – яхши ҳаётнинг энг муҳим қисмидир. Худо Ўзининг муқаддас қўрқув инъоми орқали сизни охиригача кучли ва бенуқсон қилиб сақлайди.

Фикр юритиш. Ҳаётимда муқаддас қўрқувни кўпайтириш учун нима қилишим керак? Муқаддас қўрқувга ташнаманми, шунингдек, уни хазина сифатида тинимсиз изляяпманми? Мен унга энг қадрли фазилатлардан бири сифатида ёпишиб оламанми? Уни сақлаш учун мунтазам равишда нима қилишим керак?

Ибодат. Қадрли Ота, мен Сенга фарёд қиламан, мени Раббийнинг Руҳи, донолик Руҳи, англаш Руҳи, маслаҳат Руҳи, куч Руҳи, билим Руҳи ва Раббийдан қўрқиш Руҳи билан тўлдиргин. Масихнинг Кунида мен бенуқсон топилишим учун охиригача мени кучда сақлагин. Исо номи билан ибодат қиламан. Омин.

Эътироф этиш. Раббийдан қўрқиш – менинг хазинамдир.

ХУДОНИНГ УЛУҒВОРЛИГИГА НАЗАР СОЛИШ

Худо бир марта Исроил тарихида Ўз халқининг муқаддас қўрқувини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, қуйидаги саволни берди:

“Сизлар Мени кимга ўхшатасизлар ва ким билан солиштирасизлар?”
(Ишаъё 40:25).

Ушбу саволни номига тилга олиб ўтмасдан, у тўғрисида чуқур ўйлаш зарур бўлган даврни тарихда қидирсангиз, унда бу бугунги замондир. Бугунги кун ва соатда инсониятнинг “улуғворлиги” ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида, ойнаижаҳон ва бошқа платформаларда доимо эфирга узатилмоқда. Қобилиятли спортчилар, голливуднинг чиройли юлдузлари, истеъдодли муסיқачилар, бизнес усталари, харизматик етакчилар ва бошқа аҳамиятли шахсларга тинимсиз мадҳиялар куйланмоқда. Уларни ҳар қанақасига мақтаб кўкларга кўтармоқдалар, гарчи бу беозор бўлиб кўринсада, инсонни бундай тўхтовсиз шарафлаш, бизни Худо шухратининг ҳақиқийлиги ҳақида фикр юритишимиздан чалғитади.

Биз Лиза билан тахминан бундан йигирма беш йил олдин, бизнинг тўрттала ўғилларимизни тарбиялаш жараёнида бу билан тўқнашдик. Ўша вақтларда бундай маълумотлар оқими йўқ эди, чунки бизда иловалар ва ижтимоий тармоқлар бўлмаган. Лекин биз ўша пайтда ҳам ўғилларимиз тажрибали баскетболчи билан жуда қизиқиб

қолишганини пайқадик. Ўша вақтда у Америкадаги энг машҳур спортчи бўлган. Кўпчилик уни илоҳийлик даражасига кўтарди, ҳатто ўн йилдан кейин ҳам унинг шўҳрати сўнмади.

Бизнинг оиламиз Шарқий соҳилда хизмат қилар эди ва биз океан бўйидаги меҳмонхонада тўхтадик. Биз чўмилиш жойида бир неча соат бўлганимиздан сўнг, ҳозиргина хонамизга қайтган эдик. Атлантика океанининг жўш урган тўлқинлари болаларни улоқтирди, айлантирди ва болалар лол қолиб, унинг қудратидан ғоят завқланишди.

Мен уч нафар катта ўғилларим билан гаплашиш учун ўтирдим. Икки томонга суриладиган ойнали очиқ эшикларни кўрсатиб, сўрадим: “Болалар, океан жуда катта, шундай эмасми?”

Улар бир овоздан: “Ҳа, дада” – деб жавоб беришди.

Мен давом этдим: “Сиз фақат бир неча мильни кўряпсиз, лекин аслида океан минглаб мильга чўзилган”.

Иссиқ сочиққа ўраниб олган болалар жавоб беришди: “Ёмон эмас!”

“Бу уммон ҳатто энг каттаси ҳам эмас; Тинч океани деб аталадиган яна бир, каттароқ океан бор. Буларнинг иккаласидан ташқари яна иккита океан бор”.

Ўғилларимиз ҳайратдан индамай бош ирғадилар, биз эса очиқ эшик ортида қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг қудратли шовуллашини тинглашда давом этдик.

Бизнинг сафаримиз чоғида плей-офф НБА ўйинлари қизғин паллада эди. Матбуот, кабелли ойнаижаҳон, бизнинг ўғилларимиз ва уларнинг дўстлари ушбу баскетбол юлдузининг ютуқларини доим муҳокама қилишар эди. Унинг нақадар енгиллик билан бир қўлида бескетбол тўпини ушлаб тура олиши ўғилларимда таассурот қолдирарди. Ўғилларим қайсидир даражада мен ҳозиргина таърифлаб берган сувнинг миқдори қанчалар улкан эканини тушунганларини билган ҳолда, мен сўрадим: “Болалар, биласизми, сиз кўриб турган барча сувни, боз устига, мен ҳозиргина тасвирлаган ҳамма нарсани Худо Ўз ҳовучида ўлчаган?” (Ишаъё 40:12 га қаранг). Уларнинг юзларида чинакам ҳайрат акс этди.

Сўнг мен энг оддий сўзлар билан океаннинг нафақат ҳажми, балки қудрати ҳақида ҳам сўзлаб бердим. Мен ўғилларимизга, агар Нью-Йорк қирғоқларидан бир неча юз миль узоқликдаги Атлантика океанига бир миль кенгликдаги метеорит тушса, бу Американинг бутун шарқий қирғоғи, Кариб денгизи ва жанубий Американинг Атлантика қирғоқларининг катта қисмидаги қурилган бутун шаҳарларни ер юзидан супуриб ташлаш учун етарли бўлган катта тўлқин ҳосил қилишини айтиб бердим. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Бу тўлқин океанни кесиб ўтиб,

Европа ва Африка қирғоқларидаги бир қанча шаҳарларни вайрон қилган бўларди. Бироқ тўлқин Атлантиканинг катта чуқурликлари туфайли шунчалар баланд бўлмаган бўларди. Мен сўрашда давом этдим: “Агар океан сувларининг ҳаммаси инсониятнинг устига тушганда, нима бўларди? Дунё океанларида улкан қудрат мавжуд, лекин Худо шу билан бирга бу сувнинг ҳар бир томчисини Ўз ҳовучида ўлчаган!”

Кейин мен тунги осмонни муҳокама қилишга ўтдим. Бу вақтга келиб, ҳикоя батамом ўзига маҳлиё қилган болалардан сўрадим: “Муқаддас Китобда Худо қанчалик буюклиги ҳақида яна нима дейилганини биласизми?” – “Нима, дада?”

“Унда Худо Ўз қаричи билан Коинотни ўлчаётганини айтилади” (Ишаъё 40:12). Қўлимни уларнинг олдига чўзиб, қарич – бу бош бармоқнинг учидан жимжилоқ бармоқнинг учигача бўлган масофа эканини кўрсатдим.

Ўша кўни ўғилларимдан сўраган нарсамни, ҳозир сизлардан сўрайман: “Коинотнинг ҳажми ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?” Бу бизнинг ақлимизнинг имкониятларидан ташқаридир. Агар биз коинотнинг чексизлигини бир лаҳза ҳис қилишга уринсак, Худонинг улуғворлигини бироз бўлсада англашга яқинлашган бўлишимиз мумкин.

Мен ёзмоқчи бўлган нарсалар бироз техник хусусиятга эга, лекин ўқишда давом этишингизни қатъий илтимос қиламан, чунки мен буни ўғилларимиз учун қай тарзда айтган бўлсам, шундай ҳамма нарсани содда ва аниқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан. Биз бу фактлар устида фикр юритар эканмиз, улар бизда Унинг улуғворлиги қаршисида эҳтиром ҳиссини ўйғотади, чунки бизга шундай дейилган:

“Самолар Худонинг шўхратини эълон қилади” (Сано 18:2).

Олимларнинг фикрига кўра, Коинотда миллиардлаб галактикалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири 100 миллионга яқин юлдузларни ташкил этади. Ушбу галактикаларнинг ўлчами улар орасидаги мавжуд бўшлиқ билан солиштирилганда, жуда кичикдир. Бизнинг Қўёшимиз ана шундай галактикалардан бирида жойлашган. Бизнинг галактикамиз шу қадар улканки, сиз тунги осмонга қараганингизда, бутун Коинотни эмас, балки биз яшаётган фақатгина кичкина (Коинот билан солиштирилганда) галактикани кўрасиз. У Сомон Йўли деб аталади. Агар фикр яна ривожлантирилса, сиз ҳатто бутун Сомон Йўлини эмас, бор йўғи унинг бир қисмини кўрасиз. Чунки бизнинг галактикамиздаги юлдузларнинг аксарияти оддий кўз билан кўра олиш учун ниҳоятда узоқда жойлашган.

Шунинг учун, келинг, фақат ҳар кеча оддий кўзлар билан кўришимиз

мумкин бўлган юлдузлар ҳақида гаплашамиз. Қуёшни ҳисобга олмаганда, бизнинг сайёрамизга яқин бўлган юлдуз, биздан атиги 4,3 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Бу кўпчилик учун деярли ҳеч нимани англатмайди, шунинг учун тушунтираман. Ёруғлик сониясига 186 262 миль тезликда ҳаракат қилади – соатига эмас, *сониясига*. Бу тахминан соатига 670 миллион миль дегани. Бизнинг самолётларимиз тахминан соатига 500 миль тезликда учади. Шундай қилиб, кўриб турганингиздек, бу ҳаддан ортиқ тездир!

Бунинг қанчалик тез эканини тасаввур қилиш учун, келинг, реактив лайнерда қуёшга учиш мумкинлигини фараз қилайлик. Мен уйимдан ер шарининг қарама-қарши томонида жойлашган Осиёга учганимда, менга тахминан йигирма уч соат керак бўлади. Агар мен худди ўша лайнерда Қуёшга тўхтовсиз парвоз қилсам, бу менинг йигирма бир йилимни олган бўларди! Йигирма бир йил олдин қаерда бўлганингиз ҳақида ўйлаб кўринг, сўнгра ўша пайдан бошлаб ҳозирги кунгача бутун вақтни самолётда ўтириб ўтказганингизни тасаввур қилинг (жойингиз дераза олдида бўлганига умид қиламан). Машинани афзал кўрадиганлар учун... Хўш, бунинг иложи йўқ, чунки ёқилғи қуйиш ва дам олиш учун тўхташларни ҳисобга олмаганда, бунга тахминан икки юз йил керак бўларди! Энди, келинг, ёруғлик Ергача учиб келиши учун қанча вақт талаб қилинади?”, деб сўраймиз. Жавоб – атиги 8 дақиқа 20 сония!

Қуёшни қолдириб, яқинроқ юлдузга ўтамиз. Биз биламиз, у Ердан 4,3 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Агар биз Ер, Қуёш ва энг яқин юлдузнинг миқёсли моделини қурганимизда эди, у қўйидаги кўринишга эга бўлган бўларди. Нисбатларда қаралганда, Ер майдаланган қалампир заррачасининг ўлчамигача кичрайиб, Қуёш эса диаметри 20 смдан сал кўпроқ бўлган тўп ўлчамидек бўлар эди. Бундай кўламда Ердан Қуёшгача бўлган масофа деярли йигирма тўрт метрни – футбол майдонининг чорак узунлигини ташкил қилган бўларди. Бироқ, шуни ёдда тутингки, мувофиқ кўламга келтирилган авиалайнер, йигирма тўрт метрлик бу масофани босиб ўтиши учун 21 йилдан кўпроқ вақт керак бўлган бўларди.

Демак, агар бу Ер ва Қуёш модели бўлса, энг яқин юлдуз бизнинг заррачамиздан қандай узоқликдаги масофада жойлашган бўлишини тахмин қила оласизми? Сиз икки километр, икки миль ёки эҳтимол, бир миль деб ўйлагандирсиз? Овора бўласиз! Бизнинг энг яқин юлдузимиз заррачадан тўрт минг миль узоқликдаги масофада жойлашган бўларди! Бу шуни англатадики, агар бизнинг Еримиз-заррача Нью-Йоркка қўйилса, йигирма бир йил давомида учиб бориш керак бўлган Қуёш эса, Нью-Йоркда ундан йигирма тўрт метр узоқликда жойлашган бўлади, бизнинг кўламли моделимиздаги энг

яқин юлдуз эса Лос-Анжелесдан ташқарида, Тинч океанининг минг миль чуқурлигида бўлади! Ушбу энг яқин юлдузга самолётда саёҳат қилиш учун, агар тўхтамасдан ўчилса, тахминан 51 миллиард йил керак бўлар эди! Яъни, 51 000 000 000 йил! Шу билан бирга, бу юздуздан чиқаётган ёруғлик Ергача бор-йўғи 4,3 йилда етиб боради!

Келинг, мавзуни ёритамиз. Сиз тунда оддий кўз билан кўрадиган аксарият юлдузлар юздан минг ёруғлик йилигача биздан узоқликда жойлашган. Бироқ тўрт минг ёруғлик йилигача бўлган масофада оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бир нечта юлдузлар мавжуд (эслатиб ўтамиз, бу ҳатто бизнинг митти галактикамиздаги энг узоқ бўлмаган юздузлар ҳам эмас). Мен ҳатто самолёт ҳеч бўлмаганда бу юлдузлардан бирига етиб бориши учун қанча вақт кетишини ҳисоблашга ҳам уринмайман. Лекин сиз ўйлаб кўринг-а: тунда сиз кўчага чиқиб, 4000 ёруғлик йили узоқликда жойлашган ушбу юлдузлардан бирига қараганингизда, аслида бу юлдузни тахминан, Иброҳим Сорога ўйланган вақтда тарк этган нурга қараётган бўласиз. Бу нур ўша вақтдан буён соатига 670 миллион миль тезликда секинлашмасдан ҳаракат қилган ва эндигина Ерга етиб келган бўларди!

Бу бор-йўғи бизнинг Сомон йўли номли миттигина галактикамиздаги юлдузлар эканини эдда тутинг. Биз ҳатто бошқа миллиардлаб галактикаларга назар ҳам солмадик! Галактикалар орасида жуда катта бўшлиқ борлигини унутманг! Мисол учун, бизда Андромеда деб аталган жуда яқин қўшни галактика бор. Биздан унчага бўлган масофа тахминан 2,3 миллион ёруғлик йилини ташкил этади! Ўйлаб кўринг-а: соатига 670 миллион миль тезлик билан ҳаракатланаётган ёруғлик учун ушбу галактикадан бизнинг Еримизгача етиб келиши учун икки миллион йилдан кўпроқ вақт талаб қилинади! Бу бизнинг энг яқин қўшнимиз. Ахир яна миллиардлаб бошқа галактикалар мавжуд! Биз ҳали идрок этиш имкониятларимиз чегарасидан чиқмадикми?

Яна бир бор эслатиб ўтаман: Ишаъё Худо бу улкан Коинотни ўзининг қаричи билан – бош бармоғидан жимжилоғигача – ўлчаганини таъкидлайди! Боз устига, Сулаймон Худонинг Рухи билан эълон қилди: “Ҳақиқатан ҳам, Худо ерда яшайдими? Сени само ва самоларнинг самоси сиғдира олмайди” (3-Шоҳликлар 8:27). Биз Кимни муҳокама қилаётганимизни ҳеч бўлмаганда бир оз англаб етаяспизми?

Биз ўфилларимизга буларнинг барчаси ҳақида сўзлаб берганимиздан сўнг, улар НБА супер юлдузи мақомига нисбатан тўғри қарашга эга бўлдилар. Улар Яратувчимизнинг улуғворлиги ҳақидаги мулоҳазалардан сўнг, унинг истеъдодлари олдида носоғлом эҳтиромни ортиқ бошдан кечирмадилар.

Лекин, сиз, ўқувчи учун мен яна бироз давом эттирмоқчиман. Бизнинг Самовий Отамиз нафақат ақл бовар қилмас кўлам ва нисбатдаги ажойиб нарсаларни яратди. Шунингдек, ушбу ижодларнинг нозик жиҳатлари Унинг улуғворлигини эълон қилади. Илм-фан бу дунё табиатининг ишлашини ўрганишга йиллар ва жуда катта маблағларни сарфлайди. Лекин у ҳозирча Унинг ижодига сингдирилган ўша доноликнинг кичик бир қисмини очган холос. Ҳали жавобсиз саволлар жуда кўп қолмоқда. Унинг лойиҳалари ва тузилмали элементлари доимгидек завқлантиради.

Ҳаётнинг барча шакллари асосида ҳужайралар ётади. Ҳужайралар – бу инсон организми, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа барча тирик мавжудотларни қурувчи қисмдир. Ўз-ўзича муҳандислик фикрининг мўъжизаси бўлган инсон танаси 100 000 000 000 000 000 га яқин ҳужайрадан иборат (бу сонни англай оласизми?), бу ҳужайралар бири-биридан жуда фарқ қилади. Худо ўз донолигида бу ҳужайраларни муайян вазифаларни бажариш учун белгилаган. Улар аниқ жадвал бўйича ўсади, кўпаяди ва охир-оқибат, ўлади. Гарчи ҳужайраларни оддий кўз билан кўриб бўлмасада, бу одамга маълум бўлган энг кичик заррачалар эмас. Ҳужайралар молекулалар деб аталадиган майда тузилмалардан иборат, молекулалар эса элементлар деб аталадиган янада майдароқ тузилмалардан иборатдир. Элементларнинг ичида эса атомлар деб аталадиган янада майдароқ тузилмалар жойлашган. Атомлар шунчалик кичикки, шу жумланинг охиридаги нуқта уларнинг миллиарддан ортиғини ўз ичига олади. Атом қанчалар кичик бўлмасин, у деярли бутунлай ичи бўшлиқдан иборатдир. Атомнинг қолган қисми протонлар, нейтронлар ва электронлардан ташкил топади. Протонлар ва нейтронлар атомнинг энг марказида жойлашган кичик ва жуда зич ядрога гурӯҳланган. Электронлар деб аталадиган кичик энергия боғламлари ушбу ядро атрофида ёруғлик тезлигида айланади. Бу асосий тузилмавий элементлар бўлиб, улар барча нарсани бирлаштиради.

Шундай қилиб, атом энергияни қаердан олади? Қандай куч унинг энергия зарраларини биргаликда ушлаб туради? Олимлар бунини *электромагнит* ва *ядро* кучлари деб аташади. Бу ҳали ҳам тўлиқ тушунтириб бўлмайдиган нарсани тасвирловчи урф бўлган илмий атамалар холос. Ахир, Худо аллақачон У “ҳамма нарсани Ўз куч-қудратининг сўзи билан” ушлаб турганини айтган (Ибронийларга 1:3). Колосаликларга мактубда (1:17) эса шундай дейилган: “Ҳамма нарса У билан турибди”.

Тўхтаб, бу ҳақида ўйлаб кўринг. Манашу шўҳратли Яратувчини биз Ота деб атаймиз ва Уни ҳатто, Коинот ҳам сиғдира олмайди. У

Коинотни Ўзининг биргина қаричи билан ўлчаши мумкин, лекин шу билан бирга У бизнинг митти сайёрамиз ва унда яшайдиган мавжудотлар ҳақидаги Ўзининг лойиҳасини шу қадар майда тафсилотларигача ўйлаб чиққанки, ҳатто замонавий илм-фан кўп йиллик изланишлардан кейин ҳам, жавоб бера олмайдиган жуда кўп саволлар қолмоқда. Саночи шундай деб ҳайқиргани ажабланарли эмас:

“Мен Сенинг осмонларингга, Сенинг бармоқларингнинг ишига, Сен ўрнатган ойга ва юлдузларга қараганимда, одам недирки, Сен уни эслайсан? – деб ўйлайман. Инсон ўғли недирки, Сен унга ташриф буюрасан?” (Сано 8:4, 5).

Мен шу ерда тугатиш мумкин деб ўйлайман. Агар тахмин қилишим керак бўлганида, саночи эҳтимол, Худонинг тахтини ўраб турувчи улкан фаришталардан бирининг фикрларини ифодалаяпти деб айтган бўлардим. Улар Унинг бепоён улуғворлигининг чексизлиги туфайни муқаддасликни сўрашда давом этадилар. Ушбу мавжудотларнинг ўзлари У улкан коинотни унинг бутун мураккаблигида қандай яратганини кўрган, сўнгра улар одамнинг яратилишини кузатиб, шундай деб ҳайқиришган: “Бу яна нима бўлди? Нима учун Худо ушбу кичик сайёрадаги бу кичик одамчаларга шунчалик эътибор қаратаяпти?”

Ўғилларим мен билан суҳбатдан сўнг, замонамизнинг машҳур одамларининг шуҳратидан ортиқ лаззатланмадилар, улар унга муккасидан кетмадилар. Болалар сайёрамиздаги барча буюк нарсалар, Худойимизнинг улуғворлиги билан солиштирилганда, хиралашишини тушунишди.

Ушбу изоҳ сизга ҳам худди ўша таассуротни қолдирди деб умид қиламан. Худо Ишаъё пайғамбар орқали Ўз халқига: “Сизлар Мени кимга ўхшатасизлар ва ким билан солиштирасизлар?” – деб сўраган савол нуқтаи назаридан ўқиганларингиз устидан мулоҳаза юритинг (Ишаъё 40:25).

Албатта, Унинг мўъжизалари ва донолиги тўғрисида бир нечта китоб ёзиш мумкин. Лекин мен бу ерда ўз олдимга бундай мақсад қўйганим йўқ. Мен Унинг қўлларининг ижоди орқали ҳайрат ва завқланиш ўйғотмоқчиман, зеро улар Унинг улуғвор шуҳратини эълон қиладилар!

ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Худо билан яқин ҳаёт



Худонинг Сўзи, Худо биз билан яқин муносабатларни исташини, қайта ва қайта таъкидламоқда. Биз Унга яқинлашганимизда, Унинг Муқаддас Рухининг ҳузури, биз билишимиз мумкин бўлган энг қувватли, ҳаяжонли ва ўзгартирувчи омил эканини гувоҳи бўламиз. Ҳеч нарса ҳақида, сиз билмаган нарсани иташ қийин. Афсуски, аксарият кишилар, ўрганиб олинган ақлий дин билан чекланиб, Худо билан яқинликни ҳис этишнинг завқини кўздан қочирадилар. Биз Худонинг муқаддаслигини менсимай, Уни қабул қилиш учун ҳаётимизни тозалашсиз, Унинг Рухи билан тўлишишни истаймиз. Бироқ биз Худо билан яқин мулоқот учун яратилганмиз. Коинот Яратувчисининг ақл бовар қилмас ундови, сизни Унга нафақат узоқдан бўлган сўзлар ва маросимларни ижро этиш билан сажда қилишга, балки сиз Унинг юрагини, У эса сизнинг юрагингизни таниб-билишига олиб келадиган, онгли ва яқин бўлган ўзаро муносабатларга чорлайди.

MessengerX.com **X** да топиш мумкин

Х: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНИАТИНГИЗНИ ОШИРИНГ



Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни кузатувчи сифатида ҳис қилгансизми? Эҳтимол, нимадир қилишингиз лозимлигини биласиз, бироқ айнан нима қилиш кераклигини батамом билмайсиз. Бизнинг орамизда кўпчилик ўз ҳаёти орқали катта таъсир кўрсатишни истайди, бироқ йўлингизда қуйидаги саволлар пайдо бўлади:

- Ўз ҳаётимда Худонинг иродасини назардан қочирмаётганимни, қандай билиш мумкин?
- Худо томонидан менга берилган имкониятни охиригача ишлатаётганимга, қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?
- Ҳатто ишончсизлик ва хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам, қандай қилиб қўрқувни енгиш ва олға юриш мумкин?

Бу таъсирли китобда муаллиф Жон Бивер Муқаддас Китобнинг батафсил тадқиқотига асосланади ва сизнинг ўз бурчингиз ҳақида бошқача ўйлашингизга ҳамда бу Худога нима учун муҳимлигини тушунишингизга ёрдам бериш мақсадида, ишончли ҳикояларни ишлатади. Бу китобнинг саҳифаларида, Худодан берилган инъомларни кўпайтиришни ва ўз имкониятингизни ишлатишни ўрганасиз!

MessengerX.com  да топиш мумкин

ЎУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

*Қандай қилиб ушбу унутилган фазилатнинг
қудратини очиш мумкин*



Бирорта ҳам масиҳий Худони чеклашни истамайди, аммо кўпчилигимиз ўта даражада муҳим қоида бўлмиш, Ҳурмат фазилатини эътиборсизликда қолдириб, ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаётимиздаги Унинг ҳаракатини чеклаймиз.

Ҳурмат – аслида бизнинг маданиятимизда унут бўлиб улгурган тушунча ҳисобланади; шундай бўлса-да, бу китобнинг саҳифаларида, ҳурмат ҳаётимиздаги барча соҳаларда Худонинг шоҳлигини ўрнатишини гувоҳи бўлишингиз мумкин.


“Ҳурмат эвазига мукофот” китобида бозори чаққон муаллиф, Жон Бивер, ҳурмат кўрсатиш чорловини қабул қилиб, Худонинг қадрият тизими билан уйғунлашишни бошлашингизни ва У сиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсага эга бўлишингизни очиб бермоқда.

Муқаддас Китобдаги теран ҳақиқатларни, амалиётда намоиш этадиган таъсирли матнларни бирлаштириб, бу китоб унут бўлган фазилатга янги назар ташлашга ёрдам беради ва бундан ҳам муҳимроғи, уни ҳаётингиздаги ҳар битта соҳага олиб келишга уринади.

MessengerX.com **X** да топиш мумкин

X MessengerX

Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл



- 125 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарслиklar, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар.

Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.


MessengerX.com



сайдан юклаб олиш
App Store



га қабул қилиш
Google Play



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

Худодан қўрқиш нимани англатади?

Сиз ўз Яратувчингиз билан янада яқинроқ муносабатларга чанқоқмисиз? У узоқда, ҳатто тутқич бермайдигандек туюладими? Жон Бивер бизни, Худо яқин эканига ишонттиради, лекин, эҳтимол, сизнинг У билан мулоқотингизда жуда ҳам муҳим нарса – Раббийнинг қўрқуви етишмаётгандир.

"Худо қаршисида титраш" китобида, Жон Бивер сизни қўрқув ва титроқ билан ўз нажотини амалга ошириш нимани англатишига янгича назар ташлашга таклиф қилади. Бу кўп жиҳатдан унутилган фазилат – тўлиқ ва самарадор ҳаётга ғайриоддий йўлдр. Сиз муқаддас қўрқув:

- Худо билан яқин муносабатлар учун жуда муҳимлигини;
- Бизни бошқа барча қўрқув ва ташвишлардан халос қилишини;
- Бизнинг ички истак ва ниятларимизни тозалашини;
- Бизни ҳақиқий донолик, тушуниш ва билим сари етаклашини билиб оласиз.

Муқаддас иззат-икром, Худо биз учун тайинлаган ҳаётни очиб беради. Биз ўзимизда фақат ушбу фазилатни ривожлантириб, кўпчиликка эришиб бўлмайдиган бўлиб кўринадиган тинчлик, хавфсизлик ва қувончни қўлга киритамиз. Яратувчимиз қаршисида қўрқувдан ғужанак бўлиб ўтиришнинг ўрнига, сизни ҳаётнинг юқори даражасига кўтарувчи ва сизни абадийга ўзгартирадиган Худонинг қўрқувини қабул қилинг.




ЖОН БИВЕР – Худонинг Сўзига ўзининг дадил, муросасиз ёндашуви билан машҳур бўлган хизматчидир. Шунингдек, у халқаро бозоригр китобларнинг муаллифи ҳисобланади, унинг китоблари миллионлаб нусхаларда сотилган ва 125 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Жон ва унинг рафиқаси Лиза "Мессенжер Интернэшнл" хизматининг асосчилари бўлиб, унинг мақсади бутун дунё бўйлаб, шогирдчиликка тубдан таъсир ўтказиш ва Масихнинг иштиёқли, қатъиятли издошларини тарбиялашдир.



MessengerX

Бепул юклаб олиш ва оқимли видео учун [MessengerX.com](https://messengerx.com) сайтга киринг

Кўпроғини истайсизми?
Сканерланг



Ушбу китоб – муаллиф совғасидир.
Сотиш тақиқланади.